
574

ISSN 2010-5517

Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal



Oktabr – 2019




Эль Греко.
"Гуноҳкор Цент-Питер"

577

Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal



Экз № 1

Жамоатчилик кенгаши:

Сирожиддин САЙИИД
Наим КАРИМОВ
Иброҳим ҒАФУРОВ
Эркин АЪЗАМОВ
Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ
Хуршид ДЎСТМУҲАММАД
Шуҳрат РИЗАЕВ
Комилжон АЛЛАМЖОНОВ
Минҳожиддин МИРЗО
Баҳодир КАРИМОВ
Зуҳриддин ИСОМИДДИНОВ
Муҳиддин ОМОН

МУАССИСЛАР:

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Журнал 1997 йил июндан чика бошлаган

Бош муҳаррир:
Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Амир ФАЙЗУЛЛА
Муҳиддин РАҲИМ
Назира ЖЎРАЕВА
Алимурод ТОЖИЕВ
Алишер ОТАБОЕВ
Даврон РАЖАБ
Жамила АСҚАРОВА
Мафтуна МУҲАММАДАМИНОВА

НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

Алишер НАВОИЙ. Ватаним дайри фанодур *(А.Рустамов шарҳи)*. 3

МУҲАРРИР МИНБАРИ

Халқаро валюта жамғармаси: ким кетди-ю, ким келди? 10

НАСР

А.ЧЕХОВ. Қора роҳиб. Қисса. *(Рус тилидан Ҳумоюн тарж.)*. 19
Ф.ДОСТОЕВСКИЙ. Ака-ука Карамазовлар. Роман.
(Рус тилидан И.Ғафуров тарж.). 46
М.БЕНЕДЕТТИ. Эҳтимол тузатиб бўлмас. Ҳикоя. *(Рус тилидан О.Отахон тарж.)*. ..93
И.А.БУНИН. Арсеньев ҳаёти. Роман. *(Рус тилидан С.Содиқ тарж.)*. 100
А.ҲЮТЧИНСОН. Ҳикоя. *(Инглиз тилидан Д.Отақулова тарж.)*. 140
М.БУЛГАКОВ. Хон алангаси. Ҳикоя. *(Рус тилидан Д.Абдураҳмон тарж.)*. 151

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

Ф.ШИЛЛЕР *(Рус тилидан О.Матчон тарж.)*. 43

АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА

Минҳожиддин МИРЗО. Дорилфунунлардан бири. 167
Музаффар МИРЗО. Навоий ва ҳайъат илми. 187
Нилуфар СУЛТОНОВА. Адабиётда модификация жараёни. 193

БУЮК СИЙМОЛАР

С.РИЗАЕВ. Тоғлар салобати олисдан ҳам кўринади. 180

ТАРИХДА БУ КУН

Д.РАЖАБ. Бир йилда икки совриндор. 197

Муқовамизда. 201
Қомус. 204
Журналнинг русча ва инглизча мухтасар мазмуни. 206



Алишер НАВОИЙ

(1441–1501)

ВАТАНИМ ДАЙРИ ФАНОДУР

Садриддин Айний ўзининг Навоийга бағишланган китобининг “Алишер Навоий ва нафис санъатлар” деган фаслида шундай ёзади: “Навоий мусиқа соҳасида кўзга кўринарли ишлар қилди. Аввало, унинг ўзи мусиқа билан шуғулланиб, бу соҳада мутахассис бўлди. У мусиқа илмини бу илмнинг назария ва амалиётини яхши билган Хожа Юсуф Бурхон деган кишидан ўрганди. У яхши шоир ҳам бўлиб, ўз шеърларини куйга солиб ўқир ва “Исфаҳон” номли бир куй ихтиро қилиб, уни ўзининг бир шеърига басталаган эди.

Алишер ҳаваскор ёшларни ўзи ва бу соҳанинг бошқа мутахассисларига бериб, тарбиялаб етиштирарди. Чунончи, ёшлигида ўзининг мусиқага бўлган қобилиятини кўрсатган машҳур устоз Қулмуҳаммадни аввал Навоийнинг ўзи тарбиялаб, сўнгра мусиқа ҳақида “Аслул-усул” деган асар ёзган Мавлоно Алишоҳга шогирд қилиб бериб, уни бу соҳанинг назарияси ва амалиёти бўйича мутахассис қилиб чиқарди.

Алишернинг шогирдларидан бўлиб, қозилик ҳамда вазирлик мартабаларига эришган Хожа Абдуллоҳ Марворид унинг ёрдами ва раҳбарлигида мусиқадан ихтисос олиб, бу соҳада бир китоб ёзди.

Абдуллоҳ Марворид Навоийнинг:

Дин офати муғбачайи моҳлиқодур,
майхораву бебок
Ким, ишқидин онинг ватаним дайри фанодур,
сармасту яқом чок, –

деб бошланадиган бир мустазодига “Сармасту яқом чок” деган ном билан куй басталайди. Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ”даги муболағалироқ таъбирига кўра, бу ашула ўша вақтларда жуда машҳур бўлган ва куйланмайдиган бирор уй ва бу ашулани эшитганда ёқасини чок қилмайдиган бирор тингловчи бўлмаган. Бу куй Бухорода охирги вақтларга қадар “Машрабхоний” номи билан куйланар эди”.

Қадрли ўқувчи, биз таҳлилларимизнинг ушбу қисмини мана шу мустазодга бағишлаймиз. Аввал “мустазод” нималигини Навоийнинг ўз тилидан билиб олайлик. Шоир ўзининг “Мезон ул-авзон”ида бу ҳақда шундай

дейди: *"Ва яна бу халқ орасида бир суруд бор экандурким, ҳазажи мусаммани ахраби макфуфу маҳзуф вазнида анга байт боғлаб битиб, анинг мисрасидан сўнгра ҳамул баҳрининг икки рукни била адо қилиб, суруд нағоматига рост келтирурлар эрмиш ва ани "мустазод" дерлар эрмиш, андоқким, мустазод:*

Эй ҳусунга зарроти жаҳон ичра тажалли
Мафъувлу мафоийлу мафоийлу фаувлун
мазҳар санга ашё
мафъувлу фаувлун
Сен лутф била кавну макон ичра мувалли
Олам санга мавло».

Хожа Абдуллоҳ Марворид куй басталаган мустазод шундай:

Дин офати бир мугбачайи моҳлиқодур,
майхораву бебок
Ким, ишқидан онинг ватаним дайри фанодур,
сармасту яқом чок.
Ҳам туррасининг дуди вараи белига зуннор
мен кофири ишқи,
Ҳам юзи мажус ўти киби шуълафизодур,
мен ўртанибон пок.
Ул чеҳра фуруги тушубон зор танимга
бир нав қўярким,
Ҳар кимса ани кўрди, соғиндики ёнодур
ўт ичида хошок.
Ҳайвон суйи жонимни олур лаълидин айру
ул журъайи майким,
Тегмиш анга майгун лаби жонимга даводур
не заҳру, не тарёк.
Бу навки ойлар майи васли ҳавасидан
махмур бўлибмен,
Мушкилки ёзилғай бу хумореки мангодур
соғар бўлуб афлок.
Сойилмену мақсудум эрур нақди висолинг
бухл айлама, жон
Ким, барча мазохибдаки ишқ аҳли ародур,
мазмун эрур имсок.
Хажрингда юзи сарғарибон дам ура олмас
бечора Навои,
Гўёки хазон фаслида бебаргу наводур
ул булбули ғамнок.

("Наводур уш- шабоб" девонидан)

Маълум бўлганидек, Навоийнинг ҳаёт вақтида бир анжуманда мазкур мустазод куйга солиб ўқилганда, барча мажлис аҳли ёқасини йиртиб оҳ чекканлигига сабаб бунда теран маъно ва юксак санъат борлигидир. Мустазоднинг биринчи байти шундай ўқилади:

Ди: - но- фа ти- бир - муғ- ба ча-йи : мо-ҳ ли қо- дур
май-хо- ра ву- бе - бок
Ким- иш-қи ди- на: - нинг- ва та - ним - дай - ри фа - но - дур
сар-мас- ту я -қом- чок.

"Муғбача" – муғбола дегани. Муғ аслида, оташпарастларнинг руҳонийсидир. Муғбача муғлар ибодатхонасидаги шогирд бола.

Ўтпарастлар ўтга сиғинганлиги учун уларнинг ибодатхонасида доим ўт ёниб турган. Мана шу ўтга ҳаммадан кўпроқ алоқадор шахс муғбача бўлган. Чунки бу ўтга, биринчидан, амали, яъни, хизмати билан, иккинчидан, ихлоси билан яқин. Болаларнинг юраги фитратан, яъни яратилишдан катталарникига нисбатан тоза бўлади. Катталар ўз ибрат амали ёки суитарбияси билан бузмаган болаларнинг нияти доим яхши бўлади ва улар эзгуликка интилувчан бўладилар. Мана шунга кўра, муғбачанинг ўтга ихлоси ҳам мартабали муғларникига нисбатан тоза бўлиши табиийдир. Ўтнинг ишққа нисбати бор. Мутлақ ишқ борлиқдаги азалию абадий ҳарорат ва жозибадан иборат, нисбий ишқ инсондаги кучли муҳаббат, яъни, етук дўстона муносабат ва олам ёки инсон ҳақиқатини идрок этишга бўлган зўр иштиёқдир.

Боладаги мазкур фитрий ихлоснинг аҳамияти жуда улуғ бўлиб, бунга мутафаккирлар алоҳида эътибор берадилар. Боланинг ихлос билан қилган хизматининг ўзи ҳам, оқибати ҳам буюкдир. Ундан ташқари, ҳақиқат аҳли нуқтаи назаридан хизмат буюргувчидан хизматни адо этувчи устун туради.

Мана шуларни ҳисобга олиб, ҳақиқат шууридан баҳраманд буюк шоир Навоий муғбачани инсоннинг маънавий камоли йўлида ихлос билан хизмат қиладиган ёшларнинг тимсоли сифатида олиб, "муғбача" сўзини рамзий маънода қўллаган. Бунга асос муғбачадаги ихлос ва хизмат. Ихлос ва хизмат ўтга қаратилган. Ўтнинг ишққа нисбати бор. Ишқ эса илм билан биргаликда, баъзан илмсизлик ҳам кишини камолга етказувчи омил ҳисобланади.

Энди муғбачага, яъни камолот йўлида хизмат қилувчи йигитга берилган сифатларга эътибор қаратайлик. Сифатларнинг бири моҳлиқодир. "Моҳлиқо" – ой юзли дегани. Демак, муғбачанинг ранги тоза, юзи нуроний экан. Кишининг маънавий гўзаллиги унинг қиёфасида ҳам акс этади. Сифатлардан яна бири "дин офати" деган сифатдир. "Дин" деганда, биринчи навбатда, муқаддас деб ҳисобланган қонун-қоидалар ва шу қонун-қоидаларга риоя қилиш тушунилади. Дунёда дин кўп. Диннинг моҳиятига юзаки қараб, унга таассуб қилиш ёки уни суиистеъмол қилиш дин намояндалари орасида, ҳатто бир динга оид турли мазҳаб вакиллари ва ундан ҳам ёмонроғи, бир маҳзабга оид кишилар орасида қонли тўқнашувларни келтириб чиқарувчи адоватга сабаб бўлади. Бунга тарихда мисоллар жуда кўп. Мустазоддаги "дин офати"дан мурод кишидаги мазкур диний таассуб ва диний адоватларни йўқотишдир. Ҳақиқий ошиқда бу сиёсий хислатлар бўлмайди. Демак, мазкур муғбачанинг яна бир сифати кишидаги мазкур салбий хислатларни йўқотиш экан. Оташпарастлик ҳам бир дин. Шунга кўра, муғбача дин офати эмас, дин қуввати бўлиши керак эди. Лекин Навоий тазод йўли билан, биринчидан, мисранинг бадиий кучини оширган, иккинчидан "муғбача"нинг шеърда рамзий маънода эканлигини билдирган.

Муғбачага берилган сифатлардан яна бири "майхора"дир. "Майхора" – май ичувчи, майпараст дегани. Бу ердаги майдан мурод мазкур ишқ лаззатидир. Демак, инсоний камолот йўлида хизмат қилувчи йигитга, ҳам унинг эзгу нияти, ҳам холис хизмати, ҳам бу эзгу нияту холис хизмат оқибати унга доим лаззат бағишлаб туради.

Муғбачага берилган охирги сифат "бебок". "Бебок" – қўрқмас дегани. Бунинг мазмуни шуки, мазкур йигит ўзи танлаган ҳақиқат йўлидан, бошига қилич келса ҳам қайтмайди, турли таъналарда, бўҳтон ва айбномалардан ҳамда бу йўлда учрайдиган ҳалокатли қийинчиликлардан қўрқмайди.

Шундай қилиб, Навоийнинг маҳбуби "Дин офати бир муғбачайи моҳлиқодур, майхораву бебок". Мана шундай йигитнинг ишқида шоирнинг ватани дайри фано, ўзи сармаст, ёқаси чок экан.

"Ватан" сўзи бу ерда доимий жой маъносида. "Дайр" сўзининг биринчи маъноси ғайриисломий ибодатхона, иккинчи кўчма маъноси майхонадир. "Дин офати" муғбачага зидлаштирилган бўлса, "дайр" муғбачага уйғунлаштирилган. Агар шу ўринда "майкада", "майхона" сўзларидан бири ишлатилса, у сўз "муғбача" сўзига уйғунлашмас эди. Бу мусаввирнинг бир-бирига мос бўёқларни тополмаганига ўхшаб қоларди. Навоийнинг шу ўринда "дайр" сўзидан фойдаланиши унинг етук санъаткорлигидан нишонадир.

Шоир "дайр" сўзининг биринчи, яъни ибодатхона маъносидан уни "муғбача" сўзига уйғунлаштириш учун фойдаланган бўлса, унинг иккинчи, яъни майхона маъносини "фано сўзини муайянлаштириш, шу билан бирга, бу тушунчани "майхора" ва "сармаст" сифатларига уйғунлаштириш учун қўллаган.

"Фано" сўзининг бу ердаги маъноси маъшуқ хаёлига бутунлай берилиш натижасида ўзини бутунлай унутишдир. Фано майхонага ўхшатилган, шоир бу фано майхонасининг муқимига айланган. Демак, ошиқ Навоий ишқида фано мақомига эришган, яъни ўзининг борлигини сезмайдиган даражага етган ва у ишқ майидан сармаст, бошидан ақлу ҳуши кетган, ёқаси чок, яъни йиртиқ.

Мустазоднинг иккинчи байти шундай ўқилади:

Ҳам-тур-ра си-нинг-ду: -ди ва-раъ- бе-ли га-зун-нор
ман-ко-фи ри-иш-қи
Ҳам- юзз-и ма-жў- су: ти ки-би: шуъ-ла фи-зо-дур
мен-ўр-та ни-бин-пок.

"Турра" деб сочининг жингалакларига айтилади. "Дуд" – тутун дегани. Турра, яъни сочнинг жингалаклари буралиб чиқаётган тутунга ўхшатилган. Турранинг бу ўринда дудга ўхшатилишининг сабаби тутуннинг ва муғбачанинг ўтга муносабати борлигидадир.

"Вараъ"–"бебок"нинг зидди бўлиб, тақводор, яъни ғайришаърий ва ғайрирасмий ишлардан сақловчи деган маънода, "зуннор" эса исломдан ўзга диндаги руҳонийларнинг махсус қора белбоғидир.

Биринчи байтда шоир муғбачани "дин офати" деган эди. Энди бу ерда шуни аниқлаштириб, унга жингалак қорасочининг ўзи ҳам шундай гўзалки, буни кўрган "ваъра", яъни ўзини жуда эҳтиёт қиладиган тақводор киши ҳам исломга зид бўлса-да, уни белига зуннор, яъни муқаддас бир

белбоғ қилиб боғлашга тайёр, мана шунинг учун мени кофирликда айбласалар ҳам унинг ишқидан қайтмайдиган даражага етганман, дейди.

Муғбачадан мурод ҳақиқат ишқи йўлидаги маъшуқ эканлигини ёддан чиқарманг. Диндан чиқиш ва кофир бўлишдан мақсад ҳақиқат ишқи йўлида бебокона, яъни қўрқмасдан, таассуб ва хурофотдан қутулиб, исломнинг моҳиятини англаган ҳолда мақсад сари эркин ҳаракат қилишдир.

"Мажус" деб ўтпарастларга айтилади, баъзан офтобпараст ва ойпарастлар ҳам шу жумлага киритилади. "Мажуз" сўзи форсча "манжғўш" сўзининг арабчалашган шакли деган фикр бор. "Манжғўш" – кичик қулоқ деган маънода.

Оташпарастликнинг асосчиси Зардуштнинг қулоғи кичкина бўлгани учун шу лақаб вужудга келган, дейилади.

"Шуълафизо" – шуъла орттирувчи, яъни кучли шуъла ҳосил қилувчи дегани. Муғбачанинг ўтдай қизил юзи ўтпарастларнинг ўти сингари ловуллаб ёнади.

Навоий яна мавзуни ўт доирасидан ташқари чиқармаслик учун муғбачанинг юзини унга алоқадор бўлган мажуз ўтига ўхшатган ва унинг қизиллигини шуълафизодур, деган. Мана шу ўтга шоир "мен ўртанибон пок", яъни мен бутунлай ёниб тамом бўлдим, дейди. Бу ерда "пок" сўзининг алоҳида аҳамияти бор. Киши ишқ ўтида ёнганда, масалан, олтин ўтда соф ҳолга келтирилганидек, бутун салбий хислатлари гўё куйиб йўқ бўлиб, пок ҳолга келади ва пок маъшуққа эришиш даражасига етади.

Мустазоднинг иккинчи байти шундай ўқилади:

Ул-чеҳ-ра фу-ру:-ги:-ту шу-бон-зо-р та-ним-га
бир-нав-ъ ку-яр-ким,
Ҳар-ким-са а-ни-кўр-ди со-гин-ди-ки-ё-на-дур
ўт-ич-и-да хо-шок.

"Фуруғ"– ёруғлик дегани. "Ул чеҳра фуруғи"дан мурод маъшуқ, яъни муғбача юзидан ёғилиб турган нурдир. "Соғинмоқ" феълининг биринчи маъноси тасаввур қилмоқ, бир нима деб ўйламоқдир. Мазкур байтда "соғинмоқ" ана шу биринчи маъносида қўлланган. Лекин Навоий бу байтда маъшуқ юзидан ёғилиб турган нур менинг ожизу озғин танимга тушиб, уни шундай куйдирдики, буни кўрган киши ўт ичида хошок, яъни чўп ёнаяпти, деб ўйлайди, деган. Маъшуқ юзидаги нур яна ўтга ўхшатилган. Ошиқ жисми чўпга. Бу байтда ҳам мавзу ўт доирасидан четга чиқарилмаган. Маъшуқ чеҳрасининг нуридан ошиқ жисмининг ўтга тушган бир чўпдек куйишини қандай тушуниш керак?

Аслан ягона бўлган мутлақ борлиқ мавжудотда чексиз ва ранг-баранг кўринишларда зуҳур қилади, яъни намоён бўлади. Борлиқ ўзининг энг гўзал юзини инсон чеҳрасида кўрсатган. Шунинг учун етук кишининг чеҳраси Навоий ва унинг эътиқодидаги кишилар учун мутлақ гўзалликкка эришиш воситаси ҳисобланади. Чунки бу чеҳра мутлақ гўзалликнинг кўзгуси бўлиб, уни фақат шу кўзгу орқали идрок қилиш мумкин. Линза орқали жамланиб тушган қуёш нури нарсаларни куйдирганидек, инсон чеҳрасида мутлоқ гўзаллик нурини жамлаб қабул қилиш қобилиятига эришган ошиқнинг жисми ўтда куйган хасдек ўртанади. Яна шуни ҳам назарда тутиш керакки, бу ўринда тан куйиши, нафс балосининг куйиши ва шунинг натижасида кишининг юраги тозаланиб, ахлоқий камол касб этишидир.

Мустазоднинг тўртинчи байти шунда ўқилади:

Ҳай-вон-су-йи-жо-ним-ни о-лур-ла-ли ди-най-ру:
ул-жур-а йи-май-ким,
Тег-миш-а нга-май-гун-ла би-жо-ним-га да-во-дур
не: -заҳ-ру не-тар-ёк.

"Ҳайвон суйи" – тириклик суви дегани ва бундан мурод Хизр ичган сувдир. Навоий мана шу афсонавий ҳаёт сувига ҳақиқат майини қарама-қарши қўяди ва ундан ҳайвон суйи менга умр бағишламайди, балки жонимни олади, дейди. Бунинг заминида теран мазмун бор. Чунки ҳақиқатдан йироқ афсонавий мақсадларга берилиб, шунга етишмай деб, дўсту душманни ажратмасдан, ҳам ўзини ҳам дўстларини, ҳатто авлодини хонавайрон қилганлар бор.

Бинобарин, Навоий ҳушёр кишига хаёлий – ҳаёт суви ҳақиқат эътибори билан оғу эканлигини таъкидлаш мақсадида "ҳайвон суйи жонимни олур" деган. Аммо шу ерда "лаълидин айру", яъни ҳақиқий маъшуқнинг ҳақиқий ҳаёти манбаи бўлган лаби бўлмаган тақдирда, деган шарт ҳам бор. Бунинг маъноси шуки, киши ҳақиқатни мақсад қилиб, доим шуни назарда тутса, афсоналар, ғайри воқеий, хаёлий нарсалар уни тўғри йўлдан оздиролмайди. "Ул журъайи майким, тегмиш анга майгун лаб" дегандаги "журъа" – қултум дегани, "майгун" – май рангли, яъни қизил дегани. "Қизил" маъносида "майгун" сўзини ишлатишдан мақсад лабни майга уйғунлаштиришдир. "Майга теккан майгун лаб" деб ўша лабни ўша майга тегишининг шоирона табиийлигига қизил маъносида "майгун" сўзини қўллаш билан эришилган. "Май" сўзининг ўзи рамзий, ҳақиқат ишқи ва унинг сархушлиги маъносида истеъмол қилинган.

Нима учун шоир ўша қултумни заҳр бўлса ҳам, тарёк бўлса ҳам менинг жонимга даво, дейди? Заҳр бўлса ҳам жоннинг давоси эмас, офати-ку? Гап шундаки, улуғ бир мақсадга интилган киши унинг аччиқ-чучугини тотиши табиий ва унинг аччиғига чидаш керак бўлади. Бугина эмас, Навоийлар фикрича, мақсад йўлидаги аччиқ ҳам чучук деб қабул этилиши керак. Чунки бу аччиқнинг ширин натижаси бор. Лекин натижасиз, муваққат шоирлар ҳақиқат аҳли қошида ҳақиқий аччиқдир.

Мустазоднинг бешинчи байти шундай ўқилади:

Бу-нав-ъ ки-ой-лар-ма йи-вас-линг-ҳа ва-си: – дин
мах-му:-р бў-либ-мен,
Муш-кил-ки ё-зил-ғай-бу ху-мо-ри:-ки ма-нга:-дур
со-ғар-бў лу-баф-лок.

Махмур бўлмоқ – хумори бўлмоқ дегани. Хумор майнинг кайфидан кейин келадиган дард ва майга бўладиган талабдир. Мазкур байтда васл, яъни маъшуққа эришиш майга ўхшатилган ва бу эришишга бўлган кучли талаб хуморга ташбеҳ қилинган.

Шоир, мен шунчалик хумориманки, агар фалакларни соғар, яъни коса қилиб васл майини ичсам ҳам, хуморимнинг ёзилиши қийин, дейди.

Бу байтда афлок соғар бўлса ҳам хуморим ёзилиши қийин деган гапда муболаға борга ўхшайди. Аслида ундай эмас. Чунки бу ерда гап ичиладиган, ейиладиган нарса ҳақида кетаётгани йўқ. Агар ичимлик

бўладиган бўлса, фалакни соғар қилиб эмас, бир челагини ҳам қоринга сиғдириб бўлмайди. Аммо маънавий нарсаларни киши чексиз равишда ўзлаштириши мумкин. Мисол учун илмни оладиган бўлсак, киши уни ҳар қанча ўзлаштирса, унга оғирлик ёки ортиқчалик қилмайди. Аксинча, унинг билимга бўлган иштаҳаси борган сари очилиб боради.

Олим билган сари, ўрганган сари, янги-янги муаммолар кўпайиб боради. Жумбоқларни ҳал қилишга одатланиб қолган донишмандниг маърифатга бўлган хумори ҳам броган сари ортиб боради. Ҳар бир қилинган масала унга кучли бир лаззат бағишлайди.

Маънавий талаб ишқ даражасида бўлса, унинг васли лаззати ва хумори ҳам чексиз даражада бўлади.

Мустазоднинг олтинчи байти шундай ўқилади:

Со-йил-ме ну-мақ-су:-ду ме-рур-нақ-ди ви-со:-линг
бух-лай-ла ма-жо-н
Ким-бар-ча ма-зо:-ҳиб-да ки-иш-қаҳ-ли а-ро:-дур
маз-му:-мэ ру-рим-сок.

“Сойил” – тиланчи, “нақд” – пул, “бухл айламак” – хасислик қилмоқ, “мазмум” – қораланган, “имсок” – торлик қилиш, қурумсоқлик дегани. “Мазоҳиб” – “мазҳаб”нинг кўплиги. Навоий бу байтда ўзини гадога, васлини пулга ўхшатган ва мен сенинг васлингнинг гадосиман, мендан ҳусн бойлигини аяма, агар аясанг, бу иш бой кишининг тиланчига нисбатан хасислик қилганига ўхшайди. Хасислик қилиш эса барча мазҳаблардаги ишқ аҳли қошида қораланади, деган.

Мустазоднинг мақтаси, яъни охирги байти шундай ўқилади:

Ҳаж-ринг-да ю-зи:-сар-га ри-бон-дам-у ра-ол-мас
бе-чо-ра На-во-ий,
Гў-ё:-ки ха-зон-фас-ли фа-бе:-бар-гу на-во-дур
ул-бул-бу ли-ғам-нок.

Яъни, айрилиқ туфайли хазон япроғидек юзи сарғайган Навоий кузда гулидан жудо бўлиб, овози чиқмай қолган ғамгин булбулга ўхшаб индамай қолди, дейди.

Бу байтдаги “бебаргу наво” алоҳида бадиий аҳамиятга молик. “Барг” сўзининг япроқдан ташқари, яна чолғу ва куй маъноси ҳам бор бўлиб маишату ишрат учун керакли бўлган нарсаларни ҳам билдиради. Ундан ташқари, илтифот маъносида ҳам қўлланилади. “Барг”га “наво” бирикиб, “баргу наво” бўлганда, унга яна кучу қудрат ва хонадон ривожи деган тушунчалар ҳам қўшилади. Мазкур байтда бу маъноларнинг ҳаммаси бор. Шу билан бирга, у ҳам булбулга, ҳам Навоийга алоқадор. Яна шуниси ҳам борки, “Навоий” “бенаво” бўлса, “-ий” қолиб, шоирнинг асли (ўзаги) йўқ бўлади. Ҳақиқий инсон вужудининг асоси мақсад навосидан иборат. Васл баҳорида у равнақда, ҳажр хазонида эса тупроқдадир.

Алибек РУСТАМОВ

ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИ: КИМ КЕТДИ-Ю, КИМ КЕЛДИ?

Қозоқ шоири Ўлжас Сулаймонов Куба денгизи қирғоқларида учиб юрган битта чивиннинг заҳри туфайли бус-бутун империя – шўролар салтанати чок-чокидан сўкилиб кетганини ёзиб, ҳаммани ҳайратга солган эди. Бу омонат дунёда шунақа ажабтовур воқеалар ҳам бўлиб туради. Ер юзини узоқ вақт титратиб турган воқеа эътибордан четда қолади, битта очофат чивиннинг ниши эса ҳаммаёқни остин-устун қилиб юборади. Бундай воқеаларнинг сон-саноғи йўқ. Қариб қуюлмаган бир шилқимнинг бир зумлик лаззати боис, неча-неча номдор мамлакатларнинг молия тизимида танглик содир бўлгани, йирик савдо биржаларида баҳолар ўйноқилаб, сармоядорларнинг ўтакасини ёргани-чи. Мана, эшитинг.

Ғарбдаги ҳашаматли меҳмонхоналарнинг бирида ўзига тўқ, филмонанд савлатли, мансабига дунё букилиб таъзим қиладиган меҳмон... кўзлари ўйноқироқ фаррош аёлга тегажоғлик қилади. Икки ўртада, АҚШнинг Оқ уйида Билл ва Моника хоним ўртасида бўлган воқеадай бир нималар содир бўлади. Бор гап шу. Аммо орадан маълум вақт ўтиб, бу шилқимлик номдор меҳмонга ақл бовар қилмас даражада қимматга тушади. Билл Клинтон гапни айлантириб-ўргилтириб лавозимини сақлаб қолган эди, франциялик меҳмон – Париж сиёсий тадқиқотлар институти профессори Доминик Строс-Канн эса бундай қилолмади: фаррош хонимга роса бир ярим миллион доллар товон пули тўлади, дунёнинг бош хазинабони – Халқаро Валюта Жамғармаси ижрочи директорлигидан айрилди, оиласи шаънига доғ тушди. Франциядек улуғ мамлакат Президентлиги учун курашдан четлатилди. Мана сизга, кутилмаган оний лаззатнинг баҳоси.

Халқаро Валюта Жамғармаси 1944 йилнинг июль ойида Нью-Хэмпшир штатининг Бреттон-Вудс шаҳарчасида ўтказилган БМТ конференциясида 44 мамлакат вакиллари томонидан жамғарма мақомида ташкил этилган. Асосий вазифаси валюта-молия соҳасида барқарорликни сақлаш, давлатлараро савдо-сотиқни қўллаш, халқаро ҳисоб-китобларда пул айирбошлаш тизимининг мақсадга мувофиқлигига эришиш, изчил иқтисодий ўсишга кўмаклашиш, қашшоқлик ва ишсизликни камайтиришдан иборат. Таъсисчилар 1930-йиллардаги буюк депрессиянинг такрорланмаслиги, пулнинг кенг кўламда қадрсизланишининг олдини олиш мақсадида шундай қарорга келишган.

Орадан кўп ўтмай, жамғарма Халқаро Валюта Жамғармаси деган масъулиятли номга эга бўлди ва у дунёда иқтисодий барқарорликни сақлаш, валюта-молия тизимида кризис (дефольт) ҳолати юз бермаслиги учун аъзо мамлакатларнинг иқтисодий-молиявий сиёсатини таҳлил қилиш, тавсиялар бериш, одамларнинг турмуш тарзини яхшилаш чора-тадбирларини кўраётган давлатларни моддий рағбатлантиришни зиммасига олди.

Алқисса, шундай нуфузли халқаро ташкилот кутилмаган ишқий можаро туфайли раҳбарсиз қолди ва бу лавозимга яна бир франциялик молиячи Кристин Лагарддан бошқа муносиб номзод топилмади. Чунки бу тиришқоқ, аниқ мақсад йўлида изчил ҳаракат қиладиган сиёсатдон аёл аллақачон ушбу соҳанинг етакчи лидерларидан бирига айланиб улгурган эди.

Кристин Лагарднинг ҳаёт йўли ҳар жиҳатдан ибратга молик. У олий маълумотни Париж университетларида олган. Чикагодаги машҳур "Baker & McKenzie" фирмасида жами 25 йил адвокат бўлиб ишлаган. Ишчан ва изланувчанлиги боис 1999 йили ушбу фирманинг раҳбари лавозимига кўтарилган. Фирма 2004 йили 1 миллиард доллар даромад топган. 2002 йили Европанинг машҳур тадбиркор аёллари рўйхатида бешинчи ўринни эгаллаган. 1995–2002 йиллари халқаро стратегик тадқиқотлар марказида (Center for International & Strategic Studies) таниқли сиёсатдон Збигнев Бжезинский билан бирга комиссиялардан бирига раҳбарлик қилган.

2005 йили ҳукуматнинг расмий таклифига биноан Кристин Францияга қайтади ва сиёсат билан жиддий шуғуллана бошлайди. Иқтисод, молия ва саноат вазирлигини бошқаради. Эришган ютуқларига қарамай, баъзи ҳамкасблари унга беписанд муносабатда бўлишади. Ўша пайтлари ХВЖга бошчилик қилиб турган Доминик Стросс-Кан Кристинни "Лаёқатли аёл эмас, шунчаки чиройли безак, холос", деб таъбини тиррик қилади.

Кристин америкаликларга ўхшаб, фикрини очиқ айтиши, "шартаки"лиги, гапни чўзмаслиги билан бошқалардан ажралиб турган. Мамлакатнинг молия вазири лавозимида ишлаётганида "Бензин қимматлик қилаётган бўлса, французларга велосипедларидан фойдаланишни маслаҳат бераман", деган. Шу гапи учун журналистлар уни бир вақтлар бошини кундага қўйиб қатл этилган қиролича Мария-Антуанеттага қиёслашган. Бу аёл ўз вақтида "Халқда егани нон қолмадими? Ундай бўлса нон ўрнига пирожний ейишсин", деган эди.

Лагард ХВЖ раҳбари сифатида фаолият юритар экан, ёқимтой фаррош туфайли бу лавозимни тарк этишга мажбур бўлган Доминик Стросс-Каннинг ўзига нисбатан киноя гапларини унутиб, "Стросс-Кан пайтида жамғарма фаолиятида ижобий ўзгаришлар юз берди ва у оёққа туриб, яна жаҳон молия тизимига бошчилик қила бошлади", дейишга ўзида журъат топа олди. Айни пайтда, жамғарманинг янги вазифаларини ойдинлаштирди: "Жамғарма жаҳон иқтисодиёти ва молия тизимини барқарорлаштиришда янада фаол бўлиши, адолатли ҳамда мақсадга мувофиқ йўлдан бориши керак. Бунинг учун, энг аввало, тезкор муносабат, дунё иқтисодиётида кечаётган жараёнларни чуқур ўрганиш, молиявий танглик такрорланмаслигига эришиш зарур. Давлатларга кўмаклашишда иқтисодий имкониятга асосланмоқ лозим, чунки аъзо давлатларнинг барчаси кўмак олиш ҳуқуқига эга. ХВЖ маълум бир давлатга тегишли ташкилот эмас. Мен Европа давлатлари лидерлари билан ҳар қандай ҳолатда ҳам очиқчасига гаплашиб олиш, бор гапни борлигича айтиш принципидан қайтмоқчи эмасман. Бугунги мураккаб шароитда ортиқча ҳотамтойликка ўрин йўқ".

Лагарднинг ХВЖга раҳбарлиги мураккаб даврга тўғри келди. Ипотека сиёсатидаги кризис давлат раҳбарлари, молиячилар, банк мутасаддиларининг тинкасини қуритди. Қитъада ишсизлик, ноқонуний миграция кучайди. Бундай пайтда ҳар қандай жамғарма, Лагард хоним таъкидлаганидек, ортиқча ҳотамтойлик қилмайди, кўрпасига қараб оёқ узатади. Давосдаги

анъанавий иқтисодий форумда Германия раҳбари Ангела Меркел Европа давлатларини умумий тангликнинг олдини олиш учун қатъий, мақсадга мувофиқ чоралар кўришга, ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилишга чорлади, аммо Европа стабиллаштириш фондини кенгайтириш ғоясини қувватламади. Унинг фикрича, Европа иттифоқига аъзо давлатлар бюджет маблағларини иложи борича кўпроқ тежашлари керак.

ХВЖ раҳбари Кристин Лагард эса ўз нутқида жамғарма заҳирасини 385 миллиард доллардан бир триллион долларга (!) етказиш таклифини ўртага қўйди. "Давосга мен, кўриб турганингиздек, пул йиғиш учун келганман", деди у бўш сумкачасини намойиш қилиб.

Бошқа бир пайтда бундай таклифни кўпчилик бир овоздан маъқуллаши мумкин эди. Нега деганда, жамғарма заҳираси қанча мўл бўлса, мураккаб ҳолатга тушиб қолган давлатлар (бундай ҳолатга ички ёки ташқи таъсир боис тушиб қолиш ҳеч гап эмас) ундан фойдаланишлари мумкин. Аммо бу гап қулоққа унча хуш келмади, чунки рецессия давом этаётган, эртаиндин унинг янги тўлқини бақувват давлатларнинг ҳам эшигини қоқиши мумкин эди-да.

Яна шу нарса аниққи, молиявий муаммоларни қарз олиш ҳисобига ҳал қилиш мантиқсиз иш. Халқона таъбир билан айтганда, қорни оч одамга балиқ бергандан кўра, уни балиқ тутишга ўргатиш афзал. Қарз олиш осон, аммо уни қўшимчаси билан қайтариш керак бўлади. Катта ёки кичик мамлакатда, эндигина иш бошлаган оддий фермер хўжалигида, оилада – қаерда бўлмасин, даромад ва харажатларнинг мутаносиблиги сақланмаса муаммо келиб чиқади. Иккинчидан, молия-банк тизимида ўрнатилган тартиб-қоидалар жонсиз догма, қотиб қолган қуруқ организм эмас. Улар одамларнинг харид қувватига, даромад ва буромадга қараб ўзгариб туриши керак.

Берлин девори қулаганидан бери дунё бутунлай ўзгариб кетди. Наинки дунё, одамлар, уларнинг касб-кори, турмуш тарзи, фикрлаши ҳам ўзгарди. Бугун чекка бир жойда яшайдиган оддий касб эгаси мамлакатда, шу яқин-атрофда, дунёнинг олис нуқталарида юз бераётган воқеа-ҳодисаларни мушоҳада қилиб, уларга муносабат билдира олади. Бундан англашиладики, мамлакат иқтисодининг оғир юкини бошқалар елкасига ортиб қўйиб, у ёки бу жамғармадан ёрдам сўраб юраверадиган замонлар ўтди. Ҳар ким ўзи экқан ҳосилни ўриши керак. Лагард хоним ХВЖга раҳбарлик қилар экан, шу талабларга имкон борича амал қилишга ҳаракат қилди.

* * *

Инсонлар каби, қитъалар, мамлакатларнинг ҳам тақдири турлича кечади. Халқ "Оққан дарё оқмай қолмас", "Бир обод бўлган жойга омад қуши яна қайтади", дейди. Баъзан акси ҳам бўлади. Ҳаётнинг мураккаблиги шундаки, воқеа-ҳодисалар ривожини аввалдан аниқ режалаштириш, маълум ижтимоий қолипларда ушлаб туриш мумкин эмас. Шиддат билан ўзгараётган дунёнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий талотўплари ҳар қандай пишиқ-пухта режаларни ҳам аёвсиз таҳрир қилади.

Европа неча асрлардан бери истиқомат учун қулай, иқтисодий барқарор, ҳаётнинг не-не синовларига дош берган тарихий макон сифатида одамларни, айниқса, ёшларни ўзига жалб қилиб келди. Дунёнинг

кўплаб мамлакатларидан бу ерга илм олиш, иш топиш, уй-жойли бўлиш, беташвиш умргузаронлик қилиш учун келиш яқин-яқингача одатий ҳол эди. Аммо янги асрнинг дастлабки ўн йиллиги адоғига келиб қитъа ҳаётида кутилмаган воқеалар юз бера бошлади, бир неча йил узлуксиз давом этган молиявий танглик Европанинг асрлар давомида шаклланган барқарор мавқеини пасайтирди, анъаналарига путур етди. Миллатлараро муносабатларда танглик ҳолати юзага келди. Бир кун жанжал чиққан жойдан барака кирк кунга қочади, дейдилар. Дунёнинг бугунги маънавий-ахлоқий ҳолати ўтган асрнинг сўнгги чорагидаги ҳолатдан кескин фарқ қилади. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор.

Ялпи глобаллашув жараёни қитъа ҳаётига, бу ерда яшовчиларнинг турмуш тарзи ва дунёқарашига жиддий таъсир ўтказди. Бу табиий жараён, албатта. Ҳаёт давом этар экан, ҳеч бир соҳа турғун ҳолатда узоқ вақт қолиб кетмайди, илмий-техник тафаккур ривожланади, муаммолар ҳал бўлади, аммо... ҳар бир ҳал этилган муаммо бошқа бир муаммонинг пайдо бўлишига замин ҳам яратади. Буни биргина Германия мисолида ҳам кўриш мумкин. Меркел хоним уларни аъзои бадани титроқдан қақшаса ҳам вазминлик билан ҳал қилмоқда.

Инсоният тарихида эзгу ниятда ихтиро қилинган, аммо реал ҳаётда мутлақо тескари натижа берган (динамитнинг, водород бомбасининг ихтиро қилиниши каби) янгиликлар оз эмас. Бугунги кунда оғир саноатни роботлаштириш борасидаги ютуқлар, таажжубки, бу соҳада узоқ йиллар меҳнат қилиб келаётган, тажрибали ишчи-мутахассисларнинг, ихтирочи-муҳандисларнинг ишсиз, маошсиз қолишларига сабаб бўлмоқда. Йирик саноат комплекслари раҳбарлари иш ҳақини ошириш, меҳнат шароитини яхшилаш ва бошқа шу каби талаблар билан чиқадиган ишчилар ўрнига маош талаб қилмайдиган, топшириқни сўзсиз бажарадиган сунъий роботлардан фойдаланишни афзал кўрмоқдалар. Ишсиз қоладиганларнинг оилалари тақдири мўмай фойдани ўйлаётган иш берувчиларни қизиқтираётгани йўқ.

Илмий-техникавий тафаккур ривожланиб борар экан, мураккаб ҳисоб-китобли замонавий қурилмалар яратишда роботлардан фойдаланиш, шубҳасиз, зарур. Бугунги жаҳоний танглик жараёнларидан хабардор киши бу фикрга қўшилади. Фақат... бу ихтиролар боис, уларни ўйлаб топган, йиллар давомида такомиллаштирган, "тили"ни чиқазган, ақл-ҳушини жойига қўйган инсон зиён кўрмаслиги керак.

Шу ўринда айтиш зарурки, олимлар фақат саноат соҳасида ишлай оладиган роботлар яратиш устидагина эмас, уйда кир ювадиган, болаларга энагалик қиладиган, эрталаб нонушта тайёрлайдиган, уй йиғиштирадиган, коровуллайдиган, дам олмоқчи бўлсангиз, мусиқа чалиб берадиган, муқом қилиб рақсга тушадиган, қироат билан китоб ўқийдиган, қўшиқ куйлайдиган, уқалайдиган, алла айтадиган, йиғлоқи чақалоқларни овутадиган, жинингиз суймайдиган киши қўнғироқ қилса, "йўқлар, бир-икки кун бўлмайдилар" деб жавоб қайтарадиган сунъий ёрдамчилар устида ҳам бош қотиришмоқда. Бу рўйхат эртага, индинга, ундан кейин янада узаяди, роботларнинг янги-янги вазифалари пайдо бўлади: улар такомиллашишда давом этади, ораларидан лойиҳачи муҳандислар, зукко ишбилармонлар, дилкаш суҳбатдошлар, эрталабки наҳор ошга хўжайиннинг ўрнига бориб келадиган ошхўрлар етишиб чиқса-я? Олдиндан бир нима дейиш қийин. Бироқ... Инсоннинг тақдири нима бўлади, инсонгарчилик, имон-эътиқод,

меҳр-оқибатга путур етмайдими? Қисқаси, одам ўз мақомида қоладимийўқми? Наҳотки ўз уйимизда, она бешигимизда ортиқча бўлиб қолсак?

Халқимизда "Эшак семирса эгасини тепади", деган мақол бор. Ғарб мамлакатларида яратилаётган кўплаб бадиий фильмларда сунъий роботлар ўз яратувчиларига қарши бориб, ер юзида тириклик чироғини сўндиришга бел боғлагани ва бунга эришиш остонасига яқинлашаётгани ҳақида ҳикоя қилинади. Бу шунчаки хаёлот эмас. Эртага кеч бўлиб қолиши мумкин. Сунъий интеллект: робот аёл, робот эркак, робот бола, сунъий чарм, сунъий қоплама, сунъий толали кийим-бош, сунъий мева-чева, сунъий тухум, гўшт, сунъий дори-дармон, сунъий урчитиш, сунъий соч, сунъий тиш, сунъий юзкўз, демакки, сунъий табассум, сунъий садоқат... Илмий лабораторияларда оила, эр-хотинлик, ҳомиладорлик масалаларига доир сунъий яратмалар хусусида ҳам жиддий тадқиқотлар ўтказилмоқда. Ҳадемай "Темир хотин" фильмидаги Аломатхоннинг кўплаб дугоналари пайдо бўлади.

Илмий тафаккур яна нималарга қодир? Беш, ўн, йигирма ёки эллик йилдан кейин айни шу йўналишда қандай ихтиролар бўлади? Буни ҳеч ким аниқ айта олмайди. Ўзбекистонда бугун инсон манфаатлари деб номланган янги сиёсат юзага келди, одамлар билан юзма-юз, кўзма-кўз мулоқот қилинаётгани, ҳар бир кишининг фикрига қулоқ тутилаётганида чуқур маъно бор: бугунги шароитда фақат бир мамлакатда эмас, дунё миқёсида асосий эътибор Инсонга қаратилиши, бу йўлдан ҳеч ким чалғимаслиги керак. Европани ларзага солаётган тангликдан англашиладиган маъно шу аслида.

Ушбу тангликнинг илдизлари Ғарб давлатларининг яқин шарқ мамлакатларига нисбатан нохолис, носоғлом сиёсатига бориб тақалади десак, хато қилмаган бўламиз. Тўғри, молиявий таназзул боис завод-фабрикаларда иш ўринлари қисқарди, ижтимоий норозилик кайфияти юзага келди. Кўплар уй-жойи, йиллар давомида тўплаган сармоясини ҳам йўқотди. "Катта йигирмалик"ка аъзо давлатларнинг молия вазирлари тез-тез маслаҳатга тўпланишади, Германия ва Франция раҳбарлари Европа иттифоқини талофатсиз сақлаб қолишга уринишмоқда, аммо натижа юзини кўрсатаётгани йўқ. Буюк Британиянинг бу иттифоқдан чиқиши шусиз ҳам мавҳум чорраҳага яқинлашиб келаётган ташкилотнинг обрўсига путур етказмоқда.

Давос форумларида ҳар йили муҳим бир мавзу ёки янги бир фикр ўртага ташланади. Бундан беш-олти йил аввалги йиғинда "Капитал (моддий бойлик) инсонга хизмат қилишдан узоқлашмоқда, "инсонийлик қиёфасини" йўқотиб, ваҳшийлашмоқда", деган тезис юзага қалқиб чиқди. Бу гапга ҳеч ким эътироз билдирмади. Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Модининг фикрича, протекционизм деган иллат дунёвий тараққиётга тобора катта хавф солмоқда, тарифларнинг ўсишига, дунё мамлакатлари ўртасидаги савдо шартномаларининг тўла бажарилмаслигига, ҳамкорлик келишувлари жараёни тўхтаб қолаётганига, трансчегаравий инвестициялар ҳажмининг пасайиб бораётганига сабаб бўлмоқда. Протекционизм иқлимнинг ўзгариши, халқаро терроризм каби хавфлидир, унга беэътибор қараб бўлмайди, – деди у.

Франция Президенти Макрон "Биз бугун мамлакатимиз фуқароларига хато қилиш, янглишиш ҳуқуқини беришимиз керак, бусиз тараққиётга эришиш қийин", деган, бир қарашда кутилмаган мақсад-муддаони айтди. Бу гап Европа учун янгилик бўлиши мумкин, аммо Ўзбекистон учун эмас:

давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев янгилик излаётган, янги ташаббуслар билан чиқаётган олимлар, тадбиркорларнинг шаштини қайтармаслик, адашганларни четга сурмаслик, аксинча, бундайларга ҳар жиҳатдан кўмак бериш зарурлигини такрор-такрор уқтириб келмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, бугун дунёда мавжуд касбларнинг 20 фоизи бундан атиги 30 йил аввал мутлақо бўлмаган. Бугун Евроҳудудда истиқомат қилаётган аҳолининг ҳар ўндан бири шу ерда эмас, бошқа бир мамлакатда туғилган. Расмий ва норасмий миграция давом этмоқда, бу жараённи таъқиқ йўли, темир панжаралар билан тўхтатишнинг иложи йўқ. Очлик, яланғочлик тинкасини қуритган одамлар ҳар қандай тўсиқдан ўтади, ўзи, оиласи учун энг оғир ва ҳатто таҳқирли шароитларга ҳам дош беради. Ишсиз, тирикчилик манбаисиз қолган ёшлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб этмоқдалар. Жиноятчилик, гиёҳвандлик, одам савдоси, бедаво дардга чалиниш, болаларнинг ўлими эса кўпайиб бораётир. АҚШ Президенти Дональд Трампнинг инаугурация куни сўзлаган нутқидаги мана бу жумлалар, таажжубки, ҳеч кимни ҳайратга солгани йўқ: "Америкаликларга яхши мактаблар, одамлар бехавотир яшайдиган мавзелар, яхши иш жойлари керак. Ўз ҳуқуқини билган одамларнинг талаби шу. Аммо бизда реал ҳаёт бошқача. Камбағаллик мавжуд. Деярли чириб битган заводлар қабртошларни эслатади. Маориф тизимимиз ёшларимизга таълим-тарбия, билим бераётгани йўқ. Жиноятчилик, жиноий гуруҳлар, гиёҳванд моддалар жуда кўпларнинг ҳаётига зомин бўлди, мамлакатни хароб қилди..."

Европага назар ташласак, бу ерда ҳам вокеаларнинг бундай ривожи қизғин паллага кирган. Қитъанинг ички ва ташқи муаммолари ўзига етиб ортади. Йирик сармоядорлар учун (наинки улар, ноҳалол йўллар билан мўмай даромад топадиганлар учун ҳам) узоқ йиллардан бери ишончли "сандиқ" бўлиб келаётган Швейцарияда ошкоралик сиёсати юзага келмоқда. Шу боис мўмай даромадга эга пулдорлар бошқа жойдан "паноҳ" излашлари аниқ. Демакки, сармоя оқимининг янги ирмоқлари пайдо бўлади. Баъзи кузатувчилар Греция иқтисодини фақат янги "Маршалл плани"гина қутқара олади, деган фикрда қатъий туришибди. Ҳукумат масъулиятни зиммасига олиб чора изламоқда. Бундай шароитда иш ташлаш, норозилик намойишлари авж олган қайси мамлакат бўлмасин, унга шунчаки ебкетарга пул берадиган ҳотамтойни топиш мушкул.

Бир неча йилдирки, Европа иттифоқига аъзо мамлакатларнинг вазирлари пул жўнатмалари, акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозлар билан боғлиқ молиявий операциялар, олтин савдосига доир олди-сотти шартномаларни солиққа тортиш масаласини муттасил муҳокама қилишмоқда. Муаммонинг бир қисмини банклар зиммасига юклаш таклифи қўллаб-қувватланаётгани йўқ. Касални даволашдан кўра унинг олдини олиш осон. Бугун дунёнинг умумий манзара-моҳияти шундайки, йирик мамлакатлар уёқда турсин, сафарга отланган оддий пиёда, оила аъзолари ёки уч-тўртта дўст-қадрдон ҳам харажатларнинг аниқ ҳисоб-китобига эга бўлиши керак. Йўлда қандай тўсиқ ва муаммоларга дуч келиши мумкинлиги-ю, улардан беталофат ўтиб олиш тўғрисида аввалдан бош қотириш зарур...

Шу ерда аниқлик киритиб ўтайлик: АҚШ ипотекали кредитлаш тизимидаги тангликдан бошланган инқироз, аслида, кутилмаган воқеа эмас эди. У кредит бериш соҳасидаги ортиқча ҳотамтойлик, банкнинг тўлов қобилиятини ҳисобга олмасликдан келиб чиқди. Бундан бир муддат аввал

ахборот агентликлари дунёнинг айрим йирик корпорациялари муомаладаги қимматли қоғозлари нархини баланд даражада ушлаб туриш учун йиллик ҳисоботларида реал даромадларини атайлаб кўпайтириб ёзганларини маълум қилишди. Ривожланган мамлакатларда сотиш учун бозорга қалбаки акциялар чиққанлиги айтилди. Шу фактларнинг ўзиёқ ғарбда даромад кетидан қувиш жараёни инсон манфаатларидан узоқлашаётганидан далолат беради. Даромад кетидан қувиш, фойда-зиённинг маънавий томонларини фарқламаслик, банклар мисолида айтадиган бўлсак, турли бонуслар ўйлаб топиш, охир-оқибат тузатиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келади.

Яқин ва узоқ ўтмишга назар ташласак, турли даврларда давлатлар ўртасида молиявий иттифоқлар, валюта бирлашмалари тузилганига гувоҳ бўламиз. Бу иш билан евроинтеграциянинг отаси ҳисобланмиш Буюк Карл ва унинг ўғли замонида ҳам, собиқ Чехословакиянинг тинч йўл билан иккига бўлиниши пайтида ҳам шуғулланишган. Яхши ниятда ҳамкор бўлишнинг зиён ери йўқ. Аммо бугунги Европанинг ижтимоий-маънавий ҳолати мисолида айтадиган бўлсак, иқтисодий салоҳияти, миллий ўзига хослиги, меҳнатга муносабати, миллий менталитети ва янада муҳими – жамият ҳаётида юзага келган ёки келиши мумкин бўлган муаммоларга нисбатан қарашлари турлича бўлган мамлакатларни ягона молия тизимида ушлаб туриш иложсиз бир иш. Бу ҳолатни турли ташхисли беморларни бир хил дори-дармон билан даволаш ҳаракатига ўхшатиш мумкин. Ижтимоий-маънавий ҳаёти бир-биридан кескин фарқ қилувчи мамлакатларни умумий бошқариш қийин. Дардга қараб даво. Бош оғриғини оёққа суриладиган малҳам билан тузатиб бўлмайди. Берлинда, Парижда ва, албатта, Лондонда буни яхши тушуниб туришибди.

Буюк Британиянинг евроҳудуддан чиқиши амалга ошганидан кейин ҳам, бунга энди ҳеч кимда шубҳа қолгани йўқ, Лондон бу иттифоқ билан ҳамкорлик қилади. Негаки, тарихан, жуғрофий жиҳатдан бир-бирига туташиб кетган мамлакатларнинг сиёсий принциплар боис бир-бирларидан узоқлашиши, бозор ҳудуди ва йўлларини бўлиб олишлари қийин, аниқроғи, мантиққа зид нарса. Биргина виски ичимлигини экспорт қилишнинг ўзидан йилига уч миллиард доллар даромад топадиган, миллий туйғулари уйғонаётган Шотландияда бирлашган қироллик таркибидан чиқиш иштиёқи сўнганича йўқ. Бундай ҳаракатлар қитъанинг бошқа мамлакатларида ҳам у ёки бу даражада мавжуд. Бундан кўринадики, дунёда капитал ҳукмронлиги, иқтисодий манфаатларнинг маънавиятдан, инсоний қадр-қимматдан, асрлар давомида шаклланиб келган анъаналардан устуворлиги сақланиб қолар экан, ижтимоий муаммолар ёмғирдан кейинги қўзиқориндек потиллаб чиқаверади.

Ечим қаерда? Давос анжуманида тилга олинган "капиталнинг маънавий қиёфаси" деган ибора бу борада наинки Европа учун, бошқа қитъалар учун ҳам нажоткор бўлиши мумкин. Фукусима фожиаси чоғида японлар ўзларини қандай тутгани, анча йиллар аввал Жанубий Корея давлати мураккаб дефолт ҳолатидан халқнинг юксак маънавияти, ҳамжиҳатлиги, миллий ғурури ва фидойилигига таяниб, оғир жароҳатларсиз чиқиб олгани фикримизга далил бўла олади. Демак, ҳар қандай оғир, мураккаб муаммонинг, жумладан, иқтисодий таназзулнинг ҳам ечими маънавиятда. Бир эл бўлиб қовушган, бир йўлни танлаган, бир мақсад сари интилган, борини асраб, йўғини яратиб, сабр-бардош билан яшашга ўрганган халқ энг оғир дамларда

ҳам шошиб қолмайди, йўлини йўқотмайди. Маънавият тарғиботчилари, ижодкор зиёлилар бугунги ёш авлодга ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охири – тўқсонинчи йиллари бошида халқимиз ўз бошидан қандай мураккаб ҳолатни кечиргани, истиқлолимизнинг дастлабки ютуқлари қандай ички ва ташқи хуружлар, сиёсий фитна-найрангларни енгиш, сабр ва бардош, ёруғ кунларга ишонч ҳисобига қўлга киритилгани хусусида, Президент Шавкат Мирзиёевнинг янги халқчил йўли, янги ҳаракат стратегияси тўғрисида янада кўпроқ, таъсирчанроқ сўзлаб беришлари керак.

Инсоният янги асрга эзгу ниятлар билан қадам қўйганди. Йигирманчи асрнинг талотўплари, қирғинбарот урушлари, тинчлик, аҳил-иноқликка рахна солувчи хатти-ҳаракатлар тарихга айланаётган юз йилликда қолиб кетади, башарият ҳаётида янги саҳифа очилади, деб умид қилганди. Таассуфки бундай бўлмади, шахсий манфаатлар кураши, сиёсий, иқтисодий талотўплар, маънавий-ахлоқий бузғунчилик, қўпорувчилик, қонли можароларнинг келиб чиқиши янада кучайди. Бундай шароитда ўз тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир миллат аҳил ва бирдамлигини сақлаб қолиши, миллий манфаатлари йўлида қатъият билан туриши, масъулият ва ҳушёрлигини йўқотмаслиги талаб этилади. "Миллий тикланишдан – миллий юксалишга" шиори остида қураётган янги эркин жамиятимизнинг жадал бўй чўзаётгани, давлат-жамият-шахс муносабатлари янгича шаклланаётгани, жамият аъзоларининг ҳуқуқ ва эркинлиги қонун билан таъминланаётгани, ёшларнинг ижтимоий фаоллиги, ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқ ва бурч туйғусининг ўсиши, чиндан ҳам, ютуқ ҳисобланади.

Мамлакатимизда кечаётган бугунги умидбахш жараёнларни кузатаётган хорижий мутахассислар, давлат ва жамоат арбоблари уларнинг барчаси инсон манфаатлари билан уйғунлигини эътироф этмоқдалар. Ҳамма нарса инсоннинг бу ёруғ оламда ўз ҳаётидан рози, меҳнати самараларидан баҳраманд бўлиб, азиз фарзандларининг камолини кўриб яшаши, оилавий, сулолавий қадриятларга садоқати учун қилинмоқда. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг яхши қўшничилик, аҳил-иноқлик, бағрикенглик, кўнгли очиқлик сиёсати ва бу янги йўлнинг дастлабки натижалари кўп масалаларда бир-бирларини тушуна олмаётган Европанинг ҳавасини келтирмоқда десак, муболаға бўлмас. Ўзбекистоннинг бу ибрати улуғ шоирларимиз ёзганларидек, дунё асли битта, аммо у иллат излаганнинг кўзига иллат, ҳадик излаганнинг кўзига ҳадик, ҳикмат излаганнинг кўзига ҳикмат бўлиб кўринади. Халқ билан мулоқот мамлакат ҳаётида ошкоралик ва ижтимоий адолат принципларига асосланган янги маънавий муҳитни юзага келтирди: биз бугун одамларни тингламоқдамиз, ён-қўшнилар билан дўстлик, ҳамкорлик, ижтимоий шериклик алоқалари йўлга қўйилмоқда. Уларни эшитаяпмиз, қўшнилар ҳам бизни эшитишмоқда. Маслаҳатли тўй тарқамас деганларидек, йиллар давомида тўпланиб қолган, занг босган муаммолар ҳар икки томоннинг миллий, ижтимоий манфаатларига мос равишда, ўзаро ҳурмат-эҳтиром билан ҳал этилмоқда.

Ўзбекистоннинг Халқаро Валюта Жамғармаси билан алоқалари кейинги йилларда жадал ва тизимли тус олди. Жамғарма комплекс иқтисодий ва таркибий янгиланишларни амалга оширар экан, Ўзбекистонда иқтисодий сиёсатга доир, жумладан, аҳоли турмуш даражасини изчил ва босқичма-босқич яхшилашга хизмат қиладиган аниқ чораларни қўллаб-қувватлади, мустақил таҳлиллар асосида мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиш суръат-

лари ҳолатини ижобий баҳолади. Ялпи ички маҳсулотининг ўсиши жорий йилда 5,5 фоиз, кейинчалик 6 фоизга етиши кутилаётгани жамғарма экспертларининг фикрича, мамлакатимизда Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилаётган ислоҳотларнинг илк босқичи муваффақиятли амалга ошгани, чунончи, валюта муомаласи либераллаштирилгани, солиқ тизими жиддий ислоҳ қилингани, давлат статистикаси тизими тубдан яхшиланган катта ютуқ ҳисобланади. Айтиш зарурки, жамғарманинг техник кўмаги туфайли мамлакатимизда янги солиқ сиёсати ва маъмуриятчилиги концепцияси ишлаб чиқилди, "Марказий банк ва валютани тартибга солиш тўғрисида" қонуннинг янги таҳрири лойиҳасини тайёрлашда жамғарма экспертларининг тавсиялари эътиборга олинди. Пул-кредит сиёсати, банк тизими, солиқ-бюджет сиёсати, тўлов балансини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш соҳаларида ҳамкорлик алоқалари давом этмоқда. Кристин Лагард Ўзбекистонда бўлганида мамлакатимиздаги бу ўзгаришларни юқори баҳолади.

Шу йилнинг 2 июли куни Европа иттифоқи саммити Кристин Лагард номзодини Европа Марказий банки раҳбари лавозимига кўрсатди. Унинг ХВЖдаги ўрнига Болгария фуқароси, 66 ёшли Кристалина Георгиева келди.

Кристалина Лондон иқтисодиёт мактабида таълим олган, Софиядаги миллий ва жаҳон иқтисодиёти университети профессори, болгар тилида чоп этилган микроэкономика дарслигининг муаллифи. Кўп йиллар давомида Жаҳон банкида Европа ва Марказий Осиё ҳудудида экологик муаммолар, ушбу ташкилотни корпоратив бошқаришни ислоҳ қилиш масалалари билан шуғулланган. Жозе Мануэл Баррозудан кейин Европа иттифоқининг халқаро ҳамкорлик, гуманитар ёрдам ва кризис ҳолатларининг олдини олиш комиссиясида ишлаган. Ушбу ташкилот бюджетини уч бора ошишига ҳисса қўшган.

ХВЖ раҳбарлигидан Кристин кетди, Кристалина келди. Бу ўзгариш қандай натижаларга олиб келишини вақт кўрсатади.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

NASR



Антон ЧЕХОВ

(1860–1904)

ҚОРА РОҲИБ

Қисса

Рус тилидан
ҲУМОЮН
таржимаси

I

Магистр Андрей Васильич Коврин, ўта толиқиб кетганидан асаб дардига чалинди. У даволанишга бормади. Аммо бир куни вино олишга кетаётганида, шифокор ошнасини учратиб қолди. Дўсти унга баҳор-ёзни қишлоқда ўтказишни маслаҳат берди. Дарвоқе, Таня Песоцкая ҳам узундан-узоқ хат ёзиб, Борисовкага таклиф қилибди – меҳмон бўлиб келинг, дебди. Чиндан ҳам фурсат етиб қолибди, шекилли, бир айланиб келишга аҳд қилди.

Аввало – бу апрель ойида бўлганди – она юртига, ўзи туғилиб ўсган Ковринкага бориб, роса уч ҳафта ёлғиз яшади; йўллар селгигунча сабр қилиб, кейин собиқ васийси ҳамда устози, Россияда донғи чиққан боғбон Песоцкийникига от аравада жўнади. Ковринкадан Песоцкийлар турадиган Борисовкагача етмиш чақиримдан кўпмас дейишади, баҳорнинг ҳузурбахш қуёшида юмшоқ фойтунда юриш ҳақиқатан дилга ором бахш этди. Песоцкийлар ҳовлиси сувоғи кўчиб тушган баҳайбат устунлари, шерлар ҳайкали-ю дарвоза ёнидаги фрак кийган дарбонлари билан жуда маҳобатли кўринарди. Одми, аммо ваҳимали, инглиз русумида бунёд этилган эски боғ уйдан то дарёгача салкам бир чақиримга ёйилиб, юнг босган панжасимон илдизи ер юзига бўртиб чиққан қарағайлар қоплаган гилтупроқ нишаб қирғоққа бориб тақалади; пастда оқаётган дарё хилватида тўлқинлар жимирлаб, балиқчи қушларнинг юракни эзадиган чийиллаши эшитилади, бу гўшада завқ-шавққа тўлиб, дабдурустдан баллада ёзиб ташлагинг келади. Аммо уйнинг ёнгинасидаги ташқи ҳовлининг кўчат етиштириладиган қисми билан ўттиз ботмонча ерни эгаллаган мевазорда ҳаво айниган дамларда ҳам одамнинг кўнгли ёзилиб, димоғи чоғ бўлади. Нилуфар, камелия каби ғаройиб гулларни, турфа рангин, оқдан тортиб қоп-қора тусдаги ажабтовур лолаларгача, умуман, Песоцкий боғидагидай ранг-баранг чаманзорни бошқа бир ерда кўриш Ковринга насиб этмаган.

Навбаҳор палласи чунонам барқ уриб очилган гуллар ҳозирча иссиқхонага яширинган бўлса-да, хиёбон бўйлаб очилиб ётган ёки у ёқ-бу ёқдаги тегара гулзорларнинг ўзи ҳам боғ оралаб, ўзингни нафис ранглар салтанатида юргандай ҳис этишинг учун етиб-ортади, айниқса, ҳар япроқда шудринг товланган тонгларда. Боғнинг, Песоцкий назарга илмайдиган манзарали дарахтлар экилган тарафи Ковринга қачонлардир, олис болалик дунёсида қолган эртакларни эслатади. Бу гўшада табиатга қаратилган минг турфа таҳқир, бемаъни қилғиликлар бежамасининг ҳар туридан бор! Бунда мевали дарахтлар бутаб ясалган панжаралар, эҳромсимон, терак шаклидаги нок, жўка; юмалоқ, шарсимон эман; олма дарахтидан соябон, равоқ, ванзель, қандил ва ҳатто, олхўри новдаларини кесиб, 1862 – Песоцкий илк бор боғбонликка қўл урган сана ёзилган. Бу ерда хурмо сингари танаси текис, чиройли, хушбичим дарахтга кўзинг тушса, яқинроқ бориб, синчиклаб қарасанг, қорағат ёки крижовник бўлиб чиқади. Барчасидан кўра, боғни яшнатиб, унга қайноқ ҳаёт нафаси бахш этиб турган ҳодиса, бу – тиним билмас ҳаракат. Тонг саҳардан қоронғу тунгача замбилғалтак, белкурак, челак тутган одамлар дарахт-у кўчатлар тагида чумолидай ғимирлайди...

Коврин Песоцкийлар уйига кеч соат ўнларда етиб келди. Таня билан отаси Егор Семёнич ғам-ташвишга кўмилган бир аҳволда эди. Юлдузлар чарақлаган очиқ осмон ҳам, ҳарорат ўлчагич ҳам саҳарда аёз тушишидан дарак берарди, устига-устак, боғбон Иван Карлич ҳам шаҳарга тушиб кетибди, ундан бошқа бировга ишонч йўқ. Кечки овқат устида фақат саҳарда тушадиган қиров ҳақида гап кетди ва ниҳоят, Таня ухламай, кечаси соат бирга борганда боғни айланиб, ҳаммаси жойидами-йўқми, кўриб чиқади, Егор Семёнич эса, соат учда, ҳатто ундан ҳам вақтлироқ уйғонади – мана шунга келишиб олишди.

Коврин Таня билан оқшом давомида суҳбатлашиб ўтиргач, ярим кечадан ошганда биргалашиб боққа чиқди. Совуқ тушиб қолганди. Ҳовлини тутатқи иси босиб кетибди. Егор Семёничга ҳар йили жарақ-жарақ соф даромад берадиган, савдога чиқариладиган мевалар етиштириладиган катта боғда ер бағирлаб тўшалган қора, қалин, аччиқ тутун дарахтларни қоплаб, ўша даромадларни музлаб қолишидан сақларди.

Шахмат усулида экилган кўчатлар қаддини ростлаб, бир текис саф тортган аскарларга ўхшарди, қатъий тартибда, бўйлари баравар, шохларига бир хил шакл берилганидан шундай манзара касб этгандики, ҳатто, одам уларга қараб зерикиб кетарди. Коврин билан Таня от гўнги, похол ва бошқа чиқиндиларнинг тутатқиси буруқсиган қатор оралаб аста юриб боришаркан, аҳён-аҳёнда тутун ичида шарпага ўхшаб кўринган ишчиларга дуч келишарди. Олча, олхўри ва олманинг айрим навлари гуллаган бўлса ҳам, боғ бошдан-охир тутунга ғарқ этилган эди, Коврин гулхона яқинига келгандан кейингина кўксини тўлдириб чуқур нафас олди.

– Болалик чоғимда ҳам шу боғда тутундан бўғилиб қолардим, – деди у елкасини қисиб, – аммо ҳалигача тушунолмайман, қандай қилиб тутун совуқдан асраши мумкин.

– Тутун булут ўрнини босади, у бўлмаса... – жавоб берди Таня.

– Булутнинг ўзи нега керак?

– Ҳаво булутли бўлса, саҳарда қиров тушмайди.

– Шунақами!

У кулиб юборди, сўнгра қизнинг қўлидан тутди. Қизнинг катта-катта кўзлари, ўта жиддий, совуқдан қизарган юзлари, ингичка қалам қоши, бошини ёнга буришга халал бераётган пальтосининг тик ёқаси, бутун борлиғи, озғин, хушбичим, шудринг тегмаслиги учун йиғиб олган кўйлагининг этаги ҳам йигитнинг кўнглини ийдириб юборди.

– Буни қаранг-а, катта бўлиб қолибсиз! – деди у. – Беш йилча аввал бу ердан кетганимда сиз жажжи қизча эдингиз. Шунақанги озғин, оёқларингиз узун-узун, бошяланг, калта кўйлак кийиб чопиб юрардингиз, сизни қарқара билан қўрқитардим... Вақт ўтишини қаранг!

– Чинданам, беш йил! – хўрсинди Таня. – Орада қанча сувлар оқиб кетди. Ростингизни айтинг, Андрюша, – дадил деди қиз йигитнинг юзига тик боқиб, – биздан узоқлашиб кетмадингизми? Буни нега сўраяпман ўзи? Сиз эркак кишисиз, жўшқин ҳаёт кечирасиз, сиз буюксиз... Бегоналашиб кетишингиз табиий! Аммо, нима бўлганда ҳам, Андрюша, бизни ўзингизникидек қабул этишингизни истардим. Бунга бизнинг ҳаққимиз бор.

– Ўзингизникиман, Таня.

– Чин сўзингизми?

– Ҳа, чин сўзим.

– Бугун бизникида суратингиз кўплигини кўриб ҳайрон қолгандирсиз. Биласиз-ку, ахир, отам сизни жуда яхши кўради. Баъзан мендан ҳам ортиқ суядигандай туюлади. Сиз билан фахрланади. Олимсиз, бошқалардан ажралиб турасиз, юқори мартабага эришдингиз, отам бу даражага етганингизни ўзи берган тарбиядан деб билади. Отамнинг фикрига монелик қилмайман. Майли.

Тонг ёриша бошлади, бу, айниқса, очиқ ҳавода дарахт шохларидан тутун парчалари ажралиб чиқа бошлаганда аниқ белги берди. Булбуллар сайради ва дала томонлардан беданалар питпилдиқ отгани эшитилди.

– Энди ухлаб олиш керак, – деди Таня. – Совқотиб кетдим. – Қиз йигитнинг қўлидан тутди. – Раҳмат, Андрюша, келганингиз учун. Бизнинг таниш-билишлар одми одамлар, бори ҳам кўп эмас. Бизда фақат боғ, боғ, боғ – бошқа ҳеч нарса. Дарахт танаси, яримтанаси, – кулди қиз, – апорт, ранет, боровинка[1], қаламча, пайванд... Бизнинг бутун умримиз боғда ўтади, ҳатто тушларимда ҳам олма-анордан бошқасини кўрмайман. Албатта, бу жуда яхши, фойдали, аммо баъзида кўнглинг яна нималарнидир тусаб қоларкан. Ёдимда бор, сиз таътил вақтида ёки шунчаки бизникига айланиб келганингизда уйимиз яна-да мусаффо бўлиб, янада ёришиб кетарди, қандилу жиҳозлар ғилофи ечиб олинарди. Ўша пайтда жажжи қизча бўлсам-да, ҳар ҳолда тушунардим.

Қиз тўлиб-тошиб сўзлади. Йигитнинг хаёлига, негадир, бутун ёзни мана шу кичкина, нимжон, гапи тугамайдиган маҳбубага хуштор бўлиб, унга овуниб ўтказиш фикри келди – иккисининг ёшида бўлиши мумкин, табиий ҳол-ку бу! Йигитнинг кўнгли эриб кетди-ю айни пайтда кулгиси қистади; у дилбар, ташвишли чеҳрага энгашиб, аста куйлади:

Онегин, яшириб не қилдим,
Татьянани телбавор суйдим...[2]

[1] Апорт, ранет, боровинка – олма навлари.

[2] Онегин, яшириб не қилдим, Татьянани телбавор суйдим... — П.И.Чайковскийнинг "Евгений Онегин" (1878 й., П.И.Чайковский ва К.С.Шкловский либреттоси) операсидаги Гремин ариясидан.

Уйга етиб келишганда, Егор Семёнич аллақачон уйғонган экан. Ковриннинг уйқуси қочди, қария билан гурунглашиб яна боққа қайтди. Егор Семёнич басавлат, елкадор, мешқорин бўлиб, нафас қисиш дардидан азият чекарди, аммо ҳамиша жуда тез одимлардики, ортидан етиб юриш қийин эди. Юзи жуда ташвишли кўринар, доимо қайгадир шошар, бир дақиқа кеч қолсанг, бас, ҳаммаси барбод бўлади, деган ваҳимада тиним билмас эди!

– Мана, оғайни, сенга ортиқча ғалва... – гап бошлади у тўхтаб, руҳини кўтариб олиш учун. – Ернинг юзида, кўряпсанми, аёз, ернинг остида ҳарорат ўлчагич таёқчасига икки баробар чуқурроқда, илиқ... Бу нимадан?

– Тўғриси, билмайман, – деди Коврин жилмайиб.

– Ҳм... Ҳамиша билавериш мумкин эмас, албатта... Дунёқарашинг қанчалик кенг бўлса ҳам, ҳаммасини сиғдира олмайсан. Ахир, сен кўпроқ фалсафа бобида...

– Ҳа. Руҳшуносликни ўрганяпман, умуман, фалсафа билан бандман.

– Жонга тегмадими?

– Аксинча, шу билан тирикман.

– Худо ярлақасин... – деди Егор Семёнич, кейин ён соқолини силаб ўйланиб қолди. – Худо ярлақасин... Сендан хурсандман... хурсанд, оғайни...

Аммо, у бирдан бутун диққатини жамлаб, нимагадир қулоқ тутди, кутилмаганда юзи ваҳимали тус олиб, қаёққадир югуриб кетди, бир зумда дарахтларни қоплаган тутун булути ичра ғойиб бўлди.

– Ким бу олмага от бойлади, ким? – юракни ёргудек ваҳимали овоз эшитилди. – Бу аблаҳ ким, қайси жин ургур отни олмага бойлади? Худойим-ей, Худойим-ей! Ишдан чиқаришибди, совуқ урдиришибди, расво қилишибди, булғаб ташлашибди! Боғ пайхон бўлди! Боғ нобуд бўлди! Ё, Худо!

Ковриннинг ёнига қайтиб келган чолнинг юзида чарчоқ, хўрланиш аломатлари зоҳир бўлди.

– Бу лаънатиларни нима қилсанг бўлади? – деди у йиғлагудек бўлиб, қўлларини икки ёнига ташлаб. – Стёпка кечаси гўнг олиб келгач, отни олмага тушовлаб кетибди! Ўраб боғлабди, ярамас, арқон қаттиқ, олманинг танаси уч жойидан заҳаланибди. Бу нимаси! Қанча гапирсанг – шунча кам, билганидан қолмайди, кейин кўзи мўлтираб тураверади! Дорга оссанг оз!

Чол ўзини босиб олгач, Ковринни қучиб, юзидан ўпиб қўйди.

– Майли, Худо ярлақасин... Худо ярлақасин... – минғирлади у. – Бизникига келганингдан хурсанд бўлдим. Қай сўз билан айтай... Раҳмат.

Кейин у одатдагидай тез-тез одимлаб, ваҳимали қиёфада бутун боғни кезиб чиқди; собиқ шогирдига барча оранжерея, иссиқхона, тупроқсарой, яна ўзи айтганидай, юзйиллигимизнинг мўъжизасига айланган иккита асалари қутисини ҳам кўрсатди.

Улар боғни кўриб чиққунча қуёш кўтарилиб, чиройли боғни заррин нурга кўмди. Ҳаво илиб кетди. Тиниқ, ҳузурбахш, узун кунни дилдилидан ҳис этган Коврин ширин хаёлга чўмди: ахир, май энди бошланди, ҳали олдинда худди шундай равшан, қувончли, узун кундузлари ила бутун ёз турибди, шунда бирданига кўксида бахтиёр ёшлик туйғуси жўш

урди, бунақасини у болалигида, мана шу боғда чопқиллаб ўйнаб юрган чоғлари ҳис этган. У ҳам чолни қучиб, аста ўпиб қўйди. Икковлон ҳаяжон оғушида уйга қайтиб, қадимги чинни идишда, қаймоқли, тўйимли, ёғли нон билан чой ичишди – мана шу нонушта ҳам, бошқа икир-чикирлар ҳам Ковринга яна болалигини, ёшлигини эслатди. Ажойиб кайфияти билан қалбида уйғонган ўтмиш таассуротлари бир бўлиб, кўксига сиғмай, ёргудек бўлар, аммо ёқимли эди.

У Танянинг уйғонишини сабр билан кутди, сўнгра бирга қаҳва ичиб, сайр қилиб келди, шундан кейингина хонасига кириб, ишга ўтирди. У камоли диққат билан ўқир, белгилар қўяр, гоҳида очиқ деразага ёки стол устига терилган гулдонлардаги мусаффо, ҳали япроғидан шудринг нуқралари кетмаган намчил гулларга кўз ташлай деб бош кўтарар, сўнгра яна китобга эгиларди. Унинг томир-томирлари лаззатдан титраётгандай, жимирлаётгандай эди.

II

У қишлоқда ҳам шаҳардаги сингари асабий, безовта ҳаётини давом эттирди: тинимсиз ўқир, ёзар, итальян тилини ҳижжалаб ўрганар, ҳатто сайрга чиққанда ҳам тезда яна ишга ўтиришини орзиқиб ўйларди. У шунчалик кам уйқу бўлиб қолгандики, бундан атрофидагилар ажабланарди; мабодо кундузи бехосдан ярим соатча мизғиб қолса, кейин туни билан ухламас, эртасига, уйқусиз ўтган тундан кейин ҳам ҳеч нарса бўлмагандай ўзини тетик, қувноқ ҳис этарди.

У кўп гапирар, кўп вино ичар ва қиммат сигара чекарди. Песоцкийлар хонадонига тез-тез, деярли ҳар куни Таня билан роял чалиб, қўшиқ айтгани қўшни қизлар чиқарди; баъзида скрипкани қойилмақом чаладиган қўшни йигитча ҳам кўриниб қоларди. Коврин куй-қўшиқни иштиёқ билан тинглаган пайтлари аъзои бадани бўшашиб, кўзлари юмилиб, боши бир томонига эгилиб тушганда жисман ҳоригани аниқ сезилиб қоларди.

Бир оқшом кечки чойдан сўнг балконда китоб ўқиб ўтирганди. Меҳмонхонада Таня чинқириб, қўшни қизлардан бири йўғон овозда бақириб, йигитча эса скрипкада Браганинг[1] машҳур серенадасининг машқини олаётган эди. Коврин қўшиққа қулоқ тутди, – русча, – аммо мағзини чақолмади. Ниҳоят, китобни бир четга суриб қўйиб, диққат билан тинглагач, тушунди: хаёлпарастлик дардига мубтало бўлган қиз тунги боғда шунчалар гўзал, ғаройиб, сирли наво эшитадики, бу уйғун оҳанглар илоҳий бўлиб, биз, оддий одамлар ҳис этолмаганимиз учун яна қайтиб самога кўтарилиб кетар эмиш. Ковриннинг кўзлари юмила бошлади. Шунда у ўрнидан туриб, мудроғини ёзиш илинжида меҳмонхона, кейин зал бўйлаб одимлади. Қўшиқ тингач, Танянинг қўлидан тутиб, балконга етаклади.

– Бугун эрталабдан бери бир афсона хаёлимдан кетмаяпти, – деди у. – Бирон жойда ўқиганманми ё эшитганманми, ёдимда йўқ, аммо бу афсона қандайдир ғалати, тушуниксиз. Аввалдан айтиб қўяй, унинг мазмуни жудаям аниқ-тиниқ эмас. Бундан минг йиллар олдин, Шомдами, Арабистондами... қора ридо кийган роҳиб саҳро узра елиб борарди. У ўтиб

[1] ... Браганинг машҳур серенадаси. — итальян бастакори Гаэтано Брага (1829–1907)нинг "Серенада (Валахия афсонаси)"си.

кетган жойдан бир неча чақирим нарида турган балиқчилар кўл юзида оҳиста бораётган яна бир роҳибни кўриб қолишади. Иккинчи роҳиб, бу – сароб эди. Энди, оптиканинг ҳар қандай қонуниятларини бир четга қўя турайлик-да, зеро, афсоналар бунга бўйсунмайди, давомини эшитинг. Ўша саробдан яна ўзга бир сароб яралибди, кейин ўша ўзгасидан учинчиси, шундай қилиб қора роҳиб шарпаси Ер қобиғининг бир қатламидан бошқасига интиҳосиз ўтиб бораверибди. Уни гоҳ Африкада, гоҳ Испанияда, гоҳ Мидияда, гоҳ Узоқ Шимолда... кўришибди. Ниҳоят, у Ер қобиғи чегараларидан ташқарига чиқиб, бутун коинот бўйлаб кеза бошлабди, ҳанузгача сўниши мумкин бўлган дастлабки муҳитига қайта олмас экан. Эҳтимол, энди у Марсдами ёки Жанубий Хочнинг қай бир юлдузида кўринар. Аммо, азизам, бу афсонанинг асл моҳияти, мағзи шундаки, роҳиб саҳрода аён бўлганидан сўнг роппа-роса минг йил ўтгач, яна қайта Ер қобиғига тушиб, одамларга кўриниш берар экан. Худди ўша минг йиллик вақт энди етиб келгандай туюляпти... Афсонада айтилишича, қора роҳибни бугун эмас – эртага кутиб олишимиз керак.

– Ғалати сароб, – деди афсона ёқинқирамаган Таня.

– Аммо, ҳаммасидан ҳам ажабланарлиси, – жилмайди Коврин, – бу афсона қайдан келиб миямга ўрнашиб қолганини сира эслай олмайман. Қаерда ўқидим? Эшитдимми? Ёки, эҳтимол, қора роҳиб тушимга кирганми? Худо ҳаққи, онт ичаман, ёдимда йўқ. Аммо, афсона фикру зикримни банд этди. Бугун, кун бўйи шу ҳақида ўйладим.

У Таняни меҳмонлар ёнига қўйиб юборгач, уйдан ташқарига чиқди, кейин хаёл билан одимлаб, тегара гулзорга бориб қолди. Қуёш ботаётган эди. Эндигина сув сепилган гуллардан намчил, димоқни қитиқловчи бўй тараларди. Уй томонда яна куйлаш бошланди, скрипка нағмаси олисдаги одам товушидай эшитиларди. Коврин афсонани айнан қаерда эшитган ёки ўқиганини эслашга уриниб, аста-секин томошабоғ сари одимлаб, дарё бўйига чиқиб қолганини сезмай қолди.

Тик қирғоқ устидан кетган сўқмоқ бўйлаб бўртиб чиққан илдизлар устидан ўтиб, пастга, сув ёқасига тушганда балиқчи қушлар чўчиб учиб кетишди, иккита ўрдак потирлаб учди. Ваҳимали қарағайларнинг япроқларида ботаётган қуёш нурлари ўйнар, аммо оқшом дарё юзасини қорайтириб бўлганди. Коврин оқим бўйлаб юриб, нариги қирғоққа ўтди. Энди қаршисида ҳали тўлиқ гуллаб бўлмаган жавдарзор шовуллаган бепоён дала ястаниб ётарди. Агар мана шу сўқмоқдан кетаверилса, у на одамзот макони, на бир тирик жон дуч келмас уфққа, қуёш ботаётган, оқшом шафағидай чексиз аланга қоплаган сирли манзилга олиб боради.

"Бу ерлар нақадар бепоён, эркин ва сокин! – ўйлади Коврин, сўқмоқдан одимлаб бораркан. – Гўё бутун олам мени пинхона кузатиб тургандай, уни англашимни, идрок этишимни кутаётгандай..."

Аммо, мана, жавдарзор юзаси чайқалиб, тўлқиндай жўшди, намозшомнинг енгил шабадаси унинг яланг бошини ҳам силаб ўтди. Бир зумдан сўнг яна шамол эсди, аммо бу шиддатли шамол эди – жавдарзор шовқинланди, орқа тарафдан қарағайзорнинг бўғиқ шовуллаши эшитилди. Коврин ҳайратга тушиб, жойида қотиб қолди. Уфқда, худди уюрма ё қуюн каби ердан то осмон тоқига қадар қоп-қора устун кўтарилди. Унинг шакли ноаниқ, аммо бир жойда турмагани ўша заҳоти билинди, шу то-

монга ўқдай учиб келарди, яқинлашгани сари тобора кичрайиб, аниқроқ шаклга кириб, дағшатли тезликда тўппа-тўғри Ковриннинг устига бостириб келди. Унинг йўлидан қочиш учун Коврин ён тарафга, жавдарзор ичига ўзини отди, аранг улгурди...

Сочи оппоқ, қоши, ридоси қоп-қора роҳиб қўлини кўксида қовуштирганча ёнидан ўтиб кетди... Унинг яланг оёқлари ерга тегмасди. Уч қадамча нарига ўтгач, Ковринга ўгирилиб қаради, бошини ирғади-да, мулойим, айни пайтда кувлик билан жилмайиб қўйди. Аммо қанчалар оқ, ниҳоятда оппоқ, ориқ юз! У яна катталаша бошлади, сўнгра дарёнинг устидан елиб ўтгач, гилтупроқ қирғоққа, сўнг қарағайзорга сассиз урилиб, дарахтзор орасида тутундай тарқаб кетди.

– Мана, кўряпсизми... – минғирлади Коврин. – Демак, афсона замирида ҳақиқат бор.

Бу ғайритабиий ҳодисани англаб етишга уриниб ўтирмай, нафақат қора ридосини, ҳатто роҳибнинг юз-кўзини яқиндан аниқ-тиниқ кўрганидан мамнун бўлган Коврин ёқимли туйғулар оғушида ортига қайтди.

Боғда ҳам, хиёбонда ҳам одамлар хотиржам, ўз юмушлари билан банд, уйда куй-қўшиқ, ўйин-кулги авжида, – демак, роҳибни бир ўзи кўрибди, холос. У ҳамма-ҳаммаси ҳақида Таня ва Егор Семёничга айтиб беришни хоҳларди, аммо, барибир гапини ёлғонга йўйишади, қолаверса, бошқаларни чўчитиб қўйиши мумкин; яхшиси, жим бўлгани маъқул. У қаҳқаҳа отди, қўшиқ айтди, ракс тушди, роса ўйнаб-кулди, ҳамма, меҳмонлар-у Таня ҳам бугун унинг чеҳраси очиқ, нурлироқ, руҳланганроқ ва ўзи ҳам қандайдир бошқачароқ бўлиб қолганини айтишди.

III

Кечки таомдан сўнг меҳмонлар уйларига тарқалгач, у ҳам хонасига кириб, диванга ёнбошлади: роҳиб ҳақида мароқ билан хаёл суришни хоҳларди. Аммо орадан бир зум ўтмай, Таня кириб келди.

– Андрюша, отам ёзган мана бу мақолаларни ўқиб кўринг, – деди қиз унга бир тахлам рисола-ю босма қоғозларни узатиб. – Ажойиб мақолалар. Отам зўр ёзади.

– Қанақасига зўр бўлсин! – деди қизининг ортидан шошиб кирган Егор Семёнич зўраки жилмайиб хижолат бўлгандек. – Унинг гапларига қулоқ солма, яхшиси, ўқиб ўтирма! Агар тезроқ ухламоқчи бўлсанг, майли, ўқий қол: бу ажойиб уйқу дориси.

– Менингча, ажойиб мақолалар, – деди Таня камоли ишонч билан. – Сиз ўқиб чиқинг, Андрюша, ўшандан кейин, албатта, отамни кўпроқ ёзишга ундаб қоласиз. Боғдорчиликдан дарслик ёзишга ҳам отамнинг кучи етади.

Егор Семёнич бутун вужуди билан қаҳқаҳа отиб юборди, сўнгра юзлари қизариб, хижолат бўлганидан каловланиб, одатда муаллифлар айтадиган ибораларни такрорлай бошлади. Ниҳоят, чол ён бергандай бўлди.

– Шундай экан, аввал Гоше[1] мақоласини ўқи, кейин мана бу русча мақолаларни ҳам, – минғирлади у қўли қалтираб рисолаларни бирма-бир

[1] ... аввал Гоше мақоласини ўқи... – 80 йиллар охири – 90 йиллар бошида "Дарахтлар ва хонаки ўсимликларни пайванд қилиш бўйича қўлланма" нашр этилган. Гоше асарларидан тузилган (М., "Боғ ва томорқа" газетаси, 1889) ва Гошенинг "Амалиётчилар учун мева етиштириш бўйича қўлланма" китоби. Немис тилидан таржима. Россияга мослаб ўзгартириш ва тўлдиришлар билан нашр этилган. 1-2 қисмлар (СПб., А.Ф.Девриен, 1890).

узатаркан, – йўқса, тушунмайсан. Менинг эътирозимни ўқишдан олдин нимани инкор этганимни билишинг керак-ку. Аммо, арзирмикан... зерикарли. Майли, энди ухлаш пайти бўлди, шекилли.

Таня ташқарига чиқиб кетди. Егор Семёнич диванга, Ковриннинг ёнига ўтириб, чуқур хўрсинди.

– Ҳа, сен менинг қадрдонимсан... – деб гап бошлади у бироз сукут сақлагач. – Шунақа, суюкли магистрим. Мана, мақолалар ҳам ёзяпман, кўргазмаларда ҳам қатнашяпман, медаллар ҳам оляпман... Песоцкийнинг олмалари бошидан ошиб-тошиб ётибди, дейишади, Песоцкий боғдан жарақ-жарақ пул топяпти, дейишади... Бир сўз билан айтганда, бой ва шарафли Кичикбей. Аммо савол туғилади: буларнинг ҳаммаси нима учун? Боғ, ҳақиқатан ажойиб, ибрат бўларлик... Бу боғ эмас, юксак давлат аҳамиятига молик бутун бошли йирик муассаса, чунки бу, таъкидлаш жоизки, рус ишлаб чиқариши ҳамда рус хўжалиги тараққиётидаги янги давр. Аммо, ким учун? Мақсад нима?

– Ишнинг ўзи айтиб турибди.

– Мен бу маънода айтаётганим йўқ. Бир нарсани сўрамоқчиман: мен оламдан ўтгандан кейин боғ нима бўлади? Менсиз ўзинг кўриб турган мана шу боғнинг кўрку чиройи бир ойга етиб бормайди. Муваффақият сири нимада, боғнинг катталиги, хизматчининг кўплигида эмас, гап шундаки, мен ўз касбимни севаман, тушуняпсанми? Севаман, эҳтимол, ҳаётимдан ҳам ортиқ кўрарман. Менга қара: ҳамма ишни ўзим бажараман. Эртадан кечгача тинмайман. Пайванд қиламан, бутайман, кесаман, ҳаммасига – ўзим. Ёрдам беришмоқчи бўлишса, қизғанаман, ғазабланаман, қўрслик қиламан. Ҳамма сир меҳрда, яъни хўжайиннинг ўткир нигоҳида, хўжалик бошлиғининг дастида; қачонки бир соат бўлса ҳам қаёққадир меҳмонга борсам, хотиржам ўтиролмайман, боғим нима бўлдийкин, деб кўнглим алағда юраман. Мен ўлсам, боққа ким қарайди? Ким ишлайди? Боғбонларми? Хизматчиларми? А? Мана шунақа гаплар, хуллас, нима демоқчиман, муҳтарам дўстим: бизнинг ишимиздаги биринчи душман қуён эмас, тиллақўнғиз эмас, аёз эмас – бегона одам.

– Таня-чи? – сўради Коврин кулимсираб. – У қуёнчалик зараркунанда бўлмаса керак. У ишнинг кўзини билади, меҳнатсевар...

– Тўғри, билағон, меҳнатсевар бўлиб улғайди. Агар мендан кейин боғ унга қолса, у бош бўлса, албатта, нур устига аъло нур. Қани, айт-чи, Худо асрасину эрга тегиб кетса-чи? – пичирлади Егор Семёнич Ковринга қўрқа-писа кўз ташлаб. – Мана шундай бўлиши аниқ! Эрга тегади, бола туғади, ўшанда боққа қарашга қўли тегмайди. Мен энг аввало нимадан қўрқаман: қандайдир йигитчага турмушга чиқса, унинг нафси ҳакалак отиб, боғни савдогарларга ижарага берса, бир йилдаёқ ҳаммаси пайҳон бўлади. Бизнинг ишга хотин киши аралашса – Худо ургани бу!

Егор Семёнич хўрсиниб, бироз жимиб қолди.

– Балки, бу худбинликдир, аммо ростини айтаман: Танянинг турмушга беришни истамайман. Қўрқаман! Қаёқдандир бир олифта уйимга келиб, скрипкасини ғийқиллатиб юришидан қўрқаман; биламан, Таня унга тегмайди, жуда яхши биламан, чунки менинг ўша йигитчани кўрарга кўзим йўқ! Умуман, оғайни, шунақа гаплар, мен ҳийла ғалатироқман. Тан оламан.

Егор Семёнич ҳаяжонини яширолмай ўрнидан туриб кетди ва хона бўйлаб одимлай бошлади, афтидан, жиддий гап айтмоқчи-ю, аммо бир қарорга кела олмаётгани кўриниб турарди.

– Сени жуда яхши кўраман, сен билан очиқчасига гаплашиб олмоқчиман, – ўйлаб ўйига етди ниҳоят у қўлини чўнтагига солиб. – Айрим қалтис масалаларга ҳам тўғри ёндашадиган одатим бор, нимани ўйласам, шуни айтаман, кўнгилда кин сақлашга тоқатим йўқ. Очиқ айтаман: мен қўрқмасдан қизимни беришим мумкин бўлган ягона одам фақат сенсан! Ақллисан, кўнглинг тоза, мен бошлаган ишларни барбод бўлишига йўл қўймайсан. Энг асосийси – сени яхши кўраман, худди ўз ўғлимдай... фахрланаман. Агар Таня иккингизни бир-бирингизга кўнглингиз бўлса, унда мен нима ҳам қила олардим? Хурсанд бўламан, ҳатто ўзимни бахтли санайман. Бўяб-бежамасдан, тўғрикўнгил одам сифатида сенга айтишим лозим бўлган очиқ-ошкора гапим шу!

Коврин кулиб юборди. Егор Семёнич ташқарига чиқиш учун эшикни очди-ю бўсағада туриб қолди.

– Агар сен билан Танядан ўғил туғилса, уни зўр боғбон қиламан, – деди у хаёлга чўмиб. – Эҳтимол, барчаси пуч орзудир... Хайрли тун.

Ёлғиз қолгач, Коврин қулайроқ ёнбошлаб олиб, мақолаларни ўқишга тутинди. Бирининг сарлавҳаси шундай: "Оралиқ экинлар ҳақида", бошқаси: "Ж.Z.нинг янги боғ тагидаги тупроқни курак кенглигида юмшатиш ҳақидаги қайдлари хусусида бир неча оғиз сўз", учинчиси: "Яна юмуқ кўзларни пайвандлаш ҳақида" – қолгани ҳам шу тахлит. Аммо нақадар зардали, нотекис оҳанглар, нақадар асабий, деярли аччиқ пичинглар! Мана, сарлавҳаси энг беозор, мазмунан ола-қуроқ мақола: рус антонов олмалари ҳақида ёзилган. Аммо Егор Семёнич мақолани "audiatur altera pars"[1] сўзлари билан бошлаб, "sapienti sat"[2] билан тугатган, бу икки ибора орасида эса, "Ўзи турган минбар баландлигидан табиатни кузатувчи бизнинг патент олган боғбонларимизнинг беодоб олими" шаънига турфа заҳархандаларнинг бутун бошли фаввораси отилган ёки "Ишқивозлар ва ношудлар томонидан муваффақияти таъминланган" ж. Гоше борасида, яна, шу ернинг ўзида мева ўғирлаётиб дарахт шохини синдирган мужиклари савалаш билан чекланиб қолмаслик ҳақида бемаврид, сохта ва носамимий кесатиқлар ёзилган.

"Мақола чиройли, ёқимли, фойдали, аммо жиззакилик бор, можароли ўринлар кўп, – ўйлади Коврин. – Ҳамма ерда ҳам маслаги бор кишилар асабийлиги, ўта таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Балки, шундай бўлиши керакдир".

У негадир Егор Семёничнинг мақолаларини жон-дилидан севадиган Таняни эслаб қолди. Ўртабўй, рангпар, қотмадан келган, тўғрироғи, эти суякка ёпишган: кўзлари катта-катта, қора, ақлли, ҳамиша атрофига аланглаб туради, нималарнидир қидиради; отаси каби одимлайди – майдақадам, шошқалоқ. Сергап қиз, баҳс-мунозарани хуш кўради, ҳар битта, ҳатто арзимас иборани айтганида, бир йўла юз ифодаси, имо-ишора билан ҳам уқтиради. Бориб турган жиззаки бўлса керак.

Коврин ўқишни давом эттирди, аммо ҳеч балони тушуна олмай, мақолани четга отди. Кўнглида кеча оқшом рақсга тушганда, мусиқа тинг-

[1] "Бошқа томонини эшитиб кўрсин" (лот.).

[2] "Ақллига етарли" (лот.).

лаганда босган ёқимли ҳаяжон уйғониб, хаёлидан ажойиб фикрлар ўта бошлади. Ўрнидан туриб, қора роҳиб сиймосини эслашга ҳаракат қилиб хона ичида юра бошлади. Агар ўша ғалати, ғаройиб қора роҳиб биргина унга кўринган бўлса, демак, дардга чалингани аниқ, йўқ нарсани кўриш даражасигача етиб борибди-да. Бу фикридан ўзи ҳам бироз қўрқиб кетди.

"Ахир, мен ўзимни бинойидай ҳис қиляпман, атрофдагиларга зиёним тегмайди; демак, менинг галлюцинацияларим хавфсиз," деб ўйлади у тинчланиб.

У диванга чўкди, сўнг бошини кафтлари орасига олиб, бутун борлиғини қамраган қандайдир ширин бахтни туйгандек бўлди, кейин яна ишга ўтирди. Аммо китобдаги фикрлар уни қониқтирмасди, қандайдир улкан, ақл бовар қилмас, ҳайратларга чулғагувчи ниманидир истарди. Тонг оқариб қолганда уст-бошини ечиб, истар-истамас кўрпача орасига кирди: ахир, ухлаш керак эди-да!

Боғ томон йўл олган Егор Семёничнинг қадам товушлари эшитилганда Коврин кўнғирокчани чалиб, малайга вино келтиришни буюрди. У бир неча қадаҳ лафит[1] сипқоргач, жойига чўзилиб, бошини кўрпача билан буркаб олди; шундан кейингина онги хиралашиб, ухлаб қолди.

IV

Егор Семёнич билан Таня тез-тез жанжаллашиб қолар, ўшанда бир-бирини аямай дилозор гаплар айтишдан ҳам тойишмасди.

Саҳар-мардонда иккиси қайсидир масалада келишолмай можаро чиқаришди. Таня йиғлаб хонасига кирди-да, қамалиб олди. Кейин на тушликка, на чой ичгани чиқди. Тартиб-интизом, адолат дунёдаги ҳар нарсадан устунлигини исботлаб қўйишни истаган Егор Семёнич аввалига гердайиб, бошини тик тутиб юрди, аммо тез орада шашти пасайиб, боши ҳам бўлиб, руҳан тушкунликка тушди. У хиёбон бўйлаб ғамгин одимлар экан, нукул хўрсиниб: "Оҳ, Худойим, Худойим-ей!" дея такрорларди, ҳатто тушликда туз тотмади. Ниҳоят, ўзининг айбдор эканини тан олиб, виждон азобидан қутулиш илинжида ёпиқ эшикни қоқиб, ҳадиксираб чақирди:

– Таня! Таня!

Эшик ортидан кучсиз, йиғлаб-йиғлаб ҳолдан тойган қизнинг кескин оҳангдаги жавоби келди:

– Ўтиниб сўрайман, мени тинч қўйинг.

Бутун хонадон аҳлига, боғдаги хизматчиларга ҳам уй эгалари орасидаги хафагарчилик нукси урди. Коврин қизиқарли ишларга кўмилиб ётган бўлса ҳам, охир-оқибат атрофидагиларни кўриб, ноқулай аҳволга тушиб қолди. Йигит нимадир қилиб бўлса ҳам бошқаларнинг кайфиятини кўтариш ниятида уларнинг ўртасига тушишни маъқул топди ва оқшомга бориб Танянинг кулфлаб олган эшигини тақиллатди. Қиз уни ичкарига киритди.

– Вой-вой, уят-е! – ҳазиллашиб гап бошлади йигит, йиғлайвериб кўзлари шишиб кетган Танянинг мумсираган юзига боқиб. – Наҳотки, шунчаликка борсангиз? Қўйинг-е!

[1] Лафит – қизил вино тури.

– Сиз билмайсиз-да, мени қанчалик азоблашини! – деди қиз катта-катта кўзларидан қайноқ кўз ёшини дув-дув оқизиб. – У мени қийнаб юборди! – давом этди қиз куюниб. – Мен унга ҳечам ёмон гап айтганим йўқ... ҳеч нарса... Фақат, ортиқча ишчиларни... тутиб туришга зарурат... йўқ дедим холос... агар... агар керак бўлса, кунбай ишчи ёллаймиз, дедим. Ахир... ахир ишчилар бир ҳафтадан бери бекорчи, ҳеч бало қилгани йўқ... Мен... шуни айтдим, холос, у бўлса, ўшқириб берди, хафа қилди, ҳақорат қилди. Нега?

– Бас энди, етар, – деди Коврин қизнинг соч турмагини тўғрилаб. – Тергашиб, йиғлашиб олганимиз етарли, бас. Аразлаб юриш ярамайди, яхшимас... ахир, отангиз сизни жуда яхши кўрадилар-ку!

– У мени... менинг бутун ҳаётимни заҳарлади, – давом этди Таня ҳиқиллаб. – Эшитганим фақат таҳқиромуз гаплар... дилсиёҳлик. Ўзининг уйида мени ортиқча деб ҳисоблайди. Нимага? У ҳақ. Мен эртага бу ердан кетаман, телеграфисткаликка кираман... Майли...

– Қани, қани... Йиғламанг, Таня. Кераги йўқ, азизам... Иккингиз ҳам қизиққон, жаҳлдорсиз, иккингизда ҳам айб бор. Юринг, ўзим сизларни яраштириб қўяман.

Коврин мулойим, аммо ишонч билан гапирди, қиз эса, елкалари силкиниб, муштумини тугиб йиғлайверди, гўё чинданам даҳшатли бахтсизликка дучор бўлгандек эди. Арзимаган гап учун шунчалик чуқур қайғуга ботган қизга ачиниб кетди. Ахир, бу ҳилқатни кун бўйи, ҳатто бир умр бахтсиз қилиши мумкин бўлган чўпчаклар тўлиб-тошиб ётибди бу дунёда!

Таняни юпатгач, Коврин хаёлга толди: бу ёруғ оламда мана шу қиз билан отасидан бошқа уни ўзиникидай, туғишганидан ортиқ кўрадиган, севадиган одам зотини кундузи чироқ ёқиб тополмаса керак; агарда шу икки инсон бўлмаганда, эҳтимол, ота-онасидан эрта ажралиб меҳрга зор ўтган болалигидан то умрининг охиригача энг яқин кишилар, қариндош-уруғлар орасидагина бўладиган чинакам меҳр, оддий, беминнат муҳаббат нелигини билмай ўтиб кетармиди. Ўзининг хастаҳол, бузилган асабига оҳанрабо темирни тортган каби мана шу йиғлаётган ҳуркак қизнинг феълигина мос келишини билади. У ҳеч қачон дуркун, бақувват, икки юзи қип-қизил соғлом қизларга кўнгил қўймаган бўларди, унга рангпар, нимжон, бахтсиз Таня ёқарди.

У қизнинг сочлари, елкаларини меҳр билан силади, қўлини сиқиб, кўз ёшини артиб қўйди... Ниҳоят, қиз йиғидан тўхтади. Яна анчагача отасидан, бу уйдаги чидаб бўлмас турмуш тарзидан арзини давом эттирди, Ковринни ўзининг ўрнига қўйиб кўришини айтиб ёлворди; кейин оз-оздан ҳиқиллаб, жилмая бошлади, ундан кейин Худо ўзига тентакона феъл-атвор берганидан ёзғириб, ниҳоят, бирдан хушчақчақ кулгиси жаранглади-да, хонадан чопиб чиқиб кетди.

Орадан бироз ўтиб, Коврин боққа чиққан пайти Егор Семёнич билан Таня орада ҳеч гап ўтмагандай хиёбон бўйлаб сайр қилишар экан, жавдар нонга туз сепиб пақкос туширишарди, чунки иккаласи ҳам кун бўйи туз тотмаган эди-да.

V

Ота билан қизни яраштирувчи вазифасини қойиллатиб уддасидан чиққанидан мамнун бўлган Коврин томошабоғ тарафга кетди. Эндигина скамейкага ўтириб, ўйга чўмгандики, узоқдан фойтуннинг тарақ-туруғи ва қизлар кулгиси эшитилди – бу уйга меҳмонлар келганидан дарак берарди. Оқшомда соялари ерга чўзилган боғ узра скрипка садоси таралиб, қўшиқ янграгандай бўлди, буларнинг барчаси бир бўлиб, унинг хотираси пучмоқларига яширинган қора роҳибни уйғотиб юборди. Қаерда, қайси мамлакатда ёки қай бир сайёрада экан ҳозир бу мўъжиза?

У афсонани аранг эслаб, хаёлида жавдарзорда кўрган ўша қора шарпа сиймосини тиклади, шу пайт рўпарасида, худди қарағай танасидан ажраб чиққандай, ҳеч бир сас-садосиз бошяланг, ўрта бўй, қора ридо кийган дарвишнамо одам пайдо бўлди, унинг рангсиз, мурданикига ўхшаш юзида қоп-қора қоши бўртиб турарди.

Бошини дўстона ирғаган гадо ёинки дарвишсифат одам скамейкага сассиз бориб ўтирди, шундагина Коврин ўзининг ёнига қора роҳиб келганини англаб етди. Икковлон оний лаҳза бир-бирига тикилиб қолишди – Коврин ҳайратда, роҳиб эса мулойим, аввалгидек, озгина қувлиги бор, кўнглидан ўтди йигитнинг.

– Ахир, сен саробсан-ку, – минғирлади Коврин. – Нима учун бу ерда, бир жойда ўтирибсан? Бу афсонага ўхшамайди.

– Ҳаммаси бир, – жавоб берди роҳиб шошилмай, унга юзини буриб паст овозда. – афсона, сароб ва мен – барчаси тасаввурингда уйғонди. Мен – шарпаман.

– Демак, сен аслида йўқсан, тўғрими? – сўради Коврин.

– Қандай истасанг, шундай ўйлайвер, – деди роҳиб мулойим жилмайиб. – Мен хаёлингда яшайман, тасаввуринг ҳам оламнинг бир зарраси, демак, мен борман.

– Юз-кўзингдан жуда кекса, донишманд ва жонлидай кўринасан, ёшинг мингдан ўтган бўлса керак, – деди Коврин. – Тасаввурим шу қадар фавқулодда ҳодисани яратади деб ўйламагандим. Аммо, нега бунча ажабланиб қараяпсан? Сенга ёқаманми?

– Ҳа. Сен адолатан назаркарда дея шарафланган камдан-кам одамлардан бирисан. Сен мангу ҳақиқатга хизмат қилгайсан: фикринг, мақсадинг, ҳайратомуз билиминг – бутун умрингга самовий муҳр босилган; назаркардаларнинг барчаси ақл ва гўзалликка, яъни мангуликка дахлдор.

– Сен, мангу ҳақиқат, дедингми... Аммо, одамзодга мангу ҳақиқат керакми, ахир, мангу ҳаётнинг ўзи бўлмаса?!

– Мангу ҳаёт бор, – деди роҳиб.

– Сен одам зотининг боқийлигига ишонасанми?

– Ҳа, албатта. Сиз, одам зотини буюк, порлоқ келажак кутмоқда. Ер юзида сен кабилар қанчалик кўп бўлса, келажак шунчалик тез рўёбга чиқади. Сизсиз, олий ибтидо хизматчиларисиз, онгли ва озод кишиларсиз инсоният нотавон бўлиб қолур эди; у табиий тамаддун орқали ўзининг ер юзидаги тарихининг интиҳосини жуда узоқ кутишига тўғри келарди. Сизлар бир неча минг йил олдин абадий ҳақиқат мулкига етказиб боргайсиз – сизнинг юксак аъмолингиз мана шу. Сиз Худонинг марҳаматига сазовор бўлгайсиз, бу оддий одамларга насиб этмагай.

– Мангу ҳаётнинг моҳияти нимада? – сўради Коврин.

– Бошқа ҳаётлар сингари – ҳузур-ҳаловатда! Чинакам ҳаловат илмда, мангу ҳаёт эса билиш учун сон-саноқсиз, битмас-туганмас илму фан булоқларини ато этади, айнан шу маънода: Отамнинг уйи бори моҳият манзили[1], дейилган.

– Сенинг суҳбатинг қанчалар ёқимли эканини ўзинг билмайсан-да! – деди Коврин, мамнун эканидан қўлларини ишқалаб.

– Ғоят мамнунман.

– Аммо биласанми, кетганингдан кейин сени бор-йўқлигинг ҳақидаги саволлар қийнайверади мени. Сен шарпасан – хаёлот ҳосиласи. Демак, мен руҳан хастаман, ақлдан озган дейишармиди?

– Ҳеч бўлмаганда, шундай. Нега ажабланасан? Сен хастасан, чунки ҳаддан ортиқ ишлаб чарчадинг, яъни, соғлигингни ғояга қурбон қилдинг, ҳаётингни фидо этадиган кунларга ҳам оз қолди. Нима, яхши эмасми? Бу – ўша, дунёдаги улуғ зотлар интилган мақсад.

– Руҳий хасталигимни била туриб ҳам ўзимга ишонсам бўлаверадими?

– Хабаринг борми, бу дунёда шараф топган даҳоларнинг кўпи шарпани кўргандир? Олимлар айтишади-ку, даҳолик телбаликка монанд, деб. Дўстгинам, ўртамиёна одамлар – оломон соғлом бўлади. Асабий асарни идрок этиш, қаттиқ толиқиш, насл бузилиши каби фикр-мулоҳазалар ҳаётдаги мақсадини аниқ билмаганларни ёки оломоннигина жиддий ҳаяжонга солиши мумкин.

– Римликлар айтган экан: mens sana in corpore sano[2].

– Римликлар ёки юнонлар айтган гапларнинг ҳаммаси ҳам тўғри эмас. Кўтаринки кайфият, ҳаяжонланиш, жазава – буларнинг барчаси пайғамбарлар, шоирлар, ғоя қурбонларини омилардан, одамзотнинг ёкимсиз ҳайвоний одатларидан, яъни жисмонан соғломлардан ажратиб туради. Такрор айтаман: соғмисан, эс-ҳушинг жойидами – подага қўшилиб чопавер.

– Ажабо, сен хаёлимга тез-тез келиб турадиган фикрларни такрорлаяпсан, – деди Коврин. – Худди кўнглимдагини билиб турганга ўхшайсан. Аммо, кел, яхшиси, мен ҳақимда гаплашмайлик. Мангу ҳақиқат деганда нимани тушунасан?

Роҳиб жавоб бермади. Коврин унга тикилган эди, танимай қолди: юзи хиралашиб, ҳавога сочилиб кетди. Кейин роҳибнинг боши, қўллари ғойиб бўла бошлади; жисми ўтирғич ва шомнинг хира пардасига аралашиб, ниҳоят, тамомила кўздан йўқолди.

– Галлюцинация тугади! – деди Коврин жилмайиб. – Эссиз...

У уйга қувноқ, кўтаринки кайфиятда қайтди. Қора роҳиб айтган гаплар унинг қалбида, бутун борлиғида ҳудбинлик эмас, балки оз бўлса-да, ёқимли туйғулар уйғотган эди. Назаркардалик, мангу ҳақиқатга хизмат қилиш, одамларни Худо даргоҳига бир неча минг йил аввал етказувчилар қаторидан жой олиш, яъни одамларни бир неча минг йиллик бенаф урушлар, гуноҳ, азоблардан халос этиш; ёшлигини, куч-қувватини, соғлигини, борлиғини ғояга қурбон қилиш – умум бахт-саодати йўлида ўлимнинг юзига тик қараш – қанчалар юксак, қанчалар иқбол! Унинг хотирасида покиза, ҳалол меҳнат билан ўтган кечмиши жонланди, нима мақсадда

[1] Отамнинг уйи бори моҳият манзили... – Иоанн Инжили, 14 боб, 2 б.

[2] Соғ танда соғлом руҳ (лот.).

илм ўргангани ҳам, бошқаларга нима учун таълим берганини ҳам бир-бир хаёлдан ўтказди ва ниҳоят, роҳибнинг сўзларида муболаға йўқ, деган хулосага келди.

Томошабоққа етганда қаршисидан Таня чиқиб қолди. Энди эгнига бошқа кўйлагини кийиб олибди.

– Шу ердамидингиз? – сўради қиз. – Биз бўлсак, сизни қидиряпмиз, қидиряпмиз... Сизга нима бўлди? – ажабланди йигитнинг ҳайратланган, барқ урган юзига, жиққа ёш тўла кўзларига боқиб. – Андрюша, ғалати кўриниб кетяпсиз!

– Мен мамнунман, Таня, – деди Коврин қизнинг қўлларини елкасига қўйиб. – Мен бениҳоя шодман, бахтиёрман! Таня, азизам Таня, сиз фавқулодда ёқимли ҳилқатсиз. Азизам Таня, шунчалар мамнунманки, шунчалар мамнун!

У жўшиб, қизнинг қўлини ўпиб, давом этди:

– Мен ҳозиргина нурли, самовий, мўъжизали лаҳзаларни бошдан кечирдим. Аммо ҳаммасини айтиб беролмайман, чунки мени ақлдан озибди деб ўйлайсиз ёки гапимга ишонмайсиз. Келинг, яхшиси, сиз ҳақингизда гаплашайлик. Азизам, латофатли Таня! Сизни севаман, севишга кўникиб ҳам қолдим. Бизнинг яқинлигимиз, кунига ўн марталаб учрашувимиз қалбим эҳтиёжига айланиб бўлди. Билмадим, уйимга қайтгандан кейин сизсиз ҳолим не кечар экан.

– Қани, ҳали кўрамиз! – кулди Таня. – Икки кундаёқ ҳаммасини унутиб юборарсиз. Биз кичкина одамлармиз, сиз буюксиз.

– Йўқ, келинг, жиддийроқ гаплашиб олайлик! – деди йигит. – Сизни ўзим билан олиб кетаман, Таня. Хўпми? Мен билан кетасизми? Меники бўлишни истайсизми?

– Қани, кўрамиз! – деди Таня яна кулмоқчи бўлиб, аммо кулолмади, юзида қизил доғлар пайдо бўлди.

Қиз тез-тез нафас оларкан шошиб нарига кетди, уй томонга эмас, бошқа ёққа, томошабоққа.

– Мен бундай бўлади деб ўйламагандим... ўйламагандим! – дерди у умидсизликка тушиб қолгандай қўлини сиқиб.

Коврин эса қизнинг ортидан ўша-ўша, юзлари ҳайратомуз барқ урган алпозда тинмай сўзлаб борарди:

– Мен муҳаббат истайман, бутун борлиғимни ёндиргувчи муҳаббатни, буни менга фақат Таня, сиз ҳадя эта оласиз. Мен бахтлиман! Бахтиёрман!

Таня ақлдан озгандай қадди камон каби эгилди, гўё бирданига ўн ёшга қариб кетгандек кўринди, йигит эса, қизнинг фақат гўзаллигини кўриб, қалб ҳайратларини баралла айтарди:

– Сиз нақадар соҳибжамолсиз!

VI

Ковриндан, нафақат бир-бирига кўнгил қўйгани, ҳатто никоҳ тўйини тезроқ ўтказиш ҳақидаги хушхабарни эшитган Егор Семёнич ҳаяжонини босиш учун у бурчакдан бу бурчакка узоқ юрди. Қўллари титраб, бўйни шишиб, юзи қизариб усти очиқ енгил аравани тайёрлашни буюрди-да, қаёққадир шитоб билан жўнаб кетди. Таня, отларга қамчи босиши, фуражкасини деярли қулоғигача бостириб кийиб олганини кўриб, отаси-

нинг кўтаринки руҳини ҳис этди ва хонасига кириб, ичкаридан қулфлаб олганча кун бўйи юм-юм йиғлади.

Оранжереялардаги шафтоли-ю олхўрилар етилди; бу нозик ва ажойиб маҳсулотни кутиларга жойлаб, Москвага жўнатиш кўп эътибор, машаққат ва овворагарчиликларни тақозо этади. Ёз иссиқ, қуруқ келгани сабабли ҳар бир ниҳол ўз пайтида суғорилди, бунга эса жуда кўп ишчи кучи, вақт кетди, Ковриннинг нафратини қўзғатган капалак куртини хизматчилар, ҳатто, Егор Семёнич-у Таня ҳам қўлда бўлса ҳам эзғилаб тугатишди. Мана шундай юмушлар орасида кўчат ва мева етказиб бериш бўйича кузга буюртмаларни қабул қилиш, талай ёзишмалар олиб бориш зарур бўлди. Иш айни авжига чиққанда, ҳамманинг қўли-қўлига тегмай қолган бир пайтда боғда ишлаётганларнинг тенг ярмини сафарбар этиш лозим бўлган, сира кечиктирилмас дала ишлари кучайгандан-кучайиб кетди; офтобда қорайиб, куйиб-пишган асабий Егор Семёнич гоҳ боққа, гоҳ далага от чоптирар, ҳуноб бўлиб, ўзини бўлаклаб ташлашни ёки шарт пешонасидан отиб, ҳаммасидан қутулиб қўя қолишини айтиб ёзғирарди.

Устига устак, Песоцкийлар ҳазилакам эътибор қилмайдиган сепсидирға даҳмазаси; қайчининг шиқирлаши, тикув машинасининг шақиллаши, дазмол иси ва жаҳлдор, дарров аразлаб қоладиган тикувчи хонимнинг инжиқлигидан уйдагиларнинг боши айланиб кетарди. Худди атай қилгандай, ҳар куни меҳмон босиб келарди, уларга мулозамат кўрсатиш, зиёфат уюштириш керак, ҳатто, улар баъзида тунаб қолишарди. Аммо бу ташвишларнинг барчаси тумандагидай сезилмай кечарди. Негадир Коврин айнан ўзига уйланишига ўн тўрт ёшидаёқ ишонч ҳосил қилган бўлса-да, Таня кутилмаганда босиб келган муҳаббат ва бахтдан ҳаяжонга тушмай қолмади. Қиз ўйлаб ўйига етолмас, ҳайрону лол, не қиларини билмас, ўз кўзларига ишонмасди... Гоҳо бахт шунчалар оғушига олардики, булутлардан баланд учгиси, ўша юксакларга чиқиб тангрига илтижо қилгиси келарди, аммо бирданига августга бориб, туғилган уйи билан видолашиб, отасини ёлғиз ташлаб кетишини ўйласа ёки Худо билади, негадир ўзининг нотавон экани, Ковриндай улуғ одамга арзимас, муносиб эмаслиги ҳақидаги хаёлга ботса – дарров хонасига кириб, ичидан зулфинни тушириб, анча вақтгача аччиқ кўз ёш тўкарди.

Меҳмонлар кўпайганда, қизнинг кўзига Коврин чиройли кўриниб кетар, ҳамма аёллар унинг ёрига маҳлиё боқаётгандай, ўзига эса ҳасад билан қараётгандай туюларди, шунда барча кибор хонимлар устидан ғолиб бўлгандек қалби ғурур, ҳайратларга тўлиб-тошар, аммо йигит бирор қизга жилмайиб бокса, рашк ўтида жизғанаги чиқиб, хонасига чопарди – яна кўз ёши. Ман шундай янги ҳис-туйғулар тўфони уни тамомила ҳолдан тойдирди, отасига бир нави мададкор бўлди-ю, аммо шафтоли, капалак курти, хизматчилар ташвиши – ҳеч бирига тузукроқ эътибор қаратолмай, вақт қанчалар тез ўтиб кетганини сезмай қолди.

Егор Семёнич ҳам деярли шу аҳволда эди. У эртадан кечгача ишлар, доимо қайгадир шошар, баъзан нима қилаётганини ўзи ҳам билмас, жаҳлини босолмас – буларнинг барча-барчаси қандайдир сеҳрли мудрашга ўхшарди. Унинг жисмига гўё иккита одам кириб олгандек: бири асл Егор Семёнич – боғбон Иван Карличнинг бетартибликлар ҳақидаги ҳисоботини эшитиб ғазабланувчи, мушкул аҳволга тушиб қолгандай бошини чангалловчи, яна бир бошқаси, аслидан ўзга, ишнинг бори-

ши ҳақидаги гапни ярмида кесиб, боғбоннинг елкасига туртиб қўйиб, валақловчи:

– Нима десанг де, аммо наслда гап кўп. Унинг раҳматли онаси ажойиб, марҳаматли, ақлли аёл эди. Фаришталар тиниқ, меҳрли, покиза юзига боқишнинг ўзи бир роҳат бўлган. Чиройли сурат чизарди, шеър ёзарди, бешта чет тилини биларди, қўшиқ айтарди... Бечора, жойи жаннатда бўлсин, сил бўлиб ўлиб кетди.

Аслига ўхшамаган Егор Семёнич хўрсиниб қўйиб, бир дам сукут сақлагач, гапини давом эттирди:

– Кичкиналигида, меникида юрган даврида унинг юзи ҳам фаришталар тиниқ, ёқимтой эди. Қараши ҳам, юриш-туришию, гап-сўзи ҳам мулойим ва бежирим, худди онасига ўхшарди. Ақли-чи? У ақли билан доимо бизни ҳайратга солган. Ҳа, айтмоқчи, ҳозир магистр! Ўз-ўзидан бўлмайди бу! Қараб тур, Иван Карлич, ўн йилдан кейин у ким бўлади! Қўл узатсанг, етмайди!

Аммо ҳақиқий Егор Семёнич бирдан нималар деб валақлаётганини фаҳмлаб қолиб, юзи ваҳимали тус олиб, бошини чангаллаб қичқирарди:

– Шайтонлар! Расво қилишибди, булғаб ташлашибди, совуқ урдиришибди! Боғ барбод бўлди, боғ пайҳон бўлди!

Коврин эса аввалгидек қунт билан ишларкан, бўлаётган тўс-тўполонларни кўпда пайқамади. Муҳаббат юракдаги оловга мой сепиб, баттар гуриллатди, ҳолос. Таня билан навбатдаги висолдан бахтиёр, ҳайратларга чулғаниб қайтар, яна худди ўша эҳтирос билан, ҳозиргина Танядан бўса олгандаги, дил изҳор қилгандаги иштиёқ билан китоб ёки қўлёзмасини ўқишга киришарди. Қора роҳибнинг назаркардалар, мангу ҳақиқат, инсониятнинг порлоқ келажаги ва ҳоказолар ҳақидаги гаплари қилаётган тадқиқотида ўзгача, ғаройиб аҳамият касб этар, қалбини ғурурга тўлдириб, ўзининг етуклигини теран ҳис этарди. Ҳафтада бир-икки марта томошабоғда ёки уйда қора роҳиб билан учрашиб турар, у билан узоқ суҳбатлашар, аммо бундан қўрқмас, аксинча, қалби завқ-шавққа тўлиб, шарпа фақат танланган, борлиғини ғояга бағишлаган фидойи инсонларга аён бўлишига ишончи ортиб бораверарди.

Бир куни роҳиб чошгоҳда пайдо бўлди-да, аста келиб ошхона деразасининг токчасига ўтирди. Бундан мамнун бўлган Коврин роҳибни қизиқтирган мавзуга тўхталиб, Егор Семёнич билан Таняга зукколарча ўз фикр-мулоҳазаларини билдирар экан, қора меҳмон ажойиб суҳбатни тинглаб, бош ирғаб маъқуллаб қўярди. Егор Семёнич ва Таня жилмайишарди, аммо Коврин шарпа кўнглига қараб сўзлаётганини ота билан қиз хаёлларига ҳам келтиришмасди.

Хаш-паш дегунча Успенский ҳайити[1] келиб қолди, орқасидан тўй куни ҳам; тантана Егор Семёнич орзу-ҳавас қилгандек "қасира-қусур билан", яъни икки кеча-ю икки кундуз чўзилган телва-тескари сайрлари билан бўлиб ўтди. Тўйгунча еб-ичишди, аммо уқувсиз ёлланма машшоқлар нағмаси, бақириб, валдираб айтилган қадаҳ сўзлари, малайларнинг чопчопи – ола-ғовур тўполонда оломон Москвадан олиб келинган қимматбаҳо винолар, тансиқ таомлар таъмини билишмади, эътибор ҳам беришмади.

[1] Успенский ҳайити келиб қолди. – эски ҳисоб бўйича 1-14 август.

VII

Қишнинг узун кечаларидан бирида Коврин ўрнида ёнбошлаб олиб алланечук француз романини ўқирди. Шаҳар шовқинига мослаша олмай, туни бўйи бош оғриқдан қийналиб чиқадиган бечора Таня аллақачон уйқуга ётган, гоҳида узуқ-юлуқ алаҳсирараб қўярди.

Соат тунги учга занг урганда Коврин шамни ўчириб, ўрингa чўзилди; узоқ кўзини юмиб ётди, аммо Танянинг безовталаниши, устига-устак ётоқхона димлигидан уйқуси қочди. Соат тўрт яримга борганда яна туриб шам ёққан эди, кутилмаганда қаршисидаги креслода ястаниб ўтирган қора роҳибга кўзи тушди.

– Салом, – деди роҳиб, кейин бироз сукут сақлагач, сўради: – Энди нималарни ўйлаяпсан?

– Шон-шуҳрат ҳақида, – жавоб берди Коврин. – Ҳозиргина ўқидим, мана бу француз романида ёзилишича, ёш олим аҳмоқлик қилиб, шон-шуҳрат орзусида соғлигидан ажралди. Мен ўша шуҳрат касаллигини ҳис этмайман.

– Чунки сен ақллисан-да! Мақтовларга бефарқсан, улар худди болаликда ўйнаган ўйинчоғингга ўхшайди, бу сени ҳеч қачон қизиқтирмаган.

– Ҳа, гапинг тўғри.

– Машҳурлик сенга кулиб боқмайди. Бунинг ёқимли томони, ёки ажойиблиги ва ёки ибрати шундаки, кун келиб исмингни қабр тошига ўйиб ёзадилар, кейин вақт бу ёзувни зарҳали билан қўшиб ўчириб ташласинми? Ҳа, инсоният номингизни хотирасида сақлаб қолиши учун, бахтимизга, сиз кабилар кўплик қилади.

– Тушунарли, – дея рози бўлди Коврин. – Хўп, хотирлаш нега керак? Кел, яхшиси, бошқа мавзуда гаплашайлик. Масалан, бахт ҳақида. Бахт нима ўзи?

У соат миллари бешни кўрсатганда кароватда бемалол ўтириб олиб, оёғини гиламга осилтирганча роҳибга қараб сўз қотарди:

– Қадим замонда бир бахтли киши бўлган экан, хуллас, у ўзининг иқболидан кўрқиб кетибди – у жудаям улкан экан-да! Шунда маъбудлардан раҳм-шафқат қилишларини сўраб севимли узугини қурбонлик қилибди. Биласанми? Поликрат сингари мени ҳам бахтиёрлигим[1] бироз безовта қиляпти. Менга ғалати туюлади, нега энди, эртадан кечгача фақат бахтлиман, бахт бутун вужудимни чулғаб олиб, бошқа ҳис-туйғуларимга йўл бермаяпти. Мен ғам-ташвиш ёки зерикиш нималигини билмайман. Мана, уйқусизлик дардим бор, кечаси ухламайман, аммо зерикмайман. Жиддий айтяпман: ўзимга ўзим ҳайрон қолиб боряпман.

– Нега, ахир? – ажабланди роҳиб. – Наҳотки, бахт ғайритабиий туйғу бўлса? Бахтиёрлик одамнинг табиий ҳолати бўлиши керак эмасми? Одамзод ақлий-ахлоқий жиҳатдан тараққий этиб борган сари янада эркинроқ яшаб, ҳаёти ҳузур-ҳаловатга тўлиб бораверади. Суқрот, Диоген, Марк Аврелийлар ғам-ташвишни эмас, бахтни ҳис этишган. Ва ҳаворий айтар: доимо шодланинг[2]. Шодлансанг-чи, ахир, бахтли бўл.

[1] Поликрат сингари, бахтиёрлигим... – Поликрат ҳақида афсона Геродотнинг "Тарих" китобида ёзилган – қ. Геродот. 9 китобдаги тарих. Т 1. М., А.Г.Кузнецов нашри, 1888, 237-241, 280-283 бетлар.

[2] Ва ҳаворий айтар: доимо шодланинг – "Доимо шодланинг" – ҳаворий Павелнинг сўзи – "Янги аҳд", 5 боб, 16 б. Ҳаворий – Исо пайғамбарнинг 12 издошидан бири.

– Маъбудларнинг қаҳри келса-чи? – ҳазиллашди Коврин кулиб. – Агар улар мени бор-будимдан маҳрум этишса, совуқда оч қолдиришса, кўнглим вайрон бўлади.

Шу пайт уйғониб кетган Таня аввало ажабланди, сўнгра даҳшатга тушиб эрига тикилиб қолди. Эри креслога қараб гапирар, имо-ишора қилар, жилмаярди: кўзлари ёниб, кулишида қандайдир ғайри оҳанглар тажассум топган эди.

– Андрюша, ким билан гаплашяпсан? – сўради Таня, унинг роҳиб томонга чўзган қўлини ушлаб. – Андрюша! Ким билан?

– А? Ким билан? – эсанкираб қолди Коврин. – Ана, у билан... Ана, ўтирибди, – деди у қора роҳиб томонга ишора қилиб.

– Бу ерда ҳеч ким йўқ-ку... ҳеч ким! Андрюша, сен касалсан!

Таня худди шарпадан ҳимоя қилмоқчи бўлгандай эрини қучоқлаб, бағрига босди, қўллари билан унинг кўзларини ёпди.

– Сен касалсан! – ҳўнграб юборди аёл вужуди титраб. – Кечир мени, азизим, дўстим, аммо кўпдан буён сезиб юрибман, кўнглинг безовта... Сен руҳан хастасан, Андрюша...

Хотинининг титроғи Ковринга ҳам кўчди. У креслога яна қаради, энди жой бўм-бўшлигини кўриб, оёқ-қўли бўшашиб кетганини ҳис қилди, қўрққанидан апил-тапил кийина бошлади.

– Ҳечқиси йўқ, Таня, ҳечқиси йўқ... – ғўлдиради у титраб. – Аслида, бироз тобим қочиб турибди... очиғини тан оладиган пайт келди.

– Кўпдан буён сезиб юрибман... отам ҳам пайқабди, – деди у ҳўнграб юбормаслик учун ўзини тутиб. – Ўзинг билан ўзинг гаплашасан, қандайдир ғалати қуласан... ухламайсан. О, Худойим, Худойим, ўзинг асра! – деди у даҳшатга тушиб. – Аммо, қўрқма Андрюша, қўрқма, худо ҳаққи, қўрқма...

Таня ҳам кийина бошлади. Фақат эндигина, хотинига қараб туриб, Коврин мушкул аҳволга тушиб қолганини англаб етди, қора роҳиб нималигини, у билан бўлган суҳбатлар хаёлий эканини тушунди. Ақлдан озгани кундай равшан бўлди.

Иккиси ҳам нима қиларини билмай, кийинишиб катта хонага чиқишди: хотин олдин, эр кейин. У ерда йиғи овозидан уйғониб, эгнига халат ташлаб, қўлида шам тутган Егор Семёнич серрайиб турарди. У меҳмонга келган эди.

– Сен қўрқма, Андрюша, – деди Таня титраб, безгак тутгандай, – қўрқма... ота, бу ўтиб кетади... ҳаммаси ўтиб кетади...

Коврин ҳаяжон титроғидан тили калимага келмас эди. У қайнотасига ҳазил оҳангида:

– Табрик этинг мени, афтидан, ақлдан озганга ўхшайман, – демоқчи бўлди, аммо фақат лабини қимирлаб, ғалати жилмая олди, холос.

Эрталаб соат тўққизда унга пальто-пўстин кийдиришиб, шолрўмолга ўраб-чирмашиб файтонда касалхонага олиб келишди. У даволанадиган бўлди.

VIII

Яна ёз етиб келди, яна шифокор уни қишлоққа боришини маслаҳат берди. Коврин энди даволанган, қора роҳиб ҳам кўздан йўқолган, фақат

озроқ куч йиғиб олиши керак, холос. Қишлоқда, қайнотасининг уйида яшаб, роса сутга тўйди, бир кеча-кундузда фақат икки соат ишлади, вино ичмади, чекмади.

Ильин куни[1] арафасида кечқурун уйда ибодат маросими бўлди. Чаққон ёрдамчиси руҳонийга исириқдонни узатаётган пайти эски, ўша ҳайхотдай залдан мозор ҳиди анқигандай бўлди, Коврин диққинафасликка чидай олмай боққа чиқди. Муҳташам гулларга эътиборсиз боғ айланди, бироз скамейкада ўтирди, кейин томошабоғ оралаб кетди; дарёнинг бўйига етиб бориб, пастликка тушди, ўша ерда сувга тикилганча узоқ хаёлга толди. Ўтган йили ёш, фараҳбахш ва тетик кўринган илдизи бароқ улкан қайрағочлар энди шивирламас, худди уни танимагандай, қилт этмай, соқовдай туришарди. Аслида ўзи ҳам тақирбош, узун чиройли сочлари йўқ, қадам олиши ҳам суст, юзи ўтган йилгига қараганда тўлишиб, бироз оқарган. Оқим бўйлаб юриб нариги қирғоққа ўтди. Ўтган йилги жавдарзор ўрнига эгат тортиб, сули экишибди. Қуёш аллақачон ботган, уфқда эртага шамол бўлишидан дарак берувчи поёнсиз қизғиш шафақ ловуллларди. Атроф жимжит. Ўтган йили қора роҳиб илк бор кўринган тарафга тикилган Коврин йигирма дақиқача, оқшом шафағи хиралашгунча тек туриб қолди...

У ланж, дили хуфтон бўлиб уйга қайтганда ибодат маросими тугаб бўлган эди. Егор Семёнич ва Таня айвондаги зинада ўтириб чойхўрлик қилишарди. Улар муҳим бир масалада қизғин гаплашаётган эди, аммо Коврин кўрингач, бирдан жимиб қолишди, у эса, ота билан қизнинг юз ифодасига қараб, гап ўзи ҳақида бораётганини фаҳмлади.

– Сут ичадиган вақтинг бўлди шекилли, – деди Таня эрига.

– Йўқ, бўлмади... – жавоб берди у энг пастки зинага ўтириб олгач. – Ўзинг ичавер. Мен ичмайман.

Таня отаси билан ташвишли кўз уриштириб олгач, ёлвориш оҳангида деди:

– Ўзинг айтдинг-ку, ахир, сут фойдали экан деб.

– Ҳа, жуда фойдали! – заҳархандалик билан деди Коврин. – Сизни табриклайман: жумадан кейин вазнимга яна бир фунт қўшилди. – У қўллари билан бошини маҳкам сиқиб, аламли минғирлади: – Нега, нега сиз мени даволадингиз? Бромли малҳамлар, бекорчилик, илиқ ванналар, ҳар қадам босилганда, ҳар қултум ютилгандаги хавотир, назорат, қўрқув – буларнинг бари, охир-оқибатда мени овсарга айлантириб қўйди. Тўғри, ақлдан оздим, буюклик васвасасига тушдим, аммо қувноқ, тетик, ҳатто бахтли эдим, бошқаларга ўхшамаган, ажойиб эдим-ку! Энди эса, оғирбосиқ, мулоҳазали бўлиб қолдим, аммо эл қатори, кўпнинг бирига айландим: мен – ўртамиёнаман, яшаш жонга тегди... О, сиз менга нақадар шафқатсизлик қилдингиз! Мен галлюцинацияларни кўрардим, аммо бу кимга халал берарди? Сиздан сўраяпман: кимга халал берарди?

– Тавба, нималар деяпсан! – хўрсинди Егор Семёнич. – Ҳатто, одамнинг эшитгиси келмайди.

– Сиз эса, эшитманг.

Бошқалар борлиги, айниқса, Егор Семёничнинг шу ердалиги Ковриннинг янада ғазабини қўзғади, у қайнотасининг саволларига қуруқ, совуққон, ҳатто кўрслик билан жавоб берар, унинг юзига қарамас, мас-

[1] Ильин куни арафасида – эски ҳисобда 20 июль.

хара қилар, хуллас, ёмон кўрарди. Егор Семёнич эса, энсаси қотиб, хижолат бўлиб томоқ кириб, ўзини заррача айбдор санамасди. Яқин кишилари орасидаги муносабатлар нима сабабдан бунчалик ўзгариб кетганини англаб етолмаган Таня отасига ачиниб, унинг кўзларига мунгли боқарди; бечора аёл эрини тушунишни истар, аммо ақли бовар қилмасди, фақат шуни яхши билардики, кундан-кунга орадаги муносабатлар совуқлашиб боряпти, кейинги пайтларда отаси бирдан қариб қолгандай, эри эса ғазабнок, инжиқ, тирноқ орасидан кир қидирадиган, юзи ҳам хунуклашиб борарди. Таня ўйин-кулгини унутди, қўшиқ куйламай қўйди, бугун тушликда томоғидан қил ҳам ўтмади, қандайдир даҳшатли воқеа юз беришидан ҳадиксираб, кечалари ухламай чиқади, шунчалар ғам-ташвишга ботдики, бир куни чошгоҳдан шомгача ўзини билмай беҳуш ётди. Бугун ибодат маросимида отасининг кўзларида ёш милтираганини сезиб қолди, ҳозир эса, учаласи айвонда ўтиришганда ўтган бу воқеаларни эсламасликка тиришар эди.

– Будда, Муҳаммад ёки Шекспир қанчалар омадли бўлишган; уларни жазава тутганда, завқ-шавққа тушганда марҳаматли қариндош-уруғлари, табиблари малҳам излашмаган! – деди Коврин. – Агарда пайғамбар асабийликка қарши бромли калий қабул қилиб, бир кунда икки соат ишлаб, сут ичганда, бу буюк инсон ўзидан кейин жуда кам нарса қолдирган бўларди. Табиблар-у марҳаматли қариндошлар шунчалик меҳрибонки, охир-оқибат, инсониятнинг мияси айниб, ўртамиёналик ҳам даҳоликка айланиб, тараққиёт барбод бўлади. Агар билсангиз эди, – деди Коврин алам билан, – сиздан қанчалар миннатдорлигимни!

У ўзининг қуюшқондан чиқиб кетганини сезиб қолди, яна ортиқча гап айтиб қўймаслик учун ўрнидан турди-да, хонасига жўнаворди. Атроф жимжит, боғ томонга очилган деразадан тамаки ва ялапа ҳиди уфурарди. Каттакон қоронғу залнинг поли, роял устида яшил доғлар пайдо қилиб ой шуъласи жимирлайди. Ўтган ёзнинг ҳайратлари яна Ковриннинг ёдига тушди, ўшанда ҳам ялапа ҳиди уфурганда деразада ой жилоланган. Ўтган йилги завқини қайта ҳис этиш илинжида хонасига шошиб кирди, аччиқ сигара чекди, малайга вино келтиришни буюрди. Аммо сигара томоғини ачитди, ёқмади, винодан ҳам ўтган йилги таъмни топмади. Унутиб юбордимикин! Сигара тутуни ва икки қултум винодан боши айланиб, юрак ўйноғи бошланди, зудлик билан бромли калий қабул қилишга мажбур бўлди.

Уйқуга ётишдан олдин Таня гап бошлади:

– Отамнинг сенга ҳурмати баланд. Сен эса, унга негадир кўрслик қиласан, бу қилиғинг унинг умрини емириб, адо қилади. Қара: кун эмас, соат сайин қарияпти. Ёлвораман, Андрюша, худо ҳаққи, раҳматли отанг ҳурмати ҳаққи, менинг хотиржамлигим учун отамга хушмуомалада бўл!

– Бўлмайман, истамайман ҳам.

– Аммо, нега? – сўради Таня қалтираб. – Менга тушунтириб бер-чи, нега?

– Шунинг учунки, менга ёқмайди, вассалом, – деди беҳафсала елка қисиб, – кел, у тўғрида гаплашмайлик: у сенинг отанг.

– Тушунмайман, тушунолмайман! – тўнғиллади Таня қўлидаги виски қуйилган қадаҳни сиқиб ва бир нуқтага тикилиб қолди. – Уйимизда ақл бовар қилмас даҳшатли воқеалар содир бўляпти. Сен ўзгариб кетдинг,

ўзингга ўхшамайсан... Ақлли, ажойиб одам эдинг, энди арзимаган нарсадан жаҳлинг чиқади, жанжал кўтарасан... икир-чикирларга ҳам асабийлашаверасан, кейин эса, афсус чекасан, ўзингга ишонмайсан: сен ўзи ўшамисан? Ҳа, ҳа, аччиқланма, жаҳлинг чиқмасин, – давом этди у, айтган гапидан ўзи ҳам чўчиб кетиб эрининг қўлини ўпди. – Сен ақлли, марҳаматли, олийжанобсан. Отамга адолатли бўл. У жуда марҳаматли!

– У марҳаматли эмас, кўнгли очиқ, холос. Отангга ўхшаган ажойиб амакилар ўзига тўқ, олашовул, одатдан ташқари меҳмондўст, тентаксимон бўлади, бир вақтлар кўнглимга ёқиб, қиссаларда ҳам, ҳажвларда ҳам, ҳаётда ҳам мени хурсанд қилишган, энди эса, уларни кўрарга кўзим йўқ. Улар тиш-тирноғигача худбин. Айниқса, бўкиб овқат есалар ёмон кўриб кетаман, мешқорингга ўхшаб қоладилар, ҳўкиз ёки тўнғиздек кўринади.

Таня кўрпачага ўтириб, бошини ёстиққа қўйди.

– Бу азоб, – деди у, овозидан жуда толиққани, гапиришга мажоли қолмагани сезилди. – Қишдан бери тинч ўтган куним йўқ... Ахир, бу даҳшат-ку, Худойим! Қийналиб кетдим...

– Ҳа, албатта, мен – Иродман, сен билан отанг эса, миср болаларисиз[1]. Албатта!

Ковриннинг юзи Таняга ўта хунук, ёқимсиз кўриниб кетди. Унга нафрат, истеҳзо ярашмас эди. Ҳа, аввал ҳам унинг юзида нимадир етишмаслигини пайқаган, айниқса, сочини қирдиргандан кейин тамомила ўзгариб қолди. Уни ранжитадиган бирор гап айтгиси келди, аммо ўша заҳоти кўнгли ноҳуш бўлиб, ҳадиксираб, ётоқхонадан чиқиб кетди.

IX

Коврин мустақил кафедра олди. Кириш маърузасини ўқиш иккинчи декабрга тайинланди, бу тўғрида университет йўлагига эълон осиб қўйилди. Аммо ўша куни у касал бўлиб қолгани сабабли маъруза ўқий олмаслиги ҳақида талабалар назоратчисига телеграмма орқали хабар берди.

Унинг оғзидан қон келарди. Қон тупурар, аммо дард ойда икки марта зўрайиб, азобдан тинка-мадори қуриб, ҳушини йўқотиб ётиб қоларди. У касалдан чўчимасди, чунки раҳматли онаси шу дардга чалингандан кейин ҳам ўн йил, ҳатто ундан кўпроқ умр кўрган; бу дарднинг енгиллигига шифокорлар ҳам кафолат беришди, фақат ҳаяжонланмаслиги, соғлом турмуш кечириб, кам гапириш керак.

Январь ойида ҳам шу сабаб билан маъруза ортга сурилди, февралда эса, курсни бошлаш учун кеч бўлган эди. Маъруза ўқишни кейинги йилга қолдиришга тўғри келди.

Энди Таня билан эмас, ўзидан икки ёш катта, уни худди ёш боладай парвариш қиладиган бошқа аёл билан турмуш кечирарди. Энди тақдирга тан бериб, итоатли бўлиб қолган: бажонидил бўйсунади, Варвара Николаевна – дўстини шундай аташади – уни Қримга олиб боришга аҳд қилганда Коврин бу сафардан ҳеч бир наф чиқмаслигини билатуриб розилик берди.

Улар кечқурун Севастополга етиб келишгач, ҳордиқ чиқариб, куч йиғиб, келаси кун Ялтага етиб олиш учун бир кеча меҳмонхонада қолишди. Иккисини ҳам йўл ҳоритган эди. Варвара Николаевна чой ичиб бўлибоқ,

[1] ... мен – Иродман, сен билан отанг эса миср болалари. – Инжилдаги ривоят: Вифлеемда шоҳ Ироднинг мисрлик гўдакларни ургани ҳақида (Матфей Инжили, 2 боб, 16-19 бетлар.)

жойига чўзилиб, ухлаб қолди. Аммо Коврин ётмади. Ҳали уйидалигида, вокзалга чиқмай туриб, Танядан хат олганди, аммо очишга журъат этолмади, ҳозир ўша хат ён чўнтагини чўғдек куйдирар, у ҳақидаги нохуш ўйлар тинчлик бермасди. Ҳозир самимий равишда, қалбининг туб-тубида Танянга уйланганини хато деб ҳисоблайди, у билан узил-кесил ажралишганидан мамнун, унинг тимсоли эса, бор-йўғи тирик мурдага айланди-қолди, фақат синчков тикиладиган катта-катта кўзлари ҳамон ёдидан ўчмайди, энди бу хотиралар аёлга нисбатан ачиниш, ўзига эса, нафрат туйғуларини уйғотади, холос. Хатжилддаги ёзув унга икки йил олдин ўзининг дилгирлиги, ёлғизлиги, ҳаётдан норозилигига ҳеч бир сабабчи бўлмаган одамларга тухмат қилганда ўта ноҳақ, шафқатсиз бўлганини ёдига солди. Ўшанда, бир куни касаллик пайтида ёзган диссертациясига қўшиб ҳамма мақолаларини йиртиб, майда-майда қилиб деразадан улоқтиргани, қоғоз парчалари шамолда дарахт шохи, гулларга илиниб қолгани ёдига тушди; ёзган ҳар сатрида ғалати, ҳеч бир асоссиз эътирозлар, енгилтабиатлик билан қилинган пичинг, кўрслик, буюклик васвасаси яққол сезилиб турарди, илмий изланишларидан фақат нуқсонларни эслайди, холос; сўнгги дафтарни ҳам парчалаб, деразадан улоқтиргандан сўнг нима сабабдандир кўксида чидаб бўлмас алам уйғонган, кейин тўғри хотинининг олдига йўл олган, бориб, унга кўп дилозор гаплар айтиб ташлаганди. Оҳ, Худойим, уни қандай хўрлади-я! Бир куни хотинининг дилини оғритиш учун унга, иккисининг турмуш қуришида отаси мунофиқлик, устамонлик қилгани, яъни алдаб, никоҳ уюштирганини айтиб юборди; тасодифан шу яқиндан ўтаётган Егор Семёнич бор гапни эшитиб, хонага югуриб кириб мушкул аҳволда қолди, тили калимага келмай фақат бир жойда турганча ер тепиниб, ғўлдирарди, холос, Таня бўлса, отасига қараб, титраб, қичқирганча беҳуш йиқилди. Ўтакетган бетамизликлар қилди ўшанда.

Буларнинг ҳаммаси таниш ёзувни кўргани асно хаёлидан бирма-бир кечди. Коврин балконга чиқди; сокинлик, илиқ ҳаво, денгиз ҳиди уфурар эди. Ажойиб кўрфазда ой ва чироқлар акси жилоланар, унда сўз билан ифодалаш мушкул рангинлик мужассам. Бу мовий, кўк рангларнинг нозик, ёқимли уйғунлиги ҳосиласи; айрим жойларда сув ранги мовий тусга, айримларида эса, ой нури қуюқлашиб, сув ўрнига кўрфазни нур қоплагандай, умуман, уйғун, сокин, ранглар тажаллиси ва ажойиб кайфият!

Пастки қаватда, балки балкон тагидаги дераза очиқ бўлса керак, аёлларнинг кулгуси баралла эшитиларди. Афтидан, базми жамшидга ўхшайди.

Коврин бор кучини жамлаб, хатни очди ва хонасига кириб ўкий бошлади:

“Ҳозир отам вафот этди. Бунинг учун сендан миннатдорман, чунки уни сен ўлдирдинг. Энди боғимиз пайҳон бўлади, бегоналар эгаллаб хўжайин чиқишди, бечора отам кўркиб юрган мудҳиш воқеа содир бўлди. Бунинг учун ҳам сендан ўта миннатдорман. Сендан бутун борлиғим билан нафратланаман, тез орада ўлиб кетишингни тилайман. О, мен қанчалар азоб чекяпман! Кўксимни алам куйдиряпти... Минг лаънат сенга! Мен сени ажойиб инсон, даҳо дебман, сени севибман, аммо сен жинни экансан...”.

Коврин давомини ўкий олмади, хатни йиртиб ташлади. Бутун вужудини қўрқувга ўхшаш безовталик қамраб олди. Парда ортидан ухлаётган

Варвара Николаевнанинг пишиллагани эшитилиб турар; пастки қаватдан эса, аёллар қийқириғи, кулгиси жаранглаб турган бўлса ҳам, бутун бошли меҳмонхонада у ўзидан бошқа тирик жон йўқдек ҳис этди.

Чунки бахтиқора, ғам адо қилган Таня ёзган хатида уни қарғаб, ўлим тилабди, ногоҳ кўнглини ваҳима босиб эшикка кўз ташлади, кейинги икки йил ичида ўзи ва яқинлари ҳаётида ҳаддан ортиқ бузғунчиликлар қилган ўша ёвуз руҳнинг эшикдан кириб, яна ўз измига солишидан қўрқиб кетди.

У энди бошидан ўтган табибдай, асаби қақшаганда, дарддан халос бўлишнинг ягона йўли – ишга андармон бўлиш кераклигини яхши биларди. Нима бўлса ҳам столга ўтириб бирон фикр билан хаёлини чалғитишга уринди. Қизил портфелидан унча катта бўлмаган қурама ишлар тафсилоти ёзиладиган дафтарчасини чиқарди, буни Қримда бекорчиликдан зерикиб қолишини ўйлаб олган эди. У столга ўтириб, ёзувлар билан машғул бўлди, яна кўнглида хотиржам, бепарво, итоаткор кайфият қайта уйғонгандай туюлди. Тафсилотлар ёзилган дафтарча, ҳатто бевафо дунёнинг бенаф икир-чикирларини ҳам ўйлашга ундади. Ҳаёт инсонга бериши мумкин бўлган арзимас неъмат эвазига қанчалар кўп нарса талаб қилишини ўйлаб кетди. Масалан, кирк ёшни қоралай деганда мустақил кафедра олиш, оддий профессор бўлиши учун ланж, зерикарли, оғир, содда тилда, устига-устак, ўзгалар фикрини баён қилиш, – бир сўз билан айтганда, ўртамиёна олим даражасига етиш учун у – Коврин ўн беш йил тинимсиз ўқиб-ўрганди, туну кун ишлади, оғир руҳий хасталикни бошдан кечирди, толесиз никоҳга дуч келди ва эслашни ҳам истамайдиган қанча ноҳақлик, телбаликларни енгиб ўтди. Охир-оқибат, англаб етдики у – ўртамиёна одамлардан бири экан, холос, ва бунга бажонидил рози бўлди, шукр қилди, унинг фикрича, ҳар бир киши, ким бўлса ҳам, ўз тақдирига бўйсуниши, пешонада борини кўриши лозим.

У дафтарча билан андармон бўлиб қоларди, аммо майдалаб йиртилган хат парчалари полни оқартириб, фикрини жамлашга халал берди. У столдан турди, хат парчаларини йиғиб олиб, деразадан сочиб юборди, аммо денгиздан эсган енгил шабада парчаларни қайтариб токчага урди.

Яна унинг борлиғини қўрқув ҳисси қамраб олди, яна бутун бошли меҳмонхонада ўзидан бошқа тирик жон йўқдай туюла бошлади... У балконга чиқди. Кўрфаз худди жонлидай, унинг саноқсиз мовий, кўк, феруза ва оловли кўзлари унга тикилиб, ўзига имлаётгандай кўринди. Аслида, ҳаво иссиқ, дим эди, чўмилса ҳам зарар қилмасди.

Бирдан балкон тагидаги пастки қаватда скрипка овози янграб, овози нозик икки аёл куйлай бошлади. Бу кўшиқ танишдай туюлди. Пастдагилар куйлаётган романс паришонхаёл қиз ҳақида: у кечаси боғда сирли оҳангларни тинглаб, бу уйғун наво муқаддас, биз бандалар учун тушунарсиз деган қарорга келади...

Ҳаво етишмай, ҳасратдан юраги хун бўлган Ковриннинг кўксини аллақачон унутилган ғаройиб, ширин орзиқишлар титратди. Кўрфазнинг нариги соҳилида баланд қора устун – ё уюрма, ё куюн – пайдо бўлди. У дахшатли тезликда кўрфаз устидан меҳмонхона тарафга бостириб келаверди, яқинлашган сари тобора кичрайиб, қорайиб борарди, унга йўл бериш учун Коврин ўзини аранг четга олиб қолди... Роҳиб ялангбош, ялангоёқ, сочи оқ, қоши қора, қўлини кўксига қовуштирганча ёнидан ўтиб, хона ўртасида тўхтади.

– Нима учун менга ишонмадинг? – гинахонлик қилди у Ковринга ёқимли жилмайиб. – Ўшанда сен даҳосан, деб айтган гапимга ишонганингда кейинги икки йилинг бунчалик қайғули, зерикарли ўтмас эди.

Ковриннинг ишончи комил, у – Худо назарига тушган даҳо, у қора роҳиб билан орада бўлиб ўтган гапларни дарров эслаб, нимадир демоқчи эди, аммо оғзи тўла қон кўкрагига оқиб тушди, у нима қиларини билмай кўксини чангаллади, шунда ёқаси жиққа ҳўл эканини пайқади. Парда ортида ухлаётган Варвара Николаевнани уйғотмоқчи бўлиб, бор кучини тўплаб, чақирди:

– Таня!

У полга йиқилди, қўлига суяниб қайта туришга уринаркан, яна чақирди:

– Таня! – деб қичқирди.

У Таняни чорлади, шудринг тушган мунаққаш гулларни, ям-яшил муҳташам боғни чорлади, томошабоғни чорлади, бароқ илдизли қарағайзорни, тўлқинланган жавдарзорни, мўъжизакор илмни, навқирон ёшлигини, мардлигини, бахтини чорлади, гўзал ҳаётни чорлади. У полда юзига тегай деб турган қон кўлобига кўзи тушгач, мадори қуриб, бошқа бирон сўз айтолмади, аммо бутун вужудини ифодалаб бўлмас, туганмас бахт чулғади. Пастда, балкон тагида серенада янграр, қора роҳиб эса, унинг даҳолигини, одамзоднинг нимжон жисми мувозанатини йўқотгани, энди даҳога тан бўлолмаслиги, шунинг учун жон бераётганини шивирлаб айтди.

Варвара Николаевна уйғониб, парда ортидан чиққанда Коврин ўлиб ётар, юзида табассум қотиб қолган эди.

1894

Фридрих ШИЛЛЕР

(1759–1805)

Рус тилидан
Омон МАТЧОН
таржимаси

РУССО

Франция шаънига, шу воқеликка
Оғир таъна бўлиб юксалдинг тикка,
Руссо саганаси, сенга эгдим бош!
Бунда тинч ором ол, тилсиз донишманд,
Оламда осойиш изладинг ҳарчанд,
Зотан ер қаърида сукун топди лош!

Тинмади оламда ўчлар: ёнишлар,
Зулматда маҳв ўлди неча донишлар,
Жаллодлар қолмади дейсизми бугун?!
Жаҳолат танғида Суқрот қўлларин,
Руссони ўлдирди бидъат қўллари –
Барин одам этмак бўлгани учун.

КОЛУМБ

Жасур сайёҳ, олға! Қўрқма нодонлардан, кулкидан,
Оғир гардиш майли қочсин ҳорғин дарға илкидан.
Ғарбга, фақат ғарбга талпин, ана, яқиндир қирғоқ:
Хаёлингда ёнаётир мафтункор ва ярқироқ!

Идрок – сурур ёринг! Баҳрул Муҳит узра сол сурон,
Ер йўқ эрса, сув қаъридан шаксиз бўлгай намоён!
Азал-абад даҳо билан табиатдир мувасо –
Кўнглимизга нени солса, албат этади бажо!

ЗАМИН ТАҚСИМОТИ

Зевс инсонларга деди: "Мана ер!
Олинг, саховатим инъоми ушбу!
Муқаддас меросга соҳиби таъмир –
Мунда баҳамжиҳат яшанглар мангу!"

Дарҳол аломонга келди тўрт тараф,
Гувраниб кекса-ёш оёққа турди.
Деҳқон кетди олтин қирларга қараб,
Овчи ўрмон сари йўлини бурди.

Тожирга мулк тегди, аббатга – шабат,
Карвону йўлларда, қиролда тизгин,
Сарҳадларга соқчи қўйди беҳисоб:
"Қани, тижоратдан бож-хирож чўзгин!"

Бир пайт денг, элдан сўнг, олис йўлдандир,
Шоир етиб келар, не гап бехабар.
Замин тақсимоти ўтиб бўлгандир,
Унга кафтдек бир жой қолмабди магар.

"Воҳ, мен шўрпешона! Эй исми қодир!
Содиқ бир ўғлингга наҳот ҳеч вақо?!"–
Оҳ уриб юзтубан тушаркан шоир,
Шундоқ ваъз айтади ул ҳукми якто:

"Беҳуда хаёллар сарҳадларида
Кезмишсан! Малолдир энди талабинг!
Қайда эрдинг тақсим соатларида?!"
"Сенинг бирлан эрди дилим, матлабим!

Нигоҳи – мунаввар сиймога пайванд,
Нурли сўзларингга боғлаб имонни,
Афв эт, ҳислари олий комга банд,
Ерий инъомлардан бехабар жонни!"

Шунда Зевс деди: "Иложи не, қани,
На мисқол ер қолди, на шаҳрим – кентим.
Мана, очдим осмон – Арши аълони,
Бунда қачон келсанг, азизсан энди!"

ҚЎЛҚОП

Оғир қафас қошида магрур
Қирол Франц ўлтирар ёвқур,
Арслонларнинг кутиб жангини.
Тахт гирдида кўшкларда юксак
Аҳли кибор – аёлу эркак
Эслатарди чаман рангини.

Ногоҳ қирол соҳиб маҳобат,
Бажо этар хос бир ишорат –
Очилади залворли қафас.
Тез ўртага чиқади шу он
Боши юнгдор баҳайбат арслон
Ва тек туриб қолади бирпас.

Теграсига шошилмай боқиб,
Эснар, тарс-турс ёлини қоқиб,
Чўзиларкан ерга эринчоқ,
Гал иккинчи қафасга етар,
Зил эшиклар очилиб кетар
Қирол тағин имо қилган чоқ.

Бул қафасдан аччиқ ўкириб,
Гоҳ ўқ, гоҳ ёй шаклига кириб,
Тажанг йўлбарс чиқар майдонга.
Норози, ўч кўрсатиб ўзин,
Жаг ўйнатиб, ёндириб кўзин,
Сўнг чўкади, арслон ёнига.

Қирол тағин имо қилганда
Очилади учинчи тамба
Ва тушгандек гулдирак ерга,
Пайдо бўлар ўртада шу он
Зугум солиб йўлбарсу шерга!
Чиқар икки ичиккан қоплон.

Ташланаркан йўлбарсга икков,
Панжа солар ул ҳам қайтмай дов,
Тикраяди тишлар ва туклар!
Аммо бирдан тикланиб арслон,
Ўкираркан, тинчланар майдон,
Жимиб қолар асов "мушук"лар.

Айни пайтда заррин кўшкдан, воҳ
Йўлбарс ва шер устига ногоҳ,
Тушиб кетар нафис бир қўлқоп.
Соҳибжамол Кунигунд шу дам
Нозли, нафис киноя билан
Боқар рицарь Деларжга алқаб:

"Жаноб рицарь! Севсангиз ростдан,
Қасам ичманг, қўлқопни пастдан
Олиб чиқиб беролсангиз бас!"
Рицарь Делорж – орият соҳиб,
Пастга тушиб кетар тик боқиб,
Қизнинг сўзи тугар – тугамас.

Кўрқув қайда! Кўзлари чақноқ,
Махлуқларнинг ўртасида нақ
Бориб олар қўлқопни шоввоз!
Ҳаяжон ва ҳадикда турган,
Тўда гувва таҳсин ўқиркан,
Юқорига чиқиб борар гоз!

...Ниҳоятда нозик майл, қув,
Уни кутиб оларкан сулув,
Йигит зарра этмайин парво,
Қўлқопини отар жононга:
"Зор эмасман сизнинг эҳсонга!"
Ва тарк этар қизни шу асно.

НЕЧУК ШИРИН БАХТ ЭКАН...

Нечук ширин бахт экан, бўлмоқ
Бир одамнинг севикли ёри!
Жаннатдан ҳам лазиз экан, оҳ,
Битта бўсасининг хумори.

Энди билдим, ҳув қўш кабутар
Ҳу-ҳулашар неларни ўйлаб!
Ва булбуллар ҳар кун тонготар
Нени орзу этишар куйлаб?!

Энди билдим, ҳудудсиз қалбим
Қай ҳасратдан бўлмиш тенгу тор
Ва сарғайиб чеҳраи зардим
Қайси нурга бўлмиш муштоқ, зор?!

Шу пайтгача нечук кулмабди
Менга баҳор, гул юзли зебо?
Нечук кўнглим бир очилмабди
Минг сайраса булбули гўё?

Чунки лаънат дердим тақдирга –
Нечук қуёш кўрмас меваман...
Бугун бирдан нурга етишдим:
Бахтиёрман! Чунки севаман!

NASR

Федор ДОСТОЕВСКИЙ

(1821–1881)

АКА-УКА КАРАМАЗОВЛАР

Тўрт қисмли, эпилогли роман[1]

Рус тилидан
Иброҳим ҒАФУРОВ
таржимаси

IV

ҚОРОНҒИДА

У қаёққа югуриб кетди? Борадиган жойи маълум: "У қаерда бўларди, Федор Павловичнинг олдида? Самсоновнинг уйидан тўғри унинг олдига чопган, бу ойнадай равшан. Барча ўйин, машмаша-ю алдоқчиликлар энди аён..." Бу ўйларнинг бари хаёлида қуюндай учарди. У Марья Кондратьевнанинг ҳовлисига ўтиб ўтирмади. "У ёққа бориш керакмас, сира керакмас... заррача шубҳа уйғонмасин... дарров етказишади ва сотишади... Марья Кондратьевна ҳойнаҳой тил бириктирган, Смердяков ҳам худди шундоқ, шундоқ, ҳаммаларини сотиб олган!" Унинг юрагида бошқа ният туғилди: у тор кўчадан мавзени, Федор Павловичнинг кўрасини айланиб ўтди-да, Дмитровский кўчасидан югургилаб, кейин кичик кўприкдан чиқиб, тўғри орқа томондаги хилват кўчага кирди, бу жой кимсасиз, одам яшамас, бир томони қўшни том орқали четан девор билан ўралган, бошқа томондан эса Федор Павловичнинг боғи баланд, мустаҳкам девор билан қуршалганди. Шу ерда тўхтаб девордан ошиб ўтиш учун жой танлади, бу ердан қачонлардир Лизавета Смердякова боққа ошиб ўтган ва бундан Митянинг хабари бор эди. "Агар ўша хотин бу ердан ошиб ўтолган бўлса, – худо билади негадир шу фикр унинг хаёлида чарх уриб айланди, – нега мен ўтолмас эканман?" Ҳақиқатан, у сакраб деворнинг юқорисидан чангаллаб ушлади-ю, шаҳд билан кўтарилди ва ўзини чаққон девор устига олиб у ерда ўтирди. Шу яқин ерда кичикроқ ҳаммом солинган, лекин девор тепасидан уйнинг ёришиб турган чироқлари ҳам кўринарди. "Рост чиқди, чолнинг ётоқхонасида чироқ ёқилган, қиз шу ерда!" – у девордан боққа сакраб тушди. Митя хизматкор Григорийнинг нотоблигини билар, эҳтимолки, Смердяков ҳам ётиб қолган, шунинг учун бу ерга тушганини ҳеч ким эшитмаслиги аниқ, шунга қарамасдан ғайришуурий тарзда бир-

[1] Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.

пас қотиб турди ва қулоқ сола бошлади. Аммо ҳаммаёқни ўлик сукунат қамраган, атай қилгандай ҳаммаёқ жим-жит, ҳатто шамол ҳам эсмасди.

"Фақат шивирлар сукунат[1], – негадир фақат шу сатр хаёлидан лип-пиллаб ўтди, – ишқилиб, девордан ошиб ўтганимни ҳеч ким эшитмаган бўлсин, эшитмади, шекилли". Бир зум серрайиб тургач, у оҳиста майсалар устидан юриб кетди; буталар, дарахтларни айланиб ўтиб, ҳар бир қадамига қулоқ осиб, узоқ юриб борди. У ёруғ тушиб турган деразагача беш дақиқалар чамаси жуда эҳтиётқорлик билан қадам босди. У ўша ерда дераза тагида бужина маржон, бодрезакларнинг қалин, баланд, катта тўплари ўсиб ётишини биларди. Уйнинг олд томонида, чапда ичкаридан боққа чиқадиган эшик берк эди, у ўтиб бораётганида диққат қўйиб синчиклаб қаради. Ниҳоят, буталарга етиб борди ва улар орқасига биқинди. У ҳатто нафас чиқармасликка тиришарди. "Энди нафас ростлаш керак, – деб ўйлади у, – агар улар менинг қадам товушларимни эшитган-у ва энди тинглаб турган бўлсалар, қўнгиллари жойига тушсин... ишқилиб, йўталим қўзиб ё акса уриб юбормай-да..."

У икки дақиқача қилт этмади, аммо юраги даҳшатли гурсилларди, нафаси бўғзига тиқиларди. "Йўқ, юракнинг гурсиллаши ўтиб кетмайди, – ўйлади у, – бошқа кутолмайман". У буталар орқасида қоронғида турарди; буталарнинг олд томонига ойнадан ёруғ тушарди. "Бодрезак маржонлари қип-қизил-а!" – пичирлади у негалигини ўзи ҳам билмай. У оҳиста, битта-битта, эшиттирмай қадам қўйиб, дераза олдига ўтди-да, оёқ учида тик турди, Федор Павловичнинг ётоқхонаси кафтдек кўз ўнгида гавдаланди. Бу унчалар катта бўлмаган хона бўлиб, ҳаммаси кўндалангига Федор Павлович "хитойи" дейдиган тўсиқлар билан бўлинган эди. "Хитойи, – мия-сидан лип этиб ўтди Митянинг, – тўсиқлар ортида эса Грушенька". У Федор Павловичга бошдан-оёқ разм солди. Отаси йўл-йўл янги ипак халат кийган, буни илгари Митя ҳеч қачон унинг эгнида кўрмаганди, халатнинг белидан шокилари тизимча ўтказиб боғланганди. Халатнинг ёқалари остидан тоза, олифтанамо, нафис голландча кўйлак кўринар, тилла тугмалари ялтирарди. Федор Павловичнинг боши ўша қизил пешонабоғ билан боғланган, буни илгари Алеша ҳам кўрганди. "Ясаниб олибди", – ўйлади Митя. Федор Павлович ойна яқинида ўй-хаёлга ботганча турарди, бирдан бошини юқорига силтади, бирозгина қулоқ солди-да, қулоғига ҳеч товуш чалинмай, стол олдига келди, графиндан қадаҳга яримлатиб қуйди-да, ичиб юборди. Кейин кўксини кўтариб хўрсинди, яна туриб қолди, хаёли паришон ҳолда девордаги ойна олдига борди, ўнг қўли билан манглайидан қизил боғични пича сурди-да, кўкарган жойлари, ғурраларини кўздан кечирди, улар ҳали босилмаганди. "Ўзи ёлғиз экан, – ўйлади Митя, – ҳар қалай ёлғиз". Федор Павлович ойнадан нари кетди, бирдан деразага ўгирилиб тикилиб қолди. Митя дарҳол ўзини қоронғига тортди.

"У балки тўсиқлар орқасида ухлаб ётгандир", – Митянинг юраги санчди. Федор Павлович деразадан нари кетди. "У қизни дарчада пойлаб турган экан-да, бундан чиқди қиз бу ерда эмас, қоронғига тикилиб ўтирармиди?.. Кутавериб тоби-тоқати қолмаган..." Митя яна писиб бориб ойнадан кузата бошлади. Қария кичик столча олдида мунграйиб ўтирарди. Ниҳоят, суяниб, ўнг кафтини юзига босди. Митя кўзларини катта-катта очиб ютоқиб томоша қиларди.

[1] А.С.Пушкиннинг "Руслан ва Людмила" достонидан бироз ўзгартириб айтилган сатр: "Гўё... шивирлар сукунат..."

“Бир ўзи, бир ўзи! – ичида таъкидларди яна. – Қиз бу ерда бўлса, чолнинг башараси бошқача бўларди”. Қизиқ бир ҳол: қизнинг бу ерда эмаслигидан юрагида аллақандай бемаъни ва далли бир ғашлик қўзғалди. “Бу ғашлик ойимқизнинг бу ерда йўқлигидан эмас, – Митя ўзи фикрлаб жавобини дарҳол топди, – қизнинг бу ердами, бу ерда эмаслигини билолмаётганим кўнглимни хира қиляпти”. Митянинг кейинроқ бориб эслашига қараганда, унинг ақл-идроки ўша дамда фавқулодда тиниқ эди, ҳаммасини охирги тафсилоти, икир-чикиригача муҳокамадан ўтказар, барини эслаб қоларди. Аммо билмаслик, бетайинлик, беқарорликдан сиқилиб ўлай дерди ва бунинг охири кўринмасди. “Ойимқиз шу ердами ё шу ерда эмасми?” – қутуриб қўзғалди унинг юраги. Шунда у бирдан жазм қилди – қўлини чўзиб деразани оҳиста чертди. У чол Смердяков билан шартлашиб олгандай хабар берди: биринчи марта икки бор секин чертди, кейин уч марта тез-тез: тақ-тақ-тақ – бу демак, Грушенька келди, шу ерда дегани эди. Чол сапчиб тушди, бошини дик кўтарди, шарт ўрнидан туриб дераза томонга отилди. Митя ўзини коронғига олди, Федор Павлович деразани очиб, бошини ташқарига суқди.

– Грушенька, сенмисан? Ўзингми? – ғўлдиради у қандайдир ғичиллаган қалтироқ товушда. – Ойимқизим, қайдасан, паривашим, қанисан? – У даҳшатли ҳаяжонга тушган, нафаси бўғилган эди.

“Бир ўзи экан!” – фаҳмлади Митя.

– Қанисан? Қаердасан? – қичқирди яна чол ва бошини яна кўпроқ ташқарига чиқарди, ҳатто елкаларигача чўзиб, ҳар ёққа аланглади, бир ўнгига, бир сўлига олазарак қарайди, – кел ахир мунда, мен совға олиб қўйдим, кел, кўрсатаман!

“Уч минг солинган пакетни айтяпти”, – Митянинг калласидан лип этиб шу фикр ўтди.

– Қаердасан ахир?.. Ё эшик томондамисан? Ҳозир очаман...

Шунда чол сал бўлмаса деразадан ташқарига тушиб кетай деб, ўнгга, чапга аланглади, боққа олиб чиқадиган эшикка тикилди, коронғида аниқроқ кўриш учун кўзларини катта-катта очди. У бир сония ўтказмай, Грушеньканинг жавобини ҳам кутиб ўтирмай, албатта, эшикни очиш учун югурган бўларди. Митя ён томондан туриб қимирламай кузатарди. Чолнинг шу қадар унинг нафратини қўзғаган башараси, осилиб тушган кекиртаги, қайрилган бурни, лаззат иштиёқида илжайган лаблари, булар ҳаммаси чап томондан хона ичидан қиялаб тушаётган чироқ ёруғида равшан кўзга ташланарди. Шунда Митянинг юрагида даҳшатли қаҳру ғазаб қайнаб тошди: “Мана, унинг рақиби, азоб-уқубатларга солган, ҳаётини жаҳаннамга айлантирган ғаним!” Бу ўша кутилмаганда қайнаб-тошган, қутурган, қасоскор қаҳру ғазаб эди. У Алеша билан бундан тўрт кун аввал боғ шийпонида худди олдиндан кўриб билгандай башорат қилган ҳолат эди, Митя ўшанда Алешанинг: “Отамни ўлдираман деб айтишга қандай тилинг боради?” – деган саволига жавоб берганди.

“Мен ахир билмайман, билмайман, – деганди у ўшанда, балки ўлдирарман ё ўлдирмасман. Кўрқаманки, *худди ўша дамда манфур башарасига* қарасам, балки ўзимни тутолмай қоламан... Унинг кекиртаги, тумшуғи, ола кўзлари, номуссиз тиржайишларини кўришга заррача тоқатим йўқ. Жоним чиқиб кетади. Мана шундан кўрқаман, ўзимни тутолмай қолсам керак...”

Юрагида жирканиш тобора шиддатли тусга кирарди. Митя энди бутун эс-хушини йўқотганди ва бирдан чўнтагидаги мис дастага ёпишди...

.....

Митя кейинчалик шундай сўйлаб юрди: "Ўшанда мени худо қарғади"; худди мана шу сонияда касал Григорий Васильевич ўз хобгоҳида уйғониб кетди. У ўша куни кечқурун маълумингиз муолажани қилган, буни Смердяков Иван Федоровичга гапириб берганди, яъники, хизматкор бутун баданига араққа қандайдир сирли жуда ўткир ўсимлик шарбатини аралаштириб, қаттиқ ишқалаб суртган, албатта, хотинининг кўмагида, қолганини эса хотини "дуо ўқиб" турган ҳолда ичган ва уйқуга кетганди. Марфа Игнатьевна ҳам арақ ичмаслигига қарамай, бу малҳамни ичган ва эрининг ёнида донг қотиб уйқуга кетганди. Буни қарангки, Григорий тун қучоғида бирдан уйғониб кетиб, бирпас ўйланиб ётди ва яна шу ондаёқ белида сирқироқ бир оғриқ туйган бўлса-да, барибир ўрнидан қўзғалди. Кейин яна ниманидир хаёл қилиб, оёққа турди-да, апил-тапил кийинди. Балки "шундай хатарли вақтда" уй қоровулсиз қолиб, ўзи тўшакда ухлаб ётгани учун виждони оғригандир. Тутқаноқ касали тўшакка михлаб ташлаган Смердяков эса бошқа хужрада қимир этмай ётарди. Марфа Игнатьевна ҳам қимир этмасди. "Хотиннинг мажоли йўқ", – деб ўйлади Григорий Васильевич унга қараб ва "қиҳ-пиҳ" қилиб эшик олдига чиқди. Албатта, у фақат хабар олиш учун эшикдан ташқарига бошини суқди, чунки қадам босишга ҳозир мажоли йўқ, бели ва ўнг оёғи чидаб бўлмас даражада оғрирди. Аммо айни шу асно у боққа чиқадиган эшикни кеча қулфламаганини эслади. Бу ғоятда саранжом-саришта, тартиб-интизомга кўп йиллардан бери қаттиқ ўрганиб, риоя қиладиган одам эди. У оқсай-оқсай, оғриқдан етти букилиб остонадан тушди ва амаллаб боққа юрди. Ҳақиқатан, боғ эшиги очиқ қолганди. У беихтиёр боғ ичига қадам қўйди: балки ниманидир сезгандай бўлдими ё бирон бир бехос товуш қулоғига чалиндими, ҳарқалай сўл томонга қараб, хўжайиннинг очилиб қолган деразасига кўзи тушди, дераза бўм-бўш, ҳеч кимнинг қораси кўринмасди. "Нега дераза очиқ, ҳозир ёз эмас-ку!" – ўйланди Григорий ва айни шу сонияда ўзининг тўғрисида боғда фавқулодда бир нима липиллагандай бўлди. Ундан қирқ одимлар нарида қоронғида одам қораси чопиб ўтаётгандай эди, шарпа жуда тез югургилаб борарди. "Вой, худойим!" – ғудранди Григорий ва ўзини унутиб, белидаги ёмон оғриққа қарамасдан қочиб бораётганнинг йўлини тўсиб чиқа бошлади. Чамаси, боғ унга яхши таниш бўлса керак, йўлни қисқа олди, шарпа ҳаммом орқасига ўтди, ўзини деворга отди... Григорий унинг қорасини йўқотмасликка ҳаракат қилиб, жон ҳолатда югурарди. Қора деворга осила бошлаган пайтда ниҳоят етиб борди. Григорий ўзини йўқотиб бор кучи билан додлади, шиддат билан отилиб, иккала қўли билан шарпанинг оёқларига ёпишди.

Унинг кўнгли алдамаган экан, у таниди, бу худди ўша "ваҳший падаркуш" эди!

– Падаркуш бадбахт! – қичқирди қари хизматкор чор атрофни зириллатиб. Аммо бошқа овози чиқмади, шу ондаёқ у худди чақмоқ ургандай ерга қулади. Митя яна боққа сакраб тушди ва қулаган хизматкор устига энгашди. Митянинг қўлида мис даста бор эди, уни беихтиёр ўтлар ичига ирғитди. Даста Григорийдан икки одим нарига, аммо ўтлар ичига эмас, сўқмоқнинг ўртасига бориб тушди. Митя бир неча сония олдида

ётган одамга қараб турди. Хизматкорнинг боши қонга белангандди. Митя қўлини чўзиб уни пайпаслай бошлади. У кейин шуни аниқ эсладики, ўша дамда чолнинг бошини "мажақлаб ташладими" ёки даста билан уриб энсасини "пўла" қилиб юбордими, шунга ишонч ҳосил қилишни билмоқчи эди. Аммо қон тинмай оқар, бирпасда Митянинг қалтираган қўллари қайноқ қонга бўялди. У чўнтагидан оппоқ янги рўмолчасини, уни Хохлакованикига бораётганда ҳар эҳтиёт ёнига солиб қўйганди, чолнинг бошига босди, пешонаси ва юзига оқаётган қонни артишга уринди. Бироқ рўмолча бир зумда жиққа қон бўлди. "Худойим, бундан нима фойда? – сергак тортди шунда Митя, – бошини ёрган бўлсам, энди нима... Барибир эмасми энди?! – қўшиб қўйди яна умидсиз аҳволда, – ўлдими, ўлди... Куниг битган экан, энди ётавер!" – овозини баланд қўйиб деди у ва бирдан девор томонга ўзини отди, ундан ошиб ўтиб боғ кўчага тушди ва қоча бошлади. Қонга ботган рўмолча ўнг қўлида ғижимланган, уни югуриб кетатуриб камзулининг орқа чўнтагига суқди. У орқа-олдига қарамай чопар, қоронғи шаҳар кўчаларида шу тобда сийрак учраган ўткинчилар ўша кеча жонҳолатда қочаётган кимсани эслаб қолдилар. У яна Морозованинг уйини мўлжаллаб югурарди. Боя ходима қиз Феня у кетгандан кейин дарҳол катта қоровул Назар Ивановичнинг олдига югургилаб, худони ёлвориб ўртага солиб, бугун яна капитан келиб қолса, уни бугун ҳам, эртага ҳам уйга қўймасликни тайинлади. Назар Иванович бунга қулоқ солди, аммо таассуфки, кутилмаганда уни юқорига бегойим ҳузурига чақириб қолишиб, у йўл-йўлакай яқинда қишлоқдан келган йигирма яшар қариндошини учратиб, унга ҳовлига қараб туришни уқтирди, аммо капитанни таъқидлаб айтишни унутди. Митя халлослаб келиб дарвозани тақиллатди. Йигитча дарров уни таниди: Митя унга аввал бир неча марта чой-чақа берганди. Зумда унга дарвозани очди, чақ-чақ кулиб дарҳол унга: "Аграфена Александровна уйдан чиқиб кетдилар-ку", – деб огоҳлантирди.

– У қаерда, Прохор? – сўради бирдан тўхтаб Митя.

– Боя кетди, икки соатча бўлди, Тимофей билан Мокроега жўнади.

– Нега? – қичқирди Митя.

– Бунисини билолмадим, қандайдир зобит ўша ёқдан чақирибди ва отаарава юборибди...

Митя бирдан уни қўйиб, эси оғганча Феняга югурди.

V

КУТИЛМАГАН ҚАРОР

Феня ошхонада бувиси билан бирга ўтирганди, икковлари уйқуга ётмоқчи бўлиб туришарди. Улар Назар Ивановичга ишониб эшикни ичкаридан беркитишмаганди. Митя югуриб кирди, Феняга ташланди ва томоғидан бўғиб олди.

– Ҳозир айтасан, у қаерда, Мокроеда ким билан юрибди? – бўкирди Митя жазаваси тутиб.

Аёлларнинг икковлари ҳам чинқириб юборишди.

– Вой, айтаман, вой, жон Дмитрий Федорович, ҳозир ҳаммасини айтиб бераман, ҳеч нимани яширмайман, – жони чиқадигандай қўрқиб кетган Феня қичқирди. – У Мокроега зобит олдига кетди.

– Қанақа зобит? – бўкирди Митя.

– Ўша олдинги зобитга, беш йил бурун келган эди ўша зобит, кейин ташлаб кетувди, – бидиллади Феня.

Дмитрий Федорович унинг томоғидан қўлини олди. У хизматкор қиз олдида ранги ўликдай оқариб, гунгу лол турар, аммо кўзларидан ҳаммасини бирданига, биратўла, охирги чизиғигача тушунгани, фаҳмига етгани кўриниб турарди. Албатта, шу дамда шўрлик Феня унинг қанчалар тушунгани ё тушунмаганини қайдан ҳам билсин. У уйга бало-қазодай отилиб кириб келган чоғда қиз бечора сандиқ устида қандай ўтирган бўлса, ўша алфозда ҳамон ўтирар, иккала қўлини олдинга чўзиб ўзини тўсиб қалт-қалт титрар, ўлик-тиригини билиб бўлмасди. Эсхонаси чиқиб кетган, қорачиқлари ола-кула кўзлари бақрайганча қимир этмай унга тикиларди. Ановининг эса бунинг устига иккала қўли қон эди. У йўл-йўлакай чопиб бора туриб, юзидан терни артаман деб, пешонасига кафти теккан бўлса керакки, манглайи ҳам, юзининг ўнг бети ҳам қонга бўялганди. Феня ҳушдан кетадиган аҳволда, ошпаз кампир эса сакраб турган, эсидан айрилганга ўхшар, телбасароқ боқарди. Дмитрий Федорович бир зум серрайиб туриб қолди, сўнг бирдан ғайришуурий тарзда Фенянинг олдидаги курсига ўтирди.

У анг-танг қотиб ўтирар, қўрқаётгани ё ўйлаётганини ҳам билиб бўлмас, донг қотганди. Аммо бари кундай равшан эди: ўша зобитни у яхши билар, ҳаммасини Грушеньканинг ўзидан эшитган, бир ой бурун у хат ёзиб жўнатганидан хабари бор эди, ҳа, демакки, бир ой, ҳа, тўла бир ой, то ўша кимса энди бу ерга етиб келгунча бу ишлар барчаси ундан мутлақо яширинча юритилган, у эса буни ҳатто хаёлига ҳам келтирмаган! Нега, нега уни ҳеч ўйламади? Нега уни хаёлидан чиқариб қўйди? У ҳақда хабар топган заҳоти яна бутунлай унутди, нега? Шу савол унинг олдида ҳайбатли, қўрқинчли махлуқ каби қўндаланг туриб қолди ва у ушбу қўрқинчли махлуққа ҳангу-манг тикилар, қўрққанидан вужуди музлаб кетганди.

Аммо у бирдан худди қобил ва ёқимтой болакай каби Феня билан оҳиста ва мулойим гаплаша бошлади, гўё ҳозиргина унга ваҳшатини сочиб, қўрқитиб, қийноққа солмагандай. Унинг ҳол-аҳволида бу жуда ҳам ғалати кўриниши мумкин эди, у фавқулодда аниқ-аниқ сўзлар билан Фенядан сўраб-суриштира бошлади. Феня ҳам унинг қон юқи қўлларидан олазарак кўзларини ҳеч узолмаётган бўлса-да, ҳар бир саволига жон-жон деб шоша-пиша жавоб берарди, у "бор ҳақиқатни" тўкиб сочишга бел боғлагандек эди. Аста-секин ҳатто димоғи чоғ бўлиб барчасини миридан-сиригача айтгани тушди, бу гаплар билан уни қийнаш хаёлига ҳам келгани йўқ, аксинча, чин юракдан мушкулини осон қилишга шошилди. Бугунги бўлиб ўтган воқеаларни ҳам, Ракитин билан Алешанинг келгани-ю, ўзи уларга қоровул бўлиб тургани-ю, бегойим қандай йўлга тушгани-ю, дарчани очиб Алешага акангизга салом айтинг, "уни бир соатга севганини абадул-абад унутмасин" дегани-ю, ҳаммасини оқизмай-томизмай айтиб берди. "Салом айтинг" деган сўзни эшитиб Митя илжайиб қўйди ва туссиз оқарган бети қизаринди. Феня яна шу аснодаёқ қизиқиб суриштиришдан асло чўчимай унга деди:

– Қўлларингизни қаранг, Дмитрий Федорович, қонга ботирибсиз!

– Ҳа-а, – жавоб берди шуурсиз тарзда Митя, паришон ҳолда қўлларига қараб ва шу заҳоти Фенянинг саволи ёдидан кўтарилди. У яна сукутга

толди. У бу ерга югуриб киргандан бери йигирма дақиқача вақт ўтганди. Бояги қўрқинчи ўтди, аммо чамаси, уни энди бошқа енгиб бўлмас бир янги қарор батамом эгаллаганди. У бирдан ўрнидан турди ва хаёлчан жилмайди.

– Хўжам, сизга яна нима бўлди? – деди Феня ва яна унинг қўлларини кўрсатди, жуда афсус-надомат билан қайғудош махрамдай бўлиб сўйлади.

Митя яна ўзининг қўлига қаради.

– Бу қон, Феня, – деди у қизга ғалати мунғайиб, – бу одамнинг қони, о, худойим, нега ҳам тўкилди! Аммо... Феня... бу ерда бир девор бор (у қизга худди топишмоқ айтмоқчидай боқди), жуда баланд бир девор ва кўринишдан жуда қўрқинчли... аммо... эртага тонг отганда, "куёш кўкда боққанда", Митенька ана шу девордан ошиб ўтади... Феня, тушунмаяпсанми қандай деворлигини... Майли, ҳечқиси йўқ... барибир эртан эшитасан-у ҳаммасини тушуниб оласан... ана энди яхши қол! Халал бермайман ва ўзимни четга оламан, четланишни биламан. Жонинг омон бўлсин, қувончим... мени бир соатга севдинг ва энди Митенька Карамазовни абадул-абад эслаб юр... Ахир у мени доим Митенька деб чақирарди, эсингдами?

Шу сўзларни айтиб, ошхонадан чиқди. Феня унинг бу чиқишидан боя югуриб кириб келганидан ва унга ташланганидан кўра ҳам ёмонроқ қўрқди.

Роса ўн дақиқадан сўнг Дмитрий Федорович боя ўзи тўппончаларини гаровга қолдирган ёш мансабдор Петр Ильич Перхотиннинг уйига кириб борди. Соат саккиз яримлар эди, Петр Ильич эса уйда чой ичиб, яна камзулини эгнига илган, "Пойтахт шаҳар" деган қовоқхонага биллиард ўйнагани бормоқчи бўлиб отланганди. Митя унга эшикдан чиқаётганда дуч келди. Петр Ильич уни ва қон сачраган юзини кўриб, бехос қичқириб юборди:

– О, худойим! Сизга нима бўлди?

– Э, шу, – тез-тез сўйлади Митя, – тўппончаларимга келдим, сизга пулингизни олиб келдим. Жуда миннатдорман. Шошиб турибман, Петр Ильич, иложи бўлса тезроқ.

Петр Ильичнинг ҳайронлиги тобора ортарди: Митянинг қўлларида бирдан бирталай пулларга кўзи тушди, яна у пулларни чангалида тутган ҳолда кириб келди, ҳеч ким пулни бундай чангалда ушламайди ва бу аҳволда эшикдан кирмайди: у барча қоғоз пулларни ўнг қўлида чангаллаган, худди атай кўрсатмоқчидай қўлини олдига чўзганди. Мулозимнинг хизматкори бўлмиш бола Митяни даҳлизда кутиб олган, унинг кейинроқ ҳикоя қилиб беришича, Митя даҳлизга қўлида шундай пул чангаллаганча кириб келган, бундан чиқди, у кўчада ҳам шу алфозда пул чангаллаб юрган. Қоғоз пулларнинг ҳаммаси юз рубллик янги яроқлаган эди, уларни қон юқи қўлларида ушлаб турарди. Кейин бунга қизиқиб қараган кишиларнинг "пуллар қанча эди?" – деган саволларига Петр Ильич: ўшанда бунинг қанчалигини билиш қийин эди, балки, икки минг, балки, уч мингдир, аммо пул дастаси "қалин" эди, деб жавоб берганди. Дмитрий Федоровичнинг кейинги ўзининг гапига қараганда, "ўзини йўқотиб қўйгандай аҳволга тушган, лекин маст эмас экан, қандайдир қаттиқ ҳаяжонланган, хаёли паришон ва айни чоғда худди нимадир ўйлашга тиришгану ҳеч ҳал қилолмаётгандек диққати ошган ҳолда бўлган. Доим қаёққадир шошила-

ётгандек бўлар, шартта-шартта кескин дағал жавоб қилар, ўзини ғалати тутар, баъзи пайтларда гўё алам-кулфат ичида эмас, ҳатто шод-хуррам кўринарди".

– Э, сизга нима бўлган, нима қилган ўзи? – қичқирди яна Петр Ильич меҳмонга кўзи олайиб қараркан. – Қаерда сиз бунча қонга ботдингиз, йиқилдингизми ё, буни қаранг!

У Митяни енгидан тутиб кўзгуга тўғрилади. Митя қон чапланган башарасини кўриб, сесканди ва қовоғини уйди.

– Э, шайтон! Шу етмай турувди, – ғўлдиради у куфри келиб, ўнг қўлидаги пул дастасини тез чап қўлига олиб, қалтираб чўнтагидан рўмолчани тортиб чиқарди. Бироқ рўмолча ҳам қон (рўмолча билан у Григорийнинг боши ва башарасини артган эди): рўмолчанинг оқ жойи қолмаган, қон сингиб қурий бошлаган, ғижимланганча қотган, ҳеч текис ёзилмасди. Митя уни қаҳр билан ерга отиб урди.

– Э, қуриб кетсин! Латта-паттангиз йўқми... артинишга...

– Э, сизга қон сачрабди, йиқилмабсиз... ярадор бўлмабсиз-а? Унда, яхшиси, ювининг, – жавоб берди Петр Ильич. – Мана, дасжў, қўлларингизни ювиб олинг.

– Дасжў дейсизми? Яхши... фақат буни нима қилай? – қандайдир талмовсираб Петр Ильичга қўлидаги пул дастасини кўрсатди, нима қилай дегандай саволомуз қаради, худди у пулни қаерга қўйишни биладигандай.

– Чўнтакка солинг ёки манави ерга стол устига қўйинг, йўқолмайди.

– Чўнтакками? Ҳа-я, чўнтак. Бу яхши... Йўқ, э, қўяверинг, бу ҳаммаси беҳуда! – деб қичқирди у бирдан хаёлини бир ерга жамлагандай бўлиб. – Кўряпсизми, биз олдин бу ишимизни битишиб қўяйлик, тўппончаларни сиз менга беринг, мана пулингиз, олинг... чунки менга жуда, жуда ҳам керак... вақтим йўқ... ҳеч вақтим йўқ...

У пул дастасидан битта юзталикни олиб, уни мулозимга узатди.

– Э, қайтаришга майда пулим йўқ, – деб қўйди мулозим, – майдароғи йўқми?

– Йўқ, – деди Митя пул дастасига қараб, сўнг ўз сўзига ишонмагандай даста тепасидаги икки-уч қоғозни бармоқлари билан пайпаслаб, – йўқ, ҳаммаси мана шунақа, – деб қўшиб қўйди у яна Петр Ильичга саволомуз қараб.

– Э, сиз қаердан бунақа бойиб кетдингиз? – сўради Петр Ильич. – Тўхтанг, мен малайни Плотников дўконига жўнатаман. Улар дўконни кеч ёпишади. Балки майдалаб беришар. Ҳей, Миша! – қичқирди у даҳлиз томонга.

– Плотниковнинг дўконига бўлса, бу жуда соз! – қичқирди Митя ҳам худди хаёлига бир фикр келгандай бўлиб. – Миша, – ўгирилиб қаради у кириб келган малайга, – менга қара. Плотников дўконига югур, Дмитрий Федорович салом айтиб юбордилар, ҳозир ўзлари келар эканлар де... Қулоқ сол, қулоқ сол гапимга, мен боргунимча уч дўжнача шампан тайёрлаб қўйишсин, худди аввалгидек яшик қутиларга солишсин. Аввал Мокроега борганимда улардан тўрт дўжна олган эдим, –деди у бирдан Петр Ильичга мурожаат қилиб, – улар ўзлари билишади, ташвишланма, Миша, – малайга ўгирилди яна, – эшит, яна пишлоқ бўлсин, страсбург пироглари бўлсин, дудланган яхши колбасалар, лаҳм гўшт-ёғлар, балиқларнинг увилдириқлари, нимаси бўлса, ҳаммасидан солсин юз

рубллик қилиб ё юз йигирма рублга, худди аввалгидек бўлсин... Қулоқ сол, яна ноз-неъматларни унутмасин, ширинликлар, попуклар, ноклар, тарвузлардан бир қанча – йўқ, битта тарвуз ҳам етади, шоколадлар, обакилар, манпасилар, ҳолвалар – Мокроега кетаётганимда тайёрлаб беришувди, ҳаммаси бўлсин, ҳа, шампан билан бирга қўшганда уч юз рублгача бўлсин ҳаммаси... Ҳа, аниқ ўшанча бўлсин. Сен эсингда тут, Миша, агар сен Миша бўлсанг... Уни Миша дейишади-ку, а, тўғрими? – у яна Петр Ильичга қарата сўйлади.

– Э, тўхтанг, – тўхтатди Петр Ильич уни эшитиб, ташвишланиб қараб, – сиз яхшиси, ўзингиз бориб айтинг, акс ҳолда бола адашиб кетади.

– Адашади, ҳа, тўғри, адашади! Эҳ, Миша, мен эса сени хизматинг учун ўпиб қўймоқчийдим... Агар ҳаммасини адашмай айтсанг, сенга ўн рубль бераман, югур тезроқ... Шампан, ҳаммадан муҳими шампан бўлсин, коньяклар бўлсин, қизили, оқи, ҳаммаси бўлсин, худди ўша пайтдагидек ҳаммаси... Улар билишади ўшанда қандоқ бўлганини...

– Э, гапимни эшитсангиз-чи! – сабрсизлик билан унинг гапини бўлди Петр Ильич. – Мен сизга айтяпман, у ҳозир пул майдалашга борсин ва дўконни ёпмай турар экансизлар десин, кейин сиз ўзингиз бориб айтасиз... Беринг пулингизни, югур, Миша, оёғингни қўлингга олиб чоп! – Петр Ильич, афтидан, атай Мишани тезроқ жўнатиб юборди, чунки югурдак бола меҳмон олдида унинг қон бўлган бет-қўлларига, қалтираган кафтидаги ғижим пулларга кўзлари ола-кула бўлиб бақрайиб қолганди, қўрққани, ҳайрон бўлганидан оғзи ланг очилган, Митя унга тайинлаган нарсаларнинг биттасини ҳам тушунмаганди.

– Хўш, энди юринг. Ювиниб олинг, – жиддий деди Петр Ильич. – Пулни чўнтакка солинг ё стол устига қўйинг. Ана шундай, юринг. Ҳа, камзулингизни ечинг.

Шунда у камзулни ечишга кўмаклаша бошлади ва бирдан яна бақириб юборди:

– Э, қаранг, камзулингиз ҳам қон бўлибди!

– Бу... камзул эмас. Фақат енги озгина... Бу рўмолчадан теккан. Чўнтакдан ўтган. Фенянинг олдида рўмолчага ўтириб олибман, силқиб ўтибди, – қандайдир ишонувчанлик билан очиғини айтди Митя. Петр Ильич қовоғини солиб эшитди.

– Бошингизни нимага суқа қолдингиз, биров билан уришгансиз, шекилли, – тўнғиллади у.

Ювиниш бошланди. Петр Ильич кувачадан сув қуйиб турди. Митя шошилар, қўлини апил-тапил чала ювди. (Петр Ильич кейинроқ эслашича, Митянинг қўллари қалтирарди.) Петр Ильич дарҳол кўпроқ совун суртиб, ишқалаб ювиш кераклигини эслатди. У мана шу дамларда борган сари кучлироқ тарзда Митядан қандайдир устун кела бошлаганди. Эслатиб қўяйлик, бу ёш мулозим унча-мунчадан чўчиб ўтирадиганлардан эмасди.

– Қаранг, тирноқлар таги тоза ювилмади, ана энди юзингизни ишқаланг, мана бу ер, қулоқ олди, чаккангиз... Сиз мана шу кўйлакда бормоқчимисиз? Қаерга борасиз? Қаранг, ўнг енгингиз бари қон.

– Ҳа, қон, – деди Митя енг қайтармасини кўздан кечириб.

– Кўйлакни алмаштириш керак.

– Вақт йўқ. Мен, мана, кўрдингизми... – ўшандай очиқлик билан деди Митя, сочиқ билан қўл-юзини артиб камзулини кияркан, – мен мана-

ви еридан енгимни қайириб қўяман, камзул тагида кўринмайди... Ана, кўрдингизми!

– Энди айтинг, қаерда бу аҳволга тушдингиз? Биров билан ёқалашдингизми? Яна қовоқхонада эмасми? Яна тағин капитанмасми ишқилиб, ўшанда уни уриб, судраб юрувдингиз? – худди дакки бергандай деди Петр Ильич. – Яна кимни дўппосладингиз... ё ўлдириб қўйдингизми?

– Бекор гап, – деди Митя.

– Нимаси бекор?

– Қўйинг, – деди Митя ва бирдан илжайди. – Мен ҳозир майдонда бир кампиршони йиқитиб юбордим.

– Йиқитдингизми? Кампирни-я?

– Чолни! – қичқирди Митя тикка Петр Ильичнинг юзига тикилиб, кула-кула унга худди кардай бақириб.

– Э, шайтон чалсин, чолни, кампирни... Бировни ўлдириб қўйдингизми?

– Ярашдик. Ёқалашдик, кейин ярашдик. Бир ерда. Оғайни бўлиб қолдик. Бир тентак... у мени кечирди... энди кечиргандир... Агар ўрнидан турса, кечирмасди, – бирдан кўзини қисди Митя, – фақат, биласизми, кўяверинг, уни жин урсин, эшитяпсизми, Петр Ильич, жин урсин уни, қўйинг! Ҳозир ҳеч тоқатим йўқ! – қатъий бўйин товлади Митя.

– Ҳар ким билан ади-бади айтишиб юрасизми деяпман-да, анави штабс-капитанга ўхшаганлар билан арзимаган нарсалар устида... Ёқавайрон бўлибсиз, энди ўйин-кулги қилмоқчисиз – ана сизнинг феълингиз. Уч яшик шампан дейсиз – ким ичади шунча балони?

– Қойил! Беринг энди тўппончаларни. Худо ҳақи, вақтим йўқ. Сен билан ошна, бир отамлашмоқчи эдим, аммо вақтим йўқ. Э, кераги ҳам йўқ, гаплашиб ўтирадиган пайт эмас. Э! Пул қани, қаёққа қўйдим? – қичқирди у ва қўлларини чўнтакларига апил-тапил тиқа бошлади.

– Стол устига қўйдингиз... ўзингиз... ҳов ана турибди. Эсингиздан чиқдими? Пулми, чиқиндими, сувми, сизга ростдан ҳеч фарқи йўқ экан. Мана тўппончаларингиз. Қизиқ, боя соат олтида ўн рублга гаровга қўювдингиз, энди бўлса мингни чангаллаб турибсиз. Икки минг, балки уч мингдир-а?

– Балки уч мингдир? – кулиб юборди Митя пулларни шимининг ён чўнтакларига тиқиштириб.

– Бундайда йўқотасиз. Олтин конларини топиб олдингизми, нима бало?

– Олтин конлар? Олтин конлар! – бор кучи билан бақирди Митя ва қаҳқаҳлаб кулди. – Перхотин, конларга бормайсизми? Бу ердаги бир хоним афанди сизга уч мингни нақд беради. Борсангиз бўлди. Менга нақд берди, у олтин конларини жонидан ҳам яхши кўраркан! Хохлаковани танийсизми?

– Танимайман, эшитганман, кўрганман. Наҳотки, у сизга уч минг берди? Нақд бердими? – ишонмасди Петр Ильич.

– Э, сиз эртаминан, қуёшимиз бош кўтарганда, ўша навқирон Феб[1] худойимга ҳамду санолар ёғдириб парвоз қилган чоғда, сиз ўша Хохлакованинг дейман-да, қошига боринг ва ундан ўзингиз сўранг, менга уч минг берганми, йўқми? Сўраб кўринг, биродар.

– Мен у хоним билан муносабатларингизни билмайман... сиз ўзингиз шундай ишонч билан гапиряпсиз, демак, бергандир-да... Сиз эса пуллар-

[1] Феб – нур, ёғлик илоҳи Аполлоннинг номи (қадим юнон асотирлари).

ни чангалингизга киритибсиз-у Сибир конларига жўнаш ўрнига, тўрт томонга сочаяпсиз... Э, ростингизни айтинг, энди каёққа борасиз, а?

– Мокроега.

– Мокроега? Шу қоронғида-я?

– Мастрюкнинг бори бут эди, энди ҳеч вақоси йўқ Мастрюкнинг![1] – тўнғиллади бирдан Митя.

– Нега ҳеч вақоси йўқ бўлар экан? Чангалингизда минг-минглаган пул, яна ҳеч нарса йўқми?

– Мен пулни айтмаяпман. Чириб кетсин пули! Мен хотин кишининг феъл-атворини айтяпман:

Енгилтакдир хотин киши
Турланади, товланади!..[2]

Мен Улиссга қўшиламан, у шундай деган.

– Сизни тушунолмаяпман!

– Мастманми?

– Маст эмас, баттар.

– Руҳим маст, Петр Ильич, руҳим маст, бўлди энди, бас, бас...

– Нега тўппончани ўқлаяпсиз?

– Ўқлайман.

Митя ҳақиқатан ҳам тўппонча қутисини очиб, порохни ажратди-да, зарядини тўлдирди. Кейин ўқни қўлга олди-да, уни ўқдонга жойлашдан олдин икки бармоғи учида шам ёруғига тутди.

– Нимага ўққа қараяпсиз? – ташвишланганча қизиқсиниб сўради Петр Ильич.

– Шунчаки. Бир тасаввур-да. Менга қара, сен агар бу ўқни бошингга жойламоқчи бўлсанг, тўппончани ўқлаётганда унга бир қараб қўярмидинг, йўқми?

– Унга қараш нимага керак?

– Менинг миямга бу киради, унга қизиқиб қарайсан-да, қанақайкин деб... Айтмоқчи, бекор, бекорчилик. Ана, тугади, – деб қўйди у ўқни жойлаб ортидан каноп лос билан маҳкамлаб. – Петр Ильич, азизим, ҳаммаси бекор, ҳаммаси беҳуда, бунинг қанчалар беҳудалигини агар билсайдинг! Қани, менга энди бир парча қоғоз бер.

– Мана қоғоз.

– Тоза, текис, ёзадиган қоғоз бер. Ана шунақасини. – Шунда Митя стол устидан перо олди-да, қоғозга тезгина икки сўзни ёзди ва қоғозни тўрт буклаб, нимчасининг киссасига солиб қўйди. Тўппончаларни қутига жойлади, калитчаси билан қулфлади-да, қутини қўлига олди. Кейин Петр Ильичга қараб узоқ хаёлчан табассум қилди.

– Энди кетдик, – деди у.

– Қаёққа борамиз? Йўқ, тўхтанг... Нима, ўқни миянгизга жойламоқчимисиз, а... – хавотирланиб сўради Петр Ильич.

– Ўқ бекор! Мен яшашни истайман, ҳаётни яхши кўраман! Билиб қўй буни! Мен олтин сочли Фебни ва унинг қайноқ нурини севаман... Азизим Петр Ильич, сен йўл беришни биласанми?

– Йўл бериш нимаси?

[1] "Мастрюк Темрюкович" тарихий қўшиғидан.

[2] Тютчевдан. Одиссей (Улисс) тилидан айтилган.

– Ўтказиб юбориш. Азиз хилқатга ва манфур зотга йўл бериш. Токай манфур ҳам азиз бўлсин, йўл бериш маъноси ана шундай! Уларга шундай дейиш керак: худо хайрингизни берсин, боринг, омон бўлинг, мен эса...

– Сиз?

– Бас, кетдик.

– Худо ҳақи, кимгадир айтмасам бўлмайди, – деб унга тикилди Петр Ильич. – Сизни у ёққа ўтказмасин. Нима қиласиз ҳозир Мокроега бориб?

– Жонон бор у ерда, жонон, бўлди етар энди, Петр Ильич, тамом-вассалом!

– Менга қаранг, сиз ваҳшийроқ кўринсангиз ҳам, негадир менга маъқул одамга ўхшайсиз...шунинг учун хавотир олаяпман.

– Сенга раҳмат, биродар. Мени ваҳший деяпсанми? Ёввойилар, ёввойилар! Фақат шу сўзнигина айтурман: ёввойилар. Э-ҳа, ана Миша, мен уни эсимдан чиқарибман.

Ҳовликиб-ошиқиб Миша қўлида майдаланган пуллар кириб келди-да, дарҳол сўзини бошлади, Плотниковлар ҳаммаси ишга тушиб кетишди, шишаларни олиб чиқишяпти, балиқлар, чойлар – ҳаммаси ҳозир тайёр бўлади. Митя ўн рублни Петр Ильичга тутқазди, яна бир ўн рублни Мишага улоқтирди.

– Бўлмайди! – қичқирди Петр Ильич. – Уйимда берманг, ёмон эркалатиш бу. Беркитинг пулларингизни, бу ерга қўйинг, нима қиласиз ҳавога совуриб? Эртан асқотади, олдимга ўн рубль сўраб келасиз. Нега нуқул ён чўнтакка соласиз? Ҳей, тушириб, йўқотиб қўясиз!

– Қулоқ сол, ошнам, юр кетдик, бирга Мокроега борамизми?

– Менга нима бор у ерда?

– Менга қара, хоҳлайсанми, ҳозир шампан очаман, икковимиз ҳаёт учун ичамиз! Ичгим келяпти, ҳаммадан ҳам сен билан бирга ичгим келяпти. Сен билан ҳеч ичмаганман, а?

– Майли, қовоқхонада ичайлик, кетдик, мен ўша ёққа кетаётгандим.

– Қовоқхонага вақт йўқ, Плотниковнинг дўконида орқа томонда хоналар бор. Сенга ҳозир бир топишмоқ айтиб берсам, эшитасанми?

– Айт.

Митя нимчасидан қоғозни чиқариб, уни очиб кўрсатди. Равон ва йирик ҳарфлар билан унда шу сўзлар ёзилганди:

"Бутун ҳаётим учун ўзимни айблайман, бутун ҳаётимни барбод этаман!"

– Буни кимгадир айтиб қўймасам бўлмайди. Ҳозироқ бориб айтаман, – деди қоғоздаги сўзларни ўқиган Петр Ильич.

– Улгурмайсан, ошна, юр, яхшиси, ичайлик!

Плотниковларнинг дўкони Петр Ильичнинг уйидан фақат бир уй нарида кўча муюлишида экан. Бу жуда бой савдогарларнинг бизнинг шаҳримиздаги энг катта баққоллик дўкони бўлиб, ўз ҳолича кўркамгина эди. Пойтахтдаги дўконларда бор барча нарсалар бу ерда ҳам топиларди, баққоллик ва қандолат молларининг ҳаммаси: "биродар Елисеевларнинг шароблари", мева-чевалар, сигаралар, чой, қанд, шакар, қаҳва ва ҳоказолар. Ҳар доим савдода уч гумашта ўтирар ва икки югурдак бола хизматга шай эди. Гарчи бизнинг ўлкамиз камбағаллашиб қолган, помешчиклар ҳар ёқларга жўнаб кетишган, савдо-сотиқ сусайган эса-да, баққоллик ҳамон барқ урар ва ҳатто йил сайин яхшиланиб борарди: бу нарсалар-

ни харид қилувчи талабгорлар сира камаймасди. Митяни дўконда тўрт кўз бўлиб кутишарди. Уч-тўрт ҳафта бурун худди шундай бирваракайига турли-туман товарлару шароб ичкиликларни бир неча юз рублга, яна нақд қоғоз пулга сотиб олганини бу ерда яхши эслашарди (рост, унга қарзга ҳеч вақо беришмаган бўларди). Яна шуларни ҳам эслашардики, ўшанда ҳам ҳозиргидек, чангалида даста-даста шалдироқ пуллар тутган, уларни сира ўйлаб ўтирмай, ҳатто ўйлашни ҳам истамай, шунча нарсани нима қиламан, шаробларни қайга қўяман деб, бошини ҳам қотирмай сочар, совурарди. Кейин бутун шаҳар у Мокроега Грушенька билан ўйнагани кетиб, "бир кеча-ю кундузда бирданига уч мингни совуриб, айш-ишратдан икки қўлини бурнига тиқиб, шир яланғоч қайтди", деб гапириб юрди. Лўлилар таборини чақиртирган (ўша пайтда ўлкамизда дайдиган), улар Митянинг бир дунё пулини ўмарганлар, сон-саноқсиз қимматбаҳо шишаларни бўшатганлар. Митянинг устидан кула-кула яна шуларни ҳам ҳикоя қилишардики, Мокроеда у оми мужиклару қишлоқ ойимқизлари-ю хотин-халажга оғзи-бурнидан чиққунча шампан ичирган, ширинликлару қанд-курслару Страсбург пирогларига тўйдириб меҳмон қилган. Яна кулиб қўшимча қилишардики, Митя ҳамманинг олдида, очиқдан-очиқ тан олиб айтган эканки, мана шу бутун "майнавозчилик" учун "Грушенька фақат оёғини бир мартагина ўпишга рухсат берди, бошқа ҳеч нарсага йўл қўймади", деб. Одамлар бечора йигитнинг шу гапларига маза қилиб кулишарди (албатта, ўзига кўрсатмай, ахир унинг тик башарасига қараб кулиш жуда хавфли эди).

Митя билан Петр Ильич дўконга етиб келишганда, бу ерда уч от қўшилган, гилам поёндозлар тўшалган, қўнғироқлари ва жомчалари жингирлаб турган аравани кўрдилар, аравакаш Андрей Митяни муштоқлик билан кутарди. Дўконда катта бир қутида барча нарсалар тахт, уларни аравага жойлаш учун фақат Митяни кутишарди. Петр Ильич ҳайрон қолди.

– Тройка арава сенга дарров қай гўрдан етиб кела қолди? – сўради у Митядан.

– Сенинг олдингга югуриб келаётсам, мана шу Андрейни учратиб қолдим, унга тўғри дўконга келиб туришини тайинладим. Вақтни бой беришнинг кераги йўқ! Ўтган сафар Тимофей билан борувдим, энди Тимофей пир-р этиб сеҳргар қиз билан кетиб қолибди. Андрей, жуда кеч қоламизми?

– Биздан фақат бир соат олдин боришлари мумкин, балки бунчалар ҳам чиқмас, бир соатга ўзишса керак! – шошиб жавоб қилди Андрей. – Мен Тимофейни ўзим йўлга кузатдим, қандай йўл босишларини биламан. Уларнинг юриши бизнинг юришимиз эмас, Дмитрий Федорович, бизга етишларига йўл бўлсин. Нари борса бир соат олдин етишади! – жўшқинлик билан деди ҳали куч-кувватга тўла, бурма бел камзул кийган ранг-рўйи тўқ сариқ, қотма, чап қўлига чакмон ташлаган йигит.

– Эллик рубль аракка оласан, агар бир соат фарқи билан борсанг.

– Бир соатга кафолат берамиз, Дмитрий Федорович, эҳ, бир соат қаёқда, ярим соатга ҳам қолмайди!

Митя саросимада буйруқлар бераркан, қандайдир ғалати, бир чеккадан тартиб билан эмас, эсанкираб сўйларди. Бир гапни бошлаб, дарров бошқасига ўтиб кетарди. Петр Ильич ўртага тушиб ёрдамлашмоқчи бўлди.

– Тўрт юз рублга, бир тийин ҳам кам эмас, тўрт юз, лекин худди ўтган гал қандай бўлса, шундай бўлсин, – буюрарди Митя. – Тўрт дўжна шампан, бир шишаси кам эмас.

– Нима қиласан шунчани, нега керак? Тўхта! – бўкирди Петр Ильич. – Бу нима қути? Нима бор? Наҳотки тўрт юз рублга шу бўлса?

Атрофда питирлаб юрган гумашталар дарров чучмал тилда тушунтиришди: "Биринчи қутида бор-йўғи ярим дўжна шампан ва дастлаб керак бўладиган турли-туман нарсалар, яхналар, газаклар, қандолат, манпаси ва бошқалар жойланган. Аммо асосий "маҳсулот" ҳозироқ алоҳида жойланиб, худди ўтган сафаргидек, алоҳида тўрт ғилдиракли арава ва уч от қўшилган тройкада жўнатилади, ўз вақтида жойига етиб боради, "у ерга бор-йўғи Дмитрий Федоровичдан бир соат кейин етиб боради".

– Бир соатдан ошмасин, ҳа, бир соат нари-бериси, иложи борича кўпроқ обакилар, манпасилар олинсин, у ерда буларни қизлар яхши кўради, – қизишиб-жўшиб уқтирарди Митя.

– Обакилар – майли. Бу тўрт дўжнани бошингга урасанми? Биттаси етади, – жаҳли чиқиб деди Петр Ильич. У савдолаша бошлади, ҳисобни сўради, ҳеч кўнгли жойига тушмади. Бироқ фақат юз рублни тежади, холос. Уч юз рубль миқдорида нарса – товар олинса, кифоя қилади, деб тўхташди.

– Э, ҳаммаларингни шамол учирсин! – деб қичқирди Петр Ильич бирдан сергак тортиб, – менга нима ўзи? Ердан супуриб олган бўлсанг, сочавермайсанми пулингни!

– Бу ёққа кел, иқтисодчи, хафа бўлма, – Митя уни дўконнинг орқа томонига олиб ўтди. – Бу ерда бизга ҳозир май беришади, томоқни ҳўллайлик. Эҳ, Петр Ильич, бирга борамиз, чунки сен яхши одамсан, сендайларни яхши кўраман.

Митя мўъжаз стол олдига қўйилган тўқима курсига ўтирди, унга яғир рўйжа тўшалганди, Петр Ильич унинг рўпарасига чўкди, дарров шампан келди. "Жаноблар чиғаноқ хоҳлайдиларми, янгигина олганмиз", деган таклиф бўлди.

– Жин урсин чиғаноқларни, мен емайман, умуман овқат емайман, – деди қаҳри келиб Петр Ильич.

– Вақт йўқ чиғаноққа, – деди Митя, – иштаҳа ҳам йўқ. Биласанми, дўстим, – деди у бирдан ҳиссиёти қўзиб, – мен ҳеч қачон бунақа тартибсизлик, бевошликни ёқламаганман.

– Ким яхши кўради уни! Уч дўжна шампан такасалтангларга, жонинг чиқмайдими ахир.

– Мен буни айтаётганим йўқ. Мен олий тартиб-интизомни айтяпман. Мен тартибсиз одамман, менда олий интизом йўқ... Аммо... буларнинг ҳаммаси тугади, йиғлаб ўтирадиган жойи қолмади. Кеч бўлди, қуриб кетмайдими! Бутун ҳаётим бетартиб ўтди, энди тартиб ўрнатиш керак. Сўз ўйинлари, а? Қалай?

– Сўз ўйини эмас, алаҳсираш.

– Оламда аъло олийга салламно,

Ва мендаги алайга салламно!

Бир пайтлар бу байт юрагимдан отилиб чиққанди, байт эмас, кўз ёши... ўзим тўқиганман... аммо унда штабс-капитанни соқолидан тортиб ҳали судрамовдим...

– Нега бирдан уни эслаб қолдинг?

– Нега бирдан уни эсладимми? Бекор! Ҳаммаси тугайди, ҳамма тенглашади, чизиқча тортилади – ва якун.

– Рост, менинг кўзимга нукул сенинг тўппончаларинг кўриняпти.

– Тўппончалар ҳам бекор! Ич ва дийдиё қилаверма. Ҳаётни севаман, ҳаётни ҳаддан ортиқ яхши кўриб қолганман, ҳаддан ортиқ, шу ифлос... Етар! Ошна, ҳаёт учун ичамиз, ҳаёт учун қадаҳ кўтараман! Нега мен ўзимдан мамнунман? Мен пасткашман, аммо мамнунман. Лекин пасткашлигимдан қийналаман, бироқ ўзимдан мамнунман. Яратиқларни олқишлайман, Яратганни шарафлайман ва яратиқларини... аммо... бир сассиқ махлуқ, шу махлуқни мажақлаб ташлаш керак, ўрмаламасин, бошқаларга яшагани тўсиқ бўлмасин... Ҳаёт учун ичамиз, жон ошна! Ҳаётдан ортиқроқ нима бор! Ҳеч нарса, ҳеч нарса! Ҳаёт учун ва битта маликалар маликаси учун!

– Ҳаёт учун ичайлик, майлига, сенинг маликанг учун ҳам.

Бир стакандан олишди. Митя гарчи шод-хуррам ва елвагай хаёлларга ошно бўлса ҳам, қандайдир маъюс, худди олдида енгиб бўлмас ва оғир вазифа тургандай эди.

– Миша... бу югурдагинг Мишами? Мишача, ука, бунда кел, мен учун ва анави олтин сочли Феб учун, эртанги кун учун ич, ур бир стакан...

– Э, нима қиласан унга ичириб! – деб қичқирди Петр Ильич жаҳли чиқиб.

– Майли де, хўп дея қол, бир кўнглимга кара...

– Э-эҳ!

Миша стаканни кўтарди, таъзим қилди-да, чиқиб кетди.

– Анчагача эслаб юради, – деб қўйди Митя. – Бир қизни севаман, махлиқони! Қиз нима ўзи? Ер маликаси! Ғамгинман, ғамим кўп, ғамим кўп, Петр Ильич. Ҳамлет эсингда борми: "Мен маҳзунман, мен маҳзунман, Ҳорацио... Оҳ, шўрлик Йорик!" Балки шу Йорик мендирман, мендирман. Айнан мен Йорикман ҳозир, чаноғи эса кейин.

Петр Ильич жимгина эшитар, кейин Митя ҳам жимиб қолди.

– Бу қанақа лайча? – сўради у паришонлик билан гумаштадан, бурчакда турган ёқимтойгина, кўзлари чўғдай қора лайчага кўзи тушиб.

– Бу бегойим Варвара Алексеевнанинг итлари, – жавоб берди гумашта, – боя бирга олиб келиб эдилар, унутиб қолдирибдилар. Қайтиб олиб борамиз.

– Мен битта шундайини... полкда кўриб эдим, – ўйчан деди Митя, – фақат унинг орқа оёғи синган эди... Петр Ильич, дарвоқе, мен сендан сўрамоқчийдим, сен ўз ҳаётингда ҳеч ўғрилик қилганмисан ё йўқми?

– Бу қандай савол бўлди?

– Йўқ, мен ўзимча, шунчаки. Мундай бировнинг чўнтагига тушганмисан? Мен давлат ғазнасини айтаётганим йўқ, ғазнани ҳамма талайди, сен ҳам, албатта...

– Тур, йўқол, афтинг қурсин.

– Мен бегона одамнинг чўнтагига деяпман, кармондан, а?

– Бир марта ойимдан йигирма тийин ўғирлаганман, тўққиз яшар бола эдим, столдан олувдим. Секин олиб кафтимда сиқимлаб беркитганман.

– Кейин нима бўлди?

– Табиий, қамчилашди. Сен ўзинг нима, ўғирламаганмисан?

– Ўғирлаганман, – айёрона кўз қисди Митя.

– Нимани ўғирловдинг? – қизиқсинди Петр Ильич.

– Онамнинг йигирма тийини, тўққизда эдим, уч кундан сўнг қайтариб бердим, – Митя шуларни айтиб ўрнидан турди.

– Дмитрий Федорович, йўлга тушмаймизми? – деб қичқирди бирдан дўкон эшигида турган аравакаш Андрей.

– Тайёрми? Кетдик! – типирчилади Митя. – Энди охирги ривоят, сўнг... Андрейга бир стакан арақ беринглар ҳозироқ! Кейин арақдан ташқари бир қадаҳ коньяк ҳам ичирилсин! Манави яшик (тўппончалар жойланган) мен ўтирадиган жойнинг тагига жойлансин. Омон бўл, Петр Ильич, хуш қол.

– Ахир эртан қайтарсан?

– Шаксиз.

– Ҳисоб-китобни ёпаверайми? – етиб келди гумашта.

– Э, ҳа, ҳисоб! Шаксиз!

У яна чўнтагидан бир даста пул чиқарди, учта рангдор қоғоз пулни ажратиб тахта устига ташлади ва шошиб дўкондан чиқди. Орқадан ҳамма эргашди ва таъзим-тавозе қилиша-қилиша яхши ниятлар айтиб хайрлашишди. Андрей ҳозиргина ичган коньякдан томоғини қириб қўйди-да, ўриндиғига сакраб ўтирди. Бироқ Митя энди жойлаша бошлаган эди, унинг олдида кутилмаганда Феня пайдо бўлди. У халлослаб етиб келди-да, қичқириб қўлларини қовуштириб унга чўзди ва шартта тиз чўкди:

– Отахоним, Дмитрий Федорович, жоним, азизим, ойимқизни нобуд қилманг. Мен сизга ҳаммасини айтиб бердим!.. Унинг олдинги қаллиғини ҳам ўлдирманг! У энди Аграфена Александровнага уйланади, шунинг учун Сибирдан қайтиб келди... Отахоним, Дмитрий Федорович, бегоналар қонини тўкманг!

– И-и-и, ҳали шундайми? Кўп ҳунарлар кўрсатасан у ерда! – ўзича ғўлдиради Петр Ильич. – Ана энди бари тушунарли, ҳаммаси равшан, Дмитрий Федорович, менга ҳозироқ тўппончаларни топшир, одам эканингни унутма, – овозини баланд кўтариб Митяга хитоб қилди у, – эшитяпсанми, Дмитрий!

– Тўппончаларми? Ҳали шошма, ошна, мен уларни йўл-йўлакай кўлмакка ташлаб юбораман, – жавоб берди Митя. – Феня, тур ўрнингдан, менинг олдимда бундай ётма. Митя ҳеч кимни ҳалок қилмайди, энди бу тентак одам ҳеч кимни нобуд қилмайди. Э, менга қара, Феня, – деб қичқирди у қизга ўтириб олгач, – мен боя сени хафа қилиб қўйдим, мени кечир, раҳм қил, аблаҳни кечир. Кечирмасанг, барибир ўзинг биласан! Чунки энди барибир! Ҳайда, Андрей, шамолдек уч!

Андрей йўлга тушди, қўнғироқлар жаранглади.

– Хайр энди, Петр Ильич! Охирги томчи кўз ёшим сенга!..

"Маст эмас–у, нима деганини билмайди!" – унинг ортидан ўйланиб қолди Петр Ильич. У қолган бошқа ичкиликлару қандолатларни аравага қандай жойлаштиришлари, Митяни тош-тарозидан уриб лаққа туширмасликларига қараб турмоқчи бўлди-ю, лекин бирдан ўзидан жаҳли чиқиб тупурди-да, қовоқхонасига биллиард ўйнагани кетди.

– Ўзи туппа-тузук йигит-у, ғирт тентак... – ғиринглаб бораради ўз-ўзига йўл-йўлакай. – Анов Грушенькага аввал харидор бўлган зобитни эшитгандим. Яна қайтиб келган бўлса, унда... Эҳ, қуриб кетқур тўппончалар!

Э, ярамас, нима, мен унинг тоғаси ё амакисиманми? Билганини қилсин! Нима ҳам бўларди. Бақириб-чақириб тинчишади. Ичиб маст-аласт бўлишади, бир-бирларини дўппослашади, ундан сўнг ярашишади. Булар уддабурон одамлар эмас-у? "Четга чиқаман", "ўзимни жазолайман" деганлари нима? Ҳеч вако бўлмайди! Қовоқхонада шу сўзларни бадмаст минг марта такрорлагандир. Ҳозир-ку маст эмас. "Руҳим маст" – аблаҳлар ибораларни яхши кўришади – нима, мен унинг тоғаси ё амакисиманми? Қаерда уришдийкин, афти-ангори бутун қон. Ким билан уришди экан? Қовоқхонада билиб оларман. Рўмолчаси ҳам қон... Э, куриб кетсин, ерга тушганча уйда қолибди... садқаи сар!

У қовоқхонага таъби ғоят тирриқ ҳолда кириб келди ва дарҳол соққа ўйинига киришди. Ўйин димоғини чоғ қилди. Яна навбатдаги ўйинни янгидан бошлаб ҳарифларидан бири билан Дмитрий Карамазовнинг қўлига уч мингдан ортиқроқ катта пул тушибди, ўз кўзим билан кўрдим, яна Мокроега Грушенька билан бирга ўйнагани кетди, деб гаплашиб қолди. Ҳамма эшитганлар ажабланишди. Ва яна ҳаммалари бундан асло кулмай, ғалатироқ жиддий сўз юритишди. Ҳатто ўйинни ҳам тўхтатиб қўйишди.

– Уч минг? Унда уч минг нима қилади?

У-бу деб суриштиришди. Хохлакова ҳақидаги гапни ҳеч ким жиддий қабул қилмади.

– Чолнинг уйини куйдирмадимикин?

– Уч минг! Одамнинг ишонгиси келмайди.

– Отамни ўлдираман деб, бу ерда ваъзхонлик қилувди, ҳамма эшитган. Яна айни уч мингни тилга олувди.

Петр Ильич тинглаб турди-ю, кейин ўзига берилган саволларга жавобни қуруқ ва қисқа қилди. Митянинг қўли ва башараси қонга беланган ҳақида оғиз очмади, гарчи бу ерга келаётган чоғида сўйлаб бермоқчи бўлганди. Учинчи ўйинни бошлашди, аста-секин Митя ҳақидаги гап-сўзлар тинди. Аммо учинчи ўйинни тугатиб, Петр Ильич бошқа ўйнагиси келмади, таёқни қўйиб, овқатланиш ниятидан қайтиб, қовоқхонадан чиқди. Майдонга чиққач, у ўзидан ажабланиб туриб қолди. Ҳозир Федор Павловичнинг уйига ўтмоқчи бўлгани хаёлидан кечди. Бирон кор-ҳол бўлмадимикин? "Беҳуда бир гап бўлса керак, ҳаммани уйғотиб юбораман, шовқин-сурон кўтарилади. Э, куриб кетсин, нима мен тоғаси ё амакисиманми!"

Таъби ўта тирриқ бўлиб у уйига йўл олди ва бирдан Феняни эслаб қолди: "Э, куриб кетсин, нега боя ундан сўраб олмадим, – дилгир бўлиб ўйлади у, ҳаммасини билиб олардим". Унда бирдан қайсар ва сабрсиз бир истак пайдо бўлди, қандай бўлмасин ўша қиз билан гаплашгиси келди, ярим йўлда шартта бурилиб савдогар Морозованинг уйи томон йўл олди, Грушенька шу ерда ижарада яшарди. Дарвозага етиб боргач, у тақиллатди, тун қоронғиси ва сукунатида янграган овоз уни сергак торттириб, жаҳлини чиқарди. Боз устига ҳеч ким жавоб бермади, уйдаги ҳамма уйқуга кетганди. "Бу ерда ғавғо-тўполон чиқарадиган бўлдим", деб ўйлади у юраги ўртаниб, лекин биратўла орқасига қайтиб кетиш ўрнига яна бор кучи билан дарвозани тақиллатишга тушди. Бутун кўча тўс-тўполон бўлиб кетди. "Э, ўлсам ҳам барибир тақиллатавераман, тақиллатавераман!" – деб бўғиларди у ҳар бир тақиллаган овоздан жунбушга келиб ва шу билан бирга дарвозани уришдан тўхтамасди.

VI

ЎЗИМ БОРАМАН

Дмитрий Федорович эса йўлда елиб борарди. Мокрое қишлоғигача йигирма чақиримдан сал ортиқроқ эди, аммо Андрейнинг тройкаси шунчалар шамолдек тез учиб борардики, бир соату чорак дақиқада етиб борсалар керак эҳтимол. Тез юрганларидан Митя тетиклашди. Ҳаво сарин ва тиниқ эди, тиниқ осмонда юлдузлар бодрарди. Бу ўша Алеша ерга чапараста ётганча "уни мангу, азал-абад севаман" деб аҳд қилган кеча эди. Аммо Митянинг кўнгли ғаш, жуда ғаш эди ва гарчи ҳозир унинг дилини жуда кўп нарсалар ўртаб турган эса-да, барибир шу онда унинг бутун борлиғи ақл бовар қилмас даражада қиз томонга, маликасига парвоз қилиб интилар, уни охирги марта кўрмоқ учун ҳаволанарди. Фақат бир нарсани айтай: юраги бир зум ҳам бас бойламасди. Айтсам, балки менга ишонмасликлари мумкин, мана шу бизнинг рашкчи ўғлонимиз, ана шу янги одам – янги рақиб, ер остидан чиққандай пайдо бўлган "ана шу" зобитга заррача ҳам рашк туймасди. Бошқаси бўлса, уни дарҳол рашк қилган бўларди ва эҳтимол, ўз даҳшатли қўлларини яна қонга бўяр, анави, қизнинг "кўз очиб кўрганига" эса ўз тройкасида учиб бораркан, ҳеч қандай рашк ғазаботини ҳис этмас, рост, ҳали "рақиб"ни кўрмаган бўлса ҳам, кўнглида душманлик сезмасди. "Бу ўринда ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ, бу ерда ҳар икковининг ҳаққи бор; қизнинг биринчи муҳаббати, уни беш йил ўтса ҳам унутмаган, демак, беш йилдан бери уни севади, э, менчи, аканг қарағай бу ерда нима қилиб юрибман? Менга нима бор, ким кўйди менга? Ўзингни четга ол ва йўл бер, Митя! Энди ҳолим нима кечади? Энди зобитсиз ҳам бари тугади, зобит бутунлай келмаганда ҳам, барибир ҳаммаси тугарди..."

Агар у ҳозир муҳокама юритишга қодир бўлганда эди, ўзининг сезгиларини тахминан мана шундай сўзлар билан ифодалаган бўларди. Аммо у ўша пайтда бундай муҳокама юритолмас эди. Унинг бутун ҳозирги журъати ҳеч қандай мулоҳаза юритмай, бир зумда туғилган, биратўла сезилган, ҳали боя Феня қошида, унинг илк сўзлариданоқ барча оқибатлари билан бирга тўлалигича қабул қилинганди. Ва шунга қарамасдан, бир қарорга келган эса-да, барибир кўнгли ғаш ва жони сиқираб оғрирди: бир қарорга келса ҳам, хотиржамлик туймади. Унинг ортида ҳаддан ортиқ кўп нарсалар турар ва азоб берарди. Баъзи сонияларда бу нарса ғалати туюларди, ахир унинг ўзи қалам билан қоғозга ўз устидан ҳукм чиқармадими: "ўзимни айблайман ва жазолайман" деб, қоғоз ҳам мана чўнтагида тайёр; ахир тўппонча ҳам ўкланган, ахир у аҳд-паймон қилди, эртага "олтин сочли Фебнинг" илк оловли шуълаларини қандай кутиб олишга, бинобарин, ўзининг орқасида турган, тинмай азоб берган уқубатлар билан барибир охиригача ҳисоб-китоб қилиб бўлмаслигини сезар, буни ўйласа, юрагига санчиқ кирар, бутун дили дунёси зулмат ҳамда умидсизликка чўмарди. Йўлда шундай бир лаҳзани бошидан кечирди, у бирдан аравани тўхтатгиси, пастга сакраб тушгиси, ўкланган тўппончасини олиб, тонг оқаришини кутиб ўтирмаёқ ҳаммасига нуқта қўйгиси келди. Аммо бу лаҳза учкун мисол сакради-ю, ўтди-кетди. Тройка ҳам "масофа-макон-

ларни ютиб" учарди ва мақсад манзилига яқинлашган сайин яна қизнинг хаёли уни борган сари кучлироқ, ҳа кучлироқ чулғаб борар, юрагидан бошқа мудҳиш шарпаларни қуварди. О, у қизни жуда кўргиси, унга нигорон термулиб ўлтиргиси келарди, узоқдан бўлса ҳам майли, бир қиё боқса бўлди! "Қиз ҳозир *у* билан бирга, майли, бир кўрай, қандай ўтиришган экан, ўзининг аввалги ёри билан бирга, менга шундан бошқа нарса керакмас". Ҳали ҳеч қачон кўксидан толе юлдузидай шу қизга муҳаббат пўртаналари отилиб чиқмаган, илгари ҳеч қачон бошидан кечирмаган, ҳатто ўзи учун ҳам кутилмаган, фавқулодда янги кечинмалар туғён урмаган, ибодат қадар майин бу туйғулар оғушида у ўзини тамом йўқотгандай эди. "Ҳа, йўқолгайман!" – ҳиркирарди у қандайдир шоён жазавага кириб.

Йўлга тушганларига бир соатча бўлиб қолди. Митя оғиз очмас, Андрей аравакаш сўзамол йигитлардан бўлса ҳам, худди гапиришдан қайиққандай миқ этмас, фақат ўзининг "кутурган пари" тўриқ, қотма, йўрға отларини қистаб борарди. Шунда Митя бирдан қўрқинчли бир саросимага тушиб қичқириб юборди:

– Андрей! Ухлаб қолган бўлсалар-чи?

Бу фикр бирдан миясига урилди, аввал хаёлига ҳам келмаганди.

– Уйқуга ётгандирлар балки, Дмитрий Федорович.

Митя тангдил қовоғини уйди: у ана шундай ҳиссиётлар билан учиб борса-да... улар ухлаб қолган бўлса... қиз ҳам уйқуда, балки худди шу ернинг ўзида... – унинг юрагида ғазаб қайнади.

– Ҳайда, Андрей, уч, Андрей, тез бўл! – қичқирди у кутуриб.

– Эҳтимол, ҳали ётишмагандир, – бироз жимжитликдан сўнг мулоҳаза қилди Андрей, – боя Тимофей айтувди, у ерда улар кўпчилик экан...

– Бекатдами?

– Бекатдамас, Пластуновлар карвонсаройида, ўзича бу ҳам бекат-да.

– Биламан, демак, гапингга қараганда одам кўп? Нега кўп? Улар кимлар? – жизғанаги чиқди Митянинг бу кутилмаган хабардан.

– Ҳа, Тимофей айтувди, ҳаммалари жаноблар экан: шаҳардан икки киши, кимликларини билмадим, Тимофейнинг гапи бўйича, иккитаси шу ерлик жаноблар, анов иккитаси эса бошқа ёқдан келганлар, балки яна бошқа одамлар ҳам бордир, ундан аниқ сўраганим йўқ. Айтишича, карта ўйнашаётган экан.

– Карта?

– Агар карта ўйинини бошлаб юборган бўлсалар, балки ухламагандирлар. Чамаси, ҳозир соат ўн бирлар бўлиб қолгандир.

– Ҳайда, Андрей, ҳайда! – яна асабий қичқирди Митя.

– Бу нима ўзи, сиздан сўраб олай, афандим, – бироз жимликдан сўнг яна оғиз очди Андрей, – фақат жаҳлингиз чиқмасин, хўжайин.

– Нима демоқчисан?

– Боя Федосья Марковна ўзини оёғингизга ташлади, ойимқиз бегойимни нобуд қилманг, деди, ёлвориб сўради, яна кимнидир айтди... буни қаранг, сизни у ерга олиб кетаётирман... Афандим, мени кечиргайсиз, виждоним буюргандан, балки ақлимиз ноқис, бежо сўз айтгандирман.

Митя бирдан унинг орқасидан елкасини чангаллаб тутди.

– Сен извошчи, извошчимисан ўзи? – қутургандай сўради.

– Извошчи...

– Сен биласанми, йўл бериш керак. Извошчиман деб, ҳеч кимга йўл бермай, биз кетяпмиз, қоч деб бостириб кетаверадими. Йўқ, извошчи,

бостириб борма! Одамни бостирма, ҳаётини хонавайрон қилма; мабодо, бировнинг ҳаётини барбод қилган бўлсанг – ўзингни аямай жазола... агарда ҳаётини издан чиқарган бўлсанг, бировнинг ҳаётига зомин бўлган эсанг – ўзингни айбла ва йўлни бўшат.

Буларнинг барини Митя худди жазавага тушгандай бўлиб айтди. Андрей хўжайинга ажабланиб қаради, аммо гапга қўшилди.

– Отахоним Дмитрий Федорович, буни тўғри айтдингиз, ҳақиқатдан, одам боласини босиш керак эмас, бошқа жониворларни ҳам қийнаш иш эмас – махлуқ деганингиз ўзи яратилган-да, мисол учун, мана шу отни олинг, бошқа биров бостириб бораверади бекорга, ўзимизнинг извошчини олинг... Бош-кетига қарамайди, устингга бостириб келаверади, босиб кетишдан ҳам қайтмайди.

– Жаҳаннамга ҳам, а? – унинг сўзини бўлди Митя ва кутилмаганда қиҳ-қиҳлаб кулди, – Андрей, хўп соддасан-да, – деб яна унинг елкасини чангаллаб тутди, – қани, айт, Дмитрий Карамазов дўзахга тушадими, йўқми, сен нима деб ўйлайсан?

– Билмадим, барака топкур, сизга боғлиқ, чунки бизда сизни... Кўрингда буни, худонинг ўғли хочга михланганди, ўлгандан сўнг хочдан тўғри дўзахга бориб тушди ва у ерда азоб чекиб ётган барча гуноҳкорларни озод қилди. Ўшанда дўзах энди менга ҳеч ким келмайди деб, дод деб юборди. Гуноҳкорлар қолмайди деб қўрққан-да. Ўшанда дўзахга халоскор айтди: "Дод-фарёд қилма, эй дўзах, бундан буён сенга турли хил мансабдорлар, бошқарувчилар, олий ҳакам судлар ва бойлар пайдар-пай келишади, яна азал-абад қандай бўлган эсанг, шундай лиқ-лиқ тўласан, то мен яна қайтиб келгунимча шундай бўлгай". Рост гап, шундай сўз ўтган...

– Халқ афсонаси, қойил! Чапдаги отни нуқи, Андрей!

– Ана шуларга, афандим, дўзах, – Андрей чап қанотдаги отни нуқиди, – сиз эса, афандим, биз учун худди ёш боладайсиз... сизни шундай ҳурмат қиламиз... Тўғри, сизнинг аччиғингиз тез, афандим, бор гап, аммо соддадилсиз, худо кечиради.

– Сен-чи, сен мени кечирасанми, Андрей?

– Мен сизни нега кечиришим керак, сиз менга ҳеч ёмонлик қилмадингиз.

– Йўқ, ҳамма, ҳамма учун сен бир ўзинг, мана ҳозир, шу ерда, йўлда ҳамма учун кечирасанми? Гапир, эй, авомнинг юраги!

– Оҳ, афандим! Сизни олиб юриш ҳам осон эмас, гапларингиз ҳам ғалати...

Аммо Митя эшитмади. У жазавага тушиб дуо ўқир, ичида ваҳимали пичирларди.

– Мен гуноҳга ботган қулингман, менга раҳм қил. Қаҳрингга олма... Ғазабингдан ўз паноҳингда асра... Мен ўз ўзимга ғазаб қилдим; раҳминг келсин, худойим, мен сени севаман. Ўзим ўзимга аблаҳман, аммо сени севаман; дўзахингга ташласанг, дўзахда ҳам сени севарман ва дўзахингда туриб бутун дунёга сени севганимни айтарман... Менга ҳам охиригача севиш учун ижозат бер... шу ерда туриб... охиригача севайин... беш соатгина қолди оловли шуълаларинг чиққунча... Зеро, кўнглим маликасини севурман. Севмасдан туролмасман. Ҳаммаси ўзингга аён. Ҳузурига елиб боргайман, қошида тиз чўккайман: сен ҳақсан, менга боқмай ўтиб кетдинг дегайман... Алвидо, унутгил бул қурбонингни, ҳеч қачон ҳавлу хавотир чекма!

– Мокрое! – қичқирди Андрей қамчи дастаси билан узоқни кўрсатиб.

Туннинг ғира-шира қоронғисида кенг майдонга ёйилган уйлар, кўрғонлар кўзга чалинди. Мокрое қишлоғида икки мингга яқин жон яшарди, лекин ушбу соатда бари уйқуга ғарқ эди, фақат зулмат қўйнида унда-бунда чироқлар шуъласи жимирларди.

– Ҳайда, ҳайда, Андрей, мен бораётирман! – хитоб қилди иситма аралаш Митя.

– Ухлашмаган! – деди яна Андрей тилга кириб, қамчиси билан Пластуновлар карвонсаройини кўрсатиб. Сарой қишлоқ бошланишида жойлашган, кўчага қараган олти деразасининг бари ёруғ эди.

– Ухлашмабди! – қувонч билан қайтарди Митя, – сурон сол, Андрей, кича отларни, ҳайқир, қасирлат! Билсин ҳамма ким келганини! Мен келдим! Ўзим келдим! – қутуриб ҳайқирарди Митя.

Андрей ўзининг кўпирган учоғини жадаллади ва ҳақиқатан қалдираб, гулдираб баланд остонада қутурган, ҳансираган, буғи кўтарилган отларини шартта тўхтатди. Митя арава учоқдан тушди ва худди шу пайт энди ухлагани бораётган карвонсарой эгаси остонадан ким келди экан деб қизиқиб қаради.

– Трифон Борисич, ўзингмисан?

Карвонсарой хўжайини энгашиб қаради, яхшилаб тикилди, остонадан югургилаб тушди, хурсанд бўлиб ялтоқланиб меҳмонга пешвоз чопди.

– Отагинам, Дмитрий Федорович! Қадамларига ҳасанот!

Трифон Борисич гирдиғум ва соғлом, бўйи ўртача, башараси гўштдорроқ киши бўлиб, ўзини, айниқса, Мокрое одамларига жиддий, сипо, таптортмас қилиб кўрсатар, аммо фойданинг ҳидини сезганда кўз очиб-юмгунча тусини ўзгартириб, ялтоқланадиган сиёқи бор эди. Юришуришда русларга хос сиёқни сақлар, қайирма ёқа узун қўйлак, бурма бел камзул кияр, пули кўп, шу билан бирга олийроқ мавқеларни ҳам кўз остига оларди. Қишлоқнинг ярмидан кўпи унинг чангалига тушган, ундан қарз бўлмаган кимса йўқ эди. У помешчиклардан ерни ижарага олар, пулини тўлаб қўлига киритар, қишлоқдагилар ундан қарз кўтариб, ерларни экиб-тикиб беришар, лекин олган қарзларини ҳеч қачон тўлаб адо қилишолмасди. Ўзи бева киши ва тўртта бўй етган қизи бор эди; улардан бири эрсиз, икки ёш боласи билан отасиникида яшар, худди ёлланма ишчидай отасининг хизматини бажарарди. Бошқа бир қизи анча хизматлар қилган қандайдир бир мирзага турмушга чиққан, карвонсарой хоналарининг бирида деворга осиғлиқ оилавий суратлар орасида бу зотнинг жуда кичкина суратчасини ҳам учратиш мумкин эди, у суратга мундир ҳамда погонлар тақиб тушганди. Қолган икки кичик қизи азиз-авлиёлар байрамлари ва ё меҳмондорчиликларга боришганда, жуда посон тикилган мовий ё кўк кўйлаклар кийишар, кўйлакларининг бели сирма, бир газ думлари ҳам бўларди, аммо эртасига эрталабданоқ бошқа одми кунлар каби тонг қоронғисида ўрниларидан туришар, қўлларида қайин супурги бўлмаларни супуришар, чиқинди, ювиндиларни чиқаришар, кўноқларнинг сарқитларини тозалашарди. Орттирган минг-минглаб пулларга қарамасдан, Трифон Борисич айш-ишрат қилувчи кўноқларни чув туширишни ғоятда яхши кўрар, у бундан бир ойча аввал бир кеча-кундузда Дмитрий Федоровичнинг Грушенька билан базму зиёфати чоғида икки юз рубль ёки ундан ҳам кўпроқ, балки ростмана уч юзни қоқлаб олганини

эслаб, яна уни чаққон ва шод-хуррам кутиб олди, Митя остонага гулдурос солиб етиб келганини кўриб ўлжа иштиёқида юраги шодон гупуриб кетди.

– Отагинам, Дмитрий Федорович, қайси шамол учирди?

– Тўхта, Трифон Борисич, – гап бошлади Митя, – ҳаммадан аввал энг муҳими: қиз қаерда?

– Аграфена Александровнами? – Митянинг башарасига зийрак назар ташлаб, дарров тушунди хўжайин. – Э, у шу ерда... турибди...

– Ким билан, ким билан?

–Ўткинчи меҳмонлар... Биттаси хизматчи, гап-сўзларига қараганда поляклардан, шекилли, шу одам от-арава юбориб олдириб келганмиш, бошқаси унинг ҳамроҳи ё оғайнисими, ким билсин одми энгил-бошда...

– Айш-ишрат қилишяптими? Пуллари кўпми?

– Айш-ишрат қаёқда! Резгилардан булар, Дмитрий Федорович.

– Резгими? Э, бошқалари-чи?

– Иккита жаноб шаҳардан чиқишган... Черковдан келишаётган экан, меҳмон бўлиб қолишди. Бирови анча ёшроқ, жаноб Миусовнинг қариндоши бўлса керак, фақат номи нима эди, эсимдан чиқибди... бошқа бирисини ҳам, фаҳмлашимча, сиз танийсиз, помешчик Максимов, сиз томондаги монастирга зиёратга борган экан, анув Миусовнинг ёш қариндоши билан келган...

– Ҳаммаси шуми?

– Ҳаммаси.

– Тўхта, жим бўл, Трифон Борисич, энди энг керакли гапни айт: қиз қандай, нима қиляпти?

– Э, ҳали келган эди, ўшалар билан бирга ўтирибди.

– Хурсандми? Ўйнаб-куляптими?

– Йўқ, унча ўйнаб-кулмаяпти... Зерикиб ўтирибди, анув ёш жанобнинг сочини тараб қўйди.

– Полякними, зобитними?

– Унинг ёши қолибдими, у ҳеч зобит ҳам эмас, йўқ, афандим, унимас, анави Миусовнинг қариндоши бўлган ёш йигитни... фақат исмини унутдим.

– Калганов?

– Худди ўзи, Калганов.

– Майли, бир гап бўлар. Қарта ўйнаяптиларми?

– Ўйнашаётувди, бас қилишди, чой ичишди, шарбат сўрашди.

– Тўхта, Трифон Борисич, тўхта, ўзим ҳал қиламан. Энди энг муҳимини айт: лўлилар келишдими?

– Лўлиларнинг қораси кўринмади, Дмитрий Федорович, бошлиқлар ҳайдаб юборишди, жуҳудлар бор, чанг чалиб юришибди, ғижжак чалишади, Рождественскийда, уларни ҳозир ҳам бу ерга чақириб келиш мумкин. Келишади.

– Чақиртир, албатта, чақиртир! – қичқирди Митя. – Ўшандагидай қизларни ҳам чақир, айниқса, Марьяни, Степанидани ҳам, Аринани. Ашулачиларга икки юз тайёр!

– Э, бунча пулга мен бутун қишлоқни оёққа турғизаман, ҳозир-ку котиб ухлаб ётишибди-я. Э, жонингдан айланай, Дмитрий Федорович, бу ернинг чолғучилари ё ашулачи қизлари бундай эркалатишингга арзирми-

кин? Улар паст, бу пулларга арзимайди! Шуларми сенинг сигараларингни чекадиган? Сен уларни, шу сассиқларни меҳмон қиласан, сийлайсан. Қизлар дейсан, ҳаммаси битлиқи. Э, сенга ўзимнинг қизларимни текинга юбораман, шунча пулнинг нима кераги бор, ҳозир ҳаммаси ухлаб ётибди, барини орқасига тепиб уйғотаман, истаганингча ашула айтади. Мужикларга шампан ичириб ўтирибсан-а, э-эҳ!

Трифон Борисич Митяга бекорга ачинарди: унинг ўзи илгари келганда ярим дўжна шампанни яшириб олиб қолганди ва яна стол остидан юз рубллик қоғоз пул топиб, кафтига беркитганди. Шу-шу юз рубль чангалида қолиб кетганди.

– Трифон Борисич, мен ўшанда бу ерда неча мингни сочқи қилиб кетгандим. Эсингдами?

– Ошна, пулларни беармон сочган эдинг, уч мингдан ортиқ ташлаб кетиб эдинг.

– Хў-ўп, яна ўшандай базмга келдим, кўряпсанми?

У чўнтагидан пул дасталарини чиқариб хўжайиннинг бурнига тиқди.

– Энди гапга яхшилаб қулоқ сол: бир соатдан кейин шароб келади, ширинликлар, попуклар, пироглар, газаклар – дарров ҳаммасини тепага чиқартир. Анави Андрей аравасидаги яшикни ҳам ўша ёққа чиқар. Очиб, ичкиликни тарқат... Асосийси қизлар, қизлар, Марья, албатта, бўлсин...

У арава томонга ўгирилиб, ўриндиқ тагидан тўппончалар солинган қутини олди.

– Андрей, ҳақингни ол! Сенга мана учоқ арава учун ўн беш, манави эллик хизматинг учун, аракка... яхши сўзинг, маҳрамлигинг учун... Барин Карамазовни ёдингда тут!

– Мен кўрқаман, хўжайин... – иккиланди Андрей, – чойчақага беш рубль берсангиз етади, бошқасини олмайман, мана, Трифон Борисич гувоҳ. Менинг тентакона сўзимни кечиринг...

– Нимадан қўрқасан, – унга синовчан қаради Митя, – э, ўзинг биласан яна, шундай бўлса! – қичқирди у аравакашга беш рублни улоқтириб. – Энди, Трифон Борисич, мени уларнинг ёнига аста олиб кириб қўй, ҳаммасидан бурун мен бирма-бир кўз қиримни ташлай уларга, фақат мени сезиб қолишмасин. Қаерда улар, мовий хонадами?

Трифон Борисич Митяга қўрқиб қаради, лекин дарров талабини адо этди: уни оҳиста ичкарига олиб ўтди, ўзи меҳмонлар ўтиришган хона ёнидаги биринчи катта уйга кирди ва у ердан шам олиб чиқди. Кейин секин Митяни олиб кириб, коронғи бурчакка қўйди. Митя бу ердан қўшни уйда суҳбатлашиб ўтирганларга кўринмай бемалол кўз ташлаши мумкин эди. Аммо Митя узоқ қаролмади, қарагани ҳам тоб-тоқати етмади: унинг кўзи қизга тушди, юраги гурсиллаб урди, кўз ўнги қоронғилашди. Қиз стол орқасида креслода ёнламасига ўтирар, унинг яқинида диванда ҳали жуда ёш ва кўркам Калганов жойлашганди, қиз унинг қўлини ушлаган, чамаси, нимагадир кулар, йигит эса унга қарамай бир курси нарида, Грушеньканинг рўпарасида ўтирган Максимовга овозини баланд кўтариб, ғаши келиб алланималарнидир сўйларди. Максимов эса нимадандир завқланиб куларди. Диван ёнидаги курсида эса қандайдир бошқа нотаниш кимса ўтирарди. Диванда ястаниб ўтирган киши чубуқда тамаки чекар, Митянинг хаёлидан бу тўладан келган, барваста, башараси катта киши ким экан деган фикр лип этиб ўтди, лекин унинг бўй-басти

унчалар ҳам баландга ўхшамас, нимадандир аччиқлангандай кўринарди. Бошқа нотаниш кимса, чамаси, унинг ҳамроҳи Митянинг назарида, анча бўйдорга ўхшади, лекин у шундан бошқа ҳеч нимани кўролмади. Нафаси кўксига тиқилди. У бир дақиқа ҳам пойлаб туролмади, қўлидаги қутини жавон устига қўйди, аъзойи бадани музлаб, шамдай қотганча, мовий уйга, суҳбатдошлар ҳузурига кириб борди.

– Вой! – чинқириб юборди қўрқиб кетган Грушенька унга ҳаммадан олдин кўзи тушиб.

VII

АВВАЛГИСИ ВА ҲАҚИҚИЙСИ

Митя ўзининг қадамини жадал ва катта-катта ташлаб столга яқин келди.

– Жаноблар, – деб сўз бошлади у баланд овозда бақириб ва ҳар бир сўзда тутилиб ҳамда дудуқланиб, – мен... мен ҳеч нарса! Қўрқманглар, – хитоб қилди у, – мен ахир ҳеч нарса, ҳеч нарса, – бирдан у Грушенькага ўгирилди, Грушенька ўтирган креслосида эгилиб, Калгановнинг қўлидан қаттиқ ушлаб олди. – Мен.. Мен ҳам кетаяпман. Эрталабгача шу ерда бўламан. Жаноблар, ўткинчи бир сайёхга... эрталабгача сиз билан бирга бўлишга рухсат этасизларми? Фақат эрталабгача, охирги марта мана шу хонада?

Бу охирги сўзларни оғзида чубуқ тутатиб диванда ўтирган тўла семиз одамга қарата айтди. У киши чубуқни оғзидан салмоқланиб олди-да, жиддият билан деди:

– Пане, биз бу ерда ўзимиз холис ўтирибмиз. Бу ерда бошқа жойлар ҳам бор.

– Э, ўзингизмисиз, Дмитрий Федорович, сиз ўзингиз нима қилиб юрибсиз? – жавоб берди бирдан Калганов, – э, ўтиринг биз билан, салом, салом!

– Салом сизга, бебаҳо инсон... азиз одам! Мен доим сизни ҳурмат қилганман... – хурсанд бўлиб кетиб тез жавоб берди Митя дарҳол стол оша унга қўлини чўзиб.

– Воҳ, қўлимни қаттиқ қисдингиз! Бармоқларим синди, – кулиб юборди Калганов.

– У доим мана шунақа қисади, доим шунақа! – гапга қўшилди бироз тортиниб илжайиб Грушенька. У бирдан Митянинг авзойидан тўполон чиқармаслигига ишонч ҳосил қиларкан, унга жуда ҳам қизиқиб ва ҳамон хавотирланганча тикиларкан. У қизни фавқулодда ҳайратга солиб қўйди, Митя шундай бир дамда кириб келади ва гапиради деб сира кутмаганди.

– Омонмисиз, – сўл ёқдан ширин овоз берди помешчик Максимов. Митя ҳовлиқиб унга қарата сўзлай кетди:

– Саломатмисиз, э, сиз ҳам шу ердамисиз, жуда хурсандман сиз ҳам шу ерда экансиз! Жаноблар, жаноблар, мен... – У яна чубук тутган кишига мурожаат қилди бу ерда у гўё ҳаммадан кўра каттароқдай. – Мен учиб келдим... Мен охирги кун ва охирги соатимни мана шу хонада ўтказгим келди, худди мана шу хонада... маликамни бағримга босиб!.. Кечир, пане! – қичқирди у қутуриб, – мен учиб келдим ва қасамёд эттим... О, қўрқманг, охирги кеча меники! Келинглар, пане, ичайлик, ярашайлик! Ҳозир шароб-

лар келади... Мен манавини келтирдим. – У нимагадир яна чўнтагидан даста пулларни чиқарди. – Майлими, пане! Мен мусиқа хоҳлайман, ўйнайлик, кулайлик, шод-хуррам бўлайлик худди ўшандагидек... Аммо қўнғиз, ҳеч кимга кераги йўқ қўнғиз ерда судралиб, у ҳам бадар ғойиб бўлгай! Шод-хуррам бўлган кунимни эслайман, охирги кечамни!..

У бўғилиб қолди; у жуда кўп, жуда кўп нарсаларни айтмоқчийди, аммо оғзидан фақат, фақат ғалати товушлар чиқди. Пан қимирламай унга, унинг даста пулларига, Грушенькага қарар, ҳайрон бўларди.

– Магар қероличам ижозат берсалар... – оғиз очди у[1].

– Нима у қероличам, қиролича деганими? – унинг оғзига урди Грушенька. – Гапираётган гапларингиздан кулгим қистайди. Ўтир, Митя, нима деяпсан ўзи? Одамни қўрқитма, барака топкур. Қўрқитмайсанми, а, тўғрими? Қўрқитмасанг, бош устига...

– Мен, мен қўрқитарканманми? – бирдан қичқирди Митя қўлларини юқорига нуқиб. – О, ўтиб кетаверинг, ўтинг, халал бермайман!.. – Ана шу чоғда у ҳамма учун ҳеч кутилмаганда ва ҳатто ўзи ҳам кутмаганда ўзини курсига таппа ташлади-да, бошини қарама–қарши томондаги деворга бурib, курси суянчиғини худди қучоқлагандай бўлиб қўллари билан маҳкам қисиб йиғлаб юборди.

– Вой, вой, анавини қаранг! – хафа бўлиб хитоб қилди Грушенька. – Вой, худди мана шунақа бўлиб менинг олдимга келарди – гапиради, гапиради, мен ҳеч нарса тушунмайман. Бир гал шунақа йиғлади, энди яна ўша қилиғини қиляпти – уяласан киши! Қани, ўзинг айт, нега йиғлайсан–а? *Бир сабаби бўлса ҳам майлийди...* – деб қўшиб қўйди у сирли қилиб ва сўзларига аччиқ устида урғу бериб.

– Мен... мен йиғлаётганим йўқ... Хўп, ҳаммаларингизга салом! – у дарҳол курсида орқасига ўгирилди ва бирдан кулиб юборди, бу унинг одатдаги узуқ-юлуқ ғалати кулгиси эмас, аллақандай қулоққа чалинмайдиган, асабий силкинувчи кулги эди.

– Ана яна... Бўлди, ўйнаб-кулиб ўтирсанг-чи! – кўндирмоқчи бўларди уни Грушенька. – Мен жуда хурсандман келганинг учун, хурсандман, Митя, эшитяпсанми гапимни, жуда хурсандман! Мен у биз билан бирга бу ерда ўтиришини хоҳлайман, – ҳаммага баравар ва айниқса, диванда ўтирган семиз кишига алоҳида дахлдордай буйруқ йўсинида деди у, – хоҳлайман, хоҳлайман. Агар у кетса, унда мен ҳам кетаман, шунақа! – деб қўшиб қўйди бирдан кўзларидан ўт чақнаб.

– Қироличам нима десалар – биз учун қонун! – деди пан навозиш билан Грушеньканинг қўлини ўпиб. – Пан жаноблари даврамизга таклиф этаман! – деди одоб билан у Митяга. Митя яна нутқ ирод қилмоқчи бўлиб сакраб турган эди, лекин бошқача чиқди.

– Ичайлик, пане! – деб қичқирди у нутқ ўрнига. Ҳаммалари кулиб юбордилар.

– Худойим-ей! Мен яна нутқ бошлайдими дебман, – тажанг деди Грушенька. – Қулоқ сол, Митя, – таъкид билан деди у, – сакраб ўрнингдан тураверма, шампан келтирган бўлсанг, боплабсан. Мен ўзим ҳам ичаман, шарбатга тобим йўқ. Етиб келибсан, қандай яхши, зерикиб ўлай деяпман... Нима, яна айш-ишрат қилгани келдингми? Э, пулларингни кўрдик, чўнтагингга солиб қўй! Намунча кўп?

[1] "Аввалгиси ва ҳақиқийси" бобидаги полякча лаҳжада айтилган сўзларни ўзбекчада тушунарлироқ йўсинда баён қилиб ўтдик.

Ҳамма ва айниқса, панлар Митянинг қўлидаги ғижим пулларга қизиқишиб қарашарди, Митя хижолатдан қизариб-бўзариб дарров пулларни чўнтагига тиқди. Қизариб кетди. Шу пайт хўжайин тиқини очилган шампан ва стаканларни патнисда кўтариб келди. Митя шишани қўлига олмоқчи бўлди-ю, ўзини шунчалар йўқотиб қўйганидан, шишани нима қилишини билмай қолди. Ниҳоят, Калганов шишани унинг қўлидан олди ва стаканларга қуйди.

– Қани, очинглар! – деб қичқирди Митя хўжайинга ва панни тинчлик-хотиржамлик учун тантанали қадаҳ кўтаришга таклиф этганини ҳам унутиб, ҳеч кимни кутиб ўтирмай, қўлидаги стаканни шарт кўтариб биратўла ичиб юборди. Шунда башараси бирдан бутунлай ўзгарди. Бу ерга у тантанавор ва дардли алфозда кириб келган бўлса, энди унда болаларча маъсумлик пайдо бўлди. У бирдан пуфаги ёрилиб кетгандай бўшашиб қолди. У атрофдаги барчага тез-тез асабий хихилаб, бетламайгина хурсанд бўлиб қарар, айб иш қилиб қўйган лайча жазодан сўнг яна эркаланганларида қандай бўлса, ўзини шундай тутарди. У, чамаси, барини бутунлай эсдан чиқаргандай, ҳаммага ҳавасланиб, завқ билан боқар ва сабийларча жилмаярди. Грушенькадан кўзини узолмай, табассум билан термулиб, ўзи ўтирган курсини қизга тақаб сурди. Аста-секин ҳар иккала панни кўздан кечирди, аммо улар ҳақида бир фикрга келолмади. Диванда ўтирган пан уни ўз сохт-сумбати, полякча лаҳжаси билан ва айниқса, тамаки чубуғи билан ҳайратлантирарди. “Хўп, нима бўлибди, майли, чубуқ чекса чекар”, – мулоҳаза қиларди Митя. Панга қирқ ёшларнинг нуқси урган, бироз хомсемиз, кичкина башараси, бурничаси тагида зўр-базўр кўриниб турган ингичка, тарашланган ва силлиқланган сур мўйловчалари ҳали Митянинг ғашига тегиб улгурмаганди. Паннинг Сибирда ясалган бемаъни ясама сочи, бемаъниироқ чиқиб турган иккала чаккаси Митяга унча таъсир қилмади: “Ўзига маъқул бўлса керак-да бу парик”, – деб сўлжайиб томоша қилиб ўтираверди. Девор яқинида ўтирган иккинчи пан дивандаги пандан кўра ёшроқ, бутун даврага беписанд ва ғўддайиб боқар, бораётган гап-сўзларни индамай ижирғаниб тингларди, у яна Митяни ўзининг дароз гавдаси билан ҳайратга солди, у диванда ўтирган найнов амакининг тамоман тескариси эди. “Тик оёққа турса бўйи икки қулоч келар-ов” – хаёлидан ўтди Митянинг. Бу йигит диванда ўтирган паннинг оғайниси ва шериги, мисоли унинг “тансоқчиси” бўлса керак, чубуқли пакана паннинг буйруқларини эҳтимол бажарар ҳам. Лекин буларнинг бари ҳам Митяга жуда ғаройиб ва соз кўринарди. Кичкина лайча итда рақобатнинг барча ҳиссиётлари ўлган. У Грушенькани, унинг узуқ-юлуқ гап-сўзларидаги сирли оҳангдан ҳеч нарсани тушунолмади; фақат бутун жисми-жони ларзага тушиб, шунигина тушунардики, қиз унга меҳрини кўрсатяпти, уни “кечирган” ва ўз ёнига олиб ўтқизди. Қиз стаканни қўлига олиб, бир ҳўплаб қўйганини кўриб, хурсандлигидан боши гўё осмонга етди. Даврада ҳукм сурган жимлик уни қандайдир ҳайрон қилиб қўйди ва у ҳаммага худди бир нарсани кутгандай бирма-бир қарай бошлади: “Нега биз бунақа жим ўтирибмиз, нега, жаноблар, ўйнаб-кулиб ўтирмайсизлар?” – демоқчи бўларди унинг кулимсираган кўзлари.

– Манавини қаранг, ёлғонни ямламай ютяпти, ҳаммамизни кулдиряпти, – кутилмаганда гап бошлади худди унинг нигоҳидаги маънони сезгандай бўлиб Калганов ва Максимовни кўрсатди.

Митя ялт этиб Калгановга ва кейин дарҳол Максимовга қаради.

– Алдаяптими? – деди Митя қисқа ғалати кулиб ва нимагадир суюниб кетиб, – ҳа-ҳа!

– Ҳа. Буни қаранг, унинг гапига қараганда, йигирманчи йилларда бизнинг бутун отлиқ аскарларимиз поляк қизларига уйланиб олган экан, лекин бу қип-қизил бемаънилик, тўғрими?

– Поляк қизларга-я? – қайта сўради Митя ва энди ғоятда хурсанд бўлди.

Калганов Митянинг Грушенька билан муносабатларини яхши тушунар, пан тўғрисидаги гапларнинг фаҳмига етар, лекин буларга ҳеч қизиқмас, умуман, буларга иши-ҳуши йўқ, у ҳаммадан кўпроқ Максимовга эътибор берарди. Бу ерга у Максимов билан тасодифан келиб қолган, поляк панларини ҳам бу карвонсаройда биринчи марта кўриши эди. Грушенькани эса илгаридан билар ва ҳатто бир марта аллаким билан уйига ҳам борганди; ўшанда қиз унга ёқмаганди. Аммо бу ерда қиз унга меҳр билан термулиб ўтирарди; ҳатто Митя бу ерга келгунча, уни эркалаб, силаб-сийпаб ўтирганди, аммо Калганов бунга сира эътибор бермасди. Бу ҳали ёши йигирмаларга бормаган, пўрим кийинган, чеҳраси ёқимтой ҳамда сутдай оппоқ, сочлари чиройли, қалин ва оқиш эди. Унинг оппоқ юзида оч-мовий кўзлари чарақларди, ёшига ярашмагандек туюлса-да, кўзлари жуда ақлли ҳамда теран боқар, баъзан йигитчанинг сўзлари, қарашлари болаларча маъсум кўринар ва ўзи буни фаҳмласа ҳам, бундан ҳеч қисинмас, тортинмасди. Умуман, гарчи доим мулойим бўлса-да, ғоятда ўзига хос ва нозик-мижоз эди. Баъзан унинг юз ифодасида қайсарлик ва қотиб қолган нимадир зуҳур этар: у сизга қараб туриб гапларингизни эшитар, ўзи эса бутунлай бошқа нарсалар ҳақида хаёл суриб ўтирарди. Гоҳ жуда ҳам бепарво ва ялқов, гоҳ ҳеч арзимайдиган нарсалардан ҳаяжонга туша бошларди.

– Тасаввур қилинг, мен уни тўрт кундан бери ўзим билан олиб юрибман, – давом этарди у сўзларни ялқовлик билан чўзиб сўзларкан, сўзларида олифталик сезилмас, табиий эшитиларди. – Эсингиздами, биродарингиз уни ўшанда извошдан бирдан итариб юборган ва у орқасига йиқилиб тушай деганди. Шундан бери унга эътибор бериб юраман, уни қишлоққа олиб кетдим, энди у тўхтамай ёлғон гапиради, одам ҳатто уялади. Мен уни уйга қайтариб олиб кетяпман...

– Жаноб поляк қизларини кўрмаганлар ва бўлмаган гапларни айтяптилар, – деди чубуқли пан Максимовга.

Чубуқли пан русчани яхши сўзлар, ҳар тугул асли ҳолидан кўра яхшироқ эди. Русча сўзларни қўлласа ҳам, уларни поляк лаҳжасида бузиб талаффуз этарди.

– Э-ҳа, мен ўзим ҳам поляк қизига уйланиб олгандим, – деди хихилаб Максимов.

– Хўп, сиз отлиқ аскар бўлганмисиз? Ахир отлиқ аскарлар ҳақида сўйловдингиз-ку? Наҳот сиз отлиқ аскарсиз? – орага қўшилди Калганов.

– Э, ахир унинг нимаси отлиқ аскар? Ха-ха! – деб қичқирди диққат билан қулоқ солаётган Митя; у ким сўзга оғиз очса, дарров ўшанинг оғзига қарар, худо билади, у нимани эшитмоқчи бўларди.

– Йўқ, биласизми, – ўгирилди унга Максимов, – мен демоқчийдимки, у ерларда поляк қизлари... офатижонлар... бизнинг чавандозимиз билан мазуркага ўйнайди-ю... мазурка тугагандан кейин дарров унинг тиззасига чиқиб олади, худди мушукдай... оппоқ денг... ота-онаси қараб туришади-ю

индашмайди... қўйиб беришади... бўз чавандоз эса эртасигаёқ... қўлини... қўлини таклиф этади... ана-а.. таклиф... хи-хи! – хихилаб сўзини тугатди Максимов.

– Пан – аҳмоқ! – бирдан тўнғиллади курсида ўтирган дароз пан ва у оёғини бу оёғи устига олди. Унинг товони йўғон ва ифлос, мой суртилган улкан этигига Митянинг кўз қири тушди. Умуман олганда, ҳар иккала жаноб пан ҳам анча-мунча яғир кийинишганди.

– Аҳмоқ дедими! Нега у сўкиняпти? – бирдан жаҳли чиқди Грушенькининг.

– Пани Агриппина, бу пан поляк ерларида худо билади нимани кўрган, аслзода поляк хонимларини кўзда тутаётгани йўқ! – деб қўйди чубукли пан Грушенькага.

– Ҳай, нима бўпти! – ижирғаниб гапини бўлди курсидаги дароз пан.

– Ана, холос! Қўйинг, гапирсин! Одамлар гаплашиб ўтирса ёмонми? Юрагинг ёзилади, – тўнғиллади Грушенька.

– Менинг ишим йўқ, пани, – салмоқли қилиб деди ясама сочли пан Грушенькага узоқ тикилиб, сўнг сиполик билан жим бўлиб тамаки чубуғини торта бошлади.

– Э, йўқ, йўқ, жаноб пан ҳозир тўғри айтди, – яна қизишди Калганов, – фақат гап нима ҳақда борганини худо билади. Ахир у Польшада бўлганмас, қандай қилиб Польшани гапиради? Ахир сиз Польшада уйланмагансиз-ку, тўғрими?

– Йўғ-а, Смоленский вилоятида уйланганман. Фақат у қизнинг чавандоз йигити[1] ҳали ундан олдин менинг бўлажак рафиқамни онаси-ю, бошқаси билан олиб кетиб қолган, яна битта каттагина ўғли бор аёл қариндошини ҳам нақ Польшанинг ўзидан, ола кетгани аниқ... кейин менга инъом қилди. Бизнинг ўша поручик жуда яхши ўғлон. Аввал ўзи уйланмоқчи бўлди, лекин уйланмади, чунки қиз чўлоқ экан...

– Сиз шу чўлоққа уйландингизми? – хитоб қилди Калганов.

– Ҳа, шу чўлоққа. Улар мени ўшанда икковлари лақиллатишган ва айбини ёпишган. Мен у қиз ликонглаб юряпти, деб ўйлабман... у тўхтамай ликонгларди, мен эса хурсанд бўлиб ликиллаяпти дебман...

– Хурсанд бўлибмиш, ҳе, гапни қаранг? – қандайдир болаларча жарангдор овоз билан дўриллади Калганов.

– Ҳа-е, хурсандликдан. Лекин маълум бўлдики, сабаби бутунлай бошқа ёқда экан. Кейин биз никоҳдан ўтганимиздан сўнг, ўша кечанинг ўзидаёқ бўйнига олди ва йиғлаб-сиқтаб узр сўради, болалик пайтларимда кўлмакдан сакраб ўтаман деб оёғим лат еган эди деди, хи-хи!

Калганов болаларча шўх-қувноқ кулиб юборди ва ўзини тутолмай ичаги узилиб диванга қулади. Грушенька ҳам кулгисини тўхтатолмади. Митянинг эса оғзи очилиб қолди.

– Биласизми, биласизми, у энди ростини айтяпти, энди ёлғон гапирмаяпти! – хитоб қиларди Митяга қарата Калганов. – Биласизларми, у икки марта уйланган – ҳозир биринчи хотинини гапириб берди, иккинчи хотини эса қочиб кетган, ҳозир ҳам тирик, биласизми буни?

– Наҳотки? – Митя юзида фавкулодда ҳайрат билан тез Максимовга ўгирилди.

– Ҳа-а, қочган, шу кўргиликни ҳам кўрганман, – бўйнини қисиб тасдиқлади Максимов. – Бир мусье билан кетган. Энг муҳими, у менинг

[1] Аслиятда улан дейилган, ёш аскар.

бутун қишлоғимни ҳаммадан олдин ўз номига ўтқизиб олибди. Нима дейди денг, сен ўқиган одамсан, бир бурда нонингни ўзинг топиб ейсан. Шу-шу мени боплади. Кейин менга бир муҳтарам руҳоний домла, битта хотининг чўлоқ чиқди, иккинчи хотинингнинг оёғи эса жуда енгил экан деди, хи-хи!

– Қулоқ солинглар, қулоқ солинглар! – қайнаб–тошарди Калганов. – Агар у ёлғон гапирса – у эса ёлғон гапирмай туролмайди – буни фақат бошқаларни кулдириш учун қилади: бу пасткашлик эмас, пасткашликмас а? Биласизми, мен баъзан уни яхши кўраман. У жудаям паст, аммо жудаям табиий пасткаш, а? Сиз нима дейсиз? Бошқа бир кимса бирор нарса боис пасткашлик қилади, фойда чиқаришни кўзлайди, у эса, шунчаки, табиати шунақа. Табиий пасткаш Тасаввур қилинг, мисол учун Гоголь "Ўлик жонлар"да мен ҳақимда ёзган деб даъво қилади (кеча йўл бўйи талашиб келди). Эсингиздами, у ерда помешчик Максимов бор, уни Ноздрев калтаклатган ва иши судга тушган, Ноздрев ғирт маст бўлган – эсингиздадир? Ана энди ўзингиз тасаввур қилаверинг, қаранг, у мана шу Максимов мен бўламан, мен таёқ еганман деб даъво-ю достон қилади, шундай бўлиши мумкинми? Чичиков узоғи билан йигирманчи йиллар аввалида сафар қилган, йиллар сира тўғри келмайди. Ўша вақтда уни калтаклашмаган. Тўғрими, тўғрими?

Калганов нимадан бунчалар қизишаётганини тасаввур қилиш қийин эди, аммо самимий қизишаётганди. Митя сидқидилдан унга ён босарди.

– Хўп, калтаклашган бўлса нима! – деб қичқирди у хахолаб.

– Калтаклашгани у маънода эмас, балки шунчаки, – деб қўйди бирдан Максимов.

– Бу қанақаси? Ё калтаклашган ё йўқ?

– Ктура годзина, пане? (Соат неча?) – курсидаги дароз панга мурожаат қилди чубуқли пан зерикиб. Дароз пан елкаларини силкитди: уларнинг ҳар икковларида ҳам соат йўқ эди.

– Гаплашиб ўтирибмиз-да. Бошқалар ҳам гапиришсин, ахир, йўл беринг. Сизга зерикарли бўлса, бошқалар ҳам индамай ўтирсинми, –жеркиди яна Грушенька, чамаси, атай орага бурнини тиқиб. Ана шунда биринчи марта Митянинг калласида алланима лип этиб ўтди. Бу сафар пан, афтидан, жаҳли чиқиб жавоб берди:

– Пани, мен қарши эмасман, мен ҳеч нарса демадим.

– Хўп, яхши, майли, айтавер, – деб буюрди Грушенька Максимовга. – Нега ҳаммаларинг жим бўлиб қолдиларинг?

– Э, бу ерда гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, турган-битгани аҳмоқлик, – дарҳол илиб кетди Максимов, чамаси, мамнун бўлиб ва андак жилвагарлик қилиб, – э, Гоголнинг ўзи ҳам буни мажозий қилиб ёзган, мажозий исм-шарифлар қўйган: Ноздрев Ноздрев эмас, Носов, Кувшинников эса умуман ҳеч нарсага ўхшамайди, чунки асли у Шкворнев эди. Ана энди Фенарди, ҳақиқатан Фенарди эди, фақат италян эмас, рус, Петров, ойимқиз Фенарди эса момақаймоқдай, оёқлари ҳам ғоят келишган, кийимлари бежирим, юбкаси калтагина, йилтироқ, оҳ, унинг ликиллаши, фақат тўрт соат эмас, бор-йўғи тўрт дақиқа-я... ҳамманинг оғзини очириб қўйди...

– Э, бу сени нимага калтаклашди ўзи, нега калтаклашди? – савол берди Калганов.

– Пирон учун, – деди Максимов.

– Қайси Пирон? – қичқирди Митя.

– Таниқли француз ёзувчиси Пирон учун. Ўшанда биз ҳаммамиз анави ярмаркадаги емакхонада кўпчилик бўлиб шаробхўрлик қилаётгандик. Улар ўзлари мени таклиф қилиб олиб боришди, мен аввал уларга эпиграммалар айтиб бердим: "Шундаймасми, Буало, кулгили бу либослар"[1]. Буало эса шундай деб жавоб беради: маскарадга кетяпман, яъни мўрчага, дейди, хи-хи, бу уларга тегиб кетибди. Мен дарров бошқасини айтдим, барча ўқиган одамлар буни билишади, бироз аччиқроқ-да:

Сен Сафо, мен Фаон,
Баҳс қилмайман мен буни,
Лек сен менинг қайғумга,
Йўл билмайсан денгизга[2].

Улар яна баттарроқ норози бўлишди ва мени уятли сўзлар билан сўкишди, аҳволни ўнглаш учун дарҳол Пирон ҳақидаги латифани айтдим ва бошимга яна бало орттирдим, Пиронни француз академиясига қабул қилишмайди, улардан қасдини олиш учун ўз қабртошига шундай эпитафия ёзади:

Ci-git Piron qui ne fut rien
Pas meme academicien[3].

Улар мени тутиб калтаклашди.

– Нима учун, нега?

– Ўқиган киши бўлганимга. Одам боласини бекордан-бекорга ҳам калтаклайверадилар, – мулойим хулқ-одоб билан хулоса чиқарди Максимов.

– Э, бўлди-ей, ҳаммаси бемаза гаплар, эшитмайман энди, мен шўхроқ бўлармикин деб ўйлабман, – гапни тўхтатди бирдан Грушенька. Митя питирлаб қолди ва дарҳол кулгисини йиғиштирди. Дароз пан ўрнидан турди ва бегона бир даврага кириб қолиб жуда зерикаётган одамдай ғўдайиб қўлини орқасига қилиб, хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

– Юришини қаранг бунинг! – ижирғаниб қаради унга Грушенька. Митя типирчилаб қолди, бунинг устига диванда ўтирган пан ўзига аччиғланиб қараётганини сезди.

– Пан, – қичқирди Митя, – ичайлик, жаноблар! Бошқа пан афандим, сиз билан ҳам ичамиз, пан афандилар! – У дарҳол учта стаканни яқин сурди-да, уларга шампан қуйди.

– Польша учун, пан афандилар, сизнинг Поьшангиз учун ичамиз, поляк диёри учун! – хитоб қилди Митя.

– Бундан жуда хурсандман, жаноблар, ичдик! – илтифот билан жиддий деди дивандаги пан ўз стаканини қўлга олиб.

– Анави пан афанди ҳам. Эй, олийжаноб пан, отингиз ким, олинг сиз ҳам! – навозиш қиларди Митя.

[1] И.А.Крилов эпиграммасидан иқтибос. Никола Буало (1636–1711) – француз шоири ва назариётчи.

[2] К.Н.Батюшков (1787–1855 й.й.да яшаган рус шоири) эпиграммасидан парча. Сафо (Сапфо) – м.а. 7-6 асрларда яшаган қадим юнон шоираси.

[3] Бу ерда Пирон кўмилган,
У ҳеч ким эди, академик ҳам эмасди *(франц.)*.

– Пан Врублевский, – айтиб юборди дивандаги пан.

Пан Врублевский чайқалиб столга келди ва тик турганча стаканини олди.

– Польша учун, пан жаноблар, *ура*! – қичқирди Митя қадаҳини кўтариб.

Учовлари ичишди. Митя шишани олиб яна уч стаканга тўлдириб қуйди.

– Энди Россия учун, жаноблар, ака-ука бўлайлик!

– Бизга ҳам қуй, – деди Грушенька, – Россия учун ҳам ичаман.

– Мен ҳам, – деди Калганов.

– Э, мен ҳам... Россеюшка учун, қари момомиз учун, – хихилади Максимов.

– Ҳамма, ҳамма! – хитоб қиларди Митя. – Эй, хўжайин, яна келтир!

Митя келтирган шишаларнинг қолган учтасини ҳам олиб келишди. Митя қуйди.

– Россия учун, *ура*! – яна хитоб қилди у. Панлардан бошқа ҳаммалари ичишди. Грушенька қўлидаги стаканни тўла кўтарди. Панлар қадаҳларга тегишмади.

– Нега ичмайсизлар, пан афандилар, – хитоб қилди Митя. – Шундай экансизлар-да?

Пан Врублевский стаканни олди, уни кўтарди ва кекирдагини чўзиб қичқирди:

– Етти юз етмиш иккинчи йилгача бўлган Россия учун!

– Бу бошқа гап! – бақирди бошқа пан ва ҳар икковлари стаканларини тўла бўшатдилар[1].

– Хўп тентаксизлар-да, пан афандилар! – бирдан оғзидан чиқиб кетди Митянинг.

– Па-анлар!! – қичқиришди ҳар иккала пан Митяга пўписа ва дағдаға қилиб тикилиб. Айниқса, Пан Врублевский хўрозланди.

– Ўз юртини севмаслик мумкинми? – хитоб қилди у.

– Жим! Уришманглар! Жанжал бўлмасин! – буюрди Грушенька ва оёғи билан полни тақиллатди. Юзлари ял-ял ёнди, кўзларида ўт чақнади. Ҳозиргина ичилган стакан ўз кучини кўрсатди. Митя ёмон қўрқиб кетди.

– Жаноблар, кечиринг! Мен айбдорман, бошқа қилмайман. Врублевский, пан Врублевский, бошқа қилмайман!..

– Э, жуда бўлмаса сен жим тур, ўтир, мунча тентаксан! – қаҳр билан, ғаши тошиб бақириб берди унга Грушенька.

Ҳамма ўтирди, жим бўлиб қолишди, барча бир-бирига қаради.

– Жаноблар, барчасига сабабчи мен! – яна гап бошлади Митя, у Грушеньканинг нидосини тушунмади. – Нега бундоқ жим ўтирибмиз? Нима қилсак экан? Хурсанд бўлиб, ўйнаб-кулиб ўтирайлик ахир?

– Оҳ, жудаям зерикиб кетдим, – ялқовланиб ямланди Калганов.

– Бонка ўйнасакмикин боягидай... – хихилади бирдан Максимов.

– Банкми? Қойил! – қўшилди Митя, – фақат агар пан афандилар...

– Кеч бўлди, оғалар! – хоҳиши келмай деди дивандаги пан...

– Ҳақиқатан, – маъқуллади пан Врублевский.

– Кеч бўлди? Нима дегани у "кеч бўлди"? – сўради Грушенька.

– Унинг маъниси кеч, вақт кеч бўлди, оғайнилар, – тушунтирди дивандаги пан.

– Ҳамма вақт шундай кеч бўлди дейди, ҳеч нарсага йўл бермай-

[1] 1772 йилда Россия, Пруссия ва Австрия Польшани ўзаро бўлиб олишганди.

ди! – ғаши келганидан чийиллаб юборди Грушенька. – Ўзлари зерикиб ўтиришади, бошқаларни ҳам зериктириб ўлдиришади. Сен келмасингдан олдин нукул оғизларига сув олиб ўтиришди, менга кеккайиб, димоғфироғ қилишди...

– Менинг илоҳам! – қичқирди дивандаги пан, – нима деяпсан, муносабатлар шундоқ, шунинг учун ичим ёрилмай ўтирибман. Мен тайёрман, жаноблар, – деди у Митяга қарата.

– Бошланг, жаноблар! – жон деб қўшилди Митя чўнтагидан пулларини чиқарди-да, ундан иккита юз рубллик қоғоз пулни столга қўяркан.

– Мен сенга, жаноб, кўп ютқизмоқчиман. Қартани ол, банкка қўй!

– Қарталар хўжайиндан олинсин, – жиддий таъкидлаб деди кичкина пан.

– Жуда маъқул гап, – тасдиқлади пан Врублевский.

– Хўжайинданми? Яхши, тушундим, майли хўжайиндан бўлсин, сиз буни яхши айтдингиз, пан афандилар! Қарта! – амр қилди Митя хўжайинга.

Хўжайин ҳали очилмаган янги қарта келтирди. Митяга ойимқизлар тайёрланишяпти, яҳудий чолғучилар ҳам тез орада келиб қолишади, аммо арава ҳали етиб келмади, деб айтди. Митя стол ёнидан дик этиб турди-да, қўшни хонага ишларни жўнаштиришга югурди. Аммо фақат учтагина қиз келибди, Марья ҳалигача йўқ. Алҳол унинг ўзи ҳам билмасди ишларни қандай жўнаштириб юборишни ва нега қўшни хонага югуриб чиққанини ҳам билмасди: фақат қутилардан ширинликлар, попуклар, обакилар, манпасиларни олиб қизларни меҳмон қилишни буюрди. "Ҳа, Андрейга арақ, Андрейга арақ! – буюрди у шоша-пиша, – Андрейни мен хафа қилиб қўйдим!" Шунда унинг орқасидан чопиб келган Максимов бирдан елкасидан тутди:

– Менга беш рубль беринг, – пичирлади у Митяга, – мен ҳам бонкага тавакқал қилмоқчиман, хи-хи!

– Жуда соз, тасанно! Мана, олинг ўн рубль! – у яна барча пулларини чўнтагидан чиқариб, ўн рубль топди-да, узатди. – Ютқизсанг, яна кел, бераман...

– Яхши-е, – хурсанд бўлиб шивирлади Максимов ва залга қараб югурди. Митя ҳам дарҳол қайтиб келди ва куттириб қўйгани учун узр сўради. Пан афандилар тайёр ўтиришар, карта очилганди. Юз-чеҳралари энди очиқ, хурсанд кўринишарди. Дивандаги пан чубуғини тутатиб, картани тарқатмоқчи бўлиб турар, чеҳрасида қандайдир тантанавор ифода зуҳур этарди.

– Олинглар, жаноблар! – эълон қилди пан Врублевский.

– Йўқ, мен бошқа ўйнамайман, – садо берди Калганов, – мен боя уларга эллик рубль ютқаздим.

– Жанобларига омад келмади, жанобларига яна омад кулиб боқиши мумкин, – деб унга имо қилиб қўйди дивандаги пан.

– Банкда қанча? Жавоби? – қизишарди Митя.

– Қулоғим сенда, жаноб, балки юз, балки икки юздир, қанча қўясан.

– Миллион, – хахолади Митя.

– Пан капитан, балки, пан Подвисоцкий ҳақида эшитгандир?

– Қайси Подвисоцкий?

– Варшавада ким келса, жавоб банки қўяди. Бир маҳал Подвисоцкий келиб қолади, минг злотийни кўриб ва-банк қўяди. Банкир дейди: "Пан

Подвисоцкий, олтинингни гонорга қўясанми?" – "Гонорга қўяман, жаноблар", – дейди Подвисоцкий. "Қўй, жаноб", – дейди. Банкир сузади. Подвисоцкий минг злотий олади. "Ол, жаноб, – дейди банкир қутини чиқариб, бир миллион беради, – ол, жаноб, бу сенинг ҳисобинг! Банкда миллионлар қўйилганди. "Мен буни билмабман", – дейди Подвисоцкий. "Пан Подвисоцкий, – дейди банкир, – сен гонорга қўйгандинг, биз ҳам гонорга". Подвисоцкий миллионни олади.

– Бу ёлғон, – деди Калганов.

– Пан Калганов, яхши кибор жамиятда бундай гапирмайдилар.

– Поляк қиморбози сенга миллионини бериб қўярканми! – хитоб қилди Митя, лекин дарров тилини тишлаб қолди ва гапини тўғрилади. – Кечир, пан, яна айбдор бўлдим, беради, бермай қўймайди миллионни, гонорга қўяди, поляк шаъни шундоқ. Кўрдингми, полякчалаб сўйлаб юбордим, ха-ха! Мен ўн рубль қўяман, валет – ўтяпти.

– Мен эса бир рубль қўяман, яхши, чиройли таппон дамага, хи-хи! – хихилади Максимов ўзининг дамасини ҳаммадан яширмоқчи бўлгандай олдинга – столга сурилди-да, стол тагида шоша-пиша чўқиниб олди. Митя ютди. Бир рубль ҳам ютди.

– Чорагига![1] – қичқирди Митя.

– Мен эса яна рублик қўяман, семпелга, мен кичкина, кичкинагина семпелчага (одми довга), – ийиб кетиб ғўлдиради Максимов ўзида йўқ хурсанд бўлиб, у рублик ютганди.

– Чиллик! – қичқирди Митя, – еттини *пе*га (икки карра дов).

Бу дов ҳам кетди.

– Бас қилинг, – деди бирдан Калганов.

– Нега, нега, – кўпайтирарди ганакни Митя, нимани *пе*га қўйса, бари қўлидан кетарди. Рубликлар эса ютарди.

– Яна *пе*га, – қутурди Митя.

– Пан икки юз ютқиздилар. Яна икки юз қўядиларми? – ўсмоқчилади диванда ўтирган пан.

– Ў-ҳу, дарров икки юз ютқиздимми? Унда яна икки юз! Икки юз ҳаммаси пега! – Митя чўнтагидан пулларини чиқариб, дама (мотка)га қўймоқчи бўлган эди, бирдан Калганов тўсди.

– Бас! – деди у ўз янгроқ овози билан.

– Нима қиляпсиз ўзи? – унга тикилди Митя.

– Бас, хоҳламайман! Бошқа ўйнамайсиз!

Митя унга ҳайратланиб боқди.

– Қўй, Митя, у балки рост айтяпти. Шусиз ҳам кўп ютқиздинг, – овозида ғалати замзама билан деди Грушенька. Ҳар иккала пан жуда қаттиқ ранжиган ҳолда ўринларидан турдилар.

– Ҳазиллашяпсанми, пан? – тўнғиллади кичкина пан Калгановга ғалати қараб.

– Бундай қилишга нима ҳақингиз бор? – ўдағайлади Калгановга пан Врублевский ҳам.

– Бақирманг, нега бақирасиз! – қичқирди Грушенька. – Вой, бу хўрозлар-ей!

Митя уларнинг ҳаммасига бирма-бир қарарди; аммо бирдан Грушенькининг юзидаги алланима уни ҳайратга солиб қўйди ва ўша ондаёқ мия-

[1] Қарта ўйинида ганакнинг тўртдан бири.

сида бутунлай бошқача нарса лип этиб пайдо бўлди – жуда ғалати янги фикр!

– Муҳтарама Агриппина! – зўриқиб, қизариб кетган кичик пан оғиз очмоқчи бўлганди, бирдан Митя унга яқин бориб елкасига кафти билан урди.

– Шавкатли пан, бир оғиз гап бор.

– Нима демоқчилар?

– Бошқа хонага чиқайлик, икки оғиз сенга гапим бор, жуда яхши гап, хурсанд бўласан.

Кичик пан ҳайрон бўлди ва хавфсираб Митяга тикилди. Бироқ дарҳол рози бўлди, фақат мен билан пан Врублевский ҳам борсин, деди.

– Тан соқчими? Майли, у ҳам борсин, у ҳам керак! У, албатта, борсин! – хитоб қилди Митя. – Кетдик, пан афандилар!

– Қаёққа борасиз? – ташвишланиб сўради Грушенька.

– Дарров қайтамиз, – жавоб берди Митя. Унинг башарасида аллақандай жасорат, қандайдир кутилмаган ғайрат барқ урди; у бир соат аввал бу ерга бутунлай бошқача қиёфада кирганди. У пан афандиларни ўнг томондаги хонага бошлади, ёнидаги катта чорси залда ойимқизлар давраси жам бўлмоқда, дастурхон тузалмоқда эди. Бу хона эса ётоқ бўлиб, унда сандиқлар, жавонлар ва чит ёстиқлар йиғилган иккита баланд каравот жойлашганди. Бурчакда юпқа тахтадан ясалган мўъжаз столчада шам ёқиб қўйилганди. Пан афанди билан Митя шу столча атрофида рўпарама-рўпара ўтиришди, дароз Врублевский эса уларнинг ёнида қўлини орқасига қилиб турди. Пан афандилар сипо, аммо қизиқсиниб қарашарди.

– Бизга нима хизматлари бор? – бидирлади кичик пан.

– Хизматим шундоқ, мен кўп гапирмайман: мана сенга пул, – у пулларини чиқарди, – уч минг хоҳлайсанми, олгин-да, дарров туёғингни шиқиллат.

Пан кўзини катта очиб синовчан тикилар, Митянинг юзидан кўз узмасди.

– Уч минг дейсизми, пане? – у Врублевский билан кўз уриштирди.

– Уч минг, пан афандилар, уч минг! Қулоқ сол, пане, кўриб турибман, ақлли одамга ўхшайсан. Уч мингни ол-у бу ердан қорангни ўчир, Врублевскийни ҳам ўзинг билан олиб кет, эшитдингми? Аммо ҳозир кетасан, шу заҳоти, бир умрга, тушундингми, пане, абадул-абад мана шу эшикдан чиқиб кетасан. Яна ниманг бор, пальто, пўстин? Мен сенга олиб чиқиб бераман. Ҳозироқ сенга извош тайёр, бўлдими, кўришгунча, а, пане! А?

Митя ишонч билан жавоб кутарди. У шак-шубҳа қилмасди. Паннинг рўйидан қандайдир дадил бир қарор лип этиб ўтди.

– Пул-чи, пане?

– Пул мана шундоқ: сенга ҳозир шу ернинг ўзида извошга ва бўнакка беш юз, икки минг беш юзи эртага шаҳарда, виждонан қасам ичаман, ер тагидан топиб бўлса ҳам бераман! – қичқирди Митя.

Поляклар яна кўз уриштиришди. Паннинг башараси тундлаша бошлади.

– Етти юз, етти юз, беш юзмас, ҳозир, мана, қўлингизга бераман! – устига устак қўшарди Митя иш чатоқлашаётганини сезиб. – Нима бўлди, пан? Ишонмайсанми? Уч мингни ҳаммасини дарров қўлга бермайдику? Берсам, сен яна эртага унинг олдига қайтиб келсанг... Бунинг устига ҳозир қўлимда уч минг йўқ, шаҳарда уйимда бор, – тили базўр айланарди юраги зириллаб, руҳи тушиб, – худо ҳақи, беркитиб қўйганман...

Шу он бир зумда кичик паннинг юзида фавқулодда орият ҳиссиёти чақнаб кетди.

– Яна нималар дейдилар ўзи? – деб сўради у киноялы. – Уят! Номус! – У тупурди. Пан Врублевский ҳам тупурди.

– Сен тупураётганингни сабабини биласанми, пане, – деди Митя ҳаммаси тамом бўлди деб умидсизликка тушиб, – сен Грушенькадан бундан кўпроқ ундирмоқчисан, сенлар икковинг ахта хўрозсанлар, ана!

– Мени қаттиқ ҳақорат қилдингиз, – кичик пан бирдан худди қисқичбақадай қизарди ва бошқа ҳеч гапга мутлақо тоқати қолмагандай ғоят ғазабга миниб хонадан чиқди. Ортидан чайқалиб Врублевский ҳам равона бўлди, хижолат чеккан, гаранг Митя уларга эргашди. У Грушенькадан кўрқарди, кичик пан ҳозир ғавғо кўтаради, деб ўйларди. Шундоқ ҳам бўлди. Пан залга чиқди ва Грушенька олдида ғоз турди.

– Пани Агриппина, сабр-тоқатимиз тугади! – деб ўз тилида хитобини бошлаган эди, бироқ Грушенька худди сабр-чидамини бутунлай йўқотган одамдай, худди оғриқ жойига қаттиқ тегиб кетилгандай бақириб юборди.

– Русча гапир, русча гапир, бир оғиз ҳам полякча сўзлама! Русча гапирардинг-ку олдин, наҳот унутган бўлсанг, беш йилда! – У ғазабидан қизариб кетди.

– Пани Агриппина...

– Мен Аграфенаман, Грушенькаман, русча гапир, бўлмаса эшитмайман! – Пан кибру ҳаводан ҳаприқиб қолди-да, русчани бузиб-чатиб димоғ-фироғ билан деди:

– Пани Аграфена, мен эски гапларни унутиш ва кечириш учун келдим, бундан бурун нима ўтган бўлса унутайлик...

– Кечириш дейсанми? Сен ҳали мени кечириш учун келдингми? – унинг оғзига урди Грушенька ва ўрнидан дик этиб турди.

– Худди шундоқ, пани, мен камҳиммат эмас, мен олийҳимматман. Аммо мен маъшуқларингни кўриб ҳайрон бўлиб қолдим. Нариги хонада пан Митя мен бу ердан жўнаб кетсам, уч минг бермоқчи бўлди. Мен унинг бетига тупурдим.

– Нима? Мени деб сенга пул бермоқчи бўлдими? – жазавага тушиб қичқирди Грушенька. – Ростми, Митя? Қандай журъат қилдинг? Ахир мен пулга сотиладиганманми?

– Пане, пане, – бўкириб юборди Митя, – у топ-тоза, мусаффо, мен маъшуқ бўлган эмасман унга, гапинг ёлғон...

– Мени ҳимоя қилишга нима ҳақинг бор? – додлади Грушенька. – Мен ҳиммат учун тоза бўлганим йўқ, Кузьмадан кўрққаним учун ҳам эмас, фақат мановнинг қошида мағрур бўлай, бу аблаҳга айтар сўзимни айтай дедим кўришганда. Э, наҳот у сендан пул олмади?

– Олди, ҳа, олди! – хитоб қилди Митя. – Фақат уч мингни биратўла олмоқчи бўлди. Мен эса етти юзни бўнак қилиб бермоқчи бўлдим.

– Бу тушунарли: менинг пулим борлигини эшитиб, никоҳга келган!

– Пани Агриппина, – қичқирди пан, – мен рицарман, шляхтичман, қора мол эмасман! Мен сени хотин қилиб олмоқчи эдим, сен илгариги пани эмассан, қайсар ва уятсизсан.

– Э, жўна келган жойингга! Буни ҳайдаб юборинглар дейман, ҳайдайдилар! – жазавага тушиб, ёниб-куйиб қичқирди Грушенька. – Жинни, ғирт жинни эканман, беш йил ўзимни қийнадим! Уни деб қийнамадим

ўзимни, аччиғим келиб қийнадим! Ҳеч ҳам у эмас, асло! Ахир у шундайми-ди? Бу қандайдир унинг отаси. Ясама сочни қаердан олдинг? Анов лочин эди, бу эса ўрдак. Анов кувноқ эди, менга қўшиқлар айтарди... Менчи, мен беш йил кўз ёш тўкиб ўтирдим, лаънат бўлсин менга, жинни, пасткаш, номуссиз!

У креслога ўзини ташлади ва юзини қўллари билан беркитди. Худди шу дамда сўл ёқдаги қўшни хонада бирдан ниҳоят жам бўлган ойимкизлар давраси қўшиқ бошлади – шўх рақс куйи янгради.

– Ана, шармандалик! – бўкирди бирдан пан Врублевский. – Хўжайин, ҳайда бу уятсизларни!

Хўжайин анчадан бери бақир-чақирларни эшитиб, меҳмонлар ўртасида жанжал чиққанини кўриб, қизиқиб эшикдан қараб турарди, у дарҳол хонага кириб келди.

– Нега бақирасан, томоғингни йиртасан? – деди у Врублевскийга қарата тушуниб бўлмайдиган қандайдир кўрслик билан.

– Ҳайвон! – бўкирди пан Врублевский.

– Ҳайвон? Сен ҳозир қанақа қартани ўйнадинг? Мен сенга очилмаганини бердим, сен уни беркитиб қўйдинг! Сен сохта қартани ўйнадинг! Сохта карта учун мен сени Сибирга тиқишим мумкин, буни сен биласан, бу ясама пулдай гап... – шундай деб диван олдига борди-да, қўлини диваннинг суянчиғи билан болиши орасига тиқди ва у ердан ҳали очилмаган картани олди.

– Мана, мен берган карта, ҳали очилмаган! – у картани кўтариб ҳаммага кўрсатди. – Мен эшикдан кўриб турдим, у менинг картамни тешикка беркитиб, ўзиникини алмаштирди, пан эмас бу, фирибгар!

– Анави пан эса икки марта кўзбўямачилик қилди, ўзим кўрдим, – қичқирди Калганов.

– Оҳ, қандай уят, оҳ, қандай уят! – нидо қилди Грушенька қўлларини қарс уриб. – Худойим-ей, қандай, қандай одам бўлиб қолибди-я бу кишим!

– Мен ҳам шундай деб ўйладим, – қичқирди Митя. Аммо бу сўзини айтиб улгурмасдан пан Врублевский хижолатдан қутурган ҳолда Грушенькага қараб қичқирди ва унга муштини дўлайтирди.

– Мочағар!.. – У сўзини тугатиб улгурмаган эдики, Митя унга ташланди, иккала қўли билан уни маҳкам қучоклаб олди-да, юқорига кўтариб бир зумда залдан ташқарига, ҳозиргина ҳар икковларини олиб кирган ўнгдаги хонага чиқарди.

– Мен уни ерга ётқизиб қўйдим! – деб маълум қилди у дарҳол қайтиб чиқиб, ҳаяжондан ҳарсиллаб, – бўйин бергиси келмайди, шайтон, яна қайтиб келмасайди ҳали!.. – У эшикнинг бир тавақасини ёпиб, иккинчисини ланг очиқ ҳолда тутиб тураркан, кичик панга қараб қичқирди:

– Шавкатли жаноб, сиз ҳам ўша ёққа чиқасизми? Марҳамат қилсинлар!

– Отагинам, Митрий Федорович, – хитоб қилди Трифон Борисич, – улардан пулларни қайтариб ол, ютқизганларингни қайтиб ол! Уларнинг ютиб олгани ўғирлагандан баттар.

– Мен ютқизган эллик рублни қайтиб олмайман, – деб қолди бирдан Калганов.

– Мен ҳам икки юз ютқиздим, олмайман қайтариб! – хитоб қилди Митя, – ўла қолсам ҳам олмайман, майли, жиғилдонига урсин.

– Яшавор, Митя! Азамат! – қичқирди Грушенька, овози қаҳрланганидан зириллаб кетди. Ўз салобатини заррача ҳам йўқотмаган, аммо ғазабидан кўкариб кетган кичик пан эшик томонга қадам босди-ю бироқ тўхтаб бирдан Грушенькага қараб деди:

– Пани, агар мен билан кетмоқчи бўлсанг, юр, йўқ десанг, унда хайр!

У дарғазаб ҳолда орияти келиб сиполик билан эшикдан чиқди. Унинг феъл-атвори ўзига яраша экан: шунча воқеалардан кейин ҳам, пани мен билан кетади деб, умид сақлаганди, – ўзини шунчалар қадрлар экан. Митя унинг орқасидан эшикни қарсиллатиб ёпди.

– Уларнинг устларидан кулфлаб қўйинг, – деди Калганов. Аммо эшик ичкаридан қулфланди, уларнинг ўзлари қулфлаб олишди.

– Яшасин! – қаҳр-ғазаб билан раҳмсизларча деди Грушенька. – Қойил! Қоранг ўчсин!

VIII

АЛАҲЛАШ

Ўйин-кулги бошланди, базм қизиди. Грушенька ҳаммадан бурун қичқирди, менга шароб беринглар деди: "Ичгим келяпти, ғирт маст бўлгим келяпти, худди аввалгидек, эсингдами, Митя, эсингдами, биринчи марта бир-биримизни яхши билгандик!" Митянинг ўзи эса худди довдирагандек бўлиб юрар ва "ўз бахтидан" масту аласт эди. Дарвоқе, Грушенька уни тўхтовсиз ўз олдидан нари ҳайдар: "Бор, ўйна-кул, уларга айт, мазза қилиб ўйнасинлар, ҳа, "ер ўйнасин, осмон ўйнасин, худди аввалгидай, худди аввалгидай!" – тинмай хитоб қиларди у. У ғоятда жунбушга келганди. Митя ҳаммани ўйин-кулгига чорлади. Ашулачилар қўшни хонада йиғилишганди. Шу пайтгача ҳаммалари бирга ўтиришган хона торроқ эди, чит дарпарда билан иккига ажратилган нариги томондаги катта каравотга момиқ пар ёстиқлар, қават-қават чит болишлар қўйилганди. Умуман, кўноқнинг барча тўртта "озода" хоналарида шундай каравотлар жойлаштирилганди. Грушенька эшик олдида ўтирар, Митенька унга юмшоқ ўриндиқ қўйиб берганди: у ўзлари илк базм қилган чоғда ҳам худди шу ерда ўтирган ва шу ердан ашулачилар, ўйинчиларни томоша қилишганди. Ойимқизлар барчалари ўша базмда қатнашишган, мана, жуҳудлар ҳам ўз ғижжак чолғулари билан етиб келишган, шароблар, барча қолган ноз-неъматлар ҳозиру нозир бўлганди. Митянинг жони ҳалак. Хонада аллақачон ухлаб қолганлар, эркак-аёллар уйғониб кетиб, бир ой аввалгидек базм-зиёфат бўлишини сезишиб, мўралаб кириб келишарди. Митя таниш одамлар билан саломлашар, меҳмондўстлик қилар, шишаларни пайдар-пай очар ва дуч келган одамга қуярди. Ойимқизлар кўпроқ шампанга зўр беришар, эркакларга, айниқса, ром ва коньяк ёқар, қайноқ пуншни жон-жон деб ичишарди. Митя ҳаммага, хусусан, ойимқизларга қайноқ шоколад беришларини буюрди, кечаси билан учта самовар тинмай қайнаб турсин, барча меҳмонларга чой ва пунш тўхтовсиз тортилсин, меҳмонлар ҳеч зориқмасин, деб тайинлади; бир сўз билан айтганда, бевош, бебошвоқ базми жамшид бошландики, бунда Митя ўзини худди сувдаги балиқдек ҳис қилар, бевошлик қанча ортса, у ўзини шунча яхшироқ сезар, танаси яйрарди. Ўша дамларда бирон киши агар пул сўраб қолганда

борми, у дарҳол чўнтагидан даста пулларини чиқарган ва ўнгу сўлга санаб ўтирмай тарқатган бўларди. Афтидан, ана шундан сақланиш учун ҳам, қўноқхона хўжайини Трифон Борисич Митя атрофидан кетмай гиргиттон юрар, у чамаси, бу кеча тўшакка ётмасликка қарор қилган, жуда оз ичар (бор-йўғи бир стакан қайноқ пунш ичганди) ва ўзича Митяни тўрт кўз-тўрт қулоқ бўлиб хушёрлик билан қўриқларди. Керак бўлганда уни мулойимлик билан ялтоқланиб тўхтатар, айланиб ўргилар, мужикларни бекордан-бекор "сигаралару рейн шароби" билан бўлар-бўлмас сийлашдан қайтарар, пулни исроф қилмасликка, айниқса, кўз қулоқ бўлиб қаттиқ турар, қизларнинг ютоқиб ликер ичишлари, ширинликлар ейишларидан фиғони фалакка чиқарди: "Ҳаммаси тамом битлиқи, Митрий Федорович, – дерди, – уларни тиззам билан тепаман, улар хўп қилдингиз, хўжайин, деб куллуқ қилиб туришади – улар мана шунақа-да!" Митя яна бир карра Андрейни йўқлаб қолди ва унга иссиқ пунш олиб бориб беришни тайинлади. "Мен уни боя хафа қилиб қўйдим", – деб кўярди сўлғин, мулойим овоз билан. Калганов ичмайман деб турди, ашулачилар ҳам бошида унга сира ёқмади, бироқ яна икки қадаҳ шампан ичгандан сўнг, шоён хурсанд бўлиб кетди, хоналардан хоналарга ўтиб юрар, хандон отиб кулар, ҳаммани тўхтамай мақтар, қўшиқлару ўйинларни кўриб, оғзидан бол томарди. Сўлжайган, ширин маст бўлиб қолган Максимов унинг орқасидан эргашиб юрарди. Сархуш бўла бошлаган Грушенька Калгановни Митяга кўрсатиб дерди: "Мунча ширин бу бола, вой жонидан-а!" Шунда Митя хурсанд бўлиб Калганов билан югуриб бориб ўпишиб келарди. О, у кўп нарсаларни олдиндан хис қиларди; қиз ҳали унга тузук-қуруқ бир гап айтгани йўқ ва чамаси, атай буни орқага сурар, фақат ўқтин-ўқтин унга майин навозиш билан ўтли-ўтли боқарди. Ниҳоят қиз бирдан унинг қўлидан маҳкам сиқиб ушлади-да, шаҳд билан ўзига тортди. Митя эшик олдидаги креслода ўтирганди.

– Сен ҳали боягина қандай кириб келдинг, а? Қандай кирдинг-а!.. Мен ёмон қўрқиб кетдим. Қандай қилиб сен унга мени бериб қўймоқчи бўлдинг-а? Наҳот шуни хоҳладинг?

– Бахтингга тўсиқ бўлмай дедим! – оғзининг таноби қочиб деди Митя. Аммо қиз шу тобда бу жавобга ҳам муҳтож эмасди.

– Майли, бор... ўйна, – ўзидан нари ҳайдади уни яна, – э, йиғлама, яна чақираман.

Шунда Митя меҳмонлар ичига ўзини урар, қиз эса яна қўшиқларга қулоқ тутар, рақс томоша қилар, аммо у қаерда бўлмасин, ундан кўз қирини узмас, чорак соат ўтмай яна уни чақирар ва у югуриб келарди.

– Майли, энди ёнимда ўтир, кеча мен бу ерга келганимни қаердан эшитдинг, биринчи бўлиб кимдан билдинг?

Шунда Митя ҳаммасини бир у ёқдан-бир бу ёқдан узуқ-юлуқ қизғин ҳикоя қилар, бироқ ғалати томони шундаки, кўпинча, қовоғини уйиб, тутилиб қоларди.

– Нега қовоғингни соласан? – деб сўради қиз.

– Ҳеч, ўзим... у ёқда бир касал қолди. Агар тузалиб кетсайди, агар унинг тузалиб кетишини билсам, ҳаётимнинг ўн йилини унга берган бўлардим!

– Касал бўлса, худо шифо берсин. Ҳа, наҳотки, сен эртан ўзингни отмоқчи бўлдинг, вой тентаг-ей, нимага ахир? Мен, мана, сенга ўхшаган тентакларни яхши кўраман, – пичирлаб гуфтор қиларди у бироз сархуш

овози билан. – Нима, мен учун жонингни ҳам берасанми? А? Вой-ей, наҳотки, сен тентак, "ўзингни отмоқчи" бўлдинг? Йўқ, ҳозирча шошмай тур, эртага мен, балки, сенга битта сўз айтарман... бугун айтмайман, эртага. Э, сен бугун айтишимни хоҳлармидинг? Йўқ, мен бугун хоҳламайман... Хўп, бор энди, бор, ўйна.

Бироқ бир гал уни талмовсираброқ, ташвишланиброқ чақирди.

– Нега бундай маъюссан? Кўриб турибман маъюслигингни... Йўқ, кўряпман-ку ахир, – қўшиб қўйди унинг кўзларига теран боқиб. – Сен у ёқда одамлар билан ўпишиб, ҳангома қилаётган бўлсанг ҳам, мен ахир ўзим кўриб турибман-ку. Йўқ, сен ўйна, кул, мен хурсандман, сен ҳам хурсанд бўл... Мен бу ерда аллакимни севаман, топ-чи, кимни?.. Вой, муни қара: менинг болакайим ухлаб қолибди-ку, кайфи ошибди, вой жонингдан, бўйингдан.

У Калгановни айтаётганди: Калганов ҳақиқатда кайфи ошиб, диванда ўтирганча пинакка кетганди. У фақат кайфи ошганидангина ухлаб қолмаган, балки нимагадир жуда маъюс тортган, ўзининг тили билан айтганда, жуда "зерикиб" кетганди. Қизларнинг базм охирига бориб ичкилик зўридан бетийиқ ва беибо бўлиб бораётган қўшиқлари ҳам унинг бошини айлантириб юборганди. Бунинг устига, беҳаё рақсларини айтмайсизми, иккита қиз айиқларга ўхшаб кийиниб олишди, жуда шўх, ботир қиз Степанида эса қўлида таёқ билан уларнинг етаклаб юрувчисига ўхшаб ҳаммасини намойиш қилишга тушди. "Ҳа, шўх, шўх, Марья, – деб қичқирарди у, – бўлмаса, таёқ ейсан!" Айиқлар охири ерга жуда уятсизларча қулаб, ётиб олишди, йиғилган оломон ичида бўлди қийқириқ, бўлди қийқириқ, хотинлар, эркаклар думалаб-думалаб кулишди. "Вой, қурмагурлар-ей, қурмагурлар-ей, – дерди нуқул ийиб кетган, оғзини йиғиштиролмай қолган Грушенька, – ҳар куни шундай ўйнаб-кулиб юришибдими, бир хурсанд бўлишса нима қилибди?" Калганов худди этагига нажас теккандай қарарди: "Чўчқадан фарқи йўқ бу ўйин-кулгиларнинг, – деб қўйди у ўйнаётганлар ичидан узилиб чиқаркан, – улар баҳорда шундай ўйинлар ўйнашади, ёз тунларида қуёшни қўриқлашади. Унга, айниқса, рақсга жўр бўлган шўх лапар ёқмади, унда соҳиб хўжа аравада йўл босиб қизларни қийноққа соларди:

Соҳиб қизларни қийнар,
Қизлар севарми, ё йўқ?

Аммо қизлар соҳибни севгилари келмайди:

Соҳиб урар оғритиб,
Мен севмайман уни ҳеч.

Кейин лўли аравага тушади:

Лўли қизларни қийнар,
Қизлар севарми, ё йўқ?

Аммо лўлини ҳам севиб бўлмас:

Лўли ўлсин, ўғри-ку
Менинг йўлим тўғри-ку.

Шу-шу аравада кўп одамлар бўлишди ва қизларни қийнашди, ҳатто аскар чиқиб қолди:

Аскар қизларни қийнар,
Қизлар севарми, ё йўқ?

Аскарни ҳам нафратланиб рад этишди:

Аскар ташийди халта
Мен чопайми...

Шунда энг уятсиз лапар айтилдики, ҳамма оҳ уриб юборди. Ниҳоят, иш бориб савдогарга тақалди:

Тожир қизларни қийнар,
Қизлар севарми, ё йўқ?

Маълум бўлдики, қизлар буни жуда яхши кўришар экан, чунки:

Тожир битирар савдо
Мен тахтида пайдо[1].

Калганов ҳатто аччиқланди:

– Бу кечаги, умри тугаган ашула, – деди овозини чиқариб, – ким уларга буларни тўқиб беради! Қизларни қийнашга фақат темирйўлчи ё бўлмасам жуҳуд етишмаяпти, булар ҳаммасини енгишарди. – Шундан сўнг дилим озор чекиб, зеркиб кетдим-ей, деди, сўнг диванга ўтирди-да, дарров пинакка кетди. Унинг хушрўйгина чеҳраси бироз оқаринқираган, боши диван ёстиғига шилқиллаб тушганди.

– Мунчаям чиройли бола-я, қара унга, – дерди Грушенька Митяга кўрсатиб, – боя унинг сочларини тараб қўйдим, сочи бирам қалин ва қуюққи...

У ийиб кетиб энгашиб унинг пешонасидан ўпиб қўйди. Калганов дарҳол кўзини очди, унга қаради, бироз қаддини кўтарди-да, ташвишланган кўйи: – Максимов қани? – деб сўради.

– Ана унга ким керак, – кулиб юборди Грушенька, – бирпас мен билан ўтирсанг-чи, Митя, бор унга Максимовни олиб кел.

Алон, Максимов қизлардан бир қадам нари жилмас, фақат онда-сонда ўзига ликер қуйиб ичар, икки марта қайноқ шоколад ҳам ичиб олди. Унинг лўппи юзи бўғриққан, бурни қип-қизил шишган, кўзлари сузилиб шаҳватга ботганди. Бир маҳал у лип этиб чиқди-да, ҳозир "бир қизиқ куйга – саботьера[2] ўйинига тушаман", деди.

– Мени кичкиналигимдан шундай одоб-икромли кибор рақсларга ўргатишган...

– Майли, бор у билан бирга, Митя, боравер, мен унинг рақсини шу ердан туриб кўраман.

– Йўқ, мен ҳам, мен ҳам кўргани бораман, – деб хитоб қилди Калганов Грушеньканинг у билан бирга ўтириш ҳақидаги таклифини соддалик би-

[1] Ф.М.Достоевский ўзи ёзиб олган рус халқ қўшиқларидан.
[2] Саботьера – француз халқ рақси, ёғоч ковушда ижро этилади.

лан қайтариб. Ҳаммалари рақс томошасини кўрмоқчи бўлдилар. Максимов ростдан ҳам рақсни ижро этди, аммо Митядан бошқа ҳеч ким рақсни у қадар хушламади. Рақснинг турган-битгани шундан иборат эканки, оёқлар ҳар томонга айлантириб узатилиб, товонлар юқорига кўтариб сакраларкан, Максимов ҳар сакраганда кафти билан товонига урарди. Калгановга бу сира ёқмади, Митя эса раққосни ҳатто кучоқлаб ўпиб қўйди.

– Бўпти, қойил, чарчагандирсан, балки, нимага бу ёққа қараяпсан: попук хоҳлайсанми, а? Сигара берайми ёки?

– Папирос бўлсайди.

– Ичинг келмаяптими?

– Вой, ликер ичувдим-а... Э, шоколад попукларингиз йўқми, амаки?

– Ана, столда уйилиб ётибди, хоҳлаганингни ол, азизим, жигарим!

– Йўқ, мен анақаси, ваниллиги бўлса... биз қарияларга... ҳа-ҳа-ҳа! Хи...

– Йўқ, ошна, бунақа алламбалоси йўқ.

– Қулоқ солинг! – бирдан қария Митянинг қулоғига эгилди, – анақа, анов қиз, Марьюшка, хи-хи, мен қанақа қилиб, анув мумкин бўлса, у билан танишиб олсам бўладими, бир яхшилик қилмайсизми...

– Воҳ, балосиз-ку, а! Йўқ, оғайни, бўлмайди.

– Мен ҳеч кимга ёмонлик қилмайман-ку, – бўшашиб пичирлади Максимов.

– Майли, яхши, яхши. Бу ерда, оғайни, фақат ўйнаб, ашула айтишади, ундоқ десам, хувори! Тўхтаб тур-чи... Ҳозирча ол, еб-ичиб тур, мазза қил. Мабодо, пул керакмасми?

– Кейинроқ бўлса ҳам майли, – табассум қилди Максимов.

– Майли, майли...

Митянинг боши ўтдай ёнарди. У ташқарига, юқорига олиб чиқадиган айвонга кўтарилди, айвон ичкаридан бошланиб ташқарига чиқар, бинонинг бир бўлагини қамраб оларди. Тоза ҳавода у тетик тортди. У ёлғиз ўзи қоронғида, бурчакда турар ва бирдан икки қўллаб бошини чангаллади. Паришон фикрлари бирдан жамланди, сезгилари бир жойга йиғилди ва ҳаммаси ёришди. Қўрқинчли, даҳшатли ёришди! "Ўзимни отсам қандоқ бўларкин, ҳозир бўлмаса қачон? – хаёлидан ўтди унинг. – Тўппончани олиб келсам ва мана шу ифлос, қоронғи жойда ҳаммасига барҳам берсам". Деярли бир дақиқа у иккиланиб турди. Боя, бу ёққа учиб келаётганда ортида шармандалик, ўзи қилган ўғрилик турарди ва анави қон, қон!.. Аммо ўшанда осонроқ, осонроқ эди! Ахир ўшанда барини йўқотган, бой берганди: қиз қўлдан чиқди, бировга бериб қўйди, қиз унинг учун ўлди, йўқолди – о, ўшанда ҳукм чиқариш осон эди, ҳарқалай ундан қочиб қутилиб бўлмас, у заруратга айланганди, зеро, ёруғ оламда яшашнинг маъноси қолмаганди. Энди-чи! Энди ўхшайдими ўша пайтга. Энди лоақал бир шарпа, бир қўрқинч кўлага барҳам топди: қизнинг "кўз очиб кўргани", тақдирига беомон кириб олган одам йўқолди, изи ҳам қолмади. Қўрқинчли шарпа аллақандай жуда майда, бачкана бир нарсага айланди; уни алоҳида хонага олиб кириб ташлади ва устидан қулфлаб қўйди. Шарпа энди ҳеч қачон қайтмагай. Қиз адабини еди, энди қизнинг кўзларига қараб, у кимни севишини яхши билади. Хўб, ана энди фақат яшаса бўлади ва... яшаб бўлмайди, бўлмайди, о, лаънатлар бўлсин! "Худойим, девор тагида ётганга ўзинг жон ато эт! Бу кулфат косани мендан нари қил! О, худойим, ахир сен мен каби гуноҳга ботганлар учун ҳам

мўъжизалар яратгансан! Қани эди, қани энди, чол омон бўлса? О, унда шармандаликнинг қолган уқубатини мен йўқотаман, ўғирланган пулни қайтараман, ер тагидан бўлса ҳам топаман... бераман... шармандалик изларини қолмагай, у фақат менинг юрагимда мангу яшайди! Аммо йўқ, йўқ, о, иложсиз, ожиз орзулар! О, лаънатлар бўлсин!"

Бироқ ҳар ҳолда қандайдир ёруғ умиднинг шуъласи қоронғида унга ярқ этиб кўринди. У шаҳд қўзғалди ва уй ичига отилди – қиз қошига, қиз қошига борайлик, у ахир унинг султони, мангу султони! "Ахир унинг муҳаббатининг бир соати, бир дами гарчи шармандалик азобларига оғушта бўлса ҳам, бутун бир ҳаётга арзимайдими?" Шу ваҳший савол унинг юрагини чирмаб олди. "Қиз қошига, ёлғиз шу қиз қошига борайлик, ёлғиз унга қулоқ солайлик, ёлғиз уни тинглайлик, бошқа ҳеч нарсани ўйламайлик, барини унутайлик, лоақал шу тун, шу соат, шу лаҳза!" У ҳали айвондан уй ичига ўтаётганда хўжайин Трифон Борисич билан тўқнашди. Хўжайин унга қандайдир қовоғи солиқ ва ташвишга ботгандай кўринди, чамаси, у Митяни қидириб келарди.

–Ҳа, Борисич, мени қидиряпсанми?

– Йўғ-ей, сизнимас, – тутилиб қолди хўжайин, – сизни қидириб нима қиламан? Э, сиз... қаерда эдингиз?

– Нима бўлди сенга, шаҳдинг суст? Хафа бўлдингми? Шошма, уйқуга ҳам ётарсан... Соат неча бўлди?

– Уч бўлай деб қолди. Балки тўртдир.

– Бўлди, бўлди, тугатамиз.

– Бемалол, зарари йўқ. Қанча хоҳласангиз, шунча...

"Унга нима бўлган?" – хаёлидан ўтказди Митя ва қизлар ўйнаётган хонага югуриб кирди. Қиз бу ерда эмасди. Мовий хонада ҳам кўринмади, фақат Калганов диванда мудрарди, Митя дарпардалар орқасига қаради – қиз шу ерда экан. У бурчакда сандиқ устида ўтириб, қўллари ва бошини ёнидаги каравотга энгашиб қўйганча аччиқ йиғлар, бошқалар эшитмасин деб, иложи борича ўзини тутиш ва овозини чиқармасликка ҳаракат қиларди. У Митяни кўриб, ўзига имлаб чақирди ва у чопиб келгач, қўлларидан маҳкам тутди.

– Митя, Митя, мен ахир уни севардим! – деб пичирлаб сўзлай бошлади, – беш йил уни шундай севардим, ҳар доим, ҳар доим севардим! Уни севдиммикин ё ўз алам, оҳу зоримни? Йўқ, уни! Оҳ, уни! Мен ўзимни алдаяпман уни эмас, аламимни севдим деб! Митя, мен эндигина ўн еттига киргандим, ўшанда у мени эркалар, кулдирар, шўхликлар қилар, қўшиқлар айтарди... Ё ўша пайтлар мен тентак қизга шундай туюлдимикин... Энди-чи, о, худойим, у эмас бу киши, бутунлай бошқа. Афтиангори ҳам бошқа, бутунлай у эмас. Мен уни афтидан ҳам танимадим. Мен бу ёққа Тимофей билан бирга келаётибман-у йўл бўйи ўй ўйладим: "Уни қандай кутиб оламан, нималар дейман, бир-биримизга қайси кўз билан қараймиз?.." Юрагим тўхтаб қолгандай бўлади, у эса устимдан худди мағзава ағдаргандай бўлди. Худди насиҳат қилгандай гапиради, қовоғини очмайди, одаммисан демайди, жуда сипомисан сипо, бошим деворга урилгандай бўлди. Оғиз очирмайди. Олдин анави найнов шеригидан тортиняпти, деб ўйладим. Шундай ўтирибман-у ўйлайман: нега мен улар билан гаплашолмай қолдим? Биласанми, уни хотини бузган, ўша, мени ташлаб, уйланган хотини... Ўша хотини айнитган. Митя, бу уят! Оҳ,

уяламан, Митя, уяламан, оҳ, бошимдан кечирганларим, бутун ҳаётимдан уяламан! Қуриб кетсин, қуриб кетсин шу беш йил, қуриблар кетсин! – У яна кўз ёшларини дув тўкди, аммо Митянинг қўлларини маҳкам ушлаб, қўйиб юбормасди.

– Митя, жоним, шошма, кетма, мен сенга битта сўз айтмоқчиман, – пичирлади у ва бирдан бошини кўтарди. – Қулоқ сол, менга ўзинг айт, мен кимни севаман? Мен ҳозир битта кишини яхши кўраман. У қайси киши? Ана шуни сен менга айт. – Кўз ёшлардан шишиб кетган унинг юзида табассум жилва қилди, кўзлари нимқоронғида ёнарди. – Боя бир лочин кириб келди-ю, юрагим қинидан чиқди. "Сен жинни қизсан, мана сен севган одам", – дея шивирлади юрагим. Кириб келдинг-у ҳаммаси нурафшон бўлди. "У нимадан қўрқяпти ўзи?" – деб ўйладим. Ахир сен юрагинг пўкиллаб, бутунлай қўрқиб қолдинг, тилинг калимага келмади. Мановлардан чўчиётгани йўқдир-ку ахир, – сен бировдан қўрқадиган одаммисан? У мендан қўрқаяпти, деб ўйладим, фақат мендан. Ахир сен тентакка Феня айтиб бергандир-ку мен Алешага ойнани очиб қичқирганимни, бир соатча Митенькани яхши кўрганим... энди эса бошқани яхши кўриб кетаётганимни... Митя, Митя, мен тентак қиз нима деб ўйлабман сендан бошқани севаман деб, сендан сўнг! Кечирасанми мени, Митя? Мени кечирасанми, йўқми? Севасанми? Севасанми?

Қиз сакраб туриб йигитни елкасидан икки қўли билан маҳкам қучди. Митя хурсанд бўлганидан оғзи қулоғида, тили гапга айланмай қизнинг кўзлари, юзи, илжайган дудоқларига қарар ва бирдан уни қаттиқ қучиб ўпа бошлади.

– Қийнаганим учун мени кечирасанми? Ахир мен аламимдан ҳаммаларингга азоб бердим. Мен ахир анов қария тушмагурни қаҳрим келиб эс-ҳушидан айирдим... Эсингдами, бир кун олдимга бориб ичдингда, қадаҳни синдирдинг? Мен буни эслаб қолдим ва бугун ўзим ҳам қадаҳни синдирдим, "менинг қабиҳ юрагим учун" ичдим. Митя, лочиним, нега мени ўпмайсан? Бир марта ўпдинг-у бас қилдинг, индамай қараб, эшитиб турибсан... Нимасини эшитасан! Ўп мени, қаттиқ ўп, ана шундай. Севдингми, сев! Энди қулинг бўлай, бир умр чўринг бўламан! Чўри бўлиш ширин!.. Ўп! Мени дўппосла, азоб бер, нима қилсанг қил мени... Оҳ, менга ҳақиқатан азоб бер... Тўхта! Шошма, кейин, бунақасини хоҳламайман... – итариб юборди бирдан қиз йигитни. – Нари тур, Митька, бориб энди шароб ичаман, маст бўлгим келяпти, ҳозир маст бўлиб ўйнайман, хоҳлайман, хоҳлайман!

Дарпардалар орқасида у Митянинг қучоғидан юлқиниб чиқди. Митя унинг ортидан мастдай гандираклаб юрди. "Ҳа, майли энди, майли, энди нима бўлмасин, бир сония учун жону жаҳонимни бераман", – хаёлидан ўтди унинг. Ҳақиқатан, Грушенька бир стакан шампанни бир кўтаришда бўшатди ва бирдан батамом маст бўлиб қолди. У илгариги жойига бориб креслога ўтирди, лабида майин табассум ўйнарди. Икки ёноғи оловдай ёнди, дудоқлари аланга олди, порлаган кўзлари сузилди, нигоҳи эҳтиросли чорларди. Ҳатто Калгановнинг қалбини нимадир чақкандай бўлди-да, у қиз ҳузурига келди.

– Сен ухлаб ётувдинг, мен сени ўпиб қўйдим, билдингми? – шивирлаб деди у Калгановга. – Кайфим ошиб қолди, қара... Сенинг кайфинг ошмадими? Э, Митя нега ичмаяпти? Нега ичмаяпсан, Митя, мен ичдим, сен эса ичмаяпсан...

– Мастман! Шундай мастман... мени маст қилиб қўйдинг, энди шароб ичиб маст бўламан. – У яна бир стакан ичди ва шунда – бу унга жудаям ғалати бўлиб туюлди – фақат мана шу охирги стакандан кейин боши айланди, бирдан айланди, бунгача ҳамма вақт ҳуши жойида эди, буни ўзи биларди. Шу дамдан бошлаб ҳаммаси унинг теграсида чир айлана кетди худди алаҳлагандай. У қаҳ-қаҳ уриб ҳаммани айланар, гаплашар, аммо чамаси, эс-ҳуши жойида эмасди. Фақат бир ҳиссиёт қимирламай унинг жисми-жонини дам сайин ёндирар, назарида, "жонига худди лаққа чўғ" солиб қўйилгандай эди – у кейинчалик шундай хотирлаб юрди. У қизнинг ёнига келар, унинг ёнида ўтирар, термулиб қарар ва тинглар эди... Қиз эса тинмай эшилиб сўйлар, ҳаммани ўз олдига чақирар, бирор ашулачи ойимқизни ҳузурига имлар, у келгач, ўпиб қўяр, баъзан қўли билан чўқинтирарди. Яна бир дақиқа ўтса, у худди йиғлаб юборадигандай эди. "Қарияси тушмагур" ҳам, у Максимовни шундай таърифларди, кўнглини ёзарди. У дам сайин қизнинг қўллари ва "ҳар бармоқчаларини" югуриб келиб ўпиб қўяр, охирида бир эски ашулани ўзи куйлаб, ўзи рақсга тушиб ижро этди. Айниқса, нақоратини жуда алангали қилиб айтди:

Чўчқавой хур-хур, хур-хур,
Ўжакчаси мў-мў, мў-мў,
Ўрдакчаси ға-ға, ға-ға,
Ғози эса го-го, го-го.
Товуқчаси ҳовли титар
Қуруқ-қуруқ, қурқуллар,
Вой, вой, ана қурқуллар!

– Бир нарса бер унга, Митя, – дерди Грушенька, – совға бер, бечора қашшоқ. Оҳ, ялангоч, қашшоқ, ғариблар!.. Биласанми, Митя, мен монастирга кетаман. Йўқ, ростдан, бир кунмас-бир кун кетаман. Менга Алеша бугун бир сўз айтди, бир умр эсимдан чиқмайди... Ҳа... Бугунча майли, ўйнаб қолайлик. Эртан монастирга, бугун таралла-ялла. Мен бир шўх қиз бўлмоқчиман, яхши одамлар, нима бўпти, худо кечиради. Мабодо, худо бўлсам, барча одамларни кечирардим: "Азиз гуноҳкорларим, шу кундан эътиборан ҳаммани кечираман". Мен эса кечирим сўрашга бораман: "Эй, яхши одамлар, тентак қизни кечиринглар, ҳа, шундай". Мен ҳайвонман, шундай. Э, ибодат қилгим келяпти. Мен бир бош пиёз бердим. Мен шум хотинман, ибодат қилгим келяпти! Митя, ўйнайверишсин, халал берма. Дунёда барча одамлар яхши, битта қолмай ҳаммаси яхши. Яшаш яхши дунёда. Жуда ярамас бўлсак-да, барибир яхши. Ярамас ва яхшимиз, ярамас ва яхшимиз... Йўқ, айтинглар, сизлардан сўрайман, ҳаммангиз менга айтинг: мен нега мунча яхшиман? – Грушенька тобора кайфи ошиб шуларни сўйларди. – Ахир мен яхшиман ва жудаям яхшиман... Ана шунинг учун: нега мен жуда яхшиман? – ниҳоят у ҳозир мен ўзим туриб ўйинга тушаман, деб маълум қилди. Креслодан турди-ю чайқалиб кетди. – Митя, менга бошқа ичирма, сўрасам ҳам берма. Шароб тинчитмайди, ҳаммаси айланяпти, печка ҳам, ҳаммаси. Ўйнайман. Ҳамма кўрсин ўйнаганимни... жуда чиройли ва яхши ўйнаганимни...

Нияти ҳазилакам эмасди: у киссасидан оқ ҳарир рўмолчани олди ва ўйин пайтида силкиш учун ўнг қўлининг бармоғи учида ушлади. Митя

питирлаб қолди, қизлар ишора бўлишини кутиб рақсга ҳозирланишди. Максимов Грушеньканинг ўзи ўйинга тушмоқчи бўлаётганини билиб хурсандлигидан қийқириб юборди-да, қизнинг олдига тушиб, қўшиқ айтиб, сакрагани турди:

Оёқ чиллак, биқин ғалтак,
Думчаси гажак, воҳ-ей.

Аммо Грушенька унга рўмолчасини силкиди-да, нари қувди:

– Киш-ш! Митя, нега келишмаяпти? Ҳаммалари келишсин... кўргани. Анов хонабандиларни ҳам чақир... Нега уларни қулфлаб қўйдинг? Уларга мен ўйинга тушаётганимни айт, улар ҳам кўрсин менинг ўйинимни...

Митя мастона юриш билан ёпиқ эшик олдига келди-да, мушти билан гурсиллата бошлади.

– Ҳей, сиз Подвисоцкийлар! Чиқинглар, қиз ўйнамоқчи, сизни чақиряпти.

– Лайдак! – деб қичқирди унга жавобан панлардан бири.

– Сен икки марта лайдак! Ўзинг аблаҳ, ҳе, турқинг қурсин.

– Сиз Польшани масхара қилишни тўхтатсангиз бўларди, – деди насиҳатомуз оҳангда анча кайфи ошган Калганов.

– Овозингни ўчир, болакай! Уни мен аблаҳ деган бўлсам, бутун Польша аблаҳ деганим эмас. Битта лайдак бутун Польша бўлолмайди. Жим бўл, эрка бола, ол, конфетлардан е.

– Оҳ, буларни кўринг! Худди улар одам эмасдай. Нима, улар ярашмоқчи эмасми? – деди Грушенька ва ўйнагани ўртага тушди. Ашула гумбурлади: "Оҳ, сиз менинг паноҳим, оҳ, паноҳим". Грушенька бошини орқага ташлай деб дудоқларини очди, табассум қилди, рўмолчасини силкитмоқчи бўлди, шунда бирдан жойида турган ҳолда қаттиқ чайқалиб, хонанинг ўртасида каловланиб қолди.

– Кучим йўқ... – дея олди у қандайдир азобланган овозда, – кечиринглар, кучим йўқ, ўйнолмайман... Узр...

У ашулачи қизларга таъзим бажо қилди, кейин ҳар тўрт томонга бирма-бир қуллуқ қилди:

– Маъзур тутинг, узр, узр...

– Жонон аёл маст бўлди, маст бўлди, – ҳар ёқдан овозлар эшитилди.

– Ул ойим қиз ичиб қўйибдилар, – хихилаб қизларга тушунтирди Максимов.

– Митя, мени ушла... мени олиб чиқ, Митя, – зўрға тили айланиб деди Грушенька. Митя унга томон отилди, қўлларида тутди ва қимматли ўлжаси билан дарпарда ортига ўтди. "Мана энди мен ҳам кетаман", – деди Калганов ва мовий хонадан чиқиб, орқасидан эшикнинг ҳар иккала тавақасини беркитди. Аммо залда базм яна қизиди ва тарақа-туруқ осмону фалакка чиқди. Митя Грушенькани каравотга ётқизди, лабига лабларини қаттиқ босди.

– Менга тегма... – ёлворган овоз билан илтижо қилди қиз, – менга тегма, ҳали сеники эмасман... сеникиман дедим, фақат сен тегма... раҳм қил... Ановлар олдида иложи йўқ. У шу ерда. Расво шу ерда...

– Қулоғим сенда! Хаёлимда йўқ... айланиб кетаман!.. – ғўнғиллади Митя. – Ҳа, бу ер нобоп, о, нодуруст. – У қизни қучоғидан бўшатмай, каравот ёнига ерга тиз чўкди.

– Биламан, сен ваҳшийсан, аммо олийжанобсан, – ҳансираб дерди Грушенька, – бу ҳалол бўлсин... бундан кейин ҳалол бўлади... биз ҳам ҳалол бўлайлик, биз ҳам яхши одамлар бўлайлик, ҳайвон эмас, одам бўлайлик... Олиб кет мени, узоққа олиб кет, эшитяпсанми... Мен бу ерда, истамайман, узоқ-узоқларга...

– О, ҳа, ҳа, албатта, кетамиз! – қучоғига босарди уни Митя, – олиб кетаман, учиб кетамиз... О, бутун ҳаётимни бир йилга алмашаман ҳозир, фақат ўша қонни билсам бас!

– Қанақа қон? – ҳайрон бўлиб сўради Грушенька.

– Майли! – тишларини ғижирлатди Митя. – Груша, сен ҳалол бўлсин дейсан, мен эса ўғриман. Мен Катьканинг пулини ўғирладим... Уят, уят!

– Катьками? Ойимқизми? Йўқ, сен ўғирламагансан. Қайтариб бер, мендан ол... Нега қичқирасан? Энди менинг ҳамма нарсам сеники. Пул нима бўлипти? Масза қилиб ўйнаймиз... айш қилганда қандоқ. Биз эса сен билан, яхшиси, ер чопамиз. Мен ерни мана шу қўлларим билан тирнаб тозалаб чиқаман. Ишлаш керак, билдингми? Алеша айтди. Мен сенга маъшуқа эмас, мен сенга вафодор бўламан, чўринг бўламан, сенга ишлайман. Биз ойимқизнинг олдига икковимиз бориб, таъзим қиламиз, бизни кечирсин, кейин жўнаб кетамиз. Кечирмаса ҳам, барибир биз кетамиз. Сен унга пулини олиб бориб бер, мени эса сев... Уни эса севма. Уни бошқа севма. Севсанг, мен уни бўғиб ўлдираман... Мен унинг иккала кўзини игна билан ўйиб оламан...

– Сени севаман, ёлғиз сени севаман, Сибирда ҳам севаман...

– Сибир нимаси? Ҳа, майли, хоҳласанг, Сибирга ҳам борамиз, барибир... ишлаймиз... Сибирда қор... Мен қор устида юришни яхши кўраман... қўнғироқчалар жаранглаб турсин... Эшитяпсанми, қўнғироқлар жаранглаяпти... Қайда жаранглаяпти қўнғироқ? Кимлардир келяпти... ана овоз тўхтади.

У ҳолсиз кўзларини юмди ва бирдан бир сонияга уйқуга кетгандай бўлди. Ҳақиқатан, қўнғироқнинг узоқдан овози келар, кейин бирдан жим бўлиб қолди. Митя бошини унинг кўкрагига эгди. У қўнғироқ саси тўхтаганини ҳам сезмади, бирдан қўшиқлар овози ҳам тингани, қўшиқлар, маст-аласт товушлар ўрнига бутун уйни қутилмаган сукунат қоплаганини ҳам пайқамади. Грушенька кўзларини очди.

– Нима, ухлаб қолдимми? Ҳа-я. Қўнғироқ. Мен уйқимда туш кўрдим: гўё қор устида кетяпман... қўнғироқ овози, мен мудрайман. Жоним азизим билан гўё кетяпман, гўё сен билан. Узоқ-узоқларга... Сени кучоқлаб ўпармишман, сенга маҳкам ёпишармишман, совқотар эмишман, қор эса ярақлайди... Биласанми, агар тунда қор ярқираса, ой кўкдан боқса, худди мен ер юзида юрмагандайман... Уйғондим, азизим жоним ёнимда, қандай яхши...

– Ёнингда, – ғўлдиради Митя унинг кўйлаги, кўкраги, қўлларини ўпиб. Шунда бирдан нимадир ғалати туюлди, унга киз худди тик олдига қараётгандай, унгамас, юзигамас, боши оша нимагадир жуда ғалати тикилиб қимирламай қараётгандай туюлди. Қизнинг юзида ҳайрат ва қўрқув акс этди.

– Митя, анави ёқдан ким бу ёққа, бизга қараяпти? – шивирлади у бирдан. Митя ўгирилди ва ҳақиқатан, кимдир дарпардани суриб, уларга қараётганини кўрди. Яна фақат бир киши эмас. У сакраб турди ва қараётган кимса томон юрди.

– Бу ёққа, марҳамат, бу ёққа келинг, – деди аллакимнинг овози қатъият билан жиддий, оҳиста оҳангда.

Митя дарпарда ортидан чиқиб, тек қотди. Хона тўла одам, лекин боягилар эмас, бари бошқа кимсалар. Елкаси бир зумда совуқдан увишди ва сесканди. Ушбу кимсаларнинг барини у бир зумда таниди. Манави сочи, қоши оппоқ, пальто кийган қария, бошида кокил нишонли фуражка – бу полис бошлиғи Михаил Макарич. Манов "озғин" олифта, "доим этиги тоза артилган" зот – бу прокурор муовини. "Унинг баҳоси тўрт юз турадиган хронометри бор, у кўрсатган". Манави ҳали ёш, бўйи кичкина, кўзойнак таққан... Митя унинг исми-шарифини эслолмади, аммо уни ҳам танийди, кўрган, бу суд терговчиси, "Адлиядан" келганига кўп бўлгани йўқ. Мановиниси даҳа полиси Маврикий Маврикич, буни яхши билади, таниш киши. Хўп, мановлар-чи, тақа-тўқаси борлар, булар нима қилиб юрибди? Яна қандайдир икки киши, мужиклар... Э, ана эшик олдида Калганов ва Трифон Борисич...

– Жаноблар... Нима бу, жаноблар? – деб сўзга оғиз очди-ю, бирдан ҳушини йўқотган, ўзини англамагандай бор овози билан бақириб хитоб қилди:

– Ту-шун-дим!

Кўзойнакли йигит бирдан олдинга чиқди-да, Митяга яқинлашиб, сиполик билан бироз шошинқираб деди:

– Сизда ишимиз бор... қисқаси, сизни бу ерга ўтишингизни сўрайман, мана бу ерга, диванга... Сиз билан бир нарсани аниқлаштириб олишимиз зарур.

– Чол! – қичқирди Митя жазавада, – чол ва унинг қони!.. Ту-шун-дим! – У шундай деб, худди оёғи чалингандай ёнидаги курсига ўтириб қолди.

– Тушундингми? Тушундинг! Падаркуш ваҳший! Отангни қони ёқангга ёпишиб дод соляпти! – бўкириб юборди Митяга яқинлашиб қари полис бошлиғи. У ўзини тутолмас, бўғриқиб кетган, дағ-дағ титрарди.

– О, бу мумкин эмас! – қичқирди кичкина ёш йигит. – Михаил Макарич, Михаил Макарич! Ундаймас, бу ундаймас!.. Менинг ўзим гаплашаман, ижозат беринг... Сиздан асло бундай ҳолни кутмаган эдим.

– Бунинг эс-ҳуши жойида эмас, жаноблар! – нидо қилди полис бошлиғи, – қаранглар унга: кечаси, маст-аласт, шалоқ қиз ёнида, отасининг қонига беланган... Эси йўқ, эси йўқ!


– Мен сиздан жуда қаттиқ илтимос қиламан, ҳурматли Михаил Макарич, бу сафар ўзингизни босиб олинг, – полис бошлиғига тез-тез пичирлади прокурор муовини, – акс ҳолда мен чора кўришга мажбур бўламан...

Бироқ кичкина терговчи унинг сўзини бўлди; у Митяга қатъият билан жиддий туриб баланд овозда деди:

– Истеъфодаги поручик жаноб Карамазов, мен сизга шуни эълон қиламанки, сиз отангиз Федор Павлович Карамазовни ўлдирганликда айбланасиз, қотиллик шу кечада рўй берган...

У яна нимадир деди, прокурор ҳам орага бир гап қўшди, аммо Митя гарчи эшитаётган бўлса-да, уларни англамасди. У ваҳшиёна нигоҳ билан ҳаммага аланглади...

(Давоми келгуси сонларда)



Марио БЕНЕДЕТТИ

(1920–2009)

ЭҲТИМОЛ ТУЗАТИБ БЎЛМАС

Ҳикоя

Рус тилидан
Олим ОТАҲОН
таржимаси

Радиодан “Авиакомпания 914 – рейсни мажбуран 24 соатга кечиктирди” деб эълон қилишди. Серхио Ривера аламидан ҳатто ерни бир тепди. Уларнинг бунақа қилиғини у яхши билади, турган гапки, бундай вазиятдан кейин деярли ёд бўлиб кетган баҳоналар айтилади: яхшиси кўтарилгандан кейин ҳавода бирон тузатиб бўлмас техник носозликка рўпара келгандан кўра рейсни қолдирган маъқулроқ деган тушунчаларга борилганининг сабаблари айтиб ўтилади. Кўзда тутилмаган кечикиш Серхионинг барча ишларининг белига тепарди. Унинг иш бўйича учрашуви эртага келишиб қўйилган эди.

Майли, ташвиш қилишнинг ҳожати йўқ. Қўлингдан барибир ҳеч нарса келмайди. Аёл кишининг майин овозда компания йўловчиларга кечки овқати, эрталабки нонушта ҳамда аэропортга яқин меҳмонхонага талонлар берилишини эълон қилди. Серхио бу славянлар мамлакатига биринчи келиши бўлгани учунми, очиғи уни томоша қилиш ҳақида ўйлади. Аэропортда банкнинг йўлакай қўниб ўтадиган йўловчиларга хизмат қиладиган бўлими бор эди. Бироқ бир оқшом учун доллар майдалашнинг ҳожати йўқ, шекилли. Яхшиси кечки овқатнинг ўзи билан кифояланиб қолиш керак. Серхио талон бериладиган дарча томонга йўл олди.

Йўловчилар меҳмонхонанинг эшиги олдида автобусдан тушишди. Қор ёғмоқда эди. Серхио ҳаётида бор-йўғи иккинчи бор қорни кўриши. Бир йил аввал худди шундай хизмат сафарига келиб Нью-Йоркда кўрганди. Ўн саккиз градус совуқ. Серхионинг қулоқ учлари шишиб кетди, у совуқдан қалт-қалт титрар ва самолётда қолган кўк шарфи ҳақида хаёл қиларди. Дарвоқе, меҳмонхонанинг эшиги очилди. Илиққина ҳаво юз-кўзига урилиб у тетиклашди ва афсус билан ёнида хотини Клара билан беш яшар ўғли Эдуардо йўқлигига ачинди. Серхио Ривера ҳар қалай нима десангиз ҳам оилапарвар эди.

Ресторанда икки кишилик, тўрт кишилик ҳамда олти кишилик столлар бўш эди. У кечки овқатни бир ўзи ўтириб ейиш ва хотиржам китоб ўқиш

умидида икки кишилик столни танлади. Бироқ, ўша заҳоти бир киши келиб: "Рухсат беринг," – деди-да, жавобини кутмай, бўш ўринга ўтирди.

Чақирилмаган меҳмон аргентиналик бўлиб, парвоз қилишдан ўлгудек қўрқаркан. "Баъзилар тумор тақиб юришади, – деди у. – Мени битта оғайним бор, мана бунақа феруза тошли калит осгичсиз ўла қолса самолётга чиқмайди. Бошқаси парвозга ўзи билан "Мартин Фиерро" китобини олиб олади. Мени айтмайсизми? Мен Сан-Францискода, хитой маҳалласидан японларнинг иккита тангасини сотиб олдим. Кулишнинг ҳожати йўқ, нима кераги бор... Лекин тумор билан ҳам барибир қўрқаман".

Аввалига Ривера жавоб тариқасида тўнғиллаб, кулиб ўтирди, бироқ бир оздан сўнг китобни қўйиб, у ҳам туморлар ҳақида ҳикоя қилишга тушиб кетди. "Мана мени вахималарим, ишонсангиз тумандек тарқалиб кетди. Мен доим ўзим билан "шифер" ручкасини олиб юраман, фақат бесиёҳ. Аввалambор чўнтагимга солганда костюмимни расво қилмаслик учун, қолаверса, ишончим комил, парвоз чоғи у чўнтагимда бўлса ҳаммаси яхши дегани. Фақат албатта бўш, сиёҳсиз бўлиши лозим. Мана бу сафар унинг сиёҳини тўкиб ташлаш эсимдан чиқибди, лекин шунга қарамай, кўриб турганингиздек, соппа-соғман". Серхиога худди аргентиналик унга ёзғириб қараётгандек туюлди-ю, қўшимча қилишга ошиқди: "Очиғини айтсам, мен тақдирга ишонаман. Башарти, ажалинг етган бўлса, самолёт портлаб кетадими ёки гултувак еттинчи қаватдан тўппа-тўғри бошингга тушиб кетадими. Фарқи йўқ". "Ҳа, лекин ман, ҳар қалай гултувакни лозим топган бўлардим, – деди аргентиналик. – Турган гапки, восвос, лекин тирик қоласан".

Аргентиналик ширинликни охиригача емади ("тағин Европада шоколадли крем тайёрлашни билишади, дейишганди!) ва ўзининг хонасига кетди. Риверенинг бошқа ўқигиси келмади, у сигарет тутатиб, туркча қаҳва совушини кута бошлади. Яна қанчадир вақт ўтирди, қараса столлар бўшаб, одамлар туриб кетишибди, у ҳам охирида қолмаслик учун шошилди. Иккинчи қаватга, ўзининг хонасига чиқди. Пижамаси жомадонида қолгани туфайли трусикда ётди. Дастлаб анча вақт китоб ўқиди. Бироқ, Агата Кристи повестидаги сир аллақачон маълум бўлганига қарамай, кўзига уйқу келмасди. Китоб орасига қўядиган картон қоғоз ўрнида ўғлининг сурати турарди. Кичкинтой Эдуардо Эль-Пинардаги баланд дюналарда челак кўтариб турар ва яланғоч қорнини чиқариб олганча илжайиб тушганди. Ривера ҳам кулиб қўйди-да, чироқни ўчириб, радиони ёқди. Бироқ диктор ҳаяжонли овозда, аллақайси тилда бир нималар деб ғўлдирарди, у ҳафсаласи пир бўлиб радиони ўчирди.

Телефон жиринглади. Ривера пайпаслаб гўшакни топди. Кимдир инглиз тилида ҳозир соат саккиз бўлди, хайрли тонг, 914-рейс йўловчилари соат 9.30 да пастга тушишларини сўраймиз, автобус кутади, парвоз тахминан 11.30 ларга белгиланганини эълон қилди. Юз-қўлини ювиб, нонушта қилиб олиш учун вақт етарли эди. Чўмилиб чиққандан кейин Монтевидеодан бери алмаштирилмаган ички кийимларини кийишга кўнгли бўлмади. Ривера соқолини оларкан, ҳафтанинг қолган кунларига учрашувларини қандай режалаш ҳақида ўйларди. "Бугун сешанба, бешинчи – деб хаёл қиларди у, – кайси бир учрашувларни қолдиришга тўғри келади. Бошқа иложи йўқ" . У бошқарув раисининг сўнгги топшириғини эслади; "Шуни унутмангки, Ривера, сизнинг кўтарилишингиз "Сапекс" одамла-

ри билан суҳбатни қандай ҳал қилишингизга боғлиқ. Модомики, шундай экан, бундан чиқди, бошқа ишларнинг бари кутиб туриши мумкин, чоршанба кунини бемалол "Сапекс" нинг илтифотли ишбилармонлари билан учрашувга бағишлаши мумкин. Оқшом улар албатта уни стриптиз кабарега таклиф қилишади. Бояқиш Перейра икки йил аввал улар билан ўша ерда бўлган – ҳалигача ўзига келолмайди.

Серхио бир ўзи нонушта қилди, роппа-роса тўққиз яримда отелнинг эшиги ёнига автобус келди. Қор кечагидан кўра кучлироқ ёғар, совуқ суяк-суякдан ўтай дерди. Аэропортга келишди. Ривера афсусланиб кенг ойнадан қаради. Кулранг комбинезон кийиб олган кишилар самолёт ёнида уймалашарди. Бирдан ўн беш минут ўтганда радиодан 914 – рейсли самолётнинг учиши яна қолдирилади, у эҳтимол уч соатдан кейин учиши мумкин, деб эълон қилишди. Компания йўловчиларга аэропорт ресторанида тушлик қилиш учун талон бераркан.

Ривера тутоқиб кетди. Уни ҳиқичоқ тутиб қолди - нукул асабийлашганда шунақа бўларди. Жағлари билан қўшиб қандайдир оғриқ турарди. Яна дарича олдида навбатга туришга тўғри келди. Соат уч яримда боя хабар берган овоз ҳавас қиларлик сокинлик билан "техник сабабларга кўра 914 – рейс эртага, 12.30 га қолдирилади, деб эълон қилди. Ниҳоят йўловчилар нолишга тушишди "Бу қанақа бемаънилик", "шармандалик", "ҳақорат" деган сўзлар чалинди Болалар қийқириб юборишди, улардан биттаяримтаси жаҳли чиққан ота-оналаридан тарсаки еб, пусиб қолишди. Аргентиналик сал наридан Риверага қараб бош чайқади, афтидан у: "Ана кўрдингизми, сиз бўлсангиз кулаётгандингиз", дегандек бўларди. Риверанинг олдидаги бир аёл тақдирга тан бергандек итоаткорона: "Лоақал буюмларимизни қайтариб беришса-чи", – деди.

Риверанинг аччиғи чиқиб бўғилаёзди – радиодан Авиакомпаниянинг марҳамати билан худди ўша бояги овоз дарчадан кечки овқатга, эртанги нонуштага ҳамда меҳмонхонада тунаш учун талонлар олишлари мумкинлигини эълон қилди. Дарча ёнига келган борки, талон бераётган қиз билан маънисиз ва бефойда мунозара қиларди. Ривера хотиржамгина, индамай, аччиқ киноя билан кулимсираган кўйи талонни олишни ўзига эп кўрди, бечора қиз нима қиларини билмай унга тезгина миннатдорлик билан қараб қўйди.

Унинг норозилиги бошқаларга ҳам таъсир қиларди. У шуни ҳис қилиб, тўрт кишилик столга ўтирди. " Уларни отиб ташлаш камлик қилади", – дея кўнглидагини айтди сочларини бир тутам қилиб ўраб олган аёл кавшана туриб. Риверанинг рўпарасида ўтирган жаноб дастрўмолини очиб аксирди, сўнг паткоғоз олиб, мўйлабини артди. "Менинг фикримча, улар бизни бошқа компанияга бериб юборишлари мумкин эди", – деди астойдил хафа бўлиб сеньора. "Биз жудаям кўпмиз", – деди жаноб мўйлабини патсочиқ билан артаркан. Ривера гапга қўшилишни лозим деб билди. "Қишда учиш жудаям ноқулай", – деди у, бироқ ўша заҳоти бекорга бундай деганини тушуниб қолди. Сеньора унга эътироз билдирди: "Янглишмасам, компания бирон марта ҳам об-ҳаво ёмонлигини рўкач қилмаяпти. Ёки сиз ҳам гап техник носозликда эканига ишонмайсизми?" Шу чоқ кутилмаганда стол атрофида ўтирган тўртинчи улфатлари гап ташлади, унинг овози хириллаган, немисча акцент билан: "Менга стюардесса тушунтириб айтдики, радиоаппаратурага нимадир бўпти", – деди. "Яхши,

– деди унинг гапини маъқуллаб Ривера, – модомики шундай экан, тушунарли парвозни нега бекор қилишаётгани, тўғрими?"

Ресторанниг нариги бошида аргентиналик қўлини пахса қилиб гапирарди. У, афтидан Авиакомпанияни лаънатлар, дақиқа ўтган сари унинг ҳаракати тобора хунук тус оларди. Қаҳвани ичиб олгач, Ривера залнинг лифтга яқин қисмига бориб ўтирди. Еттинчи қаватнинг залида ўйин-кулгу қилиш учун қандайдир одамлар издиҳоми йиғиларди. Отелга аллақандай одамлар кирар, пальто, шляпа ва шарфларини гардеробдан олишар, лифтни кутиб ёшлар чиройли, башанг қора костюмларда, ёш, гўзал қизлар холлда туришарди. Зиналардан йигит-қизлар гаплашиб, кулишиб тушиб келишар, Ривера уларнинг нега кулаётганига, тушунмаслигига ачинарди. У дафъатан ақлдан озгулик даражада ўзини танҳо сезди. Кимнингдир ёнига келиб чекиш сўрашини, ҳазиллашишини ёки мана шу тушуниксиз – қандайдир кулгули тилда нималардир гапириш мумкин эканини, бирон нима сўрашини ҳохлаб қолди. Бироқ, бирон кимса тўхташи у ёқда турсин, унга ҳеч зоғ қарамади ҳам. Улар ўзлари билан ўзлари машғул эдилар, ундан ўша тушуниксиз тили ва тушуниб бўлмайдиган қувончи билан бегона эдилар.

Ҳафсаласи пир бўлган, ранжиган Ривера ўзининг хонасига кўтарилди, бу сафар унга саккизинчи қават тушганди. Ечиниб ўринга ётди. Зарур ишларини қайта кўриб чиқиш учун бир варақ қоғоз олди. Учта фамилияни ёзди: Корнфельд, Бруннель, Фрид. Тўртинчисини ёзмокчи бўлди, иложи бўлмади – бутунлай хотирасидан кўтарилибди. Фамилияси "Е" ҳарфидан бошланиши эсида фақат. Ўзининг кутилмаганда эсидан чиқаришидан аччиғи чиққан Ривера чироқни ўчириб ухламокчи бўлди. Иложи бўлмади. Узоқ, уйқусиз тун олдинда турганини ҳис қилди. Уйқусизлик нима эканини у яхши биларди, бир неча йил аввал синаб кўрган. Бирон нима ўқиса яхши бўларди, тинчирди. Бунинг ҳам иложи йўқ – Агата Кристининг китоби самолётда қолган эди. Серхио ўғли ҳақида ўйлай бошлади ва шундай хаёл билан бир нарсани англади: у бир сутка мобайнида хотини ҳақида ўйламабди. Кўзларини юмиб ётиши, ухлаши керак... У уч минут ухладим, деб қасам ичиши мумкин, кўп эмас, шунга қарамай, олти соат ухлабди денг. Телефон жиринглади. Яна инглиз тилида автобус меҳмонхона ёнида бирдан чорак ўтганда кутади ва йўловчиларни аэропортга элтиб қўяди, дея эълон қилинди. Ички кўйлагини алмаштиролмаслиги уни шунчалар асабийлаштирар эдики, Ривера умуман ювинмасликка қарор қилди. Аммо тишларини ювишга у ўзини мажбур этди. Аэропортда, ресторанда у кутилмаганда қувонди. Ривера илгари тотиб кўрмаган қандайдир мамнуният туйғуси уни тўлқинлантирди. Бунга чўнтагидан Компаниянинг талонини олиб қандоннинг тагига қистириб қўйгани сабаб бўлганди.

Компания ҳисобидан нонушта қилиб, у катта диванга ўтирди. Ҳеч ким бу ерга ўтирмади, чунки диван туалетнинг тўғрисига қўйилган эди. Қаердандир беш ёшли оппоққина, сепкилдор қизча пайдо бўлди. У қўлида қўғирчоқ кўтариб олган, тўппа-тўғри Риверага тикилиб қararди. "Исминг нима?" – деди у сўзларини бузиб талаффуз қиларкан немис тилида. "Карл", – деб жавоб берди у. "А! – деди қизча. – Меники эса Гертруда". Унинг илтифотига жавоб қайтариш керак эди, Серхио:"Қўғирчоғингничи, исми нима?", – деб сўради. "Унинг номи Лотта", – деб жавоб берди Гертруда.

Уларнинг ёнига бошқа қизалоқ келди, ёши тўртларда, у ҳам оппоққинадан келган, униям қўғирчоғи бор. Гертруданинг қаршисига келиб турди-да, французчалаб: "Сенинг қўғирчоғинг кўзларини юмадими?", – деб сўради. Ривера унинг саволини немис тилига ўгирди, кейин жавобини французчага таржима қилди. Ҳа, Лотта кўзларини юмади. Кейин француз қизчанинг исми Мадлена экани маълум бўлди, қўғирчоғининг исми эса – Иветта экан. Ривера диққат билан таржима қилди: Иветта кўзларини юмади ва бунинг устига "ойи", – дейди. Худди шу пайт ҳар хил гаплар пайдо бўлди: шоколад ҳақида, масхарабозлар, дадаси ҳақида. Ривера ишини ҳалол, синхронистга ўхшаб бажарарди, лекин қизчалар унга заррача эътибор беришмасди. У қизларни ўзича ўзининг Эдуардоси билан хаёлан солиштирди, шундай хулосага келдики, унинг ўғли худди шу қизларга ўхшар, заррача фарқ қилмас эди, шуни ҳис қилгач, енгил тортди.

Мадлена қўлини Гертрудага узатди. У ўзининг қўлини яшириб, кейин ўйланиб қолди. Қизлар қўл ушлашиб олишди. Гертруданинг мовий кўзлари чарақларди. Мадлена ҳам мамнун чийиллаб қўйди. Уларга таржимон зарур бўлмай қолди. Лотта билан Иветтанинг эгалари қўлларини қўйиб юбормай, ҳатто ўзлари учун жуда кўп ишлар қилган одам билан хайрлашмай узоқлашишди.

"Компания эълон қилади..." – деган овоз янгради радиодан. Бу сафар овоз унчалик майин эмасди. У дилтанг бир сукунат қўйнида янгради. "Компания шуни маълум қиладики, техник носозликни бартараф қилишнинг иложи бўлмаяпти. 914 – рейснинг учиши эртага қолдирилади. Учиш вақтини олдиндан хабар қиламиз".

Ривера навбатга туриш учун дарча ёнига югуриб борганида ўзига ўзи ҳайрон қолди. Кечки овқатга, нонуштага, тушликка ва меҳмонхонага номер олмоқчи бўлганлар кўп эди ва Серхио саккизинчи бўлди. Начора, бўлар иш бўлди! Даричадаги қиз унга таниш талонни узатди ва ... Ривера бамисли имтиҳон топширган ёки амали оширилгандек ўзини ғалати сезди, балки унга ваъда қилинган ҳиссадорлик жамиятидаги ёки ўзи учун ишонч, қўналға, бошпана топгандек бўлди.

Ўша меҳмонхонадаги кечки овқатни танаввул қилиш (сарсабилдан ажойиб соус, венача шницель, қаймоқ билан қулупнай ва бунинг устига қулинг ўргилсин пиво, Серхио эслади, бунақасини қачонлардир ичган эди). Бирдан у беҳад хурсанд бўлиб кетганини тушуниб етмаслигини англади. Яна бир сутка қолишар экан! Яна бир қанча ишларни бошқа кунга қолдириш керак бўлади. Серхио биринчи кеча бирга овқатланган аргентиналик билан гаплашиб қолди. Лекин аргентиналик нукул перонизмнинг хавфли экани ҳақида тинимсиз гапирарди. Бу мавзу Риверани унчалик ташвишга солмасди. У ўзини чарчаганга солиб бешинчи қаватдаги хонасига жўнади.

Серхио иш бўйича гаплашиши керак бўлган одамларни ёзиб чиқмоқчи бўлди, бироқ у бор-йўғи икки кишининг: Фрид билан Бруннелни эслаб қолган экан. У қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Кулгудан каравот титраб кетди. Ажабо, қўшни хонадан тинчликни сақланг, деб тақиллатишмади. У ўзини босиб олди ва жомадонда барча таниш-билишлари, уларнинг манзиллари ва телефонлари ёзилган ён дафтарча қолганини эслаб хотиржам бўлди. У қавилган кўрпа ва тугма қадалган чойшабда ётар экан,

ўзини бахтиёр сезарди. Болалигида, қишнинг узоқ кечалари мана шундай ўринда у ёнбошидан бу ёнбошига ағанаб ётарди. Ухлашдан олдин у Эдуардо ҳақида (бола суратда қўлида челак билан қимирламай турарди), ўйлаб ётди, аммо ўша заҳоти уйқуси келди, у Кларани ўйламаганини ҳам унутиб ухлаб қолди.

У уйғонди ва беихтиёр ўзининг эгни-бошига қаради – кир-чир, оддийгина кир, айниқса, иштони ва майкаси. Кўзларини чала-чулпа ювди ва тишларини ювмасликка қарор қилди. Яна ўрнига ётди ва зарур хабарни телефон қилиб айтишларини кута бошлади. У кийинаркан Авиакомпаниянинг пассажирлар ҳақида қайғураётганидан хурсанд бўлди. "Ҳар доим шу Авиакомпания самолётларида учаман", – деб ўйлади ўзича ва ёш тўла кўзларини юмди. Кўзларини очганида календарни кўрди. Илгари нега уни сезмаган экан? Чоршанба, ўн биринчи сана турарди календарда. Еттинчи, пайшанба эмасми? У бармоқларини букиб санашга тушди ва шу қоғоз бошқа ой ёки бошқа йилга мансуб, деган қарорга келди. Ҳаётдан нечоғлик орқада қолган давлат! У ўрнидан турди, отланиб ресторанга тушди, нонушта қилгач, автобусга ўтирди.

Аэропорт шовқин эди. Биринчиси чилилик, иккинчиси Испаниядан келган эру хотинлар рейсларни ҳадеб ўзгартирилаётганидан норози бўларди. Улар эмизикли болалари билан – бирларини қиз, бошқаларини ўғли бор эди – саёҳат қилишарди. Авиакомпания уларни таглик билан таъминлади, нари борса самолётда ётган жомадондан ўз тагликларини олишга рухсат берди. Даричадаги қиз қўлидан келганича ўзини ҳимоя қиларди: Компания имкони борича кўзда тутилмаган кечикиш билан боғлиқ ноқулай шароитни бартараф этади, дерди.

Кўзда тутилмаган ушланиш. Тўхтаб қолиш. Мажбурий, кутилмаган. Серхио Ривера бу сўзларни ихтиёрсиз эшитар ва бамисли янгитдан туғиларди. Эҳтимол ўзи шуни ҳохлар. Бир умр, ҳамиша (қайсики, ҳаммаси тескарилиги заруратдан, тез, мумкин бўлмаган тарзда, шошилинч, доим шошилинч). У аэропортдаги ёзувларга тикилди: "Чиқиш", "Ташриф буюрган пассажирлар учун", "Учиб кетаётганлар учун", "Валюта алмаштириш", "Эркаклар учун", "Валюта алмаштириш", "Хонимлар учун", "Кириш таъқиқланади", "Транзит пассажирлар учун", "Емакхона"... Ҳаммаси одатий, қадрдон.

Вақти-вақти билан ўша аёлнинг овози навбатдаги самолётнинг учиб келгани ёки учиб кетаётгани ҳақида маълумот берарди. Лекин 914 – рейс ҳақида бошқа ҳеч нарса демади. Учишга нимадир бир жойда қимир этмай турган самолёт ҳамон ўт-ўлан устида турар, атрофида комбинезон кийган механиклар уймалашар, узундан-узун шлангларни тортқилашар, "жиплар" ишчиларни гоҳ олиб келишар, гоҳ олиб кетишар, қандайдир эҳтиёт қисмлар...

"Саботаж бу, саботаж", – деб қичқирарди биринчи классда учиб келаётган баланд бўйли италиялик. Ривера ўзининг билганича иш тутди – у Авиакомпаниянинг даричаси яқинида турди. Ҳозир радиодан кутилмаганда тўхтаб қолганлик ҳақида маълумот беришади, у бугун кечки овқат, эртанги нонушта, меҳмонхонага талон учун биринчи бўлиб навбатда туради.

Гертруда билан Мадлена ҳар доимгидек қўл ушлашиб ёнидан ўтиб кетишди. Уларнинг қўғирчоқлари йўқ эди. Чамаси қизлар (ўша қизларми

ёки бошқаларми? Европадаги малласочлар бир-бирига ўхшайди) Серхио Ривера сингари кутилмаган туриб қолишга сира қарши эмасдилар. У энди барча ишларни, учрашувни қолдириш керак, деб ўйлади... ким билан эди? Қани жиллақуриса биттасининг номини эслаб кўрай-чи. Йўқ, ҳаммасини унутибди! Серхио телбаларча ҳаяжонланди.

Бирдан унинг кўзи электр календарнинг рақамларига тушди: "7, душанба". Аҳмоқликни қаранг! У аҳамият бермасликка ҳаракат қилди. Худди шу дақиқада аэропортнинг кенг зали ҳозиргина келган пассажирлар билан тўлди. Уларнинг орасида Ривера бир ёшгина йигитчани кўрди ва юрагида таниш, унутилаёзган бир туйғуни туйди. Ўспирин Серхиога аҳамият ҳам бермай унинг ёнидан ўтиб кетди. У яшил шим ва қора этик кийган қиз билан валақлашиб келарди. Кейин ўспирин буфетга бориб икки стакан апельсин шарбатидан олиб келди. Шундоққина диванда ўтирганча Ривера эсини йўқотиб қўйгандек улардан кўзини узмасди.

"Бу ерда бир соатча бўларканмиз, акам айтди", – деди қиз. Ўспирин лабларини рўмолчаси билан артди. "Мен тезроқ боргим келяпти". – "Мен ҳам", – жавоб берди қиз. "Хўш, сен менга ёзгин. Ким билади. Балки кўришармиз. Ахир биз бир-биримизга яқин бўламиз". – "Кел ҳозир бир-биримизнинг манзилимизни ёзиб оламиз", – деб таклиф қилди қиз.

Ўспирин ручкани олди, қиз қизил ён дафтарчасини олди. Улардан икки қадам нарида Серхио Ривера лабларини қимтиб жимгина ўтирарди.

"Ёз, – деди қиз. – Мария Элена Суарес, Кёнигштрассе, 21, Нюрнберг. Сени нима деб ёзай?" – Эдуардо Ривера. Лагергассе, 9, Вена-три". – "У ерда неча кун бўласан?" – "Ҳозирча бир йил", – деди йигитча. "Бахтли экансан! Отанг қарши эмасми?"

Ўспирин нимадир деди, шу дақиқаларда радиодан ўша аёл овози келаётгани учун Серхио уни эшитмади, фақат қандайдир бўғиқ овоз эълон қилди: "Авиакомпания маълум қиладики, техник сабабларга кўра 914 – рейс эртага қолдирилади. Учиш вақти қўшимча эълон қилинади".

Овоз ўчди. Серхио бир оздан сўнг яна йигитчанинг овозини эшитди: "Кейин, у менинг отам эмас, ўгай, тушундингми? Менинг отам аллақачон вафот этган, авиаҳалокатда ўлган".

NASR

Иван Алексеевич БУНИН

(1870–1953)

АРСЕНЬЕВ ҲАЁТИ[1]

Роман

Рус тилидан
Санжар СОДИҚ
таржимаси

ИККИНЧИ КИТОБ

I

Каменкани тарк этаётган, аниқроғи, гимназияга йўл олаётган куним энди бу қишлоққа умрбод қайтмаслигимни билмас эдим. Ўшанда биз ўзим илгари ҳеч ҳам юрмаган Чернавск йўлидан кетдик. Шу куни мен илк бор ташландиқ катта йўллару афсонага айланаётган рус ўтмиши тароватини ҳис қилдим. Катта йўлларнинг умри тугаб бораётган, Чернавск йўли сўнгги йилларини яшаётган эди. Унинг эски ғилдирак изини ўт босиб кетган бўлиб, ўнг ва чап тарафида яккам-дуккам сақланиб қолган қари оқ толлар қайғуга ботиб тургандек кўринарди. Бу толлардан бири, айниқса, эсимда яхши сақланиб қолган – уни яшин урганидан ичи кавак бўлиб қолган эди. Ўша толда ўтирган катта қора қарғани кўрсатиб, отам улар бир неча аср умр кўриши, масалан, шу қуш татарлар замонида ҳам яшаган бўлиши мумкинлигини айтиб, тасаввурларимни ағдар-тўнтар қилиб юборди... Отамнинг айтган сўзларию менинг ҳис-туйғуларим жозибаси нимада эди? Бу жозиба Россияни ва у менинг ватаним эканини қалбан туйишимда эдими? Бизнинг руҳимиз ва шахсий ҳаётимизни бениҳоя кенгайтирувчи, барчамизни ягона бир томирга элтиб боғлагувчи узоқ, умумий ўтмишимиз, тарихимиз эдими ёки у?

Отамнинг айтишича, бир вақтлар Мамай қуйи тарафдан шу йўллар орқали Москвага юриш қилган ва йўл-йўлакай ҳаммаёқни вайрон этиб, шаҳримизнинг ҳам кулини кўкка совурган экан. Тез орада биз Становой қишлоғи ёнидан ўтамиз, шу катта қишлоқ яқин-яқингача ҳам ашаддий қароқчилар уяси бўлган экан. Қароқчилар орасида Митька деган битта ўтакетган газандаси бор экан. Митька шу қадар бешафқат каллакесар эканки, охири қўлга тушганида ҳам оддийгина қатл этилмасдан, танаси чорпора, яъни бош, қўл ва оёқлари чопиб ўлдирилган экан. Худди шу пайт

[1] Охири. Боши ўтган сонда.

Становой билан биз турган жой орасидаги катта йўлнинг чап томонидан мен ҳеч ҳам кўрмаган поезд елиб ўтгани ҳам эсимда қолган. Уфққа аста бош қўяётган қуёш қуёш бизни шитоб қувиб ўтганча, шаҳар томон чопаётган, худди бураб юргизилувчи ўйинчоқдек кичкина, аммо димоғдор паровозчани нурга буркар эди. Паровознинг хумкалла мўрисидан орқага тутун бўралар, яшил, сариқ ва ҳаворанг уйчалари тагида ғилдираклар шошиб айланарди. Паровоз ва одамларни ўз кучоғига имлаб турган ўша уйчалар, уларнинг қуёшга басма-бас чарақлаётган деразалари, гарчи жони бўлмаса-да, ғоят тез чопиб бораётган ғилдираклари – буларнинг бари жуда ҳам ғаройиб ва мароқли эди. Бироқ менинг диққатимни бошқа бир нарса кўпроқ тортганини ҳам яхши эслайман. Бу манзара темирйўл оша кўзга элас-элас ташланган сирли ва мудҳиш Становой қишлоғи дов-дарахтлари томонда гўё кўзимга кўрингандек бўлганди. Татарлар, Мамай, Митька... Айни шу оқшомда мен илк дафъа ўзим рус, ватаним Россия эканини тушуниб етдим. Мен шунчаки Каменкада, қандайдир бир уезд, қандайдир бир волостда эмас, балки айнан Россияда яшайман, деган фикр онгимни ёритиб юборди. Шунда юртимнинг ўтмишию бугунини, ўлкам ёввойи ва кўркинчли бўлса-да, аммо нимаси биландир мафтункор ҳам эканию унга жон-таним билан боғланганимни аниқ ҳис этдим...

II

Ўсмирлик йилларим соф русча муҳитда кечди.

Жиллақурса, мана шу Становой қишлоғини олайлик. Кейинчалик мен бу гўшада яна кўп марта бўлдим ва унда ҳеч қандай қароқчи қолмаганига ишонч ҳосил қилдим. Аммо шунга қарамай, Становой ҳақидаги эски қарашларим ҳеч қачон йўқолмади ва унда яшовчилар кўзимга яна ғирт ёвуз одамлар бўлиб кўринаверди. Қолаверса, Становой тепалиги деб ёмон ном чиқарган бир жой ҳам бўлар эди. Катта йўл Становой ёнида бир чуқурликдан ўтар, ўша жой ҳар бир кечиккан йўловчи юрагига – бу ердан у йилнинг қайси фаслида ўтишидан қатъи назар – гулғула ва қўрқув солар эди. Бундай соф русча қўрқувни ўзим ҳам ёшлигимда Становойдан ўта туриб, кўп марта бошимдан кечирганман. Чернавск катта йўлида донғи чиққан жойлар анчагина эди. Бир замонлар азамат йигитлар тунги сукунат аро олисдаги қўнғироқча ноласи ёки арава тарақ-туруқини элас-элас эшитиб, овлоқ жар ва ўпқонлардан йўлга ёпирилиб чиқар экан. Бироқ ўша жойлардан бирортаси ҳам шуҳрат бобида Становой тепалигига бас келолмас эди: кечаси унинг ёнидан ўтган ҳар қандай одамнинг нафаси қўрқувдан оғзига тиқилар, отини чоптириб ўтиб кетсинми ёки битта-битта қадам боссинми? – жавоб тополмай, гангираб қоларди. Бари кўз олдимда аниқ жонланар эди: қара, ана, қароқчилар келяпти! Сенинг йўлингни шошилмасдан кўндаланг кесиб чиқишяпти. Улар қўлида болта тутган, кўйлаги баданига чиппа ёпишган, қалпоғини кўзига бостирган кўйи яқинлашмоқда. Улар бирдан тўхтайдилар-да, паст овозда хотиржам буюрадилар: “Қани, савдогар, бир дақиқа тўхтагинчи...” Қай бири ваҳималироқ: бу хитобни ёз кечаси далалар зулмат ичра уйқуга кетганида эшитишми ёки қиш тунида бўрон оппоқ қорларни пуркаб, уввос тортганидами, ё бўлмаса, куз кечаси самода тунд юлдузлар хира нур таратганидами?

Становойдан кейин катта йўлни кенг тошкўча кесиб ўтар, шу ерда соқчилар пункти ва кўтарма тўсиқ бор эди. Бу жойда тўхташ ва подшоҳ аскарини кутиш зарур эди. Аскар олачипор уйчасидан чиқиб келар ва олачипор тўсиққа яқинлашарди. Сўнгра тўсиқ занжирлари шарақлаб, секин тепага кўтариларди (шу хизмат учун хазинага икки тийин тўлаш лозим бўлиб, йўловчилар буни куппа-кундузи тунаш деб ҳисобларди). Кейин йўл эски Беглая Слобода ёнидан ўтар, ундан ҳам кейин ғирт уят сўз билан аталган, нажасдан иборат ботқоқни ёнлаб давом этарди. Ниҳоят тошкўча бўйлаб қамоқхона ва ибодатхона оралиғидан ўтарди. Шаҳар ўз қадимийлиги билан фахрланар ва бунга ҳар қанча ҳаққи ҳам бор эди: бу чиндан ҳам бепоён Подстепьянинг қоратупроқ далалари орасида ястанган қадимги рус шаҳарларидан бири эди. У шундай бир таҳликали сарҳадда тикланган эдики, унинг нарёғи азал-азал одам қадами етмаган даштлар эди. Суздаль ва Рязань князликлари даврида бу ерлар Руснинг таянчи саналмиш заминдорлар қўлига ўтган. Солномачиларнинг ёзишича, ўша кишилар қоп-қора Осиё булутлари остида қуюнлар чанг-тўзонию қорбўронлар изғиринини биринчи бўлиб тотиб кўрган. Улар гоҳ кечаси, гоҳ кундузи гуриллаб, кўкка ўрловчи даҳшатли ёнғин шафағини ҳам ҳаммадан бурун кўрган ва унинг тутунидан нафаси қисилганча, бу офатдан Москвага биринчи бўлиб хабар этган ва ўша аланга билан жангда барчадан илгари ҳалок бўлган. Ҳа, ўз вақтида бу ерлар ниманарни бошдан кечирмади, дейсиз? Фалон асрда қайсидир хон уни буткул култепага айлантирди. Бошқа асрда иккинчи, ундан кейин учинчиси бошдан-оёқ ғорат қилди. Қайсидир асрда бу ерларни катта ёнғин ўз домига тортди. Қайсидир асрда эса очлиқ, вабо ва разил кимсалар бу ерликлар тинкасини қуритди. Шулар сабаб бу ерларда моддий-тарихий ёдгорликлар сақланиб қолмаган, албатта. Лекин ўтмиш излари унда, барибир, яққол сезилиб турар, бу излар савдогар ва мешчанларнинг таг-тугли урф-одатларида, Чёрная Слобода, Запречье, Аргамачи йигитларининг шумликларию муштлашувларида кўзга ташланарди. Дарвоқе, Аргамачи дарё қирғоғидаги сарғимтир қоя устида қад кўтарганди. Шу қоядан қачонлардир бир татар хони арғумоғи билан сувга қулаган эмиш. Бу шаҳар шунақаям сасиб-бижиб ётардики, асти қўяверасиз! Қўланса ҳид соқчилар пунктиданоқ димоққа уриларди. Бу ердан шаҳардаги черковларнинг қуббаси элас-элас ялтираб кўринарди. Аввал уят сўз билан аталган ботқоқнинг бадбўйи димоғни ёрса, сўнгра кўн заводининг қўланса ҳиди кўнгилни айнитарди. Ундан ҳам кейин офтоб қиздирган туника томлардан, қишлоқи деҳқонларга лиқ тўла бозорлардан келаётган ачқимтир ис ҳар ёқни тутиб кетарди. Бу ёғига эса сассиқ ҳид яна нималардан таралаётганини ажратиб олишнинг имкони бўлмай қоларди. Эски рус шаҳарларида нимаики бор бўлса, барининг ҳиди шундай таралиб ётарди...

III

Мен гимназияда тўрт йил ўқидим, Ростовцев деган майда савдогарникида турдим. Бу нурсиз ва қашшоқ муҳит эди: аммо бундан бошқа муҳитга туша олмас ҳам эдим, чунки бой оилалар ижара қўйишга муҳтож эмас эди.

Бу ҳаётнинг ибтидоси нақадар аянчли бўлган эди! Ота-онамдан йироқда, янги қашшоқ муҳитда, иккита торгина хонада, мутлақо ёт-бегона кишилар орасида шаҳардаги илк оқшомингни ўтказиш ниҳоятда аянчли кўринарди! Мендек бойвачча бундай кишиларни, албатта, ўзимдан жуда паст кўрар, бироқ улар энди менинг устимдан ҳукмрон бўлиб олган эдики, шунинг ўзиёқ мени даҳшатга соларди. Ростовцевларнинг яна битта ижарачиси бўлиб, бу сап-сариқ боланинг исми Глебочка эди. Менга тенгдош ва синфдош бўлган бу бола батуринолик бир помешчикнинг никоҳсиз дунёга келган ўғли эди. Бироқ ўша оқшомда биз бир-биримиздан ҳайиқиб, бегонасираб турар эдик. У бола худди қафасга тушган ҳайвондек бир чеккага ёввойиларча биқиниб ўтирар, худди шундай ёввойиларча хўмрайиб сукут сақлар, шубҳа аралаш бир ҳуркаклик билан зимдан назар ташлаб қўярди. Мен ҳам у билан дўстлашишга шошилмасдим, чунки шеригим мен кўрган бошқа болаларга ўхшамас, ундан узоқроқ юриш маъқулдек туюларди. Ҳали Каменкадалик чоғимдаёқ мен бу бола билан бирга туришимизни эшитган эдим. Бир гал энагамиз боланинг никоҳсиз туғилганини кўзда тутиб, уни ёмонроқ сўз билан атагани қулоғимга чалинган эди. Ўша кеча аксига олиб, ҳовли ғира-шира қоронғи эди. Кечга бориб эса ёмғир томчилай бошлади. Узун тошкўчада бирор шарпа кўзга ташланмас, жимжит ва бўм-бўш эди. Рўпарадаги уйнинг девори ортида, ярим ялонғоч дарахт шохида қалдини букканча, юракка ваҳима солиб қарға қағилларди. Чанг босган туника томлар узра зулматга чулғанаётган авзойи бузуқ осмонга бўй чўзган баланд қўнғироқхонадан ҳар чорак соатда алланечук нафис, ҳазин ва умидсиз бир садо янграб қоларди... Бундай оқшомларда отам дарҳол олов ёқиш, самовар қўйиш ёки барвақтроқ кечки овқат тортишни буюрарди. “Бунақа дилгирликка тоб-тоқатим йўқ!” – дер эди у. Аммо бу ерда на печкага олов ёқилар, на кечки овқатга барвақт ўтирилар, сабаби – ҳар нарсанинг ўз вақти-соати бор эди. Бу гал ҳам ҳар доимгидек ўша тартибга риоя қилинарди: фақат қоп-қоронғи бўлгач ва хўжайин шаҳардан қайтгач олов ёқиларди. Хўжайин новча, хушбичим, буғдойранг юз ва қора соқол одам бўлиб, сочига сийрак оқ оралаган, ўта камгап, қаттиққўл ва хушахлоқ одам эди. У ҳар қандай масалада ўзи учун ҳам, бошқалар учун ҳам бирдек мажбурий бўлган қатъий қоидалар бор деб ҳисоблар ва то қиёматга қадар ўз кучида қолувчи бу қоидалар “нодон авлод бўлмиш бизлар эмас, балки доно ота-боболаримиз” ўйлаб топган боодоб ҳаёт низомига асосланади, деб қаттиқ ишонар эди. У ғалла ва ҳайвон олди-соттиси билан шуғулланар, шу сабаб кун бўйи кўчада юрар эди. Бироқ хўжайин иш билан юрганида ҳам унинг уйида, оиласида (бу оила Ростовцевнинг меҳрибон ва беозор хотинидан, калта бўйин ўн икки – ўн беш ёшлардаги икки қизидан ва ўн олти яшар ўғлидан иборат эди) ўзи қаттиққўллик ва олийжаноблик билан ўрнатган тартиблар ҳукм сурар, ҳеч ким овозини кўтариб гапирмас, ҳар ерда тартиб-интизомга риоя қилинар, ҳар ким бирор иш билан машғул бўлар, ҳар бир сўз, ҳар бир хатти-ҳаракат рисоладагидек кечар эди... Шу ҳазин оқшомда уй бекаси ва унинг қизлари ҳар бири ўз каштасини давом эттирганча, хўжайин кечки овқатга келишини сергак кутишарди. Ташқари эшик тақиллаши билан барчасининг қошлари хиёл кўтарилди.

– Маня, Ксюша, дастурхон солинглар, – деди паст овозда бека ва шошиб ўрнидан туриб, ошхонага йўл олди.

Хўжайин уйга киргач, кичкина даҳлизда бош кийимини ва мовут чакмонини ечди, биргина бурмабел кулранг юпқа камзулда қолди. Шу камзули, кашта тикилган ёнёқа қўйлаги ва енгил чарм этиги унинг ҳақиқий рус кишиси эканига урғу бериб турарди. У хотинига сиполик ва хушмуомалалик билан бир-икки оғиз сўз айтгач, ошхонадаги мис тоғора устида осиғлиқ турган қўлювгичда яхшилаб қўлини ювди, сувни силкитиб қоқди. Ксюша деган кенжатой қизи кўзларини жовдиратиб, унга узун топ-тоза сочиқ узатди. Хўжайин шошилмасдан қўлларини артди-да, ним табассум қилганча, сочиқни қизининг бошига ташлади. Қиз эса бундан суюниб, қизариб кетди. Хонага киргач, хўжайин бир неча бор ихлос билан чиройли чўқинди-да, бурчакдаги санамга сажда қилиб қўйди...

Ростовцевлар оиласидаги биринчи кечки овқат ҳам ҳеч қачон ёдимдан чиқмаса керак. Бунга ўша оқшом менга жуда ғалати туюлган емаклар тортилганигина сабаб бўлмаган эди. Дастлаб ёвғон шўрва сузилди, сўнг ёғоч тақсимчаларда ғадир-будир қорин тортилди. Қориннинг кўриниши ва ҳидининг ўзиёқ мени безиллатиб қўйди. Хўжайин қоринни шундоқ қўли билан бўлаклаб қўя қолди. Қорингa қўшиб ейишга тузланган тарвуз беришди. Охирида сутли гречка ёрмаси тортилди. Гап қандай емаклар тортилганидагина эмас эди. Фақат суюқ овқат ичиб, тарвуз еганим учун хўжайин менга икки марта ғилайланиб қаради ва қуруққина қилиб бундай деди:

– Энди шундай шароитга кўникинг, бойвачча. Биз оддий рус кишиларимиз, арзон ширин кулча еймиз. Бизда анвойи таомлар йўқ...

Охирги сўзларини хўжайин кибр билан, салмоқдор қилиб шундай таъсирчан айтдики, ундан мен кейинчалик шаҳарда хўб тўйиб нафас олган ғурур ҳиди анқиди.

IV

Умуман, Ростовцев кўпинча ғурур оҳангида гапирарди. Хўш, нимаси билан ғурурланарди у? Ростовцевлар руслиги, чинакам руслиги билан ғурурланарди. Улар буткул ўзгача, камтарона ҳаётидан қониқиш туяр, худди шу ҳақиқий рус ҳаётидир ва ундан ортиқроқ ҳаёт йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас, деб ҳисобларди. Чунки у гарчи камтарона бўлиб кўринса-да, аслида, унингдек бой ҳаётни ҳеч қаердан топиб бўлмайди. Бу ҳаётга Россиянинг азалий руҳи муҳрлангандир. Россия эса дунёдаги барча мамлакатлардан энг бой, энг кучли, энг тақводор ва энг шарафлиси ҳисобланади. Шундай ғурур фақат Ростовцевларгагина хос эдими? Мен кейинчалик бу ғурурни жуда кўп одамларда учратдим. Ҳозир эса мен бошқа нарсани англаб турибман: бу ғурур ўша вақтлар давр белгиси эди, у нафақат бизнинг шаҳар, балки бошқа жойларда ҳам яққол кўриниб турарди.

Россия ҳалокат ёқасига келиб қолган пайтларда ўша ғурур қаёққа ғойиб бўлди? Нима сабабдан биз ўзимизнинг руслик ғуруримизни сақлаб қола олмадик? Ахир, биз бу ғурурнинг қудратли ва ҳаққоний эканига астойдил ишонар эдик-ку. Ҳар қалай, мен Россия буюк куч-қудратга тўлган ва бунга ҳеч ким шубҳа қилмаган бир даврда вояга етгандим. Менинг ўсмирлик кузатишларим доираси тор эди, албатта. Бироқ мен ўшанда

кузатган манзара, яна қайта айтаман, ибратли эди. Ҳа, кейинчалик шуни билиб олдимки, нафақат Ростовцев, балки кўпчилик шу оҳангда гапирар экан. Мана бундай хокисор сўзларни кўп бор эшитишимга тўғри келди: бизлар фақир одамлармиз, ҳатто подшоҳимиз Александр Александрович ҳам мойлама этикда юради. Энди ҳеч ҳам шубҳа қилмайманки, ўша вақтлар нафақат бизнинг шаҳар, балки бутун Рус ўша ҳиссиёт билан яшаган экан. Бу ҳиссиётни баъзан атай томошага айлантиришлар ҳам бўлиб турарди, албатта. Масалан, ҳар бир чорраҳада битта узун мовут чакмонли одам узоқдан черковга термулганча, куй чалиб ашула айтар, калпоғини ечиб чўқинар ва боши ерга теккунча таъзим қиларди. Куй тез-тез узилиб қолар, қўшиқ сўзлари қовушмас, бир ҳиссиёт бошқаси – қарама-қаршиси билан ўрин алмашар эди. Ўша куй ва қўшиқда қандай руҳ етакчилик қиларди ўзи?

Бир сафар Ростовцев дераза кесакисига бўр билан чизган белгиларини кўрсатиб, бундай деган эди:

– Бизга векселнинг нима кераги бор? У русларга ҳечам тўғри келмайди. Ўтмишда векселдан ном-нишон ҳам йўқ эди. Савдогарлар кимнинг қанча қарзи бўлса, кесакига бўр билан мана шундай ёзиб қўя қоларди. Агар қарздор насияни ўз вақтида қайтармаса, савдогар унга хушмуомалалик билан буни эслатарди. Борди-ю қарзни яна ўз вақтида қайтармаса, энди савдогар уни: "Ҳой оғайни, қарзни қайтаришни учинчи гал ҳам унутма. Акс ҳолда қўлимга латта оламанда, белгиларимни ўчириб ташлайман. Ўшанда уятдан ерга кириб кетгудек бўласан", деб қаттиқ қойиб берарди.

Ростовцевга ўхшаган одамлар, албатта, жуда кам эди. Ўз касб-кориига кўра, у "муштумзўр" ҳисобланарди. Лекин ўзини бундай деб санамас ва тўғри ҳам қиларди. У ўзини ҳақли равишда соддагина қилиб бозор одами деб атарди. Ўзини муштумзўрлар сафига қўшмаганидек, аксар шаҳарликлар тоифасига ҳам киритмас эди. Баъзида у бизнинг, яъни ижарачиларнинг олдига кириб, ним табассум билан қўққис савол бериб қолардди:

– Бугун сизларга ёдлаб келишга шеър беришмадими?

Биз жавоб қайтарардик:

– Беришди.

– Қандай шеърни?

Биз минғиллардик:

"Осмонда ой кезар, қилиб наззора, / Нур сочиб, муз босган ойналар узра..."

– Бу шеърингиз унча келишмабди-ку, – дер эди у. – "Осмонда ой кезар, қилиб наззора" – бунисини негадир унча тушунмаяпман.

Шеърни биз ҳам тушунмас, чунки "наззора" сўзидан кейин вергуль қўйилганига ҳеч қачон эътибор бермагандик. Демак, шеър ростдан ҳам келишмаган! Биз нима дейишни билмай жим қолардик. У бўлса савол беришда давом этарди:

– Яна қайси шеърни?

– Мана бу шеърни:

"Қари, юксак эман қўлкасин
Хушовоз бир қушча севаркан,
Бўронларда синган шохида
Бошпанаю ором топаркан..."

– Буниси тузук, ёқимли ҳам гўзал. Сизлар черковда шомдан азонгача қилинадиган ибодат дуолари ва "Катта чодир ёйиб зангори осмон..." деб бошланадиган шеърни ўқинглар.

Мен уялинқираб ўқий бошлардим:

"Кел муштипар, кела қол тезроқ,
Шодликдан занг урур қўнгироқ,
Чорлаб бизни ибодат томон..."

У шеърни кўзини юмганча тингларди. Сўнгра Никитиннинг шеърига ўтардим:

"Катта чодир ёйиб зангори осмон,
Ястаниб ётганин кўрдим бегумон,
Чўлларнинг ҳудудсиз узоқлигини..."

Бу мисралар Россия куч-қудратию шонли тарихига, бепоён кенгликларию беҳисоб бойликларига улуғвор ва серҳаяжон қасида бўлиб янгарди. Мен шеърнинг мағрур ва шодон янгровчи интиҳосига, яъни "Сен – буюк рус давлатим, православ ватанимсан", – деган мисраларига етганимда, Ростовцев иягини ушлаганча, юзи оқариб кетди.

– Мана буни шеър деса бўлади, – деди у кўзини очиб. Сўнг ўрнидан хотиржам қўзғолиб, эшик томон йўналди. – Мана шуни яхшилаб ёдлаш керак! Бу шеърни ким ёзган, биласизми? Бизга қондош, юртдош саналган майда савдогар ёзган!

Яна такрор айтаман, шаҳримиздаги хоҳ катта, хоҳ кичик савдогар бўлсин, барчаси ҳам Ростовцевдек олийжаноб эмас эди. Улар фақат оғиздагина олийжаноб эди, холос: аксарияти тўғридан-тўғри қарокчилик қилар, "тирикдан ҳам, ўликдан ҳам иложи борича юлиб қолишга интилар", энг пасткаш киссавурлардек молнинг бўйидан ҳам, энидан ҳам уриб қолар, кўзингизга бақрайганча, ҳеч уялмай ёлғон сўзлар, дағал ва ифлос ҳаёт кечирар, бир-бирлари устидан бўҳтон ёғдирар, бошқаларни ерга уриб, ўзини кўкка кўтарар, бир-бирларига чуқур қазар ва шаҳарда тўлиб-тошиб ётган телбалар, чўлоқлар, гадойларни тошбағирларча ва пасткашларча калака қилар, деҳқонларга эса очиқдан-очиқ нафрат кўзи билан боқар, уларни иблисона бир бағритошлик, эпчиллик ва хушчақчақлик билан чув тушираради. Ростовцевнинг бошқа ҳамшаҳарлари ҳам фаришта эмас эди. Рус чиновниги, рус мешчани, рус деҳқони, рус ишчиси, ҳеч кимга сир эмаски, ўшанда ҳам шунақа эди, ҳозир ҳам шунақа! Бироқ бу кишиларда фазилатлар ҳам топиларди. Яна такрор айтаман, Россия ва соф русча қадриятлардан ғурурланиш ҳар бир қалбда ошиб-тошиб ётарди. Никитиннинг "Сен менинг ватанимсан улуғ рус давлатим", деган хитоби янграганда, фақат Ростовцевгина эмас, жуда кўп кишилар ғурурдан оқариб кетарди. Улар Скобелев, Черняев ёхуд халоскор подшоҳимиз ҳақида сўз очилганида, черковдаги ибодатларда сочи – оппоқ, либоси – заррин руҳоний баланд овозда "энг покдомон, улуғвор ҳокими мутлақ – подшоҳимиз Александр Александрович" ҳаққига дуо қилганида, дарҳақиқат, рус тожи қанчадан-қанча мамлакат, қабила ва халқлар, ер юзидаги не-не беҳисоб бойликлар ва инсоний орзу-умидлар узра паноҳ бўлиб турибди, дея ҳайрат билан ўйлаб қоларди.

V

Гимназиядаги ҳаётим ўзим кутганимдан ҳам ёмонроқ бошланди. Шаҳарда ўтказган илк оқшомимдаёқ ҳаммаси тугади, деган хулосага келиб қўйган эдим. Аммо бундан ҳам беш баттари, мен тақдир ҳукмига оппа-осон бўйсундим ва энди ҳаётим оддий гимназист ҳаётидан фарқ қилмай қолди. Менинг ўта таъсирчанлигимгина бу ҳаётимни бошқаларникидан фарқлаб турарди. Биз – Глебочка билан иккимиз илк бор гимназияга йўл олган кунимиз тонгда қуёш чарақлаб турардики, шунинг ўзиёқ кайфиятимизни кўтариб юборган эди. Бундан ташқари, ўша куни биз қанчалар ясаниб олган эдик! Ҳамма кийимимиз яп-янги, қуйиб қўйгандек лоп-лойиқ, ўзимизга бинойидек ярашган эдики, бу ҳам дилимизни яйратар эди: топ-тоза этик, оч кулранг панталон, кумуш тугмали кўк мундир, қиртишланган бошчалардаги мовий картуз, чарм ҳиди анқиб турган ғарч-ғурч сумка, унга эса кечагина сотиб олинган дарслик, қаламдон, қалам ва дафтарлар солинган эди... Қолаверса, гимназия ҳаёти ўша куни биз учун янги ва байрамона эди: тош ётқизилган топ-тоза ҳовли, қуёш жилва қилаётган ойналару эшикларнинг мис дасталари, ёзда суваб бўялган коридор, ёруғ синфхоналар, зал ва зиналардан анқиётган ўткир бўёқ ҳиди, ҳар қадам босганингда улардан чиқаётган ғирч-ғирч товуши, таътилдан сўнг яна гимназияга зўр ҳаяжон билан ёпирилган ёш оломоннинг жарангдор қий-чуви ва шовқин-сурони, дарслар бошланиши олдидан одоб билан ўтказилган илк тантанавор ибодат, жуфт-жуфт бўлиб синф хоналарига йўл олган болалар сафи – буларнинг бари унутилмас манзаралар эди. Энг олдинда чинакам ҳарбий, истеъфодаги капитан бутун сафга буйруқ берганча, шаҳдам қадам ташлаб борар эди. Мана, ўқувчилар ўртасида парта талашиб, биринчи муштлашиш ҳам бўлиб ўтди. Ниҳоят, синфда турнаникига ўхшаш "дум"ли фрак кийган, катта-катта кўзларига ялтироқ кўзойнак таққан, соқолининг учи тепага кўтарилган ва қўлтиғига портфель қистириб олган ўқитувчи пайдо бўлади... Бир неча кундан сўнг буларнинг бари одатий манзарага айланди, ҳаёт ўзи илгаридан фақат шундай бўлгандек туюла бошлайди. Кунлар, ҳафталар, ойлар бир-бирини қувлаб ўтиб боради...

Ўқиш қийин эмас эди: ўзимга озми-кўпми ёққан фанлардан яхши баҳолар олардим. Бошқа фанлардан эса билимим ўртача эди. Аорист[1]ларга ўхшаш жиним суймайдиган фанларни истисно қилганда, бошқа ҳамма дарсларда ўқитувчилар фикрини дарров илғаб олардим. Бизга ўқитилган фанларнинг тўртдан уч қисми мутлақо кераксиз бўлиб, онгимизда ҳеч қандай из қолдирмас, одатда, тўмтоқ ва сийқа ўтиларди. Ўқитувчиларимизнинг кўпчилиги оми, ўртамиёна кишилар эди. Улар орасида бир неча қизиқ табиатлилар ажралиб турар ва бундай ўқитувчиларни гимназистлар масхара қиларди. Муаллимларнинг икки-учтаси эса қип-қизил жинни эди. Улардан биттаси, айниқса, ғаройиб эди: у ўта камгап бўлиб, чанг тегишидан, инсон нафасидан, туртиниб кетишдан қўрқар, ҳар доим кўчанинг ўртасидан юрар, гимназияда эса қўлқопини ечган заҳоти чўнтагидан дастрўмолини чиқарар ва шу дастрўмол билан эшик бандини тутар, кафедра олдидаги стулни сурарди. Ўша муаллим пакана, нимжон, қўнғир сочларини силлиқ қилиб орқага ташлаган, ялтироқ пешонали,

[1] Аорист – эски славян тилида ўтган замон феълининг тўрт шаклидан бири.

рангпар юзли, бирор бўшлиқ ёки кенгликка ҳиссиз тикилган қора, маъюс кўзли бир киши эди...

Мактаб йилларим ҳақида яна нималар десам экан? Ўша йиллар мобайнида мен боладан ўспиринга айландим. Аммо бу ўзгариш қандай содир бўлгани фақат худога аён. Сиртдан қаралса, менинг ҳаётим бир хилда, бир зайлда кечаётганга ўхшарди. Ҳар куни гимназияга қатнашлар, оқшомлари уйга вазифаларни азоб билан истар-истамас бажаришлар, келгуси таътил ҳақида бетўхтов орзу қилишлар, Рождество байрами ва ёзги таътилни кун санаб орзиқиб кутишлар – оҳ, қани энди бу кунлар тезроқ кела қолса!

VI

Мана, сентябрь оқшоми. Мен шаҳар бўйлаб тентираб юрибман, Негаки мени Глебочкага ўхшаб қулоғимдан чўзиб, дарс тайёрлашга мажбур этишолмайди. Шундай қилишаверганидан Глебочка баттар жаҳлдор ва ялқов бўлиб борарди. Шаҳар бўйлаб бесар кезар эканман, қалбимни ўтган ёздан қолган қайғу эзарди. Ўша ёз менга ҳеч ҳам туганмас бўлиб туюлган, орзуларим эса ушалгандек кўринган эди. Мени кўчадан ўтиб бораётган, бозорда савдо қилаётган, дўконлар олдида турнақатор турган одамлардан бегоналик ҳисси қайғуга соларди... Ҳамманинг ўз иши, ўз гапи бор – улар катталарнинг азалий ҳаёт қоидалари бўйича яшайди. Ҳали бу ҳаётга қадам босмаган гимназист билан уларнинг неча пуллик иши бор?! Шаҳар бойликларию одамларининг кўплигидан нақ ёрилай дерди. У шу қадар бой эдики, йил бўйи Москва, Волга, Рига, Ревель билан савдо қиларди. Шу кунларда шаҳар ҳар қачонгидан ҳам бой эди – унга эртаю кеч қишлоқлар ўз ҳосилини ташиб ётар, тонгдан оқшомгача уни ғалла билан кўмиб ташлар, бозору майдонларда мева ва сабзавот тоғ-тоғ бўлиб уюлиб кетарди. Шу сабаб ғам-ташвиши ариб, енгил тортганидан мамнун суҳбатлашганча, шошиб кетиб бораётган деҳқонларни учратасиз. Улар шаҳардаги барча ишларини саранжомлаб, юзта-юзта отиб олганча, араваси томон кетиб бораркан, газак ўрнида енг астарини ҳидлаб-ҳидлаб қўярди. Кўча четидаги йўлдан худди шу деҳқонларни кун бўйи доғулилик билан алдаган савдогарлар ҳам қизғин баҳслашиб кетиб борарди. Улар иссиқда қорайган, чангга ботган, доим тетик майда олиб-сотарлар бўлиб, одатда, тонг ёришмай туриб шаҳарда деҳқонларни қарши олар, уларни бир-биридан илиб кетар, охири эса бозор ва коппонлар бўйлаб тарқалиб кетишарди. Улар ҳам ҳозир дам олиш ва чой ичиш учун қовоқхоналарга кетмоқда эди. Ўқдай тўғри, узун кўча шаҳардан чиқиб, қамоқхона ва ибодатхонагача борарди. Ўша ерда чанг ва қуёшнинг кўзни қамаштирувчи ёғдусига ғарқ бўлиб кетарди. Кунботарда олтиндек товланувчи ғуборга бурканган кўчада пиёда ёки отлиқлар сафининг охири йўқдек туюларди. Ўтувчиларнинг кўпчилиги отлар пойгасидан қайтаётганлар бўлиб, шаҳар бундай пойгалари билан ҳам донг таратган эди. Ишқибозлар орасида қанчадан-қанча мирзалару гумашталар, худди жаннат қушчаларидек ясан-тусан қилиб олган хонимчалар, битта от қўшиладиган икки ғилдиракли пўрим араваларда ўзини одамларга кўз-кўз этиб бўйни йўғон савдогарлар ўтиб борарди. Ўша савдогарлар ёнига ёш хотинларини ўтказиб олганча, йўрғасининг

жиловини тортиб-тортиб қўярди. Одамларни кечки ибодатга чорлаб қўнғироқ чалинганда эса паҳмоксоқол, сипо-вазмин извошчилар сулига тўйган отлар қўшиғлиқ оғир, юмшоқ араваларда қари савдогарларни черковга таширди. Қўлига шам ушлаб олган бу савдогарлар ўзининг ё афт-ангори заъфарон тус олгани, эти шишиб кетгани, ҳар хил қимматбаҳо тақинчоқларга буркангани, ё мурдадек оқариб кетганию қилтириқдек бўлиб қолгани билан одамни ҳайратга солар эди...

Мана, байрам куни ҳам етиб келди. Бугун черковда тушки ибодат ўтказилади. Ҳовлига йиғилган гимназистларни ибодатга бошлашдан аввал капитанимиз ҳар биримизнинг тугмачаларимизни текшириб чиқди. Муаллимлар эса мундирларига орден ва учбурчак нишонларини тақиб олганди. Кўчада саф тортиб бораётиб, бизга йўловчилар пошшоликка мансуб ярим ҳарбий шоввозлар деб қараётганини мамнуният билан ҳис этардик. Улар бизни ушбу байрам кунига бағишланган параднинг асосий қатнашчилари, деб қабул қиларди. Черковга ҳар тарафдан пошшоликнинг бошқа вакиллари ҳам оқиб келарди. Яна ўша мундирлар, орденлар, учбурчак нишонлару зар погонлар... Черковга яқинлашганимиз сари унинг қўнғироқлари овози янада залворли, янада тантанавор эшитила бошлади. Ибодатхона эшигига етганимизда "Бош кийимлар олинсин!" – дея буйруқ берилди. Биз сафларни бузганча, сиқилишиб кенг очиқ эшикдан черковнинг салқин ва улуғвор кучоғига кириб борамиз, шунда минг пудлик қўнғироқ садоси бошимиз узра илгаригидан бўғиқроқ эшитила бошлайди. Қўнғироқ товуши бизни валломатлик ва мушфиқлик ила қаршилайди-да, бағрига тортиб кўмиб юборади. Вой-бўй, одамларнинг шунчалик кўплигини қаранг! Тиллога чулғанган санамларнинг улуғвор ҳашамати-чи! Руҳонийлар эгнидаги заррин мурсаклар, лип-лип этиб ёнаётган беҳисоб шамлар, қизил мовут ёпилган минбар зиналари атрофида тўдалашиб турган ҳар турли амалдорларга ҳам боқинг! Буларга ёш бир қалбнинг дош бериши қийин эди: ибодат узоқ ва тантанавор давом этишидан, руҳонийлар басма-бас дуо ўқишидан, санамлар ёнида хушбўй мумлар тутатилишидан, диаконнинг минбарга чиқиб-тушишларидан, клирос[1] овозининг гоҳ момақалдироқдек гумбурлашию гоҳ сув каби жилдирашидан бош айланиб кетарди. Хор овози дам баландлашиб, дам пасаяр, гоҳ қудрати, гоҳ назокати билан мафтун этарди. Бунинг устига терга ботган ваҳимали издиҳомнинг ҳар тарафдан сиқиб келиши, калта мундир кийиб, кумушсимон камар таққан миршаблар тепангда кўз-кулоқ бўлиб туриши юрагингни эзиб юборарди...

Шундай оқшомларда шаҳар қип-қизил шуъла ва тутун ичида сузар, йўлкаларга қўйилган жинчироқлардан аччиқ дуд чиқарди. Байроқлар билан безанган уйлар зулмат ичра ёп-ёруғ ҳарфлар ва тожлар тасвиридан шуълаланиб турарди. Шу воқеалар менинг шаҳардан олган энг биринчи таассуротларим, энг ардоқли хотираларим ҳисобланади. Ўша пайтлар шаҳарда катта сайллар ҳам бўлиб турарди.

Ростовцевнинг ўзиям гимназиянинг олтинчи синфида ўқийдиган ўғли бир куни мен билан Глебочкани шаҳар боғига, ўшандай сайлга олиб борди. Мени жуда кўплигидан боғнинг бош йўлкасидан сиқилишганча, ўзидан чанг ва атир исини таратиб, аранг илгарилаётган оломон ҳайратга солди. Шу пайт йўлка адоғида – ҳар хил рангда мойчироқлар ёниб турган саҳнага ўхшаш жойда – ҳарбий оркестр мис карнайлари ва қўшноғоралари билан

[1] Клирос – провослав ибодатхоналарида черков хори турадиган жой.

наъра тортиб, куй чалиб юборди. Ростовцев бу йўлкада чиройли бир қиз билан юзма-юз келиб қолди-ю, шу жойда таққа тўхтади. Қиз бир неча дугонаси билан қаршимиздан юриб келаётган эди. Ростовцевнинг ўғли дув қизариб кетди-ю, ҳазил аралаш пошналарини бир-бирига урганча, қиз билан ҳарбийчасига саломлашди. Қизнинг ҳам юзи жимжимадор шляпа остида дув қизариб кетди-да, очиқ-ошкор табассум қилганча, юзи гулдек яшнаб кетди. Оркестр жойлашган саҳна олдида, катта гулзор ичида ҳар ёққа салқин сув пуркаганча, фонтан отилиб турарди. Фонтан сувининг роҳатижон салқини ва унда чўмилган гулларнинг тотли ҳиди бир умр ёдимда сақланиб қолди. Ўша гуллар номини эса анча кейин билдим. Уларни оддийгина қилиб, "тамакигул" деб аташар экан. Ўша бўй эсимда қолганининг сабаби шуки, бу ҳид менинг орадан бир неча кун ўтиб, илк бор ширин азобини тотган севги ҳисларим билан чатишиб кетган эди. Севги ҳиссини эса қалбимда ўша уездлик бир қизалоқ уйғотган эди. Ҳозиргача ҳам "тамакигул" деб аталган ўша чечакни ҳидласам, юрагим бирдан ҳаприқиб кетади. Ўша қизалоқ эса мен бир умр шу гулни ҳидлаган заҳотим уни, шаҳар боғидаги сайл, салқин сув уфурган фонтан, ҳарбий оркестр чалган тантанавор куйни эслашимни ҳеч қачон билолмайди.

VII

Мана, илк совуқ кунлар ҳам етиб келди: кеч кузнинг бир тутам, намчил ва осуда кунлари бошланди. Шаҳар дераза ларига қишки ромлар қўйилди, печкалар ёқилди, қалин уст-бошлар кийилди, хуллас, қиш учун зарур бўлган ҳамма нарса тахт қилинди. Одамлар қишки ҳузур-ҳаловат ва кўҳна маросимлар мавриди яқинлашиб келаётганини хушҳоллик билан ҳис этарди. Рус халқи юз йиллардан буён мана шу тахлит, яъни йил фаслларининг алмашиши ва шунга мутаносиб расм-русумлар ҳам ўзгариши муҳитида яшайди.

– Ғозлар учяпти, – деди кўзлари чақнаб Ростовцев уйга кириб келар экан. У қалин узун мовут чакмон ва шундай иссиқ қалпоқда эди. Хўжайин эшикни очганда, уйга қишки ҳаво ёприлди. – Ҳозир осмонда бир гала ғоз кўрдим... Деҳқондан икки арава карам сотиб олдим. Қабул қилиб ол, Любовь Андреевна, ҳозир келтиришади. Қараб кўзинг тўймайди. Бир-биридан чиройли...

Шунда қалбим бирдан юмшаб кетди, мени маъюслик чулғаб олди. Гимназия кутубхонасидан олинган Вальтер Скотт китобини бир четга қўйдим-да, жим туриб қолдим: беихтиёр қалбимдаги кечинмаларни англаш ва ифодалаш истаги туғилганди. Мен шаҳарни кўз олдимга келтираман, уни кузатган бўламан. Шаҳарга кираверишда қадимги эркаклар монастири бор. Одамларнинг айтишича, роҳиблар унинг ҳар бир ҳужрасидаги санамлар ортига арақ ва колбаса яшириб қўяр эмиш. Глебочкани роҳиблар жубба ичидан иштон ҳам киядими ёки йўқми, деган савол жудаям қизиқтирарди. Мен эса қачон монастир ҳақида ўйламай, ҳар гал телбалардек ҳаяжонга тушган, муттасил рўза тутган, Худога муножотлар қилган, авлиё бўлишни орзу этиб, кўтаринки кайфиятда юрган чоғларим ёдимга келади. Бундан ташқари, негадир монастирнинг олис ўтмиши ҳақида ўйга толиб кетаман. Ўшанда татарлар уни бир неча бор қамал этгани, эгаллагани, ёққани ва талагани хаёлимда жонланади:

мен бунда қандайдир нафосатни илғайман, дард ичида, азоб ичида шуни англаб етишни ва шеърий шаклда ифодалаб беришни орзу қиламан... Агар монастирдан орқага, шаҳар тарафга узун йўлдан юрилса, чап томонда қашшоқ ва ифлос кўчалар келади. Бу кўчалардан жарликка ва дарёнинг бадбўй ирмоғига тушилади. Одамлар заҳар танг қилса, шу ерда бўшанади. Бу жойда терилар ҳам сасиб ётади: ирмоқнинг саёз тубида улар қорайиб, қатлам-қатлам бўлиб кўзга ташланади. Яна қирғоқларида қўнғир тусли алланималар тоғ-тоғ бўлиб уюлиб ётади ва ўткир қўланса ҳид таратади. Бундан ташқари, жарликда қорайиб кетган елвизак ходалар тизилиб туради, буларда тери қуритилади ва ошланади. Кўнчилар ваҳима кўтариб, шовқин солиб ишлайди, оғизларидан тамаки ва сўкиниш аримайди. Улар жуда кучли, беадаб, қўпол одамлардир. Бу жой ҳам жуда кўҳна бўлиб, уч юз ё тўрт юз йиллик тарихи бор. Миямда ана шу қабиҳ жой ҳақида ажойиб бир нима тўқиш, ёзиш режаси ғужғон ўйнарди. Ирмоқдан нарироқда Чёрная Слобода, Аргамача деган қишлоқлар ястаниб ётади. Аргамача қишлоғи жар устидаги қояда жойлашган эди.

Қишлоқ тагидан минг йиллар бўйи узоқ жанубга, Дон этагига етиб борадиган дарё оқиб ётади. Ёш татар хони бир замонлар шу дарёга ғарқ бўлган эмиш. Ўша хон ҳақида ҳам бир нима тўқигим, машъум фожиасини шеърга солгим келади. Ривоят қилишларича, ёш хонни энг кўҳна черковимизда ҳали ҳам турган Биби Марьямнинг мўъжизакор санами жазолаган эмиш. Ўша черков дарё устидаги қояда, Аргамачанинг шундоқ қаршисида бўлиб, ундаги анави санам остида ҳар доим шамчироқ ёниб туради ва қора рўмол ўраган бирорта аёл тиз чўкканча, ибодат қилаётган бўлади. Аёл бармоқлари учини бирлаштирганча, пешонасига маҳкам босади-да, маъюс кўзлари билан санамнинг шамчироқ шуъласида хира ярқираётган олтин жилдига тикилади. Жилд тирқишидан эса қора-жигарранг тахтага ишланган ўнг қўл кўринади. Бу қўл кўкракка босилганча, қилт этмай туради. Ундан юқорироқда худди шунақа қора-жигарранг тахтадан ўрта асрларга мансуб бир чеҳра боқиб туради. Бу чеҳра хокисор ва маҳзун алфозда чап елкаси томон хиёл эгилиб туради. Унинг бошида кумуш тўр ва тиканли чамбар бўлиб, улар ранго-ранг товланувчи майда олмос, марварид ва ёқутлар билан безатилган эди... Дарё ва шаҳар ортида бепоён текислик аро Заречье ястаниб ётади: уни бутун бошли шаҳар ва темирйўл салтанати дейиш мумкин эди. Шаҳарда кечаю кундуз одамларни узоқ-узоқларга – ҳозирги сербулут ва жунжиктирувчи осмонда ғозлар гала-гала бўлиб учиб кетаётган олис жануб сари чорлаганча паровозлар маъюс, аммо ўжар бир овозда гудок беради. Вокзалдан ҳам одамни энтиктирувчи ҳидлар таралади: шу ердан эртаю кеч Россиянинг чор тарафига йўл олувчи паровозлардан чиққан тошкўмир тутуни ҳидига пирожка, самовор, қаҳва иси қўшилиб кетади...

Ана шундай камёб ва қисқа, тотли ва маҳзун кунлардан анча-мунчасини эслайман. Мен ўшандай кунларда уйда баҳузур ўтирганча, деразалардан кўриниб турган шаҳарнинг ўтмишию кузнинг бепоён кенгликлари ҳақида хаёл суриб кетардим. Бундай кунларнинг беадоқлиги, айниқса, гимназияда зерикканимда яққол сезиларди. Мен ўзимни зўрлаб, билишим зарур бўлган ҳамма нарсани ўрганишга тиришардим. Ростовцевларнинг икки хонали иссиққина уйида ҳам бундай кунлар адоқсиздек кўринарди.

Бу хоналардаги сокинликни нафақат Любовь Андреевнанинг устига тўр дастурхон ташланган камоди тепасидаги соатнинг эринчоқлик билан чиққиллаши, балки кун бўйи нафис тўр тўқиб чиқувчи Маня билан Ксюшанинг қўлидаги дуксимон асбобдан чиққан паст овоз ҳам гўё кучайтирар эди. Маня билан Ксюшанинг нафис тўр тўқиши жуда секин ва бир зайлда кечар, бироқ ногаҳон тўхтаб қоларди: баъзи ҳаво айниган, дилгир оқшомларда ташқари эшик қўққис ғийқиллаб очилар, тинчлик бузиларди. Сўнг даҳлиз, ундан ҳам сўнг ичкари хона эшиги очилиб, остонада отам пайдо бўларди. У бошига қулоқчинли мўйна телпак, устига эса почапўстин кийиб олган бўларди. Мен унинг бўйнига осилардим-да, муздек, нам мўйлови тагидаги лабидан ўпиб олардим ва ҳаяжон ичида бундай деб ўйлардим: эй Худо, менинг отам бу шаҳардаги ҳеч кимга ўхшамайди, у ҳаммадан бошқача, ҳаммадан яхши!

VIII

Бизнинг кўчамиз бутун шаҳарни кесиб ўтар эди. Унинг биз яшайдиган қисми бўм-бўш, кимсасиздек туюларди. Бу қасаба савдогарларнинг тошдан қурилган уйларидан иборат бўлиб, уларда ҳеч ким яшамайдигандек кўринарди. Аммо кўчанинг қоқ ўртаси жуда сершовқин эди, чунки шу жойда унга катта бозор туташиб кетарди. Бозорда нима десангиз, ҳаммасидан бор эди: қовоқхона дейсизми, савдо расталарими, энг соз дўконлару меҳмонхоналарми... Дарвоқе, кўчанинг Долгая деган бурчагида жойлашган мусофирхона Дворянлар меҳмонхонаси деб аталар ва бежизга бундай номланмаганди: унга фақат катта ер эгалари қўнар эди. Ўтган-кетганларга бу меҳмонхонанинг ертўласи деразасидан ресторан ошхонасида пиширилаётган таомларнинг ширин ҳиди етиб келар, оқ қалпоқ кийиб куймаланиб юрган ошпазларга кўзи тушар, ойнаванд эшиклардан эса қизил мовут тўшалган зиналар ҳам кўриниб турарди.

Мен гимназияда ўқиётган йилларда отам ҳаёт пиллапояларидан энг юқори нуқтага кўтарилган эди. Каменкадаги мулкни сотиб, Батуринога кўчиб ўтгач ва уни ҳам гаровга қўйгач, отам барини ақл билан хомчўт қилдим, деб ишонган кўйи яна ўзини катта бой деб ҳисоблар ва шу сабаб ҳар гал шаҳарга келганда Дворянлар меҳмонхонасига тушар, ҳар доим энг яхши хонани эгалларди. Отам шаҳарга келган вақтларда мен икки ё уч кунга Растовцевларникидан бутунлай фарқли бошқа дунёга тушиб қолардим. Мен яна икки ё уч кунга аввалги бойбачча болага айланардим. Барча менга таъзим бажо этиб, табассум ҳадя қиларди. Извошчилар эшик олдида, швейцарлар эшикдан ичкарида, хизматкор ва оқсочлар, ҳаттоки кенг фрак кийиб, оқ бўйинбоғ таққан, соқоли қиртишланган Михеичнинг ўзи ҳам йўлкаларда қуллуқ қиларди. Тагини суриштирсангиз, Михеич аслида шереметьевлик йирик ер эгаларидан бўлиб, ўз даврида Париж, Рим, Петербург ва Москвада ҳаётнинг барча лаззатини тотиб кўрган кимса эди. Энди бўлса, у бир чекка шаҳарда ўз умрининг қолган қисмини гумашта сифатида Дворянлар меҳмонхонасида мағрур ва маҳзун яшаб ўтказмоқда эди. Бу меҳмонхона шундай жой эдики, унда ҳақиқий олийнасаблар ҳам ўзини номига валломат қилиб кўрсатарди. Бошқалари эса оддийгина уезд "моншер"лари эди. Отам мазкур тоифага нисбатан киноя аралаш қўллаган ушбу ажнабийча сўз қашшоқ, гадой деган маънони англатарди.

Бу одамлар ўзини бой қилиб кўрсатиш учун тўраларча қилиқларга зўр берар, бетакаллуфлик билан ҳуда-беҳудага талабчанлик қилар, овози ҳам мартабасидан эмас, балки аракхўрликдан йўғонлашган эди.

– Салом, Александр Сергевич, – дея қўққис қичқириб қоларди извошчилар Дворянлар меҳмонхонаси эшиги олдида отамга кўзи тушиши билан. – Кутиб туришни буюрасизми? Балки кечқурун циркка борарсиз?

Отам ўзини аввалгидек катта бой қилиб кўрсатишдан истиҳола қилсада, бу тавозелардан, барибир, хурсанд бўлар, майли кутинг, деб буюрар эди. Ваҳоланки, извошчига кутгани учун қўшимча пул тўлашга сира ҳожат йўқ эди, чунки меҳмонхона атрофида извошлар ҳар доим тўлиб ётарди.

Меҳмонхонанинг ойнаванд эшиклари ортида сизни илиқ ҳаво ва чироқлар ёруғи қарши оларди. Шунда бутун танангизни бойлар муҳитига хос роҳатбахш кайфият қамраб оларди. Бу кайфият чекка музофотлардаги эски дворянлар меҳмонхоналари, уларнинг курултой ва йиғинларида барқ уриб турарди. Биринчи қаватнинг ресторанга элтувчи йўлагидан шанғиллаб сўзлаган ва қаттиқ кулган овозлар эшитиларди. Кимдир қичқирганча: "Михеич, жин урсин, графга айт, уни кутиб қолдик!" – деди. Иккинчи қават зинасида мўйнали пўстин кийган, ҳам деҳқонга, ҳам князга ўхшаб кетадиган барваста киши бизга юзма-юз келиб қолди-да, бирдан тақа-тақ тўхтаб, ҳайрат аралаш хитоб қилганча, қирғий кўзларини ўйнатиб, киборона назокат билан онамнинг қўлини ўпди. Отам ҳам дворянларча тавозе кўрсатиб, унинг қўлини қаттиқ қисди ва деди:

– Марҳамат, марҳамат, князь, меҳмонимиз бўлинг! Чин юракдан хурсанд бўламиз!

Шу пайтда йўлакдан калтабақай, чорпахил бир ёш йигит тез-тез юриб кела бошлади. У эгнига узун бурмабел камзул ва ёнёқа кўйлак кийган бўлиб, оқимтир сочлари силлиқ таралган, тўқ кўк кўзлари мастона боқувчи одам эди. Йигит бизни узоқдан кўриши билан бўғиқ, лекин баланд овозда яқин қариндошлардек (аслида, орамизда ҳеч қанақа қариндошчилик йўқ эди) қичқирди:

– Амакижон, азизим, қанча бўлди-я кўришмаганимизга! Қулоғимга "Арсеньев, Арсеньев", деган овозлар эшитилади. – У сенми ё бошқами, қани энди билсам... Саломатмисиз, азиз холагинам, – деди энди у онамга юзланиб ва унинг қўлини ўпа кетди. Ойим ҳам унинг чаккасидан ўпиб қўйишга мажбур бўлди. – Салом, Александр, – деди сўнг йигит менга завқ-шавқ билан боққанча, исмимни ҳар галгидек адаштириб.

– Жуда азамат бола бўлибсан-ку! Биласизми, амаки, мен беш кундан бери шу ерда Кричевский деган аблаҳни кутиб ўтирибман. У банкдан олган қарзимни тўлашга пул бериб турмоқчи эди. Энди бўлса, жин ургур, Варшавага қочиб қолибди. Қачон қайтиши ёлғиз Худога аён... Нима, тушлик қилиб олдингизми? Юринг пастга, зиёфат бўляпти у ерда...

Отам мамнун ҳолда йигитни ўпиб қўйди-да, ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ, ўзи билан бирга тушлик қилишга таклиф этиб қолди, уни хонага судраб олиб кирди-ю, завқ-шавққа тўлганча, Михеичга бир дунё газак, овқат, арағу вино буюриб юборди... Бу сохта қариндошимиз ютоққанча, шу қадар кўп еб, кўп ичардики, ким кўрса, ёқа ушлаши аниқ эди. У шовқинлаб тинмай бидирлар, оҳ урар, қаҳ-қаҳ отар, таажжубга тушарди. Ҳозиргача ҳам унинг тажанг бўлиб, бўғиқ овозда, қичқириб айтган қизиқ бир гапи сира ёдимдан чиқмайди:

– Наҳотки, амакижон, сен мени шунча аблаҳликка қодир деб ўйласанг?!

Оқшомда биз цирк кўргани ака-ука Труцциларнинг каттакон, совуқ чодирига кирдик. Чодирдан, одатда, барча цирклардан келадиган ўткир ва ёқимли ҳид тараларди. Цирк майдонида оломоннинг гуррос кулгиси остида тўтилардек қийқириб, шиддат билан отилиб чиққанча, алпанг-талпанг югуриб бориб, қорни билан қумга йиқилган, кенг шалвор кийиб, юзига ун сурган қизғиш сочли масхарабозлар жавлон урарди. Уларнинг кетидан эса майдонга қари оқ от судралиб кириб келарди, унинг кенг, ботиқ белида ялтироқ либосга бурканган бир аёл тикка турарди. Аёлнинг калта юбкаси остида лорсиллаган сонига пуштаранг трико чиппа ёпишиб турарди. Машшоқлар томошани нуқул “Мажнунтол, мажнунтол, яшил суюклим”, деган куй билан қизитмоқчи бўлади. Соч-соқоли қоп-қора хушбичим эркак – цирк директори фрак, бортфорт ва цилиндр кийиб олиб, майдон ўртасида тикка турганча айланиб, узун қамчини бир текис ва қойилмақом ўйнатарди. От бўйнини қайсарлик билан кескин бурганча, ёнбошга сал қийшайган кўйи доира бўйлаб сакраб чопарди. Аёл бир вақт тиззасини сал букиб борди-да, ноз аралаш қисқа қичқириқ билан олдига шталмейстерлар тутган қоғоз қалқонни йиртиб, ундан сакраб ўтди. Аёл пардан ҳам енгил бир ҳаракат билан, ниҳоят, отдан майдондаги қумга учиб тушаркан, ғоят назокат билан чўкка тушиб ўтирди-да, қўлларини икки ёнга нафис ёйди ва қарсаклар бўрони остида худди жажжи қизалоқдек саҳнадан чопқиллаб чиқди. Шунда мусиқа садолари ҳам бирдан тинди (аммо масхарабозлар ҳали ҳам майдон бўйлаб бошпанасиз дайдилардек шалвираб юрар, чучук тил билан: “Камаринскийдан яна озроқ бўлсин!” деб қичқирарди). Бутун цирк тотли даҳшат ичида жимиб қолди: шталмейстерлар жуда шошилганча, майдонга югуриб чиқди, улар баҳайбат бир темир қафасни судраб келарди. Саҳна ортидан ғалати бир кучли ўкирик эшитилди. Гўё ўша ёқда кимдир кўнгли айниб, ўкчиётганга ўхшарди. Сўнгра шундай кучли, виқорли нидо янградики, ундан ака-ука Труццилар чодири туб-тубигача ларзага келди...

IX

Отам билан онам жўнаб кетишгандан сўнг шаҳарда қирқ кунлик насроний рўза бошланарди.

Улар шаҳарга келишганда, кўпинча шанба куни қайтишарди. Шанба куни мен кечқурун гимназиямиз яқинида, овлоқ тор кўчада жойлашган Воздвиженье черковига кечки ибодатга борар эдим.

Эй Худо, шу черковнинг пастак ва ғира-шира ровоқлари остида ўтган кеч кузнинг осуда ва ҳазин оқшомларини қандай унутай?! Одатда, бизни бу ерга ибодат бошланишидан анча олдин олиб келишар, бетоқат сукунат ва нимқоронғилик ичра “Қачон бошланар экан-а?” деб кутардик. Черковда биздан бошқа деярли ҳеч ким бўлмас эди. Фақат бурчак-бурчакда бир неча кампир тиз чўкканча, пичирлар дуо ўқирди, холос. Меҳроб олдидаги шам ва шамчироқларнинг секин чарсиллаши эшитиларди. Қоронғилик қуюқлашиб боради, энсиз деразалардан кўкиш ва қирмизи ранг талошида оқшом тугаб бораётгани кўринади... Охири руҳонийларнинг юмшоқ қадам товушлари эшитилади. Улар узун мурсак ва чукур калишда меҳроб томон ўтадилар. Аммо шундан кейин ҳам жимлик ва интизорлик давом

этади. Меҳробда, қизил шойи билан тўсилган Шоҳлик Дарвозаси ортида сирли бир ҳозирлик боради. Сўнг дарвоза ҳар галгидек тўсатдан ваҳимали очилади-да, Тахт атрофига жимлик сақлаганча хушбўй тутатқилар тутатилади. Дьякон минбарга кўтарилиб: "Амр айланг!" – дея вазмин ва тантанавор оҳангда хитоб қилади. Шунда бу хитобга жавобан меҳроб ичидан майин ва мунгли овозда бундай садо келади: "Муқаддас, ягона, яратгувчи ва ажралмас Учликка ҳамд-санолар бўлсин!" – бу товушни мусиқа жўрлигида "Омийн..." – дея аста янграган хор овози босиб кетолмас эди...

Бундай маросимлар мени нақадар ҳаяжонлантирарди! Мен ҳали бир ўспиринман, лекин шуларнинг бари руҳимда туғма бор-ку! Сўнгги йилларда мен ибодат арафасидаги бундай мунгли интизорлигу бетокат сукунатни неча марталаб бошдан кечириб, бундай хитоблар ва улар ортидан янгровчи "Омийн" садоларига неча марталаб қулоқ тутмадим, дейсиз! Буларнинг бари ёш қалбимнинг бир парчасига айланиб улгурдики, энди у ибодатдаги ҳар бир кейинги калимани олдиндан ёдга олиб туради. У айни хитобга зўр ихлос билан жавоб қайтаради, бунга беҳад иштиёқ билан шай туради. Шу он мен меҳроб тарафдан элас етиб келган жуда таниш, майин овознинг: "Муқаддас, ягона Зотга ҳамд-санолар бўлсин!" – деганини эшитаман-да, бутун вужудимда ёқимли титроқ туяман ва то ибодат якунлангунча сеҳрлангандек тураман.

– "Тиз чўкмоққа келинг, сажда қилмоққа келинг... Худойим, ўз паноҳингга олгин", – деган садо қулоғимда жаранглайди. Бир руҳоний қўлида шамчироқ тутиб, диакондан олдинроқда секин қадам босганча, черковни манқалдан кўтарилаётган хушбўй тутатқи дудига чулғайди ва ҳар бир хочга таъзим бажо келтиради. Менинг кўзим ёшга тўлади, зеро, энди ер юзида булардан гўзалроғу юксакроқ ҳеч нима йўқлиги ва бўлиши мумкин ҳам эмаслигига амин бўламан. Юқори синфлардаги баъзи соч-соқоли тиккайган ўқувчилар гапига ишониб, Глебочка Худо йўқ деб юрар эди. Ҳатто унинг гапи рост бўлса ҳам, мен ҳозир бу хитоб, бу мусиқани тинглаб ва санамлар турган сўник-тилларанг девордан таралаётган қизғиш шуълага боқиб туриб, барибир, оламда шулардан гўзал ва афзал ҳеч нима йўқлигини ҳис этардим. Дин йўлида мардлик кўрсатган солиҳ князь Александр Невский расми шундоқ ёнимдаги зарҳал устунга бор бўйи ва ҳарбий аслаҳалари билан солинган бўлиб, Худога итоатда қўлини ихлос билан кўксига қўйган ҳолда тасвирланган, князнинг ирода ва диёнат акс этган кўзлари мунгли боқарди...

Муқаддас ибодат бир зайлда давом этарди. Шоҳлик Дарвозаси дам очилиб, дам ёпилар, бу билан гоҳ бизнинг жаннатдан қувилишимиз, гоҳ эса унга яна қайтишимиз ғоясини ифодалар эди. Руҳоний жаннат қопқаси олдида афсус-надомат чекаётган Одам Ато тимсолида бошяланг ҳолда кечки дуони ўқирди. Бу дуолар ер юзига бадарға этилган инсон ўз ожизу нотавонлигини англашидан туйган қайғу-ҳасратни акс эттиради ва бизни яна Парвардигорнинг ҳақ йўлига қайтишга чорлайди. Черков гумбазлари беҳисоб шамлар ёғдусида янаям ёркин ва гўзал тусга кирарди. Бу шамлар инсон ўз Халоскорини муштоқ кутиши ва қалби умиддан порлашининг рамзи бўлиб ёниб туради. Худонинг чексиз марҳаматига комил имон билан "фоний дунё ҳаққига, мушфиқ жонларимиз ҳаққига Ундан

мағфират сўраб қилинган дуолар янграйди: “Ер юзининг тинч-осудалиги ва Муқаддас Парвардигор черковлари маъмурлигига йўлланажак ушбу дуоларимиз!..” Илтижодан сўнг яна заиф, шикаста, майин овоз янграйди: “Эй Роббим, сен ҳар қанча ҳамду санога лойиқсан. Азалу абад ота, ўғил ҳамда руҳдан иборат Муқаддас Учлик улуғлашу таъзимга мушарраф бўлгай!”

Йўқ, менинг готик ибодатхоналар ва орган садолари ҳақида айтган барча гапларим ёлғон экан. Мен ўша ибодатхоналарда ҳеч қачон Воздвиженье черковидаги мана шу ғира-шира ва жим-жит кечадагичалик кўзёш тўккан эмасман. Ота-онамни қишлоққа кузатгач, черковнинг пастак ровоқлари остига худди ота уйимга киргандек қадам қўяр эканман, унинг сукунати, ҳарорати ва ним қоронғилигига сингаман. Бу ровоқлар остида ўзимнинг узун шинелчамда турганча, ихлос билан айтилган “Дуоларим ижобат бўлгай”, деган сўзларни тинглаб, кўнглим ийиб кетади. Ё бўлмаса, ширин энтикиш билан ўқилган “Оромбахш нур” дуосидаги “азалий ва абадий муқаддас Ота ҳамда маъсуд Исо Масиҳ ҳар қанча ҳамду санога лойиқдир”, дея янграган овозни тинглаб, шамлар яллиғидан лаззат оламан. “Қуёш ғарбга етиб келганда, оқшомги шафақ кўринганда...” дея дуо ўқилганда гўё тахайюлимда ана шу кунботар манзарасини кўрардим. Ёки ўша сирли ва мунгли фурсат тиз чўккanимда ҳам ана шу ҳиссиётга чўмаман. Ўшанда черковни яна бир муддат теран сукунат чулғаб олади, яна уни зулматга чулғаб, шамларни ўчириб қўйишади, сўнг чўзиқ, сокин овозда янгровчи тонголди ибодати бошланади: “Арши аълодаги Парвардигорга олқишлар бўлсин, Роббимиз ер юзига тинчлик-осойишталиқ, Одам авлодига меҳр-мурувват ато этсин...”

Эҳтирос, ҳасрат ва бахтга лиммо-лим мана шундай уч боралик илтижо ўртасида: “Агар дуоларим ижобат топган бўлса, эй, Парвардигор Эгам, ўзинг покла мен бандангни!” дея нола-фиғон этилади.

X

Мен яна кўпгина бефайз, оғир қиш кунларию серёмғир, лой-ботқоқ илмилиқлик паллаларини эсга оламан. Ўшандай пайтларда музофотлардаги рус ҳаёти жуда диққинафас бўлиб қолар, барчанинг юзида зерикиш, бадхоҳлик акс этарди. Ўзи рус кишисининг кайфияти азал-азалдан об-ҳавога боғлиқ. Шундан дунёдаги ҳамма нарса, ҳатто ўз ҳаётинг ҳам кўзингга худди беҳудадек кўриниб, юрак-бағрингни эзиб юборади...

Эсимда бор: баъзида бир ҳафталаб Осиё бўрони қутурар, у ҳатто шаҳардаги қўнғироқларни ҳам сал-пал тебратгандек бўларди. Аямажуз кунлари ҳам ёдимда: бу кунлар инсон хаёлини энг қадимги Рус сари етаклайди. Ўшандай изғиринда ерлар палахса-палахса бўлиб ёрилиб кетарди. Оппоқ қорга бурканган шаҳар узра кечаси осмонда Орион юлдуз туркуми дағдаға билан кумушсимон нур таратарди. Тонгда эса гўё осмонда иккита хира қуёш яраклаб турганга ўхшарди. Муздек ҳавода аста уйғонаётган шаҳарни мўрилардан чиққан қизғиш тутун қоплаб олар ва ҳаммаёқ йўловчиларнинг қадам отишию чаналарнинг қорда сирғалишидан таралган овозга тўлиб кетарди... Чилла совуғи авжига чиққан бир куни черков остонасида Дуня деган қашшоқ бир довдир

аёл музлаб қолди. Шаҳарда ярим аср тентираб юрган бу аёлни ҳамма шафқатсизларча масхаралаб келган бўлса-да, аммо ўлганидан кейин салкам шоҳона дафн маросими уюштириб берди...

Қизиғи шундаки, бу воқеа ортидан хотирамда негадир қизлар гимназиясида бўлиб ўтган бал жонланади. Бу – мен қатнашган биринчи бал эди. Кунлар ҳали ҳам жуда совуқ эди. Биз Глебочка билан ўқишдан уйга қайтар эканмиз, жўрттага қизлар гимназияси жойлашган кўчадан юрдик. Гимназия ҳовлисидан ўқув биноси томон борувчи йўлка четидаги қорлар тепилиб, янги, қуюқ арча кўчатлари икки қатор қилиб ўтқазилганди. Қуёш ботаётган шу паллада чор атроф – қор босган кўчалар, томлар, деворлар, уйларнинг олтинранг товланувчи дераза лари ва ҳатто муздек ҳавонинг ўзи ҳам янги, соф бўлиб, кизғиш тус олиб борарди.

Қаршимиздан гимназист қизлар мўйнали пўстинлари, чарм этикчалари, қулоқчинли қалпоқлари, кумуш қиров қўнган узун киприклари ва чақноқ мовий кўзларини намойиш этганча юриб келарди. Баъзи қизлар йўл-йўлакай янгроқ овоз ва очиқ юз билан: "Балга марҳамат қилсинлар!" – деб қўярди. Бу таклиф менда ҳаяжон уйғотиш баробарида келгусида қалбимни ишғол этажак ҳиссиётларимга дебочадек янграрди. Ўша пўстинлар, этикчалар, қалпоқлар, гўзал, жозибадор юзлар, қировли узун киприклар ва ўйноқи қайноқ нигоҳлар илк бор қалбимда шундай ўзгача ҳисларни уйғотдики, бу ҳислар орадан бир йил ўтиб ҳаётимни буткул ўз домига тортди...

Балдан сўнг мен узоқ вақтгача бир қизалоқ ва ўзим тўғримда хаёл сурганча, маст бўлиб юрдим. Ўша қизалоқ жуда чиройли ва ясаниб олганди. У эгнига кўк мундирча, қўлига эса оқ қўлқоп кийиб олганди. Қизалоқ ўктам бир совуққонлик билан ўзи каби чиройли ва ясаниб олган қизлар тўдасига аралашиб кетди. У гоҳ йўлак ва зиналарда чопқиллаб юрар, гоҳ буфетда сутга бодом қўшиб тайёрланган яхна ичимлик тотар, гоҳ оппоқ каттакон залда ялтироқ паркет узра қандилларнинг дурдек сержило нурига чўмилганча тантанавор, хушоҳанг ҳарбий мусиқа садолари остида рақс тушаётганлар даврасида сирпаниб учарди. Менинг балга энди келган одамни маст этувчи хушбўй дим ҳаводан бошим айланди, кўзим тушган ҳар бир нафис туфлича, ҳар бир оқ тўр, ҳар бир қора баркут бўйинбоғ, ҳар бир ипак соч бойлағич, ҳар бир вальс тугаганда, ҳузурбахш бош айланишидан бир кўтарилиб тушувчи сийналарга маҳлиёлигим ортди...

XI

Учинчи синфда ўқиётганимда директорга бир қўпол гап айтиб қўйиб, гимназиядан ҳайдалишимга сал қолди. Юнон тили ўқитувчиси бизга қайсидир мавзуни тушунтирар, қўлидаги бўрни ёзув тахтасига каттик-каттик урганча, қандайдир сўзларни битарди. Мен эса уни эшитиш ўрнига "Одиссея"даги ўзимга энг кўп ёқадиган бир саҳифани юзинчидир марта ўқиб ўтирардим. Ўша саҳифада Навзикаянинг оқсоч аёл билан денгиз қирғоғига бориб, юнг ипларни ювиши тасвирланган эди. Шу пайт тўсатдан синфга директор кириб келса бўладими?! Унинг йўлакда овоз чиқармай юриб, эшик ойнасидан мўралаш одати бор эди. Директор

тўғри менинг олдимга келди-да, қўлимдан китобни юлқиб олиб, жазавага тушганча бақирди:

– Дарс тугагунча бурчакка бориб тур!

Мен ўрнимдан турдим-да, рангим қув учганча, жавоб қайтардим:

– Менга бақириб ва сенсираб гапирманг. Энди кичкина бола эмасман...

Чиндан ҳам болалик давридан ўтган эдим. Мен ҳам руҳан, ҳам жисман ўсиб борардим. Энди мен ҳис-туйғуларимга буйсуниб яшамас, аксинча, уларни ақлимга бирмунча буйсундирган эдим. Шу вақтда мен ўзим кўриб, гувоҳи бўлган ишларни оқ-корага ажрата оладиган, теварак-атрофда юз бераётган воқеалар ва қалбимда туғён ураётган кечинмаларга юқоридан туриб назар ташлашга ўрганган эдим. Шунга ўхшаш ҳолатни болаликдан ўспиринликка ўтаётганимда ҳам бошдан кечирган эдим. Энди ўша ҳолатни икки ҳисса кучлироқ туяётгандим. Байрам кунлари Глебочка билан шаҳарда тентираб юрар эканман, менинг бўйим ўрта бўйли йўловчилар билан тенглигини пайқардим, фақат ўспиринларга хос озғинлигим, хушбичимлигим, ҳали мўйлаб сабза урмаган юзимнинг юпқа ва нозиклиги мени ўша йўловчилардан фарқлантириб турарди, холос.

Мен тўртинчи синфга ўтган йили сентябрь ойи бошларида Вадим Лопухин деган бир ўртоғим тўсатдан мен билан дўстлашишни хоҳлаб қолди. У қайсидир катта танаффусда олдимга келди-да, билагимдан тутганча тўппа-тўғри кўзимга қараб туриб, бундай деди:

– Менга қара, бизнинг тўгаракка қўшилмайсанми? Ҳар хил Архипову Заусайловларга аралашмаслик учун дворян гимназистлар тўгарагини туздик. Уқдингми?

У мендан анча катта эди, сабаби – ҳар бир синфда икки йилдан ўқирди. Вадим новча, яғриндор, оқ-малла соч, оч мовий кўз, мўйлови энди сабза ураётган йигит эди. Шу ёшгача у кўп нарсани кўргани, синовдан ўтказгани сезилиб турарди. Йигитда ахлоқсизлик ҳам сезилиб турардики, у бундан жуда мамнун ҳам эди. У ўз ахлоқсизлигига ҳатто фазилат деб қарар, бунда балоғатга етганлик аломатини кўрарди. Танаффус пайтида Вадим бошқалар орасида тўраларча енгил қадамлар билан хаёл сурганча, илдам айланиб юрарди. У илтифотсизлик ва сурбетлик билан қўлларини кенг чўнтакларига тиқиб олганча, ҳадеб ҳуштак чалиб, атрофга совуқ, истеҳзоли қизиқиш билан боқарди. Фақат ўзиникилар олдига валақлашиш учун яқинлашар, назоратчи билан юзма-юз келиб қолса, унга худди танишидек бош иргаб қўярди. Ўша пайтда мен одамларга қандай назар ташлаш, уларни қандай кузатиш зарурлигини билиб олгандим. Улар менга ёқиши ёки ёқмаслигига қараб, одамларни тоифаларга ажрата бошлагандим. Шунинг оқибатида баъзи кишиларга ҳатто бир умр нафрат кўзи билан қараб юраман. Лопухин ҳам мен нафратланадиган одамлар сирасидан эди. Шунга қарамай, унинг таклифидан бошим кўкка етди ва тўгаракка аъзо бўлишга қатъий розилик бердим. Шунда Лопухин менга бугуноқ кечқурун шаҳар боғига келишимни тайинлади.

– Сен, аввало, бизнинг баъзи одамларимиз билан яқин бўлиб олишинг керак, – деди у – иннайкейин, сени Наля Р. билан таништириб қўяман. У ҳали гимназия ўқувчиси, жуда такаббур ота-онанинг қизи. Аммо ҳам сув, ҳам ўт кечиб, иблисдек ақлли бўлиб кетган. Яна француз аёлларидек шўх, қувноқ. У битта ўзи бир шиша шампанни бемалол сипқора олади. Қизнинг бўйи – бир аршин, оёқлари нақ париларникидек... Уқдингми? –

деди йигит ҳар галгидек кўзларимга тик қараб. У менга шуларни сўзлар эди-ю, лекин хаёли бошқа ёқда эди.

Худди шу суҳбатдан кейинок ҳаётимда ажойиб бир ҳодиса юз берди: мен умримда илк марта ногаҳон севги дардига мубтало бўлдим. Лопухиннинг сўзлари бўйича хаёлимда яратган шу Наляга уйғонган севгим фақат мафтунликнинг ўзи эмас эди. У бир вақтлар Каминкада қишлоқи қиз Сашкага ўғиринча назар ташлаганимда ёки байрам кунидаги сайрда Ростовцев сабаб ўша ойимқизни учратганимда кўнглимда туйган оний, енгил, сирли ва ажойиб ҳиссиётдан фарқ қиларди. Энди унга эркакликка хос аллақандай жисмоний бир интилиш ҳам аралашган эди. Ўша куни кеч тушишини канчалар сабрсизлик билан кутганимни билсангиз эди. Мана, ниҳоят, ўша сирли, мубҳам бир нима намоён бўлди. Хўш, нима у, айнан нима? Қандайдир машъум ва мажзуб чегара намоён бўлган эдики, мен ниҳоят бу чегарадан ўтишим лозим эди. Бу гуноҳга тўлиб тошган жамиятнинг мудҳиш остонаси эди. Буларнинг барчаси шу бугун оқшомдаёқ юз беради ёки жиллақурса бошланадигандек туюларди. Мен сартарошхонага кириб, сочимни калталатдим. Сартарош аввал сочимга атир сепиб, сўнг қўлидаги чўткаси билан тараб қўйди. Шундан кейин уйда бир соатча ювиндим ва безандим, ўзимни тартибга келтирдим. Боққа йўл олганимда қўлларим музлаб, қулоқларим қизиётганини сездим. Боғда яна мусиқа садолари янграр, фавворалар муздек сув сочар, кузги тетик ва салқин ҳавога гўё ойимқизлардек сахийлик билан гуллар атрини таратарди. Қуёш ботаётган шу паллада одамлар жуда сийрак эди. Шунда менинг кўзимга бошқалардан ажралиб, "Гимназиячи дворянлар тўгараги"да ўзимни кўз-кўз қилиб юришим ва улар билан киборларча суҳбат қуришим баттар уят кўриниб кетди. Бирдан мени чақмоқ ургандек бўлди: хиёбон бўйлаб биз тарафга ёш бир қизча майда қадам ташлаб, қўлида ҳассачасини ўйнатиб келар эди. Қизнинг қадди-қомати келишган, нозик дид билан оддийгина кийинган эди. У олдимизга тезда етиб келди-да, мовий кўзларини ўйнатганча, қора қўлқоп кийган қўлчалари билан қўлимизни қаттиқ сиқиб кўришди ва тез-тез гапириб кулишга тушди. Шу орада мен томонга ҳам кўз қири билан қизиқиб қараб қўйди. Мен ҳаётимда илк бор аёл зотининг кулгига очилган лаблари, унинг болаларникидек ингичка овози, салгина туртиб чиққан кўкраклари, худди чумолиникидек ингичка бели ва ҳаттоки тўпиғида ҳам сўз билан изоҳлаб бўлмас сеҳр-жоду борлигидан тилим айланмай қолди.

– Наля, бизга шу боланинг ақлини бироз киритиб беринг, – деди Лопухин боши билан мен томонга хотиржам ва бетакаллуф ишора қилганча. У беодоблик билан сирли бир нимага маънодор шаъма қилмоқда эди. Шунда танамга совуқ майда титроқ кирди, тишларим тарақлашига ҳам бир баҳя қолди...

Ҳайриятки, Наля бир неча кундан кейин губерня марказига жўнаб кетди. Вице-губернатор мансабидаги амакиси қўққис оламдан ўтиб қолибди. Ҳайриятки, тўгарак деган гаплардан ҳам ҳеч бир натижа чиқмади. Қолаверса, кўп вақт ўтмай, оиламизда мудҳиш воқеа юз берди: Георгий акам қамалиб қолди.

XII

Бу воқеа ҳатто отамизни ҳам довдиратиб қўйди.

Ҳозир бир вақтлар рус кишиси “подшоҳга қарши боришга” журъат этган ҳар бир одамга қандай муносабатда бўлинганини тасаввур этиш даргумон. Александр Иккинчининг орқасидан тинимсиз таъқиб этишгани ва ҳатто ўлдиришганига қарамай, унинг сиймоси, барибир, Ердаги Худо бўлиб қолаверди. Бу сиймо кишилар ақли ва қалбида сирли эҳтиром қўзғарди. “Социалист” сўзи ҳам сирли маънога эга эди. Бу сўз бемисл иснод ва даҳшатни англатарди. Зеро, унинг замирида ҳар турли ёвузлик яширин эди. Бизнинг томонларда ҳам ҳам “социалистлар” – ака-ука Рогачёвлар, ойимқиз Субботиналар – пайдо бўлибди, деган хабар тарқалганда бу гап-сўзлар оиламизни шу қадар эсанкиратиб қўйдики, биз агар ўлат ёки махов тарқалсагина шундай аҳволга тушишимиз мумкин эди. Кейин бундан ҳам даҳшатли ҳодиса юз берди: яқин қўшнимиз Алфёровнинг ўғли тўсатдан Петербургда йўқолиб қолди. У шу шаҳардаги ҳарбий тиббиёт академиясида ўқир эди. Сўнгра унинг дараги Ельец яқинидаги сув тегирмонидан чиқди. Уни чипта ковуш ва каноп кўйлак кийиб, соқол-мўйловини ўстириб ҳаммолчилик қилаётганида таниб қолишди. У “тарғибот”га қўшилиб қолгани учун – бу ибора ҳам жуда даҳшатли эшитилар эди – Петропавловск қалъасига қамаб қўйилди. Отамиз ҳар жиҳатдан кўпам оми, қолоқ ва журъатсиз одам эмас эди. Мен болалигимда кўп бор отамнинг ҳеч тап тортмай, Николай Биринчини Николай Палкин, бурбон деб масхаралаганини эшитганман. Бироқ шунинг эртасигаёқ отам шу қадар кўтаринкилик ва самимият билан: “Тангрига омонатини топширган ҳукмдоримиз, императоримиз Николай Павлович...” дея буткул ўзга сўзларни айтганига ҳам гувоҳ бўлганман. Отамнинг оғзидан қандай гап-сўз чиқиши унинг аслзодаларча кайфиятига боғлиқ эди. Ҳар ҳолда унинг табиатида ана шу хислат устунлик қиларди. Ўша ёш, соқолдор ҳаммолни “тутиб кетганларини” эшитганда ҳам дадам қўлларини паришонхотирлик билан ёйганча:

– Шўрлик Фёдор Михайлич! – дея хитоб қилган ва унинг отаси ҳақида куйиниб сўзлаган эди. – Афтидан, бу йигитчани қатл этишса керак. Албатта қатл этишса керак – деганди отам ҳар доимгидек меъёридан ортиқча эҳтирос билан. – Ҳа, қилмишига яраша, қилмишига яраша! Чолга раҳминг келади, аммо бундайларни аяб ўтирмаслик керак. Акс ҳолда бизнинг бошимизга ҳам француз инқилобини солишади. Сизга нима деган эдим. Бу дўнгпешона, писмиқ тўнка жиноятчи бўлиб етишади, бутун оиласини шарманда қилади, демаганмидим? Қаранглар, қанчалар ҳақ бўлиб чиқдим!

Мана, энди худди шундай уят, иснод бизнинг оиламиз бошига ҳам тушиб турибди. Қандай қилиб, нима учун шундай бўлди? Ахир, акам Алфёровнинг ўғлидек бир дўнгпешона, писмиқ тўнка эмас эди-ку? Унинг “жиноий фаолияти” Субботина хонимникидан ҳам бемаъни ва ғалати кўринарди. Субботиналар гарчи бой, бообрў дворянлар наслидан бўлсалар-да, аллақандай Рогачёвлар уларни йўлдан уриши, қизларга хос нодонлигига бориб, алданиб қолишлари эҳтимолдан ҳоли эмасди.

Акамнинг “жиноий фаолияти” нимадан иборатлиги ва у университетдаги йилларини қандай ўтказганини мен аниқ билмайман. Билганим фақат

шуки, бу фаолият акам гимназиядалик чоғидаёқ аллақандай "ажойиб шахс", Доброхотов деган семинариячи бошчилигида бошланган. Акам билан Доброхотов ўртасида қандай боғлиқлик бор эди? Акам кейинчалик менга бу одам ҳақида аввалгидек ҳайратланиб гапириб берганди. У Доброхотовнинг "ригоризми", яъни темир иродаси, "мустабид ҳокимиятга бешафқат нафратию халққа фидокорона муҳаббати" ҳақида фахрланиб сўзларди. Акамда ўша фазилатларнинг бирортаси бормиди ўзи? У нима учун Доброхотовга бунчалар қойил қоларди? Афтидан, дворянлар наслига хос азалий енгилтаклик, кўтаринкилик акамда ҳам бисёр эди. Бу хислат Радишев, Чацкий, Рудин, Огарёв, Герценларни ҳатто сочига қиров қўнганда ҳам тарк этмаган эди. Зеро, Доброхотовдаги фазилатлар олийжаноблик, қаҳрамонлик саналар эди. Доброхотов акамни қойил қолдирганининг яна бир сабаби шу эдики, акам бу одамни ҳар гал эслаганида ёшлиги кечган порлоқ байрамларга қайтгандек бўларди. Бу байрамлар "жинояткорона" байрамлар эди. У ҳар хил яширин тўгаракларга қўшилиши, шу тўгараклар мажлисида қатнашиши, ҳаммаслаклар билан жанговар қўшиқлар айтиши, оташин нутқларни жўшиб тинглаши, хавф-хатарга тўла режа ва тадбирлар тузиши билан ҳам жозибадор, ҳам даҳшатли эди.

Оҳ Рус, бундай байрамларга азалдан нақадар ўчсан! Биз нақадар ҳиссиётчанмиз, ҳаётдан завқ олишга ташнамиз! Ҳа, шунчаки баҳра олишни эмас, айнан лаззат туйишни хоҳлаймиз. Бизни тинимсиз араққўрлик қилиш, хурмачага сиққунча ичиш нечоғли ўзига тортади?! Кундалик турмуш, мунтазам меҳнат бизга нақадар зерикарли кўринади! Менинг давримда Россия жуда тўқ ва серғайрат ҳаёт кечирарди! Унда меҳнаткаш, соғлом, бақувват кишилар тобора кўпайиб борарди. Бироқ сут тўлиб оқадиган дарёлар, бетийиқ, беадоқ байрамлар ҳақидаги орзулар рус инқилобий руҳи уйғонишига асосий сабаб бўлмадими? Умуман, ҳар доим асил ҳаётдан узилган ва ундан қаттиқ нафратланган, ҳеч қачон ақл-идрокка, ҳисоб-китобга, одатий, сокин ва завқсиз фаолиятга бўйин эгмовчи рус мухолифи, исёнкори, инқилобчиси ким ўзи? Уни губернатор девонида хизмат қилиш, жамият ишига озгина ҳисса қўшиш қониқтирармиди! У ўшанақа жойларда ишлаб бўпти: осилса ҳам баланд дорга осилсам дейди у.

Гимназияда ҳам, университетда ҳам акамни илм-фан бобида келажаги порлоқ деб ҳисоблашарди. Бироқ ўша пайтда унинг миясига илм-фан сиғармиди!

У "шахсий ҳаётдан бутунлай воз кечиб, ўзини эзилган халққа бағишлаши зарур эди". Акам хушфеъл, олийжаноб, серғайрат, очиқкўнгил йигит эди. Бироқ минглаб бошқа одамлар каби ёлғон, алдамчи ҳиссиётлар қучоғида яшарди. Дворян фарзандларининг "халққа юришлари", ўзларига қарши қўзғолон кўтаришлари, кўздан пана жойлардаги мажлис, мунозара, конспирациялари, қон тўкилишига сабаб бўлган даъвату фаолиятлари қаердан бино бўлган эди? Ўз табиатига кўра, бу фарзандлар жон-тани ила оталари билан бир хил бўлиб, улар ҳам ўз ҳаётини алангада ёққан эди. Ғоялар-ку ўз йўлига, аммо бу ёш инқилобчиларда жўшқин фаолият ниқоби остида қувноқ тараллабедодга шўнғиш, шовқин-суронлар, куй-қўшиқлар, хавф-хатарлар билан ўзини ўзи овутиш бор эди. Улар яна Субботина каби гўзал ойимқизлар билан

қўлтиқлашиб олганча, тинтувлару турмалар, шов-шувли судлару Сибирга – сафдошлари ёнига саёҳат қилишлар, Шимолий қутбга сургун этилишни қўмсашлар билан яшарди! Фавқулодда юксак қобилияти туфайли гимназияни ҳам, университетни ҳам аъло баҳоларга якунлаган акамни ёшлигининг бутун шижоати, кўрини "яширин кураш"га бағишлашга нима ундади экан? Эҳтимол, бир эртакдаги Пилка ва Сисойканинг аччиқ қисматидир? Шу аччиқ қисмат ҳақида ҳикоя этувчи китобни ўқий туриб, акам бир неча марта кўзидан ёш тўкиб олган эди. Бироқ нима учун акам, худди ўз сафдошлари каби, шу ҳаётдаги, Новоселски ва Батуринодаги Пилка ва Сисойкаларни ҳеч қачон пайқамади? У ҳам ўз отасининг ўғли бўлганидан икки-уч қадаҳдан сўнг унинг қуйидаги сўзларини такрорлаб қоларди:

– Жуда соз, аъло! Ароқ – жону дилим! Одамнинг ғамини аритиб юборади!

"Аритмоқ" сўзи бир вақтлар ароқ заводларида ишлатиларди. Ароқни ичиб олган одам бу сўз орқали ичига ёшлик сурури кириб келаётгани, танида тотли бир жимирлаш бошланиб, ақл-ҳушидан, ғам-андуҳларидан халос бўлаётганини англатмоқчи бўларди. Деҳқонлар ароқ ҳақида мана бундай дейдилар: ундан қандай қилиб воз кечиш мумкин? Ароқ кўнгилдаги чигилларни ёзади, ахир! "Русда ароқ ичишдек вақтичоғлик бор!" – деган машҳур иборанинг замирида кўп гап бор. Иборадаги "вақтичоғлик" сўзига телбалик, дайдилик, ҳассослик, худкушлик ва ҳар турли исёнлар қондош эмасми? Ҳатто рус адабиётига шон-шуҳрат келтирган ҳайратангиз тасвирийлик ва лисоний ҳиссиётчанликда ҳам ўша хислат кўриниб турмайдими?

XIII

Акам яшаш жойи ва исмини ўзгартириб, анча вақтгача яшириниб юрди. Кейин хавф ўтиб кетди, деган қарорга келгач, Батуринога қайтди. Лекин уни эртаси куниёқ шу ерда ҳибсга олишди. Қўшни дворянлардан бирининг иш юритувчиси бу ҳақда жандармларга чақиб қўйган экан.

Шуниси ажойибки, Батуринога жандармлар келган куни тонгда ўша иш юритувчини боғда унинг буйруғи билан кесилаётган дарахт босиб қолиб ўлибди. Мен боғда юз берган воқеани қандай хаёл қилган бўлсам, у ҳали ҳам ёдимда шундай сақланиб турибди: кун сайин ялонғочланиб бораётган катта эски боғ, у кузги ёмғир, бўрон ва илк қировдан аввалги тароватини йўқотган, боғнинг пойида баргихазонлар гиламдек тўшалиб ётибди, дарахтларнинг тана ва шохлари қорамтир тусга кирган, баъзи новдаларда сариқ ва қирмизи ранг сийрак барглар маъюс тебранади. Эрталабки муздек мусаффо ҳаво, кўзни қамаштирувчи қуёш нури... Бу нур ялангликларда жимир-жимир қилади, тилларанг устун мисол шохлар орасидан қуйига – намчил салқин кўланкага кўмилади. Ҳарир, ёруғ тутунга ўхшаш эрталабки туман ҳали буткул тарқамаган. Туман аро икки йўлқача кесишган жойда юз йиллик баҳайбат заранг дарахти виқор тўкиб туради. У тонгги намчил осмонга бўй чўзганча, ҳар ёққа тарвақайлаб ётади. Зарангнинг яйдоқ учи ҳув тепада кўзга ташланади. Унинг қора тусга кирган шохларида аҳён-аҳён сарғиш йирик-йирик баргларни кўриш мумкин. Унинг вақтлар ўтиши билан тошдай қотиб кетган азамат танасига

қўйлакчан бўлиб олган, қалпоғини қаншарига бостирган деҳқонлар "аҳ-аҳ" дея болта урмоқда. Иш юритувчи эса қўлларини чўнтагига тиқиб олганча, дарахтнинг осмонда титраётган учига тикилади. Балки шу онда у акамни қандай эпчиллик билан тутиб бергани ҳақида ўйлаб тургандир. Тўсатдан дарахт қарс деган товуш чиқаради-ю, учи олдинга қараб энкаяди. Ва шовқин-сурон солганча, ён-веридаги майда буталарни мажаклаб, даҳшат билан шитоб иш юритувчининг устига шитоб қулайди...

Мен ўша ер-мулкда кейинчалик мен бир неча марта бўлдим. У бир вақтлар менинг онамга сеп қилиб берилган эди. Бор мулкини тезроқ қўлдан чиқаришга "муккасидан кетган" отам уни аллақачон сотиб, пулини совуриб бўлганди. Уни сотиб олган янги хўжайиннинг ҳам ажали етиб, энди Муқаддас Екатерина ордени билан тақдирланган бир хонимнинг қўлига ўтган эди. Хоним Москвада яшар, ер-мулк қаровсиз ётарди. Шу сабаб ерлар деҳқонларга берилган, қўрғон эса Яратганнинг ихтиёрига қолдирилганди. Мен катта йўл орқали шу ер-мулк олдидан ўтганимда – у йўлдан атиги бир чақиримча ичкарида эди – икки ёнида эманлар саф тортган йўлкадан кенг ҳовлига чиқар, йўрғамни отхона ёнида қолдириб, уйга қараб юрардим... Ўйга ботаман: рус адабиётида қанчадан-қанча ташландиқ ер-мулк, боғ-роғлар тасвири бор, улар ҳар доим нақадар зўр муҳаббат билан қаламга олинган! Қаровсизлик, харобалик, таназзул нечук рус кишиси қалбига ёқадиган бўлиб қолди? Мен ўша уйга қараб юрар, унинг ортидаги боққа ҳам ўтардим... Бўм-бўш ҳовли атрофида тизилган отхоналар, кулбалар, омборлар ва бошқа хўжалик иморатларининг бари баҳайбат, бефайз, хароб эди. Томорқа ҳам, хирмон ҳам бурган ва буталар босиб, ёввойилашиб кетганди. Бу ёввойилик ҳув наридаги далага қўшилиб кетарди. Кулранг тахта билан қопланган ёғоч уй йилдан-йилга эскириб, чириб борарди. Бу эса уйнинг мафтункорлигини янада оширар, мен майда панжарали деразаларидан ичкарига қарашни ҳуш кўрардим. Эски бўм-бўш уйга, шу уйдаги олис, унут ҳаётнинг жимжит, сирли ўчоғига ўғринча, куфрона назар ташлаганингда бошдан кечирган туйғуларингизни қандай ифодалаш мумкин?! Уйнинг орқасидаги боғда, гарчи бу ердаги дарахтларнинг ярми қирқиб ташланган бўлса-да, ҳамон кўп асрлик арғувон, заранг терак, қайин ва эманлар яшнаб турарди. Улар бу унут боғда ўзининг узоқ умрини ёлғизлик ва жимжитлик бағрида яшаб ўтказмоқда эди. Ўша қари дарахтларнинг гўзаллиги бу ёлғизлик ва сукунат ичра илоҳийлик, муқаддаслик касб этиб, ниҳоятда ажиб ва жозибали кўринарди. Улардан ҳар қайсисининг ўз қиёфаси, ўз қалби ва ўз ўй-хаёллари бор – бу дарахтларга боқиб туйиш мумкинми, ахир?! Мен уларнинг остида узоқ дайдиб юрар, бир-бирига ўхшамаган учлари, шохлари, баргларидан кўз узолмай қолардим. Мен бу дарахтларнинг сиймосини қалбимга абадиян муҳрлаш учун уларнинг сир-асрорини англаш истагида ёнардим. Боғдан пастроқдаги кенг қияликда, баҳайбат эман тўнкалари орасида, нафис, бўйчан гиёҳлару гуллар устида, сув билан лиммо-лим тўлган чашма ёнида улар ҳақида ўйга толардим. Ўшанда руҳим қуш мисоли ҳаёт узра чарх ура бошлаганини пайқардим. У қандайдир ҳазин ва пок бир донолик ила самолардан назар ташлай бошларди. Руҳим бу дунёнинг кори аъмолларини мушоҳада этмоққа интиларди! Ҳар гал бу ерда менинг ёдимга кекса заранг дарахти босиб қолган, ҳаётни шу дарахт билан бирга тарк этган ўша бахтиқаро одам

тушарди. Шунингдек, ўша одамнинг билиб-билмай қилган чақимчилиги сабаб заволга юз тутган акамнинг тақдири ҳам хотирамда жонланарди. Кузнинг ўша олис кунида икки соқолли жандарм акамни шаҳарга олиб кетгани кўз олдимдан ўтарди. Улар акамни шаҳарга элтиб, турмага қамаб қўйганди. Бу қамоқхона менга таниш эди: мен унда бир маҳбуснинг темир панжара ортидан ботаётган қуёшга ғамгин тикилиб турганини кўргандим...

Акамни уч от қўшилган аравада олиб кетишган куни отам билан онам қаттиқ куйинганча, арава ортидан шаҳарга жўнашди. Онам ҳатто йиғлай олмас, унинг қорачиқлари совуқ ва даҳшатли чақнарди. Отам менга ҳам, онамга ҳам қарамасликка ҳаракат қилар, нукул чекар ва шу сўзларни такрорлар эди:

– Сафсата, бемаънилик! Ишонинглар, бир неча кундан кейин бу расвогарчилик албатта барҳам топади...

Ўша куни шомдаёқ акамни янаям узоққа, Харьковга олиб кетишди. Акам аъзо бўлган яширин ташкилот Харьковда экан. Биз уни кузатгани вокзалга чиқдик. Вокзалда мени энг кўп ҳайратга солгани бизнинг учинчи тоифали залга жойлашганимиз бўлди. Бу ерда акам жандармлар назоратида поезд жўнашини кутарди. Энди у ҳар доимгидек одамлар билан эркин ўтириш ҳуқуқидан маҳрум эди. Энди ихтиёри ҳам ўзида эмас эди, ҳамма қатори чой ичолмас, сомса еёлмас эди. Бу одамларга тўла ғала-ғовур залга киришимиз биланоқ акамнинг афт-ангори, унинг маҳбус сифатида қўриқланишию ҳақ-ҳуқуқсизлиги юрагимни эзиб юборди: унинг ўзи ҳам аҳволини яхши тушунар, камситилганини ҳис этар ва хижолатомуз табассум қиларди. У платформага чиқиладиган эшик ёнидаги энг чекка бурчакда бир ўзи ўтирарди. Акам енгил кулранг костюмда бўлиб, устидан отамнинг поча пўстинини ташлаб олган эди. У ўзининг озғинлиги билан ҳам дилбар, ҳам ожиз кўринарди. Унинг атрофида ҳеч ким йўқ эди, чунки жандармлар унга яқинлашган хотинлар, деҳқонлар, мешчанларни ҳайдаб турарди. Одамлар тирик социалистга қўрқув билан қараб қўяр, унинг қафасга тушгани учун Худога шукрона келтирарди. Айниқса, қишлоқдан келган бир отахон акамга жуда қизиқиб қолди. У дароз одам бўлиб, чўққи қалпоқ ва чукур калиш кийиб олганди. Отахон акамдан катта - катта кўзларини узмас ва жандармларга сирли шивирлаб, саволлар ёғдирарди. Жандармлар эса унинг саволларига, табиийки, жавоб қайтармас эди. Улар акамга бирор айб қилиб қўйган ёш болага қарагандек муомалада бўлар ва ўзларини уни кўриқлаганча, зарур жойга етказишга мажбур этилган кишилардек тутар эди. Жандармлардан бири онамга мулойим оҳангда, илтифот-ла жилмайиб бундай деди:

– Хотиржам бўлинг, онахон, Худо хоҳласа, охири бахайр бўлади... Марҳамат қилиб, ўғлингизнинг олдида ўтириб туринг. Поезд жўнашига ҳали йигирма дақиқа бор... Ҳозир кичик қўриқчи ўғлингизга ичиш учун қайноқ чой олиб келади. Унга йўлда ейиш учун, сиз нима буюрсангиз, шуни келтириб беради... Сиз ўғлингизга поча пўстин кийгизиб, жуда яхши иш қилибсиз. Кечаси вагон совуқ бўлади...

Эсимда, гап шу ерга келганда, онам ахийри йиғлаб юборди. У акамнинг ёнига ўтирди-да, оғзига рўмолчасини босганча, ҳиққиллаб бошлади. Отам эса юзини касал одамдек буриштириб, қўл силтади-да, тез юриб нари кетди. Унинг изтиробга, нохушликка тоб-тоқати йўқ эди, ҳар доим

ўзини ҳимоя қилиш учун эпчиллик билан чап берарди. Отам ҳатто оғир айриликлардан ҳам ими-жимида қочарди. У жудолик дамларини қўққис узиб қўяр, дарров қовоқ уйиб, узоқ хайрлашишдан наф йўқ, ортиқча кўз ёш тўкилади, холос, деб қўярди. У буфетга кириб, бир неча қадаҳ ароқ ичида, бекатдаги жандарм полковнигини излаб кетди. Отам ундан акамнинг биринчи тоифали вагонда жўнатилишига рухсат сўрамоқчи эди...

XIV

Бу оқшом мен нукул эсанкираб, довдираб юрдим... Мана, акамни олиб кетишди. Отам билан онам ҳам жўнашди... Янги қалб оғриқларимни енгишим учун менга жуда кўп вақт керак бўлди.

Отам билан онам негадир эртасига тонгда жўнашди. Осмонда қуёш чарақлаб нур сочарди. Октябрь ойида, кўпинча, об-ҳаво шундай бўлади. Бироқ ҳатто шаҳарда ҳам аччиқ шамол танани зирқиратади. Ҳаммаёқ ғайриодатий тарзда мусаффо, ёруғ ва бепоён кўринарди. Узоқ-узоқларга чўзилган кўчалардаги кўчалар, ҳув олисдаги бўм-бўш кенгликлар, худди ҳаво йўқдек тип-тиниқ осмон кўзга яққол ташланади. Осмонда сузиб юрган тутунсимон оқ булутлар орасидан ложувард кўк ярқ этиб кўринади. Мен отам билан онамни ибодатхона ва қамоқхона ёнигача кузатиб қўйдим. Шу икки бино орасидан совуқ, бўм-бўш далаларга элтувчи тошдек яхлаган катта йўл бошланарди. Тарантас шу ерга келганда тўхтади. Ота-онам йўл тараддудини кўргунча анча юксалган қуёш булутлар ортидан бот-бот кўриниб қоларди. Бироқ унинг кўзни қамаштирувчи нури одам танасини иситмас эди. Далаларга чиққанда эса шимол тарафдан шундай изғирин шамол эсдики, аравакаш совуқ қотганидан бошини эгиб олди. Отам устида мўйнали пўстин, бошида қишки телпак билан ўтирар, изғирин шамолда мўйлови титрар, кўзларида эса ёш йилтилларди. Мана, мен тарантасдан тушдим. Онам юзимга иссиқ кулранг рўмолини босиб, яна ҳўнграб йиғлаб юборди. Отам эса мени шошиб чўқинтирди-да, совуқ қотган бармоғини лабимга теккизиб, аравакашга қичқирди:

– Ҳайда!

Соябони ярмигача кўтарилган тарантас ўша заҳоти олға интилди. Уч отдан ўртадагиси кучли қўнғир танаси билан қўзғалиб, бошини адл кўтарди, шунда дўға остидаги қўнғироқ бирдан чалиниб кетди. Бошқа икки тўриқ ҳам бир вақтда эркин чопа бошлади. Тўриқлар ўз яғринидаги булдуриқларни ҳар тарафга сачратиб боришарди. Мен анча вақт катта йўл устида туриб қолдим. Кўзларим билан тарантас соябонини, тобора узоқлашиб бораётган орқа ғилдиракларни, ўртадаги тўриқнинг тарантас остидан кўзга ташланаётган илдам туёқларини, унинг ёнбошида чопиб бораётган икки отнинг тақасини кузатиб турардим. Мен онамнинг қалб тубидан отилиб чиққан ва шу чоқда мендан олислаб бораётган йиғисига тек қулоқ тутардим. Мен ўзимнинг юпқа шинелчамни кийиб турар, уни гўё изғирин тешиб ўтаётгандек туюларди. Шинелчамнинг ёқаларини кўтариб, шамолдан ҳимояланмоқчи бўларканман, кеча отамнинг Дворянлар меҳмонхонасидаги кечки овқат маҳали ўзига пиво қуя туриб айтган гаплари ёдимга тушди:

– Бемаънилик, сафсата! – деган эди у қатъият билан. – Кўрган чораларини қаранг! Хўп, ҳибсга олишди, хўп, ҳайдаб кетишди. Балки Сибирга

ҳам жўнатишар. Шундай бўлиши жудаям мумкин. Ҳозир Сибирга озмунча одам сургун қилиняптими? Энди савол беришга ижозат этсангиз: ўша Тобольскнинг шу Елецдан ёки Воронеждан қандай кам жойи бор? Умуман, бари бемаънилик, сафсата! Тихон Задонский айтмоқчи, ёмонлик ҳам, яхшилик ҳам ўткинчи! Бари – ўткинчи!

Мен бу сўзларни эсга олганда кўнглим енгил тортмади, аксинча, баттар эзилди. Балки буларнинг бари чиндан ҳам бемаъни сафсатадир. Ундай десам, менинг ҳаётим ҳам бемаъни сафсата бўлиб чиқади-ку! Ахир, мен унинг воқеа-ҳодисаларини қуруқ сафсатадек изсиз ўтиб кетиши, кўздан ғойиб бўлиши учун ҳис этаётганим йўқ-ку! Ҳаёт балки сафсата ҳамдир, лекин акамни олиб кетишгач, мен учун бутун дунё ҳувиллаб қолгандек, ғоят баҳайбатлашиб, маъносини йўқотгандек кўрина бошлади. Мен бу дунёда ўзимни шу қадар мунгли ва ёлғиз сезардимки, асти қўяверасиз. Мен гўё ҳаётдан ажралиб қолгандек эдим. Ваҳоланки, мен дунё билан бирга бўлишим, унинг бағрида севиб ва қувнаб яшашим керак эди! Қандай қилиб барчаси сафсата бўлсин? Мен, ахир, шафқатга муҳтож ўша ёқимтой "социалист"ни доим яхши кўрганман-ку! Ўша "социалист" кечагина эгнига кулранг чакмон устидан поча пўстин ташлаганча, вокзалда махбус қиёфасида ўтирган эмасмиди?! Ахир, уни озодликдан, бахт-толедан, биз – яқинлари ва одатдаги ҳаётидан ажратиб олиб, қаёққадир ҳайдаб кетишмадими?! Дунёдаги бутун жонзот, барча одамзод ҳар қачонгидек эркин ва бахтли бўлса-ю, фақатгина у тутқинликда, изтиробда яшаса! Мана, кўча бўйлаб шаҳар томон битта увоққина малла кучукча ўз ташвиши билан чопиб кетяпти. Уни муздек кучли шамол олдинга судраётир. Акам эса энди шаҳарда эмас. У ҳозир аллақаерларда, чексиз ва кимсасиз кенгликларда, қуёшли жануб ёқларда – торгина бир купеда, милтиқли икки жандарм назоратида Харьков деган шаҳарга кетмоқда. Мана, сап-сариқ қамоқхона кунгай тарафдаги панжарали деразалари билан катта йўлнинг нарёғидаги ибодатхонага боққанча жим турибди. У бошқа барча иморатлардан ўзгача, жирканч ва табиийки, Харьковдагиси ҳам, ҳойнаҳой, ундан қолишмаса керак. Кеча акам бу қамоқхонада бир неча соат ўтирган эди. Ҳозир эса бу ердан акамни тополмайсиз, унинг қайғу изларини пайқайсиз, холос. Мана, ибодатхонанинг баланд, жимжимадор деворлари оша унинг гумбазлари хира тилла рангда товланиб турибди, эски қабристондаги дарахтлар бутоғи ҳам қорайиб кўзга ташланади. Бироқ акам энди бу гўзалликни кўрмайди, мен билан бирга уларга боқиб шодланмайди... Ибодатхонанинг баҳайбат ёпиқ дарвозасига, унинг қўш табақасига иккита авлиёнинг тасвири туширилган: бу мўътабар зотларнинг юзида ғам-ғусса жилва қилади, улар қўлларида узун қўлёзмани тутиб туради. Неча асрдирки, улар шу алфозда турибди. Неча асрдирки, улар бу дунёда йўқ. Ҳамма нарса ўткинчи, фоний, ҳеч нарса боқий эмас. Шундай пайт келадики, бу дунёни биз ҳам тарк этамиз: мен ҳам, отам ҳам, онам ҳам, акам ҳам. Қўлида ҳикматга тўла муқаддас битик тутган бу кўҳна рус авлиёлари эса дарвоза табақаларида салобат ила хомуш тураверади... Мен бошдан қалпоғимни ечиб, кўзимда ёш билан дарвоза қошида чўқиндим. Шу онда ўзимга ва акамга жуда раҳмим келиб кетди, ўзимга, акамга, отам билан онамга меҳрим янада ортиқ ийиб бораётганини ҳис этдим. Ўша муқаддас зотлардан бизга мадад беришини ёлвориб сўрадим, чунки бу сирли дунёда яшаш қанчалик азобли ва мунгли бўлмасин, у, барибир,

ниҳоятда гўзалдир. Қолаверса, бу дунёда биз ҳам бахтли бўлмоқни, бир-биримизни севмоқни жуда хоҳлаймиз...

Мен йўлда тўхтаб-тўхтаб, бот-бот ўгирилиб караганча, орқага қайтдим. Шамол аввалгидан ҳам кучлироқ ва совуқроқ эсмоқда эди. Лекин офтоб тиккага келган, порлаб турар эди. Бу манзара инсон дилини яйратар, уни ҳаётга даъват этарди. Бутун олам, сокин шаҳар, бўм-бўш майдон, чор атрофи баланд девор билан ўралган, қабристон аро турли дарахтлар кўкка бўй чўзган олтин гумбазли жимжит ибодатхона, катта йўл давом эта-эта бағрига сингиб кетувчи бепоён дашт узра кўм-кўк, топ-тоза куз осмонида тўда-тўда бўлиб нафармон булутлар сузиб юрарди. Ҳаммаёқ ёп-ёруғ ва маҳобатли, ажойиб ва оромбахш бўлиб, қуёш нури билан булут сояси дам-бадам ўрин алмашиб турарди. Мен бироз тўхтаб, томоша қилдим-да, йўлимда давом этдим... Бу кун қаерларда бўлмадим ахир!

Мен бутун шаҳарни айланиб ўтдим. Шепная майдонидан кўн заводига энувчи йўлдан шаҳар чеккасига бордим, эски ярим бузуқ, дўнгтош кўприк орқали сассиқ дарё ирмоғидан ўтдим. Ирмоқ чирик қўнғир териларга тўлиб кетган эди. Сўнгра қарама-қарши қирғоқдаги аёллар ибодатхонасига чиқдим.

Ибодатхона деворлари бўрдек оқлигидан қуёш нурида ярақлаб турарди. Унинг дарвозасидан ёш монах аёл чиқиб келарди. Аёл дағал бошмоқда ва қора кийимда эди. Бироқ унинг нозиклиги, покизалиги ва қадимги рус санамларидаги аёллар сиймосига хос гўзаллиги мени шу қадар ҳайратга солдики, бир лаҳза жойимда тўхтаб қолдим... Сўнгра Аргамачага қараб йўл солдим. Яна ирмоққа эндим ва жомега чиқиб бордим. Жоме ортидаги жарлик тепасида туриб, мешчанлар кулбасининг қоп-қора қамиш томларига тикилдим: улар дарё ёқасидаги дўнгликда бир-бирига қапишиб турарди. Мен бу уйларнинг исқирт ва ғариб ҳовлиларига ҳам кўз ташлаб, инсон ҳаёти ҳақида, ҳар қандай нарса ўтиб кетиши ва такрорланиб туриши, уч юз йил илгари ҳам бу ерда худди шундай қоп-қора қамиш томлар турганию ҳар турли ўт-алафлар ўсиб ётгани тўғрисида ўйлаб кетдим. Бундай ўт-алафлар, одатда, далада-даштлар, сертупроқ қияликларда ўсиб ётгувчи эди. Сўнг хаёлимда отам билан онам гавдаланди. Улар ёп-ёруғ, аммо бийдай далалар оралаб учта от қўшилган аравада елиб бораётир. Батурино ҳам хаёлимда жонланади: бу қишлоқ тинч-осуда, азиз-қадрдон эди. Ҳозир Батурино жуда маҳзун бўлса керак. Шунга қарамай, у ғоятда дилбар ва серзавқ эди. Шунингдек, мен хаёлан Николай акамни, ўн яшарли қоракўз сингилчам Оляни, иккимизнинг дераза ёнидаги суюкли арчамизни, сариқ баргларини тўккан бўм-бўш ва маъюс кузги боғимизни, унинг бағрида ғувиллаётган шамолу ботаётган қуёшни кўз олдимга келтираман. Мен бутун қалбим билан ўша томонга интиламану, лекин барча ўй-хаёл ва ҳис-туйғуларим нуқул акамга қараб етаклаб кетаверади. Мен дарёга тикилиб қоламан. У қўнғир тусда мавжланганча, сап-сариқ қоялар томон интилади, шу қоялар остида у жанубга бурилади-да, йироқ-йироқларда кўздан йўқолади. Мен бу дарё ҳатто бижанаклар[1] даврида ҳам ҳозиргидай оқиб ётгани ҳақида ўй сураман. Мен Заречьега, унинг яллиғланиб турган бир чеккасидаги вокзалга қарамасликка интиламан, чунки кечагина оқшомда шу жойдан акамни олиб кетдилар. Кечки муздек ҳавода паровозларининг шамол

[1] VIII–XII асрларда Европанинг шарқий-жанубида кўчманчилик қилиб юрган қадимги туркий қабилалар.

ўша томондан ҳайдаб келаётган маъюс, даъваткор қичқириқларини ҳам эшитмасам дердим. Ушбу мудҳиш кундаги барча кўрган-кечирган, хаёлимдан ўтказганларим акамга боғланиб, чувалашиб кетарди. Айниқса, ибодатхона дарвозасидан чиқиб келган монах аёлга туйғон ширин ҳайратим ҳам акамнинг бошига тушган кулфатга қоришиб кетарди.

Онам ўшанда Худога илтижо қилиб, агар ўғли эсон-омон кутулиб чиқса, бутун умрини рўза тутиб ўтказишга қасам ичди ва ҳаётининг сўнгигача шу онтида маҳкам турди. Бунинг учун Худо нафақат онамга шафқат қилди, балки уни мукофотлади ҳам: бир йилдан сўнг акамни қамоқдан озод этишди ва Батуринода уч йил "миршаблар назоратида" яшашга ҳукм қилишди.

XV

Бир йилдан сўнг мен ҳам озодликка чиқдим – гимназияни ташлаб, ота-онам қучоғига қайтдим. Мен Батуринода шу вақтгача яшаган ҳаётимнинг энг ажойиб кунларини қаршиламоқчи эдим.

Менинг ёшлик йилларим бошланаётган эди. Оҳ, бу давр ҳар ким учун ҳам нақадар ажойиб! Баъзи хислатларимга кўра, у мен учун янада ажойиб эди: масалан, кўзим шу қадар ўткир эдики, Етти Қарокчининг барча юлдузини кўра олар, қулоғим ҳам шу қадар динг эдики, кечкурунлари даладаги суғур ҳуштагини бир чақирим узоқдан эшитардим, бурним эса шундай ҳид сезгич эдики, марваридгул бўйи ёки эски китоб исидан маст бўлардим...

Шу даврда менинг ҳаётим нафақат зоҳиран яна бир жиддий ўзгаришга учради, балки ботинан ҳам яна бир хайрли бурилишга юз тутди.

Баҳорда дарахтларнинг гуллаши ажойиб-да! Агар баҳор дўстлик ва бахтга лиммо-лим ўтса, бу гуллаш янада жозибадор кўринади! Унинг бағридаги яширин жараёнлар ошкора тус олса, балки янада ажойиб бўлармиди?! Эрталаб бирор дарахтга кўз ташласангиз, унинг новдаларида шу бир кечадаёқ қанча-қанча куртаклар бўртиб чиққанидан ҳайратга тушасиз. Орадан унча кўп фурсат ўтмай, энди куртаклар бирдан ёзилади-да, қора бутоқларда саноқсиз кўкимтир баргчалар пайдо бўлади. Шунда осмонга кўкламги илк булут чиқади, биринчи момақалдироқ гулдирайди, дастлабки илиқ жала қуяди – тағин мўъжиза юз беради: дарахт энди шу қадар ям-яшил, шу қадар кўркам бўлиб кетадики, буни кечаги яланғоч танасига сира қиёслаб бўлмай қолади. Шунда у йирик ва ёркин товланувчан япроқлар билан шу қадар тиғиз ва мўл қопланадию шу қадар латофат ва жозиба касб этадики, ҳатто ўз кўзингизга ҳам ишонмай қоласиз. Ўша паллада менинг руҳимда ҳам шунга ўхшаш ғаройиб ўзгариш юз берди. Мана, ниҳоят мен учун ҳам сеҳрли кунлар етиб келди:

У кунлар, сир тўла ул водийларда
Оқ қушлар қичқирган чоғи баҳорда,
Жимликда, порлоқ сув бўйида бирдан
Кўриниш бермоққа бошлади Музам...[1]

[1] Ойбек таржимаси.

"Бор-йўғини совуриб битирган отасидан" ҳеч қандай мерос қолмаган мендек бандага на лицей боғлари, на Царское село кўлларию оққушлари насиб этди. Бироқ менга "борлиқдан олинган барча таассурот"ларнинг янгилиги, тиниқлиги ва сурурбахшлиги, ёш юракка ҳар қаерда ва ҳар доим сирли кўринувчи водийлар, сассиз жимирловчи чашма сувларию илҳом париси билан дастлабки ожизона, эпсиз, аммо унутилмас учрашувлар – буларнинг барчаси тортиқ этилган эди. Пушкин сўзлари билан айтганда, мен "ғунча тугиб, гул ёзган" шароит Царское село боғларига сира ўхшамас эди.

Фақат Пушкиннинг улар ҳақидаги мисралари менинг қулоғимга бениҳоя мафтункор ва қадрдон бўлиб эшитилар эди! Чунки улар менинг руҳини чулғаган кечинмаларни бемисл жонли ифодалар эди. Ўша сирли оққуш қичқириқлари қалбимга нақадар қизғин ва ҳамоҳанг янграган эди! Улар қандай сабабга кўра отилиб чиқишининг нима аҳамияти бор? Ва шу кечинмаларни ифодалашга битта ҳам сўз тополмаган бўлсам, бунинг нимаси айб?!

XVI

Ҳар бир инсоннинг тақдири тасодифан, яъни ўзини қуршаган одамлар қисматига боғлиқ ҳолда таркиб топади. Менинг ҳам ёшлик тақдирим шундай таркиб топди ва у бир умрлик қисматимни белгилаб берди.

Худди қадим ашъорларда айтилганидек:

Қайта насиб этди қадрдон макон
Ва тағин хилват чўл ҳаёти тортиқ,
Одатий турмушу муҳит – хуш ҳар он,
Шавқли қалб тафти-чи – баридан ортиқ.

Мен нимага бу қўрғонга қайтдим, нега гимназияни ташладим? Агар бир қарашда арзимасдек кўринувчи акам воқеаси юз бермаса, менинг ёшлигим ҳам бошқача кечармиди, умуман, ҳаётим ҳам ўзгача бўлармиди?..

Отам гоҳо-гоҳо гимназияни ташлашимга ўз бемавридлиги ва бемаънилиги билан буткул ножоиз саналмиш бир баҳона сабаб бўлганидан сўзлаб қоларди. Отам яхши кўрган ибора билан айтилса, мен гимназияни "дворянча эркинлик" сабаб ташлаган эдим. Отам менга "ўзбошимча нодон" деб танбеҳ берар, ўзини ҳам бундай ўзбошимчаликка йўл қўйиб бергани учун койирди. Отам яна бошқа гапни ҳам айтар (зеро, унинг фикрлари ҳар доим зиддиятли эди), менинг қилмишимни ғоят мантиқли, деб топарди. Унинг фикрича, менинг табиатим худди шуни тақозо қилган эмиш.

– Йўқ, – дерди отам, – Алексейнинг йўли бошқа, ундан мансабдор ё заминдор чиқиш даргумон. У қалб ва шеър соҳасининг одами. Худога шукр, хўжалик юритишга ҳожат ҳам қолмади ҳисоби. Шеъриятда эса, ким билсин, балки ундан иккинчи Пушкин ёки Лермонтов чиқиб қолар...

Чиндан ҳам, кўп жиҳатлар менинг гимназияда ўқишимга зид келарди: биринчидан, ўтган замонларда Русда "эркинлик" нафақат дворянларнинг ўзи, балки бошқа табақаларга ҳам хос бўлиб, кўплар қатори каминанинг

қонида ҳам жўш уриб турарди. Иккинчидан, отамнинг табиатидан менга ўтган хислатлар ва руҳиятимда илдиз отган шоирликка иштиёқ, ва ниҳоят, учинчидан, акамнинг Сибирга эмас, айнан Батуринога сургун қилинишидек тасодифият ана шундай омиллар эди.

Гимназияда ўқиётганимнинг охирги йилида мен бирдан куч-қувватга тўлиб, балоғат палласига қадам қўйдим. Назаримда, шу пайтгача табиатимда онамнинг хислатлари устунлик қилса, энди отамнинг хислатлари барқ уриб ривожлана бошлаганди. Ундаги тетик ҳаётсеварлик, шароитга қарши бориш, ҳиссиётга берилиш отамнинг ана шундай хислатлари эди. Отам шу ҳиссиётчанлиги боис ҳар доим тузукроқ ўйлаб кўрмай туриб, вазиятни ўз соғлом ва чайир қўлларига олишга шошиларди. Ўз орзусига етишиш йўлида ғайришуурий қатъият кўрсатиш ва ниҳоят ўтакетган ўжарлик, қайсарлик ҳам отамдан ўтган эди. Аслида унча жиддий бўлмаса-да, лекин оиламиз мудҳиш деб қабул қилган акамнинг қамалиш воқеаси ҳам мени қаттиқ эзиб юборди. У ҳатто менинг балоғатга етишимни тезлаштириб, танамда куч уйғонишига хизмат қилди. Отам "ҳар доим ҳам кўзёши тўкиб яшаб бўлмайди", деганда ҳақ эди, чунки "ҳаёт ниҳоятда ажойиб неъматдир". Отам баъзан ширакайф чоғларида ана шундай деб қолар эди. Бироқ ҳаётда улуғ бир мўъжиза – сўз санъати мавжудлигини рўй-рост тан оларди. Бундан кейин қандай яшашим ҳақидаги қарор қалбимда ана шу тариқа пишиб етилди: мен бир амаллаб бўлса ҳам бешинчи синфга кўчиб, сўнгра гимназия билан хайр-маъзур қилишни, Батуринога қайтиб, "иккинчи Пушкин ёки Лермонтов", Жуковский ёки Баратинский бўлишни дилга тугдим. Зеро, ўша шоирлар билан қон-қардошлигимни улар ҳақида илк бор ўқиган, уларнинг расмига илк бор тикилган пайтимдаёқ ҳис этганман.

Бу қишда мен меҳнатдан қочмай, тетик ҳаёт кечиришга интилдим. Баҳорда эса шуни деб ортиқча куйинишга зарурат ҳам қолмади. Қиш ортидан менда ҳам қандайдир ўзгариш юз берди. Бу ўзгариш аксар жисмоний маънода эди. Ҳамма ўспиринларда ҳам, одатда, шунақа бўлади: бирдан иякларига мўй чиқади, оёқ-қўли қўпол ўсиб кетади. Худога шукрки, менда қўполлик кўзга ташланмаса-да, бироқ майин туклар олтин ранг олиб, қорачиқларим янада мовийлашди, юзим ҳам тўлишиб, офтобда қорайишга кирди. Шу сабаб имтиҳонларни илгаригидан бошқачароқ топширдим. Мен кун бўйи китобдан бош кўтармас, ўзимнинг сира ҳормас-толмаслигимдан қувониб-завқланиб дарс тайёрлардим. Бундай чоғларда ўзимнинг навқиронлигим, соғломлигим, покдомонлигимни шодланиб ҳис этардим. Бу эса имтиҳонларни гоҳида Эҳтиросли ҳафтага, рўзага, ибодат ва истиғфорга ҳозирланишга ўхшатиб юборарди. Мен ҳар куни атиги уч-тўрт соат ухлар, бироқ тонгда каравотдан енгил сакраб турар, кунт билан ювинар ва кийинардим. Худога ибодат қилар, у ҳатто эски славян тили ҳам қўллаб юборишига ишонардим. Уйдан мутлақо хотиржам бир кайфиятда чиқар, кеча кун бўйи ҳижжалаб ўрганган ва бугун муаллимларга бурро сўзлаб беришим зарур бўлган билимларни ақл ва қалбга маҳкам жойлаганча, гимназия сари иштиёқ билан йўлга тушардим. Бу синовлар тугаган чоғда эса мени бошқа шодлик қарши оларди: бу гал мени Батуринога олиб кетиш учун отам билан онам келмади, балки икки от қўшилган тарантас юборишди, холос. Бу ҳам энди балоғатга етганимни кўрсатувчи бир белги эди. Тарантасни ёш, қувноқ

бир хизматчи ҳайдаб келганди. Йўлда ўша хизматчи билан чин юракдан дўст бўлиб олдим. Батурино анча катта ва бой қишлоқ бўлиб, унда учта заминдорнинг қўрғони бор эди. Бу қўрғонлар боғ-роғлари, чашма ва яйловлари билан ҳам ном чиқарган эди. Айни вақтда Ботуринода ҳаммаёқ гуллаб-яшнаб ётарди. Шунда мен бахт-иқболга лиммо-лим бу гўзалликни, бу яшилликдаги шукуҳ ва ёрқинликни, сувга тўла чашмалар жилвасию булбул ва қурбақалар шўхлигини энди ёш йигит кўзи билан кўриб, қалбим кучли ҳаяжонга тушди...

Ёзда Николай акам уйланди. У ўз табиатига кўра, орамизда энг ақли расомиз эди. Бекорчиҳўжалик жонига теккан Николай акам Васильевское қишлоғидаги пошшоликка тегишли ер-мулкнинг бошқарувчиси бўлган бир немиснинг қизини хотинликка олди. Бу тўй сабаб бутун ёз бизлар учун гўё байрамга айланди. Сўнг уйимизда ёш жувоннинг бўлиши ҳам менинг йигитга айланишимга кучли таъсир кўрсатди.

Тўйдан кўп ўтмай, Батуринода қўққис Георгий акам пайдо бўлди. Ўшанда июнь оқшоми эди. Ҳовлидан курий бошлаган ўтлар ҳиди анқирди. Бизнинг эски уйимиз ўзининг ёғоч устунларию баланд томлари билан, худди кўҳна хаёлий суратлардаги каби, оқшомга ўйчан гўзаллигини намойиш этганча, қўр тўкиб турарди. Ҳаммамиз боғдаги айвонда чой ичиб ўтирардик. Мен ҳовли бўйлаб отхонага хотиржам юриб борардим. Сайр қилиб келишга отимни эгарламоқчи эдим. Шу пайт ғаройиб воқеа юз берди: дарвозамизда шаҳарлик извошчи кўринди! Мен акамнинг оқарган юзини кўриб, ҳайрон туриб қолганим ҳалигача эсимда. Унинг юзи менга бир вақтнинг ўзида ҳам таниш, ҳам нотаниш, бегонадек кўринди...

Бу оқшом оиламизнинг энг бахтиёр кечаларидан бири эди. У яна уч йил давом этажак тинч-осуда, тўқ-фаровон ҳаётимиз ибтидоси эди. Уч йилдан сўнг эса оилавий ҳаётимиз якунига етади, парчаланиб кетади...

XVII

Ўша кўкламда мен ёшлик туйғуларига ғарқ бўлганча, Батуринога кириб келдим. Ёз бўйи эса Васильевскоедаги қайлиғиникига қилган сафарларида Николай акамга ҳамроҳ бўлдим, сайру саёҳатлар гаштини баҳам кўрдим: кечга яқин эркин чопаётган уч отли аравада қишлоқлар, жавдарзорлар оралаб бориш, олис қайинзорда сайраётган какку овозини тинглаш, ҳали ҳам ям-яшил турган гул ва гиёҳларни томоша қилиш, уфққа ёнбошлаган қуёш устида булутларнинг сарғиш-қизғиш товланишини кузатиш, қишлоқлар, кулбалар, боғлар, дарёлар, вино заводи, немис бошқарувчиникида кечки овқат учун қилинган жиз-бизнинг қоришиқ ҳидини туйиш нақадар ажойиб, ахир! Бошқарувчининг кичик қизлари бизлар учун аристонда чалган куйлар, деворларга осиб қўйилган Вестфалия манзаралари расми, вазаларга солинган қорамтир-қизил саллагул дасталари ҳам дилга ором бахш этар эди. Бу уйда бизни қуршаб олган немисча тавозе ва қувноқлик, қолаверса, ҳадемай оиламиз аъзосига айланувчи новча, озғин, хунуккина, аммо жуда истарали шу қиз билан қариндошлик туйғусининг кучайиб бораётгани ва унинг мен билан ҳалитданоқ “сен”сираб гаплашаётгани кўнглимни ийдириб юборарди.

Мен куёвжўра бўлолмасдим, шунингдек, ўз чекимга тушган куёвинилик ҳам энди ярашмай қўйганди. Шунга қарамай, мен ялтироқ мундир

ва оппоқ қўлқоп кийиб, атирлар сепиб, кўзларим чақнаб, келиннинг силлиқ пайпоқли оёғига оқ атлас туфлисини кийдириб қўйдим-да, иккита бақувват, қўнғир от қўшилган каретада у билан Знаменье қишлоғига жўнадим. Ҳар куни ёмғир қуяр, шунинг учун отлар лой сачратиб борарди. Ёмғирга бўккан жавдарлар кулранг-яшил бошоқларини йўлга эгиб турди. Кучли жала орасида қуёш аҳён-аҳён нур сочиб қўярди. Ёмғир ёғишини хайрли никоҳдан дарак деб билар эдик. Ёмғир томчиларидан олмосдай ялтираётган карета ойналари кўтариб қўйилган эди. Карета ичи тор бўлганидан келиннинг атир-упасини тўйиб ҳидлар, унинг қордай оппоқ, серҳашам либосидан кўзим яйрарди. Мен келинойимнинг йиғидан қизарган кўзларига тикилар, янги олтин жилдга жойлаган санамни қўлимда эпсиз ушлаб ўтирардим. Бу санамни келиннинг отаси хайрли дуолар билан унга тортиқ этганди... Никоҳ пайтида мен илк бор бу сирли маросимнинг ажиб сеҳрини ҳис қилдим. Никоҳ маросимлари, айниқса, қишлоқ черковларида гўзал ўтади. Черковда фақир қандил тантанавор ёқиб қўйилади. Қишлоқ руҳонийси дуоларни баланд овозда беўхшов ўқийди. Черковнинг очиқ эшикларидан кечки қора-кўкимтир осмон кўриниб туради. Эшик олдида завқ-шавққа тўлган қиз ва жувонлар тўдалашиб туради. Ёш келин-куёв билан уйимизга кириб келган янги, бахтли онлар Георгий акам қайтиши билан якун топди. Энди бутун оиламиз бир жойга тўпланиб, фаровон ҳаёт бошлаган эдик. Бундай шароитда гимназияга қайтишим ҳақидаги фикр менга мутлақо беъмани туюларди.

Кузда мен шаҳарга қайтдим-да, яна гимназияга қатнай бошладим. Лекин зўрға дарс тайёрлар, ўқитувчилар саволига жавоб бермасдим. Муаллимлар "Бошим зирқираб оғрияпти", деган баҳонамга заҳарханда билан, аммо мулойим қулоқ осар, менга ҳузурланиб "бир" баҳо қўярди. Мен вақт ўтказиш учун шаҳар ва Слобода бўйлаб тентираб юрар, Заречьеда бекатга келган поездларни кутиб олар ва кузатар эдим. Кетаётган ва келаётган йўловчиларнинг тўс-тўполонию югуриб-елишларига аралашиб юрардим. Бир арава юки билан ҳаяжонланганча, вагонга шоша-пиша чиқиб, ўрнашиб олган кишиларга ҳавасим келарди. Заррин укали мундирдаги девкомат швейцар залнинг ўртасига чиқиб олганча, йўғон, тантанавор овозда ҳар бир сўзни атай чўзиб, бироз пўписа ва жиддият билан қайси поезд қаёққа жўнашини эълон қилганда юрагим гўё уришдан тўхтаб қоларди... Мен Рождество байрамигача шу алфозда кун ўтказдим. Таътил эълон қилингани заҳоти ижара уйимга чопиб келдим-да, беш дақиқада кийим-бошларимни йиғиштирдим-у, Ростовцевлар ва Глебочка билан шоша-пиша хайрлашдим. Глебочка қишлоқдан отлар келишини кутиб ўтирарди. Мен бўлсам, Васильевское орқали поездда жўнамоқчи бўлдим. Жомадонни кўлга олдиму, кўчага отилиб чиқдим ва энг аввал дуч келган извошчининг муз қоплаган чанасига ўтирдим-да, шундай жиннича фикрни хаёлдан ўтказдим: "Бир умрга алвидо сенга, эй гимназия!" Қирчанғи от бор кучи билан тортиб кетди. Чана муз устида гоҳ у, гоҳ бу ёққа ташлаганча, сирпаниб борарди. Совуқ шамол шинелимнинг этагини тортқиларди. Шамол юзимга қорни учириб келиб урарди. Шаҳар даҳшатли қорбўрон зулматига тўлиб борарди. Менинг бўлса, кувончдан нафасим ичимга тиқиларди. Темир изни қор босгани сабаб вокзалда икки соат кутиб қолдим. Ниҳоят, кутиш соатлари ҳам

тугади... Оҳ, бу қор уюмлари. Россия, тун, қорбўрон ва темир йўл! Оппоқ қорга беланган поезд, иссиққина, қулайгина вагон бўлмаси, паровоз ўтхонасидан келаётган болғачалар тақ-туқи – бахт дегани мана шулар эмасми, ахир! Ташқарида эса аёз ва қорбўрон кутурарди. Сўнг қандайдир бекатда қўнғироқлар овози, чироқлар шуъласи, йўловчилар бақир-чақири диққатни тортди. Бекат қорбўрон ичида кўзга элас-элас ташланарди. Яна паровоз қичқириғи зулмат қўйнига, кенгликлар бағрига, йироқ-йирокларга, номаълумликлар қаърига сингиб кетади. Тағин ҳаракатга келаётган вагоннинг биринчи силкиниши сизни ҳам қалқитиб юборади. Вагоннинг аёзда олмосдек ялтираб музлаган деразаларидан ортда қолаётган платформа чироқлари лип-лип этиб кўзга ташланади. Яна ҳаммаёқ тун, дашт, бўрон, қулоққа шамол ғувуллаши эшитилади. Вагон бўлмаси эса осуда, иссиқ, кўк парда ортидан сал-пал фонус ёруғи тушиб туради. Поезд янада тез чопа бошлаши билан юмшоқ духоба диванни тебратиб, аллалагандек бўлади, мудраб бораётган кўзингиз қозиқдаги пўстин янада қаттиқроқ силкинаётганини илғайди.

Бизнинг бекат билан Васильевскоенинг ораси ўн чақиримча эди. Мен бекатга келгунимча қош қорайиб бўлганди. Ташқарида бўрон шу қадар кутурар эдики, оқибатда мен керосин чироқлар аччиқ ҳид таратганча, хира-шира ёниб турган вокзалда тунашга мажбур бўлдим. Вокзал эшиклари тунги сукунатда ҳар очилиб-ёпилганда қаттиқ тарақларди. Юк поезди кондукторлари қордан қочиб, уст-бошларига ўралиб, қўлларида тутаб ёнаётган қизил чироқ тутганча, эшикни дам очиб, дам ёпиб турарди. Шу манзара ҳам менга жуда мафтункор бўлиб кўринарди. Мен аёллар хонасидаги диванчада пўстинимга ўраниб, қаттиқ ухлаб қолибман, лекин тонгни сабрсизлик билан кутишим, қорбўроннинг қаттиқ уввос солиши ва кимларнингдир паровоз шовқини аралаш дағал сўзлашишидан уйғониб кетдим. Паровоз, мўрисидан тутун буркситаганча, дераза ортида турарди. Аввал кўзимни очдим, сўнг ирғиб турдим, қирмиз рангга беланган аёзли тун осудалиги ҳукм сурар, мен ўзимни худди шерларча кучли, тетик ҳис этардим.

Бир соатдан кейин мен Васильевскоеда, янги қариндошимиз Вигандниг иссиққина уйида қаҳва ичиб ўтирардим. Мени тотли бир уялиш ҳисси қамраб олганидан кўзларимни қаёққа қўйишни билмас эдим: қаҳвани Вигандниг ревеллик ёшгина жияни Анхен қуйиб узатарди...

XVIII

Батуринодаги кўрғонимиз бу гал қишда ҳар йилгидан гўзалроқ кўринарди. Ҳовлига кираверишдаги тош устунлар, чана из солган оппоқ қор остидаги ҳовли офтобнинг заиф нурида жимирлаганча, сукутга чўмиб ётарди. Бурунни зирқиратиб юборувчи совуқ ҳавони ошхонадан келаётган ширин ҳидлар тутарди. Ошхонадан уйга, уйдан эса ошхона, отхона ва ҳовлини гир қуршаган бошқа иморатларга излар ёйилиб кетганди. Қалин қор босган томлар оқлик ва жимликка чўмганча, пастқам бўлиб кўринарди. Боғдаги дарахтларнинг қизғиш-қорамтир тусдаги ялонғоч шохлари ҳам қорга бурканган бўлиб, улар уйнинг орқасида икки томондан кўриниб турарди. Ана, бизнинг юз йиллик қари арчамиз ўзининг ўткир қорамтир-яшил учларини уй томлари оша ложувард осмонга тираб

турибди. Томнинг икки мўрисидан тутун кўкка оҳиста ўрламоқда, икки мўри орасида арча қорли тоғ чўққисидек кўринарди... Зинапоянинг кунгай пештоқида икки заға бир-бирининг пинжига суқилиб, хушҳол ўтирибди. Бетиним чуғурловчи бу қушлар ҳозир сукут сақлаётир. Кичик чорси ромлар ойнасида офтоб нури ёқимли, қувноқ жилваланади. Офтоб шуъласидан қор юзида ҳам нурлар ўйини ҳосил бўлган. Зиналарда қотиб қолган қорни пиймангиз билан ғичирлатиб босганча, чап томондаги соябонли пиллапоя остидан юриб ўтгач, йиллар забтида қорайган оғир эман эшикни очасиз-у, қоп-қоронғи узун даҳлизга кирасиз... Деразаси остида баҳайбат, қўпол ёғоч яшик турадиган гумашталар хонаси ҳали ҳам совуқ, ғира-шира. Хона деразалари шимолга қараган, шунинг учун бу ерга кун тушмайди. Бироқ печкада ўт ёнаётганидан унинг мис қопқоғи чирсиллаб, ғувиллаб, титраб турибди. Ўнг қўлда яшаш хоналарига элтувчи коронғи йўлак, тўғрида эса залнинг қорамтир, баланд эман эшиги туради. Залга печка ёқилмайди, шу сабаб бу кенг хонага кирсангиз, этингиз увишади. Деворларда чорчўпга солинган портретлар сизга жим боққанча туради. Мана, бобом бошига жингалак парик кийиб олган ҳолда турибди. Буниси эса қизил қайирма ёқали мундир кийган, пачоқбурун император Павелнинг портрети. Залда яна бир тўп эски расмлар ва катта шамдонлар ҳам яхлаб турибди. Шамдонлар ҳозир ортиқча матоҳга айланган кичик буфетчага тиқиб қўйилган. Буфетнинг ойнаванд эшигидан ичига қараш болалик чоғимизда бизга сирли лаззат бахш этарди. Зал совуқ бўлса ҳам, лекин қуёш нуридан ёруғ эди. Силлиқ ва кенг пол тахталари сиртида пушти, қизил шуълалар ял-ял ёниб, жимир-жимир қилади. Деразанинг тепадаги кўзларига қўйилган рангли ойналар ана шундай аксланади. Чапдаги дераза ҳам шимолга қараган бўлиб, унга йўғон арғувоннинг қорамтир шохлари тирмашади. Эшикка бетма-бет кунгай деразадан эса қорга бурканган боғ кўринади. Ўртадаги деразани дароз арча қоплаган бўлиб, икки мўри орасидан ҳовлига мўралайдиган арча – ана шу! Дераза ортида унинг қор босган узун-узун "енг"лари қават-қават бўлиб осилиб туради... Арча қишнинг ойдин кечаларида нақадар гўзал кўринади! Залга кириб боқсангиз, бу ерда на шам бор, на мойчироқ, фақат деразадан ой мўралайди, холос. Бу хона бўм-бўш ва улуғвор бўлиб, сийрак тутун билан қоплангандек туйилади. Арча эса тиғиз игна барглари устидан қорнинг мотамона оқ либосини кийганча, дераза ортида қўр тўкиб туради. Унинг найзасимон ўткир учи тоза, тиниқ ва тубсиз осмон сари узанади. Ўша юксакликда эса Орион юлдуз туркуми гўё қулочини ёйгандек, оқ-кумуш ранг нур таратади. Ундан пастроқда, хира ёруғликда Сириус юлдузи ярқираб, титраб туради. Онам юлдузлар орасида айнан шу Сириусни кўпроқ суярди. Оҳ, мен залда шундай ой чанги оралаб, дераза панжарасининг полдаги узун соясини босганча, неча марта тентираб юрганман, қанча ёшлик хаёлларига берилганман! Мен шоир Державиннинг киборларча мағрур ушбу мисраларини қайта-қайта ёддан ўқирдим:

Тўқ зангори кўк бўйлаб
Сузарди олтинранг ой...
Ойнамдан тушиб, хонам
Ёритар сарғиш, шайдо:

Локланган полда шу дам
Зар ойна акси пайдо...

Мен шу уйда ўтказган илк қиш қалбимда уйғотган янги ҳислар ҳам ғоят гўзал эди. Бутун қишни гоҳ-гоҳ сайрларга чиқиб ва Георгий акам билан суҳбатлар қуриб ўтказдим. Акам билан суҳбатларим фикрим тез ўсишига туртки бўлди. Биз Васильевскоега, акамнинг қайнотасиникига ҳам тез-тез бориб турардик. Вақтимнинг яна бир қисмини эса Державин ва Пушкин даври шоирлари шеърларини ўқиш билан ўтказардим. Батуринодаги уйимизда китоблар деярли йўқ эди. Шу сабаб Васильевскоега, менга амакивачча бўлмиш опамнинг қўрғонига қатнайдиган бўлдим. Уларнинг ер-мулки Виганд бошқарувчилик қиладиган пошшоликка қарашли ер-мулк рўпарасидаги тепаликда жойлашган эди. Опам Писарев деган кишига узатилган бўлиб, биз кўп йиллар уларникига бормай қўйгандик. Сабаби – опамизнинг қайнотаси қария Писаревнинг феъл-атвори ўғлиникининг бутунлай тескариси эди. У ниҳоятда жиддий киши бўлганидан отам бу чол билан тезда жанжаллашиб қолган эди. Бу йил эса икки оила орасида яна борди-келди тикланди. Қария дорилфанодан дорилбақога рихлат қилди. Оқибатда мен қария Писарев умри бўйи йиққан кутубхонадан фойдаланиш имконига эга бўлдим. Кутубхонада кўплаб ажойиб қалин-қалин китоблар бўлиб, уларнинг жилди қорамтир-сариқ чармдан ясалган ва ҳошиясига зар юлдузчалар солинган эди. Бу – Сумароков, Анна Бунина, Державин, Батюшков, Жуковский, Веневитинов, Языков, Козлов, Баратинский... асарлари эди. Уларнинг романтик руҳдаги виньеткалари – китобнинг дастлабки ва охирги саҳифасига солинган гул-нақшлари: лира, кўза, ниқоб, гулдасталари, қолаверса, босма ҳарфлари, кўкиш шилдироқ қоғозлари ва уларга битилган сўзларнинг соф, мағрур гўзаллиги, мисраларнинг эса викор-ла тизилиб туриши жуда мафтункор эди! Мен шу жилдлар билан бирга илк ёшлик орзуларини бошдан кечирдим. Ўзим ҳам ижод қилишга бўлган кучли ташналикда ёндим. Шу ташналикни қондириш йўлида илк уринишлар қилдим. Хаёлот денгизига чўмиш лаззатини туйдим. Ўша хаёллар ниҳоятда мўъжизакор кучга эга эди. Агар мен: "Жангоҳ сари елиб келар навқирон куйчи" ёки "Тик қоядан шовқин солиб оқ, / Ҳеч ҳам тинма, эй оқсоч оқим" ёхуд "Таврида пойидаги кўм-кўк тўлқинлар ичра / Тонг чоғи кўриб қолдим Нереидани", деган мисраларни ўқисам, ўша заҳоти куйчини ҳам, оқимни ҳам, кўм-кўк тўлқинларни ҳам, денгиз тонгию яланғоч Нереидани ҳам яққол кўрар ва ҳис этар эдим. Ва беихтиёр куйлагим, ҳайқиргим, кулгим ва йиғлагим келиб кетарди... Ўша ғўрлик чоғларим, ўша хом машқларимга, не ажабки, бугун ҳайратланиб боқаман.

Илк бор севиб қолишим ҳам жуда ажойиб кечган эди. Бу севги шодлиги мени қиш бўйи тарк этмаганди. Анхен бор-йўғи оддийгина қиз эди, холос. Лекин гап фақат унинг ўзида эдими? Анхен яна жуда қувноқ, ширинсўз, меҳрибон эди. У самимий ва содда бўлгани учун менга: "Алёшенька, сиз менга жуда ёқасиз. Сизнинг ҳисларингиз қайноқ ва тоза!" деб очиқ айтиб қўя қоларди. Қизга илк бор кўз ташлаганимдаёқ дилимга ўт туташганди. У қишнинг тонгги офтоби қизғиш рангда ёритган Вигандниг ошхонасига ўзининг немисча ораста ёқимтойлиги, жимжимадор пушти кўйлаги ва бутун ёшлик латофати билан шаббодадек сирғалиб кириб,

поезд бекатидан суяк-суягигача совуқ еб келган мен – ёш меҳмонга қаҳва қуйиб узатгандаёқ қалбимда севги уйғонганди. Унинг муздек сувга чайилганидан совуққотган қўлини қисганимда юрагим бирдан ҳапқириб кетди ва ўз-ўзимга бундай хитоб қилдим: мана ўша сен излаган қиз! Мен Батуринога юрагим бахтга тўлган ҳолда кетдим: Рождествонинг иккинчи куни бизникига Вигандлар келишмоқчи эди. Мана, улар меҳмон бўлиб келишди. Улар бутун уйни немисча сершовқин қувноқликка, кулги-қаҳқаҳага, ҳазил-мутойибага ва фақат байрамлардагина бўладиган ўзгача кайфиятга кўмиб ташлашди. Қишлоқда қиш маҳали йўлда совуқ қотиб келган меҳмонлар даҳлизга муздек пўстин, этик ва пиймаларини ечиб улоқтиргач, ана шундай байрамона шодликни бошлаб юборишарди. Кечга яқин бошқа меҳмонлар ҳам келишди. Қари-қартангдан бошқа ҳамма маскарад либосларини кийиб, бирма-бир қўшни помешчикларни йўқлаб чиқарди. Ўша оқшом ким нимани хоҳласа, ўшани кийди. Кўпчилик деҳконча кийимларни эгнига илиб олди. Менинг сочимни обдон жингалак қилишди, юзимга оқ ва қизил упа суркашди, пўкак куяси билан мўйлов чизиб қўйишди. Охири ҳамма ўзини зинапоя томон отди. Зинапоя ёнида бир нечта чана шай турарди. Биз қўнғироқ садолари остида, қаҳ-қаҳ отган ва қий-чув кўтарганча, ҳовлидан янги қор узра чаналарда шитоб елиб чиқдик. Албатта, мен Анхен билан бир чанага ўтирдим... Ўша оқшомдаги қўнғироқлар садосини, қорли далада ўтган ажойиб тунни, қор баҳонасида ер ва осмон гўё туташиб кетганини қандай унутиб бўларди?! Олдинда аллақандай шуълалар ўзига имлаб чорларди. Улар тунги сирли маҳлукнинг кўзидек туюларди! Қорли даладаги оқшом ҳавосини, поча-пўстин ва юпқа этикдан ўтаётган совуқни, қиз боланинг илиқ қўлчаларидан илк бор тутган йигит юрагининг дуккиллашию қизнинг кўзлари ҳам бунга жавобан меҳр билан чарақлаб кетишини қандай унутиш мумкин?!

XIX

Сўнгра баҳор келди. Бу ҳаётимдаги энг ажойиб кўклам эди.

Ҳали ҳам эсимда: мен Оля билан унинг хонасида ўтирар, хонанинг деразаси ҳовлига қараган эди. Март, қуёш ғарбга оға бошлаган палла – чамаси соат бешлар эди. Шу пайт калта пўстинининг тугмаларини қадаганча, отам эшикдан ҳар доимгидек тетик ҳолда чиқиб келди. Унинг мўйлови энди оқариб қолган, лекин ҳамон ўзини дадил тутарди. Отам менга бундай деди:

– Васильевскоедан чопар келди. Писаревга бир бало бўлибди. Ҳозир ўша ёққа кетяпман. Мен билан бирга бормайсанми?

Қўққис Васильевскоега бориш бахти кулиб боққани, Анхенни яна бир бор кўриш имкони туғилганидан ўзимда йўқ суюнганча, ўрнимдан ирғиб турдим. Биз ўша заҳотиёқ Васильевскоега жўнадик. Писарев соппа-соғ, кувноқ кайфиятда юрар эди. Ўзига нима бўлганидан ҳайрон турар, сабабини тушунолмай гаранг эди. “Сен барибир камроқ ичгин”, – деди отам эртасига у билан даҳлизда хайрлаша туриб. “Ташвишланиб ўтиришга арзимайди”, – дея жавоб қайтарди Писарев лўлиларникига ўхшаш кўзлари чарақлаб. Бу пайтда у отамга калта пўстинини кийишга ёрдамлашарди. Мен уни ҳозиргидек аниқ кўриб турибман: Писарев

хушбичим, уятчан, қора соқолли бир киши бўлиб, эгнига ёнёқа қизил шойи кўйлак, қора енгил шалвар ва қизил шиппак кийиб олган эди. Биз бамайлихотир уйга қайтдик. Аммо тез орада ҳаммаёқни сув босди, у шу қадар шитоб ва асов эдики, Васильевское билан икки ҳафтача алоқа узилиб қолди. Пасханинг биринчи куни ҳаммаёқ куп-курук ҳолга қайтди. Бута ва гиёҳлар кўкара бошлади. Бутун оиламиз билан Васильевскоега бормоқчи бўлиб тарантасга ўтираётгандик, дарвозада от ва унинг ортидан қўшғилдиракли пойга арава кўринди. Аравада амакиваччамиз Пётр Петрович Арсеньев ўтирарди.

– Исо Масиҳ тирилди! – деди у ўзини хотиржам тутишга интилиб бизга яқинлашаркан. – Сизлар Васильевскоега кетяпсизларми? Жуда вақтида йўлга чиқибсизлар-да. Писарев Яратганга омонатини топширди. У бугун эрталаб уйқудан уйғонибди-да, синглисининг хонасига кирибди, сўнг креслога ўтирибди-ю, бирдан жон таслим қилибди...

Биз Писаревнинг уйига кириб борганимизда уни ювиб ва ўраб бўлишган эди. У майитнинг одатий ҳолатида ётар, ҳозиргина столга олинган эди. Бу манзара бир ғайритабиий жиҳати билан одамни ҳайратда қолдирарди. Писарев икки ҳафта илгари худди шу зал остонасида жилмайиб турарди. Ўшанда у ботаётган қуёш нурлари ва қўлидаги папирос тутунидан кўзларини қисганча боқарди. Ҳозир эса у кўзларини юмганча қимир этмай ётибди. Шу кунгача унинг кўкиш-қорамтир қовоқлари хаёлимдан кетмайди. У гўёки ҳали ҳам тириқдек ётар, қора сочи ҳўллаб силлиқ таралган, соқол-мўйловига намлаб тароқ урилган, янги камзул, охорланган кўйлак кийдирилиб, қора бўйинбоғ боғлаб қўйилган эди. Майитнинг белигача чойшаб тортилган бўлиб, чойшаб тагидан бир-бирига боғланган оёқ кафтлари бўртиб турарди. Мен майитга хотиржам ва бемаъно боқдим, ҳатто пешонаси ва қўлларини ушлаб ҳам кўрдим. Улар ҳали деярли совимаган эди... Кечга борганда эса унинг қиёфаси ўзгарди. Мен нима содир бўлганини тушундим ва илк ибодатга чақиришганда, залга ўзимни йўқотган ҳолатда кирдим. Зал деразасидан олис далалар узра аста ботаётган баҳорги қуёш нурлари қизариб кўринарди. Айни чоғда дарё бўйидаги серкўлка водийлар, намчил далалар, совуқ тупроқдан ғира-ширалик кўтарилиб келарди. Одамлар билан тўла қоронғи зал хушбўй тутатқи дудига тўлган эди. Шу дуд-тутун аро эса барчанинг қўлида шамлар тилларанг шуъла таратарди. Майитнинг теграсида узун черков шамлари қизариб, тутаб ёнар, улар ортида руҳонийларнинг: “Исо Масиҳ ўлиб, қайта тирилди”, – деган шод, беғам хитоблари ғалати тарзда бот-бот такрорланиб турарди. Мен гоҳ тутун аралаш, хира ёруғликда марҳумнинг шу бир кунда кўксига мотамона эгилиб, қорайиб қолган юзига термуламан. Гоҳ эса оломон орасидан ягона нажоткорим – Анхеннинг шам нурида қизариб кўринувчи жозибадор, маъсума чеҳрасини қидириб топаман.

Тунда мен касал одамдек нотинч ухладим. Ниҳоятда ёркин, аммо бетартиб тушлар кўриб чиқдим. Тушларимда бир тўда одам ҳадеб у ёқдан-бу ёққа ғимир-ғимир қилиб юрар ва бу нотинчлик қўрқинчли ва сирли бир тарзда ажал билан боғланиб кетарди. Баридан ҳам ваҳималиси, шу елиб-югуришлар майитнинг бесас буйруғи остида юз берарди. Одамлар бир-бири билан шоша-пиша маслаҳатлашар, стол, кресло, каравот, жавонларни таширди... Эрталаб зинапояга маст одамдай бошим

ганг бўлиб чиқдим. Тонг сокин, илиқ ва мусаффо эди. Офтоб қуп-қуруқ зиналарни, яшилликка кўмилиб бораётган ҳовлини, қуёш нурида ял-ял товланаётган боғни қиздира бошлаганди. Шу пайт атрофга кўз югуртирдиму ёнгинамда деворга тиккамачак суяб қўйилган янги тобут қопқоғини кўриб, қўрқиб кетдим. Мен бу ердан қочиб боққа кирдимда, унинг ҳали яланғоч, аммо ёруғ ва илиқ йўлкаларида кездим, акация остидаги скамейкага бориб ўтирдим... Сайроқи қушлар овози эшитилар, янгидан барг ёзаётган акациялар сарғиш тусга кириб борарди. Димоқни тупроқ ва майса ҳиди қитиқлайди. Ҳув қуйидаги эски қайинзор томонда, нозик мажнунтол ниҳоли кўкламги оч жигарранг тутунга беланган жойда гўнгқарға виқор билан тантанавор оҳангда сайрайди... Аммо бу овоз боғнинг ёввош сукунатини буза олмайди.

Эвоҳки, ҳамма ерда ўлим кезиб юради – мангу, ардоқли ва айни чоғда беҳуда ҳаёт билан қоришиқ ўлим! Нима учундир тўсатдан "Вильгельм Телл"нинг дебочаси ёдимга тушди. Мен бу ўлимдан аввал Шиллерни ўқиб юргандим. Тоғдаги кўлда бир баликчи куйлаганча, сузиб боради... Шу он қалбимда жуда олис ва ниҳоятда бахтли ўлкаларнинг таърифига тил ожиз бўлган ёқимли, қувноқ, эркин қўшиғи жаранглаб кетди...

Мен бутун кунни худди маст одамдек ўтказдим. Ҳар он ўзимни аранг тутиб турардим: қўни-қўшнилар келиб ва кетиб турар, марҳум ҳаққига дуо ва ибодатлар қилинар, ҳаммаёқ одамлар билан тўлиб кетганди. Қуёш нуридан ёп-ёруғ болалар хонасида эса ўлим нималигидан бехабар кичкинтойларнинг беғам ўйини давом этарди. Уларга тез-тез обидийда қилиб олаётган мотамсаро энага мулойимлик, аммо ҳардамхаёллик билан кўз-қулоқ бўлиб турарди...

Мана, яна оқшом кирди. Яна одамлар залга жамланиб, бир-бири билан пичирлашганча, янги ибодатни кута бошлади. Руҳонийларнинг залга кириб келиши, одамларнинг бирдан жимиб қолиши, бирин-кетин шамлар ёқилиши, руҳонийларнинг шу жимлик ва ғира-ширада кийиниши, сирли муқаддас ибодатга ҳозирлик кўриши, сўнг манқалнинг илк силкиниши, дастлабки дуо садоларининг янграши – буларнинг бари марҳум билан видолашувнинг ушбу сўнгги оқшомида менга бағоят пурмаъно туюларди. Шу боис мен бошимни кўтариб, олдинга қарашга ҳам ботинолмай турардим. Олдинда эса стол устига қўйилган серҳашам, дуҳоба тобут турар, унинг устига заррин ёпинғич ташланган, майитнинг кўкрагига тилла жилдли санам қўйилган, боши остига эса янги оқ ёстиқ солинган эди. Қоп-қора соқол қўйган, қобоқлари кўкимтир тус олган бу инсон кечки ғира-ширада мангу уйқуга чўмиб ётарди. Унинг қобоқларига қўйилган тангалар хушбўй тутатқилар дуди ва шамларнинг хира ёруғида титраб ялтирарди.

Кечаси мен билан Георгий акамга Писаревнинг совуқ кабинетига жой солиб беришди. Ҳали хушбўй тутатқилар ҳиди аримаган бўлса-да, лекин аллақачон бўшаб қолган залнинг эшиги зичлаб ёпилган, унда руҳоний шам ёруғида паст овоз билан минғиллаб дуо ўқир, унинг қироати залдан ташқарига чиқмас, уй тинчиб, сукунатга ғарқ бўлганди. Акам шамни ўчириб, уйқуга кетди. Мен бўлсам, уст-бошимни ҳам ечмай, кийимимда ётавердим. Бир пайт мизғиб кетдиму ўзимни яна залда кўриб, даҳшат ичида уйғониб кетдим. Мен ўрнимдан туриб ўтирдим-да, юрагим дуккиллаб урганча, зулмат қаърига термулдим ва шитир-шитир товушга

қулоқ тутдим. Чор тараф ваҳимали сукунатга чўмган эди. Фақат залдан паст овозда ғўнғиллаб дуо ўқилаётгани қулоққа чалинарди...

Мен базўр дивандан турдим-да, кабинет эшигини очиб, йўлакдан оёқ учида чопиб ўтдим ва сал-пал ёришиб турган зал эшигига қулоғимни тутдим:

– Худо – икки дунё подшоҳидир, унга буюклик хосдир. У чексиз қудратга эга, – дер эди эшик ортида руҳоний паст ва дағал овозда шошиб дуо ўқиганча. – Дарёлар қирғоғидан тошур, Эй Роббим, қутуриб дағдаға солур, кўкка тўлқинини сапчитур... Энг аввал сен ер ва осмонни яратдинг. Сенинг хоҳиш-ироданг шундай бўлди. Улар бир кун ҳалокат топур. Сен эса абадий қолурсан. Улар худди жанда каби эскириб кетурлар. Шунда уларни янгисига алмаштирурсан. Худо таолога беадад ҳамду санолар бўлсин! Яратган эгам бандаларидан рози бўлғай!

Ҳаяжондан кўзларимга ёш қалқиб кетди. Мен шошганча коронғи йўлакдан орқа даҳлизга қараб юрдим ва орқа зинадан ташқарига чиқдим. Уйни айланиб ўтиб, ҳовли ўртасида тўхтадим. Ҳаммаёқ тинч ва ажойиб эди. Эрта баҳордагина олам шунақа соф ва осуда бўлади. Ер музлаган, тошдек эди. Яйдоқ замин ва юлдузли осмон оралиғида нозик ва покиза бир ҳовур кумушдек товланиб турарди. Сукунатга чўмган йироқ-йироқдаги водий оралаб кўкламги дарё бир маромда бўғиқ гувиллаб оқарди. Мен қарама-қарши тарафдаги тепаликка кўз ташладим. Ўша ёқда Вигганднинг уйидан тунги чироқ шуъласи қизариб кўринди:

– Бу ўша қиз, у ҳалиям уйғоқ – деб ўйладим мен. "Дарёлар қирғоғидан тошур, қутуриб дағдаға солур, кўкка тўлқинини сапчитур", – деган сўзлар хаёлимдан ўтди. Шунда ўша чироқ шуъласи кўзларимга қалққан ёшда титраб кетди. Бу – бахтдан, севгидан, умиддан ва юрагим бутун оламга меҳр билан тўлиб-тошганидан қалққан кўзёши эди.

NASR



Андреа ҲЮТЧИНСОН

УЙГА ҚАЙТИШ

Ҳикоя

Инглиз тилидан
Дилдора ОТАҚУЛОВА
таржимаси

Иложсизлик

Ҳарминда олдин соатига, сўнгра ташқарида ҳаракатланаётган машиналарга бетоқат қараб қўйди. Аэропортгача ўн километр. Соат миллари 5:15 ни кўрсатиб турибди.

– Аэропортга бошқа яқинроқ йўл йўқми? – сўради Ҳарминда. – Самолётим ҳадемай учади.

– Рождествони уйда нишонлаш учун шошяпсизми? – жилмайганча сўради ҳайдовчи.

Машина салони арча безаклари билан тўлиб кетган эди. Рул ялтироқ яшил қоғоз билан ўралган, мўъжаз кўзгунинг остида эса меваси оқ, ўзи ям-яшил бута осилиб турарди.

– Ҳа, – жавоб берди Ҳарминда, аммо унинг овозида байрам кайфияти сезилмади.

Ҳарминда йиғлаб юбормаслик учун ташқарига разм солди. Эрталаб онаси билан телефонда сўзлашди. Қиз ота-онасини соғинган эди. Тўрт йил олдинги воқеа ҳозир унга ғирт аҳмоқлик бўлиб туюлди.

Ярим соатдан сўнг улар Гелвей аэропортига етиб келишди.

– Неча пул тўлашим керак? – сўради Ҳарминда.

– Ўн беш евро берсангиз бўлди, яхши қиз, – деди ҳайдовчи тиржайганча.

Ҳарминда унга йигирма евролик чекни узатдию, тезда машинадан тушди.

– Қайтимини унутдингиз, – унинг ортидан бақирди ҳайдовчи. Ҳарминда уни эшитмади, чунки аллақачон аэропорт ичига кириб кетганди.

Байрам арафаси эмасми, ичкари одамлар билан тўлган эди. Тиқилинч оломон орасидан амаллаб ўтиб, рейсини текшириш учун экранга яқинроқ бориб қаради.

– Қолдирилибди, – бўшашиб гапирди қиз ўзига ўзи. – Нотўғри ўқидим шекилли, – ўйлади у. – Ҳаммаси яхши бўлади, – ўзига-ўзи далда берди.

"247 Лондон – Станстед йўналиши бўйича учувчи рейс қолдирилди". Гелвей аэропортидаги барча рейслар ноқулай об-ҳаво туфайли бекор қилинган эди.

– Эртанги кун учун ҳам сотиб бўлинган. Ҳозир йилнинг энг тиғиз пайти, – деди кассадаги ходим чипта сўраб борган Ҳарминдага юзланиб.

– Бошқа аэропортларда-чи, масалан, Дублинда? – сўради Ҳарминда.

– Кечирасиз, иложи йўқ.

– Тушунишга ҳаракат қилинг, Лондонга шошилинч етиб боришим керак. Дадам қаттиқ бетоб, – йиғлагудек гапирди Ҳарминда.

– Сизни тушуниб турибман, жуда афсусдаман, – деди йигит хайрихоҳ оҳангда. – Истасангиз, ижарага машина олишингиз мумкин. Бу жуда узоқ саёҳат бўлса ҳам тезроқ кетишнинг ягона йўли!

Ҳарминда аэропорт ёнидаги машиналарни ижарага бериш жойига етиб келгач, у ердаги иккита аёлни кўриб, оз бўлса ҳам умид уйғонди.

– Кечирасиз, аммо бу охирги машина, – Ҳарминда эшитган биринчи гап шу бўлди.

– Бу ерга биринчи бўлиб мен етиб келдим, – деди новчадан келган малласоч аёл.

– Мени туртиб олдинга ўтиб кетганингиз учунгина биринчи бўлиб келдингиз. Уч кундан сўнг тўйим. Лондонга етиб боришим зарур, – деди унга жавобан йигирма ёшлардаги ирландиялик қиз.

– Мен жуда шошяпман. Киносиновим бор.

– Кечирасиз, – уларнинг гапини бўлди Ҳарминда, – битта машина бор холосми?

– Ҳа, фақат битта. У ҳам бўлса меники! – деди малласоч аёл такаббурона.

Ҳарминда маъюс тортиб турар экан, хаёлига туйқус келган фикрдан қувониб кетди.

– Сизлар ҳам Лондонга борсаларинг, машинани биргалашиб олсак ҳам бўлади. Галма-галдан ҳайдаймиз, ижара пулини бўлиб тўлаймиз.

Қизлар унга жим тикилиб қолишди.

"Мени аҳмоқ деб ўйлашса ҳам ҳозир бундан бошқа иложим йўқ", – ўйлади Ҳарминда. Унинг манзилга тезроқ етиб олиш ва дадасини кўришдан бошқа дарди йўқ эди.

– Агарда сиз кастингда қатнашишни, сиз эса тўйингизга кеч қолмасликни истасангиз, бу – энг мақбул йўл.

Ҳарминда асабий оҳангда гапирган бўлса ҳам аёллар рози бўлишди.

– Жаноб Флаҳерти хурсанд бўладиган бўлди, – ўйлади Крисси (Флаҳертининг ёрдамчиси) қизларга машинанинг калитини тутқазаркан. Қизлар машинага ўтириб кетишга ҳозирлик кўра бошладилар. Шу пайт – Крисси, Крисси, – дея уларнинг олдига югурганча бир эркак кела бошлади. Ҳаво совуқ, унинг юзи ғазабдан ва тез югурганидан қизариб кетганди.

– О, бу жаноб менинг бошлиғим-ку, – деди Крисси.

– Уларни тўхтат, Крисси…

– Нима?.. Ҳаммаси жойида жаноб. Улар ижара ҳақини тўладилар, – деди у жилмайганча машинанинг ортидан қўл силкиб.

– Бу машина аллақачон буюртма қилинган эди-ку? – бақирганча қолаверди Флаҳерти.

Крисси аэропортга кириб кетаркан, уч ишбилармоннинг Флаҳертига бақираётганини кўрмади.

– Қани менинг машинам, жаноб Флаҳерти? – сўради улардан бири. Унинг овози майин бўлса-да, кулранг кўзлари одамга жуда совуқ боқарди.

Колин Офлаҳерти атрофга олазарак боқаркан, муаммолар гирдобида қолганини ҳис қилиб, қўрқиб кетди.

Гелвейдан Дублинга

– Хавотирланма, етиб бораман, – деди ирланд қиз Шауна телефонда гаплашаркан.

– Қаллиғингми? – сўради Ҳарминда ундан суҳбат тугагач.

– Ҳа, – деди Шауна жилмайиб.

– Рождество куни никоҳдан ўтмоқчи экансизларда? Нақадар ажойиб, – ҳаваси келди Ҳарминданинг.

– Ҳа, Грейм жуда романтик, – шундай деганча у ҳамёнидаги расмни олиб қизга кўрсатди. Қиз уни бутун борлиғи билан севишини пайқаш қийин эмасди.

– Менга авлиё Валентин куни турмуш қуришни таклиф қилган.

– Жуда ишонарли, – деди Ванесса киноя билан.

– Ишинг бўлмасин, – деди Шауна унинг киноясини сезиб.

– Мен эса турмушга чиқмаяпман. Худога шукр, бу муаммо менинг бошимда эмас. Гелвейдан чиққанимизга икки соат бўлди. Сен эса Гевиннинг яхши инсонлигини айтиб, тугатолмаяпсан-а.

– Унинг исми Грейм.

– Гевинми, Грейммми, нима фарқи бор?! Тўйдан олти ой ўтгач, унинг кир кийимларини ювa бошласанг, бугунги романтикадан асар ҳам қолмайди.

– Нималар деяпсан, Ванесса? Ўзинг ҳеч кимни севмаганмисан? – ёқинқирамай сўради Ҳарминда.

Ванессанинг кўзлари олайиб кетди.

– Севги аҳмоқларнинг иши, – деди у паст овозда.

Шауна ўнг бармоғидаги олмос кўзли бежирим никоҳ узугини ушлаб, хафа бўлганини сездирмаслик учун ташқарига тикилди. Улар Грейм билан бир-бирларини жуда севишар ва Рождество куни черковда никоҳдан ўтмоқчи эдилар.

– Унга эътибор берма, – деди Ҳарминда.

Шауна Ҳарминдага кулиб қаради. У энди йигирма икки ёшга тўлган бўлсада, каттароқ кўринарди.

– Ва ниҳоят, – деди Шауна Дублин бандаргоҳининг белгисини кўраркан. Бироқ Ванесса билан тортишиб келаётган Ҳарминда белгига эътибор бермади. Шунинг учун машинани секинлатмади.

– Ҳарминда, бандаргоҳнинг чиқиш йўлагидан ҳозиргина ўтиб кетдик, – деди Шауна.

– Нима? Ишончинг комилми? – иккиланди Ҳарминда.

– Қойил! Бунинг ҳаммаси сен туфайли, – бақирди Ванесса Шаунага.

– Мен туфайли? Нега энди?

– Оббо, яна бошламанглар, қизлар. Кейинги чиқиш йўлагидан бурилиб, орқага қайтамиз.

Ўчакишкандек, олдиндаги машиналар секинлашиб, тўхташди.

– Шуниси етмай турувди, – дея асабийлашди Ванесса тиқилинчни кўриб.

– У ерга ҳеч қачон ўз вақтида етиб боролмаймиз.

Қизлар бандаргоҳга етиб келганларида кеч тушиб бўлганди. Бу вақтда на машиналар, на йўловчилар кўзга ташланарди. Фақат соқчининг ўзи турарди, холос.

– Ҳолифудга элтувчи кемага чиқиш тугамадими?– сўради Шауна соқчидан. У қўли билан сузиб кетаётган кемага ишора қилди.

– Вой! – дейишди қизлар бараварига.

– Кейинги кема эртага эрталаб етгидан ўн дақиқа ўтганда жўнайди, – деди соқчи.

– Барчаси сизларни деб бўлди, – бақирди Ванесса овозининг борича.

– Бас қил! – дейишди қизлар.

Улар чоққин меҳмонхонага етиб келгач, машинани гаражга қўйиб, юкхонадан сумкаларни олишди.

– Жомадонинг қолиб кетди, – деди Ҳарминда қора чармли, қимматбаҳо чемоданга ишора қиларкан.

– Бу менiки эмас, – деди Ванесса бепарволик билан.

– Оғиргина экан, – деди Ҳарминда кўтариб кўраркан. Бу сенiкими, Шауна?

– Йўқ.

– Менiки ҳам эмас, – деди Ҳарминда, – демак, аэропортдан жўнамасимиздан илгари у машинада бўлган. Кимдир уни унутиб қолдирган.

– Ичида нима бўлиши мумкин? – деди Ванесса кун давомида биринчи маротаба жилмайиб.

Бедор кеча

– Уни очмоқчиман, – деди Ванесса.

– Аммо, у бизники эмас-ку, – деди Ҳарминда. – Соат бир бўлди. Агар ухламасак, кемага яна кеч қоламиз. Бор, ухла!

Ванесса жомадондан узоқлашиб, ўрнига ётди-да, адёлга ўралиб олди.

– Биз уни ҳеч қанақасига очолмаймиз. Қулфланган, – деди Шауна жойига бориб ётаркан.

– Нега куляпсан? – Ҳарминда Ванессанинг кинояли кулишига эътибор берди.

Ванесса сочидан шпилкасини қўлига олди.

– Бундан бир иш чиқадими? – сўради Шауна.

– Фильмларда кўрмаганмисан? Қани, бўлақол, очилақол.

Ҳарминда адёлини бошигача тортиб олди. Ванесса шпилкани жомадоннинг тешигига тиқиб, очишга урина бошлади.

– Бу усул иш беришига ишонмайман.

Шауна сўзини охирига етказмасдан "шиқ" этган овоз чиқиб, жомадон очилди.

Ҳарминда қаддини ростлаб, ўтириб олди. Уларнинг қилаётган иши нотўғри эканлигини биларди, аммо жомадоннинг бир тарафи очилгач, унинг ичида нима борлигига қизиқди. Иккинчи қулф ҳам кўп куттирмай очилди. Жомадонга қараган қизларнинг кўзлари косасидан чиққудек бўлиб, оғизлари ланг очилиб қолди.

– Ичида нима бор экан? Менга ҳам кўрсатинглар-чи? – ўрнидан қўзғалди Ҳарминда.

Ванесса жомадонни унинг ёнига сурди. Жомадон ичида бир дунё пул бор эди.

– Бу ерда камида бир миллион евро бор, – деди ниҳоят Ҳарминда тилга кириб. Илгари у бунча кўп пулни кўрмаганди. Шу боис асабий тарзда кулди.

– Ҳозир бир иш қилмоқчиман.

– Нима қилмоқчисан? – сўради Ванесса Ҳарминданинг қўлидаги уяли телефонни кўргач.

– Милицияга қўнғироқ қиламан.

– Бундай қилолмайсан, – деди Ванесса қатъий оҳангда. – Бу пуллар менинг … бизнинг ҳаётимизни бутунлай ўзгартириб юбориши мумкинлигини наҳотки англамаяпсан?

– Аммо бу пуллар бизники эмас.

– Кимники эканлигини билмаймиз. На бирор исм, на белги бор. Шауна, унга тушунтирсанг-чи?

– Шауна, полицияга хабар беришимиз кераклигини билиб турибсан-а? – умидворлик билан унга тикилди Ҳарминда.

– Билмадим… Грейм иккимиз асал ойи сафарига чиқишни жуда хоҳлаймиз. Бу пулга эса истаган жойимизга боришимиз мумкин. Малдив, Кариб денгизи, Нью-Йорк, Сан-Франсиско. Ҳозир эса ота-онамнинг эски фургонида турибмиз.

Шауна Ҳарминданинг кўзларига боқди.

– Байрамни шу кунгача бирга нишонламаганимиз учун кечир, Ҳарминда.

– Дадам касал, дегандинг-ку, Ҳарминда, бунча пул билан даданги зўр шифокорларга кўрсатишинг мумкин. Шундай дея у Ҳарминданинг қўлидан тутди. Овози бирданига мулойим ва меҳрибон бўлиб қолганидан Ҳарминда унинг актрисалигини эслади.

Қўл телефони жиринглаб қолди. Ҳарминда телефон тугмачасини босиб, қулоғига тутди.

– Ойижон, дадамнинг аҳволлари яхшими?

Ўн дақиқа ўтгач, Ҳарминда суҳбатни якунлади.

– Нима бўлди? – сўради Шауна унинг кўзларидаги ёшни кўриб.

– Дадамнинг аҳволи оғирлашибди, – деди Ҳарминда ташвишли оҳангда. – Шифокорларнинг айтишларича, яшашига умид йўқ экан.

– Ундай бўлса, ҳозироқ касалхонага етиб боришинг керак, – деди Ванесса чемоданни ёпаркан. – Агарда ҳозир милицияга борсак, улар соатлаб сўроққа тутишади.

– Яхши, – рози бўлди Ҳарминда.

– Балки эрталабгача етиб боролмасмиз, – қўшимча қилди Ванесса.

– "Хўп" дедим-ку! – деди Ҳарминда. – Аммо... Лондонга етиб бориб, касалхонада дадамни кўрганимдан сўнг, биргалашиб милицияга борамиз. Шунга розимисизлар?

Шауна истамайгина бош ирғади. Ванесса эса "Ҳозир бироз ухлаб олмасак, кейинги кемага ҳам кеч қоламиз", – деганча ўрнига ётди.

Бу гал улар бандаргоҳга вақтидан анча олдин етиб келишди ва машинада ўтирганча кемани кута бошладилар. Қор ёғмаётган бўлса-да, ташқари совуқ эди. Ҳарминда орқадаги машина ҳайдовчисини кўриб ҳайрон бўлди. "Ғалати, – деди у, – ташқари қоронғу бўлишига қарамай кўзойнак тақиб олибди".

– Аҳволинг яхшими? – хавотирланди Шауна.

– Шунчаки совуқ қотдим, – жавоб қилди Ҳарминда. Аммо нима деяётганини ўзи ҳам билмасди.

Кемада

Кема жойидан қўзғолганда Шауна ва Ҳарминда Дублин осмони қизғиш тус олиб тонг отаётганини томоша қилаётгандилар.

– Ота-онангни охирги марта қачон кўргандинг? – қизиқди Шауна.

– Бундан тўрт йил олдин. Ўн саккиз ёшга кирганим муносабати билан ўтказилган кечада, – жавоб берди Ҳарминда ғамнок ҳолатда.

– Ўҳ-ҳў, тўрт йил узоқ муддат.

– Улар мени ўзим истамаган кишига турмушга бермоқчи бўлишди.

– Келишилган никоҳ, дегин, – деди Шауна.

– Ҳа, – жавоб берди Ҳарминда.

Бир муддат иккаласи ҳам жим қолишди.

– Ҳиндистон анъаналарига кўра, никоҳ бу аёл ва эркакнинг бирга яшаши, – суҳбатни давом эттирди Ҳарминда. – Бу нарса менинг оилам учун нақадар муҳимлигини билардим. Аммо Деклани учратгач, барчаси ўзгариб кетди. Ўшанда эндигина ўн етти ёшда бўлишимга қарамай ҳаётимнинг қолган қисмини у билан ўтказишни жуда хоҳлардим. У билан тўрт ой уйдагилардан яширинча гаплашиб юрдим. Ота-онамга бу ҳақда айтишга кўрқардим. Чунки улар рози-ризолик билан бўладиган никоҳ тарафдори эдилар. Бир куни улар менга муҳим бир янгиликни айтишди. Ўн саккиз ёшга тўлган кунимда мени бўлажак турмуш ўртоғим – ҳиндистонлик йигитга унаштиришмоқчи эканлар. Уларга ҳақиқатни айтишим кераклигини билардим. Оилада ёлғиз қизман, битта укам бор. Айтган гапларимдан дадам дарғазаб бўлди. Мен Декланга турмушга чиқишимни айтдим.

– Ҳозир ҳам у билан биргамисизлар?

– Ҳа, – жавоб берди Ҳарминда қорнини ушлаганча.

– Ҳомиладормисан ? – сўради Шауна кулиб.

– Ҳа, буни ўтган ҳафта билдим. Ҳали Декланга ҳам айтганимча йўқ. Бу янгиликни сен иккинчи бўлиб эшитяпсан.

– Ишонаманки, даданг бундан хабар топса, жуда қувонади.

– Билмадим.

Уч соат ўтгач, улар Англияга етиб келишди. Ҳарминда тезликни оширди, чунки Лондонга етиб олишлари учун яна олти соат йўл босишлари керак эди. Бир неча мил йўл юришгач, Ҳарминда Ванессанинг ортига ўгирилиб қараётганини пайқади.

– Мен … Ҳеч нима… Тез ҳайдаяпсан.

– Белгиланган тезликдан оширганим йўқ.

– Йўқ, бунинг сабаби бошқа… Мен ваҳима қилмоқчи эмасман, аммо кимдир бизни кузатяпти. Тўқ кўк рангли машина биз билан изма-из келяпти. Кемага чиққанимиздан буён бизни кузатмоқда.

Ҳарминда кўзгу орқали машинага қараркан, кўзойнакли эркакни кўриши биланоқ юраги тез ура бошлади. Улар тўсатдан огоҳлантириш мақсадида чалинган сигнални эшитишди. Ортларидан юк машинасининг тезлик билан келаётганини кўрдилар. Ҳарминда машина рулини ўнгга бурганча тормозни босди. Аммо юк машинаси анча яқин келиб қолган эди. Машинани бошқариш қийинлашди. Орқадаги машина йўл четига чиқиб кетди. Кимдир овозининг борича бақирди. Учаласи ҳам бирдан ортларига ўгирилишди-ю, юк машинасининг уларни кузатиб келаётган машина билан тўқнашиб кетганлигини кўришди.

Лондонга йўл

Сафарнинг қолган қисми осуда ўтди. Уч соатлик йўлни босиб ўтишгач, ёқилғи қуйиш шохобчасига келиб тўхтаганларида ҳали ҳам ўзларига келишмаган эди.

– Тоза ҳаводан нафас олмоқчиман, – деди Ванесса машинадан туша туриб. – Шауна, бирга борасанми?

Шауна "йўқ" дегандек бошини чайқади. Ванесса бир ўзи боришни истамади. Ҳарминдага юзланиб:

– Сен-чи? – деб сўради.

Машина баки ёқилғига тўлиши биланоқ йўлга тушишни хоҳлайман.

Ванесса нега бунчалик асабийлашаётганини тушунмаётганди. Кўзгудаги аксига боқаркан, дабдурустдан хандон отиб кулиб юборди. Ранги бир аҳволда, пардоз қилмаса ўттиз беш ёшдан ошгандек кўринарди. Бўлиб ўтган шунча воқеаларга қарамай у тирик…

Якин дўсти Бен уни ташлаб кетганда Ванесса йигирма беш ёшда эди. Ўша пайтлари у мусиқали театрда ўзини бутун мамлакатга машҳур қиладиган даражадаги ажойиб ролдан Бенни севган эди, лекин муҳаббатлари узоққа чўзилмади. Бен уни ташлаб кетди. Ванессанинг атрофида парвона бўлиб юрадиган ошиқлар талайгина, бироқ улар қизнинг қалбига жароҳат етказишларидан қўрқардилар. Токи бугунга қадар йўқотадиган нарсаси йўқлиги сабабли ҳеч нимадан ҳайиқмасди. Бугун бўлиб ўтган автоҳалокатдан сўнг барчаси тубдан ўзгарди. У яшашни хоҳларди, ўзгаришни ҳам. Нега Ҳарминданинг гапига қулоқ солмади? Дарҳол милицияга боришмади? Энди эса жуда кеч. Қаҳвахонага кириб, қаҳва буюрдилар. У ерда бир киши газета ўқиб ўтирганди. Ванесса санага разм солди. Йигирма иккинчи декабрь. Улар кечагина йўлга чиқишган бўлсалар ҳам анчадан буён йўл юришаётганга ўхшардилар. Деворга осиғлиқ телевизорда янгиликлар эфирга узатила бошланди: "Бугун эрталаб Гелвей аэропортидаги машиналар тўхташ жойидан эркак кишининг мурдаси топилди. Ўттиз уч ёшли марҳумнинг исми Колин Офлаҳерти бўлиб, Гелвей аэропортидаги машиналарни ижарага бериш уюшмасида бошқарувчи бўлиб ишлаган. У кўксига узилган ўқдан вафот этган. Милиция бу ишда гиёҳванд моддаси савдоси билан шуғулланувчиларнинг қўли бор, деб тахмин қилишмоқда".

– Жуда ачинарли ҳол, – деди официант, қаҳва солинган финжонни узата туриб. Шундагина Ванесса телевизорга тикилиб қараб қолганини пайқади. Унинг юзи докадек оқариб, тили калимага келмай қолди.

– Газеталар ҳам шу ҳақда ёзишаяпти. Қаранг – шундай деганча официант унга газета узатди. "Оилалик эркак гиёҳвандликдан қурбон бўлди. Ванесса Колиннинг уч ёшли ўғли билан бирга тушган суратини кўриб, қотиб қолди. Колин қўлида каттакон балиқни ушлаганча қайиқда ўғли билан ёнма-ён турарди. Юз-кўзидан бахтиёр эканлигини англаш қийин эмасди. Ванессанинг ҳуши бошидан учди. Телевизорга ўгирилиб қаради-ю, ёшроқ бир аёлнинг йиғлаётганини ва телевизор четидаги "Майре Офлаҳерти хоним, жаноб Офлаҳертининг хотини", "Кимдир болам ҳақида бирор нима билса, мен билан боғлансин, илтимос" деган ёзувга кўзи тушди.

Ванессанинг бардоши етмади, чап қўлида газета ушлаганча қаҳвахонадан отилиб чиқди.

Шифохонада

– Боравер, биз сени шу ерда кутиб турамиз, – деди Шауна.

– Улар келиб қолишса-чи?

– Воқеани ўз кўзинг билан кўрдинг-ку. Ҳозирча ҳаммаёқ тинч, – уни юпатди Ванесса.

Ҳарминда шифохона биносига бир қараб олгач, чуқур нафас олди-да, машинадан тушди.

– Тезда қайтаман, бу телефон рақамим, зарур бўлса, қўнғироқ қиларсизлар. У телефон рақамини ёзиб, Шаунага тутқазди. Ичкарига киргач, лифтда тўққизинчи қаватга кўтарилди-да, эшиклар очилиши билан уни кутиб турган укасига кўзи тушди. "Анча улғайибди", хаёлидан ўтказди у. Энди у илгариги ёш бола эмас. Охирги кўрганида укаси тўққиз ёшда эди. Ҳозир қаршисида ўн учга ёшга тўлган, бўйи ҳам Ҳарминданикидан баланд ўспирин турарди. Укасидан кўп нарсаларни сўрашни хоҳларди-ю, аммо ёлғиз исмини айта олди, холос:

– Париндра!

– У бу ерда нима қиляпти? – отасининг овози уларни тўхтатди. Касали оғир бўлишига қарамай, отасининг овозидаги қатъийлик ва ўктамлик ўша-ўша.

– Мина? Унинг келишини сен хоҳлаганмидинг?

Ҳарминданинг онаси Мина қизил рангли шойи сарида янада кўркам кўринарди. Қизини кўргач, онанинг кўзларидан севинч ёшлари думалади.

– Дада, дадажон, Сизни жуда соғиндим! – дадасининг ёнига югуриб борди Ҳарминда. Отасининг юзи рангпар, озиб, нимжон бўлиб қолган бўлса ҳам кўзларидаги ғазаб тўрт йил аввалгидек акс этиб турарди.

– Сени кўришни хоҳламайман. Қарорингни аллақачон қабул қилиб бўлгансан. Илтимос, кет!

Ҳарминда дадасининг қўлидан маҳкам ушлади, бироқ отаси кўзларини юмганча, бошини тескари томонга терс буриб олди.

– Ирландиядан тўрт йил деганда келдим-ку! Дадажон, илтимос, мени кечиринг…

Шифокорлар дадасини операция хонасига аравачада олиб кетишаётганда ҳам шу сўзларни такрорларди. Мина ва Париндра унинг ортидан кетишди.

– Сизни яхши кўраман, дадажон! – деди Ҳарминда улар кўздан узоқлашгач.

Узун йўлакда Ҳарминданинг ёлғиз ўзи қолди. Курсига ўтирди-ю, қўллари билан бошини ушлаганча йиғлаб юборди. Бу учрашувни бутунлай бошқача тасаввур қилганди. Умиди пучга чиқди. Отаси нега уни тушунишни хоҳламади? Ахир шу тўрт йил мобайнида бир лаҳза бўлса-да, уларни озмунча ўйладими? Айби Декланни севиб қолганими? Ҳарминда ҳозир отасига, унинг меҳрига муҳтож. Йиғлайвериб чарчагач, у ўрнидан турди. Шауна ва Ванесса билан биргаликда милицияга боришга қарор қилди.

– Тез орада яна қайтиб келаман ва кечирмагунингизча ҳеч қаерга кетмайман, – дерди у йиғлаб.

Ҳарминда Машина ёнига яқинлашди-ю, Ванессса билан Шаунанинг йўқлигини, уларга қўшилиб жомадоннинг ҳам ғойиб бўлганлигини кўриб, ҳайратдан донг қотди.

Хавфли пуллар

Ванесса ва Шауна қўллари орқага боғланганча жиноятчилар машинасининг юкхонасида кетишаётганди. Улар қонунбузарларнинг суҳбатини эшитиб, қўрқиб кетишди.

– Улушингни нима қилмоқчисан, Стив?

– Саёҳатга бормоқчиман, бирор иссиқроқ жойга. Ўзинг-чи?

Ванесса ҳар иккисига нафрат билан тикилди. Колиннинг уч ёшли ўғли сира хаёлидан кетмаётганди.

Улар машинада Ҳарминдани кутиб ўтиришган пайт икки йигит келиб, Кингскрос станциясига борадиган йўлни сўрашди. Шауна уларга энг яқин йўлни тасвирлаб бераётганида улар қўққисдан қизларни ўз машинасига куч ишлатиб ўтқазишди. Уларга жомадон керак эди.

– Юк машинаси ва оддий кийимдаги милиционерлар машинаси ўртасидаги тўқнашувни кўрдингизми? – сўради Стив кулиб.

Шауна ва Ванесса ҳақиқатни англаб етгач, бир-бирларига кўзларини катта-катта очганча қараб қолишди.

– Ҳалокатга учраганларни биз деб ўйлашаётганлари жуда зўр бўлди-да, – кулди ҳайдовчи. Шу пайт унинг телефони жиринглаб қолди.

– Лаббай, хўжайин?… Хўп… Шарқий Лондондаги эски бино. Тушундим. Албатта, пул бизда… Аҳмоқ эмасмиз… Икки хоним ҳам… Йўқ, фақат иккита. Нима? Яна биттаси борми? Орқага қайтиб, уни олиб келасан?

Шундагина Ванесса нима қилиши кераклигини тушуниб етди. Минг азоб билан пальтоси чўнтагидан телефонини олди-да, Ҳарминдага хат ёза бошлади: "Ҳаётинг хавф остида. Икки киши бизни шарқий Лондондаги эски бир бинога олиб кетишяпти. Эҳтиёт бўл! Биттаси олдингга бормоқчи. Милицияга хабар бер. Ш. ва В."

Шу қисқагина хабарни ёзиш учун кўп вақт кетгандек туюлди унга. У Ҳарминданинг телефон рақами ёзилган қоғозни олиб, рақамларни тера бошлади: 3547812330. Ана энди жўнатиш тугмачасини босиш қолди, холос. Шундай қилса, Ҳарминдага ёрдам берган бўларди.

– Ҳой! Нима қиляпсан?! Бу ёққа бер, телефонингни, – ўшқирди Стив унинг қўлидаги телефонга ёпишиб. Ванесса жўнатиш тугмачасини босишга уринарди.

– Тегма унга! – қичқирди Шауна Ванессага кўмаклашиш мақсадида Стивнинг қўлидан тортаркан.

Рулни бошқараётгани ҳайдовчи ортга ўгирилгани учун машинани бошқаролмай қолди. Стив қўлига олган тўппончасини Шауна туртиб юборди ва қурол Стивнинг қўлидан тушиб кетди.

– Аҳмоқ аёл! – қичқирди Стив ва оёқлари остидан қуролни қидира бошлади.

Узоқдан милиция машиналарининг сигнали эшитилди. Йўлга қараган Стив машиналар уларнинг олдидан кесиб чиқиб, йўлни тўсганлигини кўришди. Ҳайдовчи тезда тормозни босиб, машинани қийинчилик билан тўхтатди. Ҳаётлари хавф остида эканлигини англаган Шауна қўрқувдан дир-дир титрарди. Машина мувозанатини йўқотиб, бир тарафга оғиб кетди. Ванесса қичқириб юборди. Шауна нафасини ичига ютиб, қалтирарди, бироқ улар кутган тўқнашув содир бўлмади. Машинанинг тўхтаганига

тўла ишонч ҳосил қилгач, кўзларини аста очдилар. Улар ўтирган машина милиция машинасига урилишига бир баҳя қолганда тўхтаган эди.

Милиция ходимлари машина атрофини қуршаб олишди. Шауна енгил тин олди.

Харминда ёлғиз

"Операциядан аввал дадангга ғамхўрлик қил" деб мени ахмоқ қилиб кетишди. Уларга ишониб ўтирибман-а. Улар мени эмас, пулни олиб, тезроқ жуфтакни ростлашни ўйлашган. Ванесса милицияга боришни хоҳламаслигини очиқчасига айтганди, лекин Шауна... У мен билан дўстлашиб қолгандек эди гўё". Харминданинг хаёлидан шу фикрларни ўтказиб ўтади. Балки улар тамадди қилиб олгани кетишгандир. Бу ҳақиқатдан анча йироқ. Ванесса Шаунага асал ойини қаерда ўтказишни маслаҳат берган ва улар пулни тенг бўлиб олганлар. Ванесса ҳар қандай кишини ҳам бемалол ийдира олади, у моҳир актриса.

– Кечирасиз, – мулойим оҳангда айтилган бу сўздан Харминда чўчиб тушди.

– Узр, сизни қўрқитиб юбордим, шекилли.

Харминда чап қўли гипс қилинган киши унга қараб жилмайиб турганлигини кўрди.

– Қулоғим сизда!

– Кинсгкросга қандай етиб олсам бўлади? Бу ерга тез ёрдам машинасида келдим. Лондоннинг бу томонларини яхши билмайман. Уйга қандай етиб олишимни ҳам билолмаяпман.

– Тўғрисини айтсам, бу ерлар менга ҳам нотаниш, бироқ машинада харита бўлиши керак, – деди Харминда.

У машинанинг эшигини очмоқчи бўлиб турган пайтда телефонига хабар келганини билдирувчи мусиқа янгради. Чўнтагидан телефонини олиб, хатни ўқий бошлади: "Ҳаётинг хавф остида..."

Бўлиши мумкин эмас, бундай воқеалар фақат фильмларда бўлади. Менга ўхшаган оддий одамлар билан эмас. У хабарни иккинчи марта ўқиди.

Дераза ойнаси орқали нотаниш кишининг аксини кўриб, қўрқиб кетди. Кўзларига ишонолмасди, нафаси ичига тушиб кетди. Нотаниш киши қўлидаги сохта гипсни ечиб, тўппонча ўқталиб турарди.

Дийдорлашув

– Бир дақиқа, – деди у жиноятчининг эътиборини тортмаслик учун. Ёрдамга чақирай деса, яқин атрофда ҳеч зоғ йўқ. Машина ойнасидан йигитнинг тўппонча ўқталиб турганини кўрган Харминда ўгирилиб, бор кучи билан уни ура кетди. Йигит гурсиллаб ерга йиқилди, қўлидаги тўппонча машинанинг тагига учиб тушди. Вазиятдан фойдаланган Харминда 999 – фавқулодда ҳолатлар хизматига қўнғироқ қилди.

Икки сония унга худди йилдек узун туюлди. Фавқулодда ҳолатлар хизматидан аёл кишининг: "Қайси хизмат турига мухтожсиз? Милиция, тез ёрдам ёки ўт ўчиришгами?" – деган овози янгради.

Харминда йиғлаганча:

– Милиция, илтимос… Қуролланган бир киши менга таҳдид қиляпти. Лондондаги қиролича Елизаветта шифохонаси ёнидаман.

У яна гапирмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган ҳам эдики, бошига келиб тушган зарбнинг оғриғидан кўз олди қоронғилашди... Кўзини очган Ҳарминда ёруғликни кўргач, ўлдим шекилли, деб ўйлади. Шу пайт кимдир унинг қўлини ушлади ва онасининг меҳрибонларча исмини айтиб чақирганини эшитди. Ҳарминда кўзини каттароқ очиб, онасини аниқ-тиниқ кўрди.

– Ойижон!

– Ҳаммаси жойида, қизалоғим…

– Нима бўлди? Қаердаман?

– Яраландинг, лекин ҳозир яхшисан, касалхонадасан.

– Болам-чи? – Ҳарминданинг вужудини қўрқув эгаллади.

– Боланг ҳам яхши, соппа-соғ, – онасининг кўзлари бу сафар севинчдан ёшланди, – Буви бўларканман! – деди қувониб.

Ҳарминда хонага синчиклаб разм солди ва Париндра, Шауна, Ванессанинг ҳам шу ерда эканликларини кўрди. Дадаси ва Декландан бошқа ҳамма шу ерда эди.

– Бугун нечанчи сана? – сўради Ҳарминда.

– Йигирма тўртинчи декабрь.

– Турмушга чиқишинг керакмасмиди? Киносинов нима бўлди, Ванесса?

– Синовдан ўтдим! Хавфли жиноятчилар ҳаётидан ҳикоя қилувчи фильм экан. Суратга олиш ишлари келгуси ҳафтада Францияда бошланаркан.

– Менинг тўйим, – Шауна соатига қаради-ю, ҳаяжонланганча гапида давом этди, – уч соатдан сўнг бошланади… Ҳозироқ боришим керак. Ойим келинлик либосимни олиб, кутиб ўтирибдилар, аммо сени кўрмай кетолмадим.

– Аҳволинг яхшилигига ишонч ҳосил қилмай туриб кетолмасдик, – қўшимча қилди Ванесса.

Ҳарминда жавобини билишни истайдиган биттагина савол қолган эди, бироқ сўрашга юраги дов бермаётганди.

– Дадамнинг операцияси яхши ўтдими? – юрак ютиб сўради у.

Шу пайт хона эшиги очилиб, Ҳарминданинг дадаси ва Деклан кириб келишди.

– Умид қиламанки, бу ёш жаноб машинани аравачага қараганда яхшироқ ҳайдайди. Деклан аравачани Ҳарминда ётган каравот ёнига яқинроқ келтириб тўхтатаркан: “Сени севаман” – дея шивирлаб хотинининг лабидан бўса олди.

– Ҳарминда! – деди дадаси қизининг қўлини кафтлари орасига олганча, – жароҳатланиб, беҳуш ётганингда шуни ўйладимки, мен учун бу дунёда сенинг бахтингдан муҳимроқ нарса йўқ экан. Агар Деклан, – у Декланнинг қўлидан тутди – сени севса ва бахтли қила олса, бахтим шу, қизим!

– Бахтлимисан? – сўради дадаси қизининг кўзлари ёшга тўлганини кўриб.

– Ҳа, – қувониб жавоб берди Ҳарминда паст овозда, – оилам… Оиламиз яна бирлашди. Беҳад шодман!

NASR



Михаил БУЛГАКОВ

(1891–1940)

ХОН АЛАНГАСИ

Ҳикоя

Рус тилидан
Дилором АБДУРАҲМОН
таржимаси

Қуёш Орешнев қарағайлари орқасига ўтиб ботаётган маҳалда, Қайғу Худоси Аполлон саройининг олд томонидан соя тарафга ўтиб олди. Шу пайт музей назоратчиси Татьяна Михайловнанинг ҳужрасидан фаррош Дунька югурганча келиб:

– Иона Васильич! Ҳой Иона Васильич! Юра қолинг тезроқ, сизни Татьяна Михайловна сўраяпти, бугунги саёҳат ҳақида нимадир тайинламоқчи. Унинг жағи шишиб кетган, афтидан тоби қочиб қолганга ўхшайди! – дея, баланд овозда қичқирди.

Ёноқлари пушти ранг Дунька зудлик билан ортга қайрилиб, елдек югураркан, юбкасининг кенг этаги қўнғироқдек айланиб, яланг болдирлари кўриниб кетди.

Мункиллаб қолган кекса хизматчи чол Иона қўлидаги супургини четга ирғитиб, ёндирилган қуюқ бурганлар кулининг ёнига қараб туфлади-да, отхона тарафдан ўтиб Татьяна Михайловна томонга йўл олди.

Назоратчи ҳужрасининг дарчаси ёпиқ турар, даҳлизда эса аллақачон йод ва камфара ёғининг ҳиди анқиб кетган эди. Иона нимқоронғулик ичра оҳиста ингранаётган овозни эшитди. Ғира-ширада кроват устида Мумка лақабли мушукнинг оппоқ қуённикига ўхшаш катта қулоқлари ва ғамгин боқиб турган кўзлари элас-элас кўзга ташланди.

– Тишингми? – ачиниб, ишора билан сўради Иона.

– Ти-шиим... – хўрсинди оппоқойим.

– Ў... ў... ў... мана сенга керак бўлса, – дея, ҳамдардлик билдирди Иона, – қандай азоб! Дамо-дам Цезарь ҳам тинмай увлагани, увлаган... Мен уни, тентак, куппа-кундузи нега мунча ув тортасан? Ахир ҳеч ким ўлаётгани йўқ-ку. Ўчир овозингни, ҳе, ўз бошингни егур, деб уришдим. Сен эса тишинг оғриётган томондаги жағингнинг устига товуқнинг гўнгини бос, оғриғи бир пасда тинади, қолади.

– Иона... Иона Васильич, – оҳиста сўзлади Татьяна Михайловна, – бугун чоршанба, музейга одамлар келадиган кун. Мен эса чиқолмайман. Бу

азобни қаранг. Энди саёҳатчиларни ўзингиз бир амаллаб сайр қилдирасиз. Уларга ҳамма нарсани кўрсатинг. Мен сизга ёрдамга Дунькани ҳамроҳ қилиб юбораман.

– Ҳа, майли... Ҳар иш Худодан. Жўната қол. Ўзимиз қараймиз, амаллаймиз, асосийси, доимгидек жомларга эҳтиёт бўламиз. Ҳар хил одам келиб кетади-да... Ким билади дейсан, борди-ю, қайси бирови олиб, чўнтагига солиб кетса, бунинг ҳеч қийин жойи йўқ... Шунда уларнинг ном-нишонини ҳам тополмайсан. Аммо кейин ким жавоб беради? Биз, албатта. Картиналардан қўрқмайман, уларни, чўнтакка солиб, яшириб бўлмайди. Тўғри айтаяпманми?

– Дуняша сиз билан изма-из юради, ортингиздан кўз узмай, диққат билан кузатиб, эҳтиёт бўлади. Мабода, улар мени сўраб қолишса, кузатувчи бетоб бўлиб қолди, деб айтинг.

– Хўп, хўп. Сен эса, – дея, жағини кўрсатиб, гўнгга ишора қилди чол. – Докторлар – улар ҳозир жағни осонгина кесиб, тишни суғуриб олади. Бир пайтлар Федор Орешневский деганининг ҳам жағини худди шундай кесиб, тишини суғуриб олишувди, натижа нима бўлди, у киши ўлиб қолди. Бу анча йиллар илгари бўлган воқеа. Ўшанда унинг ҳам ҳовлисида кучуги роса увлаганди.

Татьяна Михайловна бир инграб, деди:

– Боринг, борақолинг, Иона Васильич, саёҳатчиларнинг қай бирлари аллақачон келиб ҳам улгургандир...

Иона оқ плакатли оғир чугун дарчани очиб қўйди, унда шундай ёзувлар бор эди:

ХОН ҚАРОРГОҲИ МУЗЕЙ-ҚЎРҒОНЧАСИ

Музейни кўриш чоршанба, жума ва якшанба кунлари соат 6 дан кеч 8 гача.

Соат 6 яримда Москвадан шаҳар атрофига қатнайдиган поездда саёҳатчиларнинг биринчи гуруҳи етиб келди. Улар йигирма кишидан иборат хушчақчақ ёшлар эди. Сайёҳлар орасида мош ранг кўйлак кийган ўсмирлар ҳамда оқ матросча, йўл-йўл олачипор кофта кийган бошяланг қизлар бор эди. Улар яланг оёқларига сандал кийиб олишган, қай бирлари уриниб қолган қора туфлиларда, ёшроқлари эса учи тўмтоқ баланд этикда эди.

Аммо, улар орасида ёши анча катта, кирқларни қоралаб қолган бир одамнинг ҳам юргани Ионани ҳайрон қолдирди. Агар унинг "1-ҳақиқий билим юрти" деган ёзуви бор тамғали қайиши билан белига тортиб боғланган, тиззасини ҳам ёпмаган оч кофе ранг калта иштони ҳамда бурнининг устидаги нопармонга мойил илгичли кўзойнагини айтмаганда, у кип-яланғоч эди. Унинг хиёл букчайган елкасини жигарранг тошма босган, оёқлари эса икки хил – ўнг оёғи чапига қараганда йўғон бўлиб, ҳар иккисида қон томирлари бўртиб турибди. Йигит-қизлар бу яланғоч кишининг поездда улар билан бирга келиб, қўрғонча музейни томоша қилаётганини гўё пайқамаётгандек бўлсалар-да, бу ҳолат кекса, ғамгин Ионани ҳайратга солиб, ажаблантирди.

Яланғоч кимса қизлар орасига тушиб олиб, бошини қашиганча дарвоза томондан саройга қараб келаётганди. Унинг мўйловининг бир учи буралганга ўхшар, соқоли худди ўқимишли одамларникидек қиртишлаб олинганди. Ёшлар Ионанинг атрофини ўраб олиб, кушларга ўхшаб чуғурлашиб, тинимсиз кулаётгани чолни бутунлай шошириб, адаштириб қўяёзди ва у асабийлаша бошлади. Жомлар ҳақидаги миясига келган хаёллардан ташвишланиб, қайта-қайта Дунькага яланғочни кўрсатиб ишора қилди. Дунька эса яланғочнинг ҳар хил оёқларини кўриб, ёноқлари ёрилиб кетай деб, кулгидан ўзини аранг тутиб турарди. Шу дам, бу ҳам етмагандай қаёқдандир Цезарь пайдо бўлиб, бошқаларни ҳеч қандай қаршиликсиз ўтказиб юбориб, яланғочга қараб ўзгача ириллаганча, қари кўппакларга хос қаҳр билан йўтал аралаш хура кетди. Сўнгра аянчли, ғамгин товушда увлай бошлади.

"Туф-ей, лаънати, – боши гангиб, дарғазаб бўлган Иона чақирилмаган меҳмонга қараб хаёлга толди, – сени бу ерга қайси шайтон ҳайдаб келди ўзи? Сен-чи, Цезарь, нега бунча увламасанг? Мабодо кимнингдир ўлимини йўқлаётган бўлсанг, шу... яланғоч ўла қолсин".

Шундай қилиб, Цезарнинг қовурғасига калитлар шодаси билан туширишга тўғри келди, чунки тўданинг орқасидан изма-из беш нафар хушхулқ, яхши саёҳатчи келаётган эди. Яланғочни кўриб уларнинг орасидаги тўладан келган аёлнинг юзи ғазабдан қизариб кетди. Узун сочлари ўрилган ўсмир қизалоқ ҳам у билан бирга юрарди. Яна бир чиройли аёлнинг ёнида новча, соч-соқоли тарашланган жаноб ва тилла кўзойнакли, кенг, ёркин рангли пальто кийиб, қўлига ҳасса ушлаб олган бадавлат, ажнабий қария ҳам бор эди. Цезарь яланғочдан сўнг шу саёҳатчиларга қараб ташлана кетди ва ғазаб ичра қари, ўтмас кўзлари билан аввал аёлнинг яшил соябонига қараб, сўнгра ажнабий қарияга қараб хура бошлади. Шунда кекса жанобнинг ранги оқариб, орқага тисарилди ва ҳеч ким тушунмайдиган ажнабийча тилда бир нималар деб тўнғиллади.

Иона Цезарнинг бу қилиғига чидаб туролмай, уни яна "сийлашга" мажбур бўлди, бунга жавобан кучук ўша заҳоти ҳуришдан тўхтаб, ғиншиганча кўздан йўқолди.

* * *

– Оёқларингизни пойандозга артиб киринг, – деди Иона ва ҳар гал саройга кираётган чоғидаги каби унинг юзи жиддий, тантанавор тус олди. Дунькага қараб шивирлади: "Дунь, кузатишдан чалғима..." – ва кираверишдаги айвоннинг ойнаванд эшигини оғир калит билан очди. Ичкарида оқ мармардан ишланган ҳайкалчалар меҳмонларга таъзим бажо айлаб панжарадан боқиб туришарди.

Улар тўқ қизил рангли гиламлар тўшалиб, олтин сим билан таранг тортиб қўйилган зинапоя орқали кўтарила бошладилар. Яланғоч ҳаммадан олдинда, Ионанинг ёнида, яланг оёқлари билан момиқ зина бўйлаб мағрур қадам ташлаб борарди.

Устунлар орқасидаги катта, кенг дераза ойнаси узра оҳиста тушаётган кечки ёруғлик юмшоқ, нафис оқ пардалардан ичкарига сизиб турарди. Сайёҳлар юқоридаги майдончада туриб, ўгирилиб, зинанинг босиб ўтилган, ўпирилган жойини ва оқ мармар ҳайкалчалари бўлган панжа-

рани томоша қилишди. Қора полотноли портретларни, узилиб кетай деб турган нафис ипли ўйма қандилни ҳам томоша қилишди. Бу пайт тепадаги, гўё қайларгадир баландлаб учиб кетаётган амурлар – яъни, камалак билан қуролланган қанотли бола қиёфасидаги муҳаббат мабудлари пушти рангга кирган эди.

– Верочка, қара, қара, – дея шивирлади тўладан келган она, – яхши даврларда князлар қандай яшаганлигини кўряпсанми?

Иона четда туриб, уларни кузатмоқда эди. Унинг тарошланган, ажинли юзида кечки сокин мағрурлик акс этиб турарди.

Яланғоч бурнининг устидаги кўзойнагини тўғрилаб олиб, атрофга тикилганча деди:

– Бу саройни ҳам шубҳасиз Растрелли қурган. Ўн саккизинчи аср.

– Қанақа Растрелли? – деди, секин йўталганча унга жавобан Иона. – Бундан юз эллик йил илгари князь Антон Иоаннович қурган, охирати обод бўлсин, – дея оғир нафас олди у. – Мана шундай, олдинги князнинг бобосининг бобокалони.

Ҳамма Ионага қараб ўгирилди.

– Сиз аниқ билмайсиз шекилли, – деди унга жавобан яланғоч, – Антон Иоаннович даврида қурилгани аниқ. Лекин меъмор Растрелли эмасмиди? Иккинчидан, охират деган нарса йўқ, олдинги князлар ҳам Худога шукурким, энди йўқ. Мен бир нарсага ҳечам тушунмаяпман, бу ердаги бошқарувчи аёлнинг ўзи қани?

– Бошқарувчи, – деди Иона яланғочга қараб нафратдан бўғилиб, – унинг тиши оғриб ётибди, ўлаяпти, балким эрталабгача ҳам бормаслиги мумкин. Охиратга келадиган бўлсак, сиз ҳақсиз. Кимлар учундир у йўқ. Аммо, айтиб қўяйки, жаннатга иштонсиз киролмаслигингиз тайин. Ёки нотўғри айтаяпманми?

Ёшлар бирданига шарақлаб кулиб юборишди. Яланғоч кўзларини пирпиратиб, лабини чўччайтириб олди.

– Аммо, сизга айтсам, қарашларингиз ҳар ҳолда, ҳозирги даврдагига қараганда анча ғалатироқ экан. Охиратга ҳам, князларга нисбатан ҳам... Менга негадир шундай туюлаяпти...

– Қўйсангиз-чи, ўрток Антонов, – тўда орасидан муросага чорловчи қиз боланинг овози янгради.

– Семён Иванович, қўйинг энди! – деган дўриллаган йўғон овоз ҳам эшитилди.

Томоша давом этарди. Кунботарнинг сўнгги нурлари оқ тувакдан айвоннинг ойнали эшиклари узра чирмашиб бўй чўзган чирмовуқгуллар тўри орқали ичкарига тушиб турарди. Мана бу олтита ўйма баргли оқ устунлар устида қачонлардир бир-бирига жўр бўлган мусиқачиларнинг найлари ялтиллаб турган. Ўша даврда устунлар гўё қувонч билан беғубор самога кўтарилган, тилла суви югуртирилган енгил курсилар девор тагига ботартиб тизиб қўйилган. Девордаги қора шамдонлар ичидаги ёниб тугаган оқ шамлар кечагина ўчирилгандек эди. Тепада айланиб учаётган муҳаббат мабудлари орасида яланғоч аёл бетизгин булутлар узра рақсга тушмоқда эди. Оёқ остидаги шахматсимон силлиқ паркет пол жуда сирпанчиқ эди. Қора ҳошияли шахматнинг устида турган бугунги оломон жуда ғалати кўринарди. Айниқса, гуруҳдан ажралиб турган тилла кўзойнакли ажнабийнинг аҳволи алланечук тушунарсиз, ноҳуш ва ғамгин

эди. У устунлар орқасига ўтиб олиб, худди жодуланган каби чирмовуқгул шохлари орасидан олис-олисларга тикилиб, томоша қиларди.

Товушлар орасидан яланғочнинг овози элас-элас қулоққа чалинди. У яраклаб турган паркетни оёғи билан айлантириб, чизиб кўрсатиб, Ионадан сўради:

– Паркетни ким қилган?

– Крепостной деҳқонлар, – хушламай жавоб берди Иона, – ўзимизнинг крепостнойлар.

Яланғоч унинг жавобини маъқуллаш ўрнига, заҳарханда тиржайди.

– Зўр ишланган, бошқа нима ҳам дейиш мумкин. Текинхўрларнинг оёғи учун мана бу матоҳларни йўнгунча халқнинг елкаси узилгани кўриниб турибди. Онегинлар... тринг... бринг... Эҳтимол туни бўйи кетини узмай рақсга тушишгандир. Ахир, қиладиган бошқа ишлари ҳам бўлмаган-да.

Шу тобда Иона: "Бу яланғочнинг худди ўлат янглиғ ёпишиб олганини қаранг-а, эй, Парвардигорим, ўзинг кечир", – дея хаёлидан ўтказиб, хўрсиниб қўйди, сўнг бошини чайқаганча, ишида давом этди.

Деворлар хира тортиб, тилла ромлар қоронғи полотно ортида кўринмай қолди. Эгнига оқ мўйнали либос кийган, ҳурпайтирилган оппоқ сочи устидан тиллақош тақиб, сурмали қошлари ва ҳайбатли тож остидан бутун девор бўйлаб Екатерина II боқиб турибди. У нозик, ингизча учли бармоқларини курсининг тутқичи устига оҳиста қўйиб олган. Унга қарама-қарши томондаги деворда, рангли полотнода кўксига тўртбурчак юлдуз тақиб олган ёш пучуқбурун[1] савлат тўкиб, онасига нафрат билан боқиб турарди. Она ва ўғилнинг атрофида то хона шифтининг нақшинкор ганчига қадар Тўқай-Бек-Ўрда княгиня ва князлари ўз қариндошлари билан қараб туришарди.

XVIII аср мўйқалам санъатига мансуб, иштиёқ билан чизилган, ялтироқ, дарз кетган ёриқлари қорайиб, ўзи товланиб турувчи, ривояти афсоналар ичра вақт ўтиши билан хира тортган полотно ҳам бор эди. Унда қўлида сопига рангли тошлар қадалган, ярқираб турган қилич тутган ғилайкўз, қора ва ваҳший, қонхўр уруғбоши, Кичик Ўрда султони Тўқай хон савлат тўкиб ўтирибди.

Ушбу девор узра ярим минг йилдан кўп вақт давомида асли насли аслзодалар, довюрак князлар, хонлару подшоҳлар қонидан бўлган Тўқай-Беклар сулоласи жам бўлиб, боқиб турарди. Улар наслининг тарихи, хотираси хира тортган полотнодан турли доғлар аро, гоҳ жанговар зафарлар доғи, гоҳо шармандалик лаънати, гоҳо муҳаббат, гоҳ нафрат, иллат, фаҳш каби доғлар ичра ёдга олинарди...

Бронза тагкурсида бронзадан ясалган, яшил тусга кира бошлаган она аёл бюсти турарди. Унинг бош кийими бронза тасма билан иягининг тагидан бойланган, кўксидаги шифри[2] қотиб қолган чўзинчоқ ойнага ўхшаб кетарди. Ўткир бурунли бу аёлнинг қуруқшаган оғзи нимагадир чўччайган. У ҳаёти давомида ҳаммани ҳайратга солиб, чегарасиз бузуқ, фаҳш ишлари билан иккита – соҳибжамол гўзал ва мудҳиш, Мессалина[3] деган ном олиб, довруғ таратди. Намчил туман ичра шавкатли ва даҳшатли шаҳарнинг шимол томонларида бу каби афсоналарнинг ёйили-

[1] Сўз бўлғуси император Павел I ҳақида кетаяпти. *(Таржимон изоҳлари.)*

[2] Шифр – император аёл ҳузурида хизматда бўлган дворян оиладан чиққан аёлнинг белгиси.

[3] Мессалина – рим императорининг учинчи хотини Клавдия (эр. олд. 10 й. – эрамизнинг 54 й.), ўзининг макр ва фаҳши билан ном чиқарган. Унинг номи фоҳишабозлик рамзи бўлиб қолди.

шига ўша оқ ҳарбийча тор шимли генерални[1] унинг биринчи муҳаббати билан боғланган кунлари сабаб бўлган эди. Унинг портрети Александр I билан бир хонада, унга ёнма-ён осиб қўйилган. Аёл ундан сўнг, унинг қўлидан Тўқай-Бек-отага ўтиб, сўнгги, ҳозирги князни туққан. Бева қолгач, айниқса, уни қип-яланғоч ҳолда тўртта келишган хизматкор йигитлар ҳовузда, арқон ҳалинчакда чўмилтиришгани ва бу воқеа ҳам шовшув бўлиб, тарқаб кетгани уни роса шарманда қилди...

Яланғоч тўда орасидан суриб ўтиб, унинг бронза бош кийимини тирноғи билан таққиллата туриб, деди:

– Мана ўртоқлар, ажойиб зот. Ўн тўққизинчи асрнинг биринчи ярмида ўтган машҳур фоҳиша...

Тўла аёл уятдан қизариб кетди, зўрлик билан қизининг қўлидан тутиб четга ўтар экан, унга қараб, деди:

– Бунинг ҳаммасини Худо билади... Веражон, қара, қизим, бу ёқда боболаримизнинг қандай портретлари бор экан-а...

– Николай Палкиннинг ўйнаши, – сўзида давом этди яланғоч, кўзойнагини тўғрилар экан, – у ҳақда ҳаттоки баъзи буржуа ёзувчилари ҳам ўз асарларида ёзиб қолдирган. Бу аёлнинг қилмишларини ақлга сиғдириб бўлмайди. Унинг атрофида кўнгли тусамаган, майли бўлмаган бирорта ҳам истараси иссиқ йигит қолмаган... Улар иштирокида Афина шаҳвоний кечаларини уюштирган...

Иона лабини тишлаб, қийшартирди, хўрлигидан хира тортган кўзларига ёш қуйилиб келди ва қўллари титрай бошлади. У нимадир демоқчи бўлди-ю, индамади, икки марта чуқур хўрсинди холос. Бу пайтда эса саёҳатчиларнинг барчаси катта қизиқиш билан дам кўп нарса биладиган яланғочга, дам бронза аёлга тикилардилар. Ўзига оро бериб, бўяниб олган хоним бюстнинг атрофини айланиб чиқди, ҳаттоки улар орасидаги нуфузли чет эллик ҳам, рус тилини тушунмаса-да, яланғочнинг орқасидан кўз узмай, диққат билан узоқ тикилиб қолди.

Сайёҳлар князнинг кабинети орқали юриб, эспантонлар[2], палашлар[3], қайирма қиличлар, зирҳли подшоҳ жангчилари, дубулғали кавалергардлар[4], сўнгги император портретлари, замбараклар, қадимги пилта милтиқ, қиличсимон найзаларни томоша қилишди. Тўқай-Бекларнинг катта ва ундан кейинги авлодлари хизмат қилган отли кавалергардлар гуруҳлари акс этган сарғайган фотосуратлар, Тўқай-Беклар отхоналари, пойгачи отларнинг фотосуратлари, ичига лиқ тўла оғир китоблар тахланган жавонларга кўз югуртиришди.

Бор бўйи текин[5] гиламлари тўшалган, хонтахталар устига ҳар хил чилимлар, турли-туман чилим найлари тизиб қўйилган чекиш хонасидан юриб ўтишди. Оч яшил чиройли кимхоб гиламлар билан безатилиб, эски чироқли қандил осилган кичик меҳмонхонани томоша қилишди. Ҳануз пальма шохлари сўлмаган, бойлар қароргоҳларида қурилиб, турли дарахт, бута ва ўсимликлар билан безатиладиган махсус дам олиш жойигача саёҳат қилишди. Сўнгра заррин яроқлаб турган ойнаванд шкафда ҳаво рангда жилоланиб кўзни қувнатувчи сопол ва чинни буюмлар териб

[1] Император Николай I назарда тутилмоқда.
[2] Эспантон – XVIII асрда рус армиясида хизмат қилган офицерларнинг қуроли.
[3] Палаш – тўғри қилич, оғир кавалериянинг кескир ва санчадиган қўл қуроли.
[4] Кавалергард – чор армиясида, гвардиячи оғир кавалерия полкининг аскари ёки офицери.
[5] Текин – туркман уруғларидан бирининг номи.

қўйилган яшил хонага ўтишди. Шунда Иона идишлардан хавотирланиб, Дунькага кўз қири билан қараб, ишора қилиб қўйди. Айнан шу хона деворидаги суратда оқ мундир кийган, келишган бир офицер қиличига суяниб, шукуҳ билан боқиб турарди. Тўладан келган хоним унинг бошидаги олти қиррали, юлдузли дубулғасига, қўлқопининг айлана оғзига, учи тепага қараб бураб қўйилган қора мўйловига боқар экан, Ионадан сўради:

– Бу ўзи ким?

– Охирги князь, – хўрсиниб жавоб берди Иона, – Антон Иоаннович, уларнинг барчаси кавалергардлар формасини кийишган, Россия империясида хизмат қилишган.

– У ҳозир қаерда? Ёки вафот этганми? – эҳтиром билан секин сўради хоним.

– Нега вафот этаркан... Улар ҳозир чет элда. Аввал бошидан чет элга жўнаб кетишган, – деди яланғочнинг яна бир қитмир гап ташлаб қолишидан чўчиб Иона.

Шу дам яланғоч князнинг ҳануз тирик эканига шубҳаланиб, оғзини очиб, қараб турган эди. Ёшлар тўдасидан кимдир унга қараб гап қотди:

– Эй, Семён, бас, етар, тупурсанг-чи ҳаммасига... тирик бўлса ҳам қариб, қартайиб қолгандир...

Яланғоч чурқ этмай қолди.

– Қандай қилиб? Улар тирикми? – таажжубланди яна бир хоним. – Ахир бу жуда ажойиб-ку!.. Унинг болалари ҳам бордир?

– Боласи йўқ, – маъюс жавоб берди Иона, – Худо унга фарзанд насиб қилмаган... Ҳа. Уларнинг кенжа укаси Павел Иоаннович эса, урушда ҳалок бўлган, немислар билан жанг қилган... У шу... императорнинг отлиқ гвардияси полкида хизмат қилган. Ўзи бу ерлик эмас, ўша пайтдаги Самара губерниясидан эди...

– Ажойиб қария... – дея завқ билан шивирлади кимдир.

– Унинг ўзига бир музей керак, – тўнғиллади яланғоч.

Сайёҳлар хон ётоғи жойлашган шатёрнинг[6] ёнига келишди. Тепадан тортилган пуштиранг юлдузли ипак мато девор бўйлаб тўлқинсимон ёйилган. Девордаги пуштиранг гилам ҳар қандай товушни пасайтириб, ютади. Худди шу рангдаги нафис тўрпарда ортида икки кишилик ўймакор кровать турибди. Унда худди яқин орада, балки шу оқшом икки вужуд ухлаб, тургандек. Бунда гўё ҳамма нарса уйғоқ, кумушранг барг шаклидаги ромли кўзгу ҳам, стол устидаги суяк жилдли альбом ҳам, рассомлар дастгоҳида турган сўнгги князь аёли – ёш княгинянинг портрети ҳам, пуштиранг либосдаги княгинянинг портрети ҳам гўё тириклик ичра нафас оларди. Тарашланган шишали чироқ, ёркин рангли ромлардаги варақлар, тўшак узра ташлаб қўйилган ёстиқлар ҳам жонли туюларди... Иона шу кунга қадар саёҳатчиларни қарийб уч юзинчи марта Тўқай-Беклар ётоғига бошлаб келар экан, ҳар гал бундаги гиламлар устида одимлаётган бегона қадамлардан, ёток узра тўшакни бамайлихотир томоша қилаётган бегона нигоҳлардан ғурури топталар, ноқулайликдан ранжаламда юраги ачишар, дили оғрир эди. Шармандалик. Аммо бугун улар орасида яланғочнинг борлиги дилини янаям оғритар, кун бўйи кўнглини ғаш қилаётган ноҳушлик таъсирида юраги алланечук зирқираётганини

[6] Шатер – қадимги рус архитектурасида, тўрт ёки саккиз қиррали, пирамида шаклидаги баланд томли чодир.

тушуниб ҳам бўлмасди... Шунинг учун музей томошаси якунига еткач, Иона енгил нафас олди. Чақирилмаган меҳмонларни бильярдхонадан ўтказиб, йўлакка, ундан иккинчи шарқий зинапоя орқали ён тарафдаги айвонга ва ниҳоят у ёқдан ташқарига чиқариб, кузатиб юборди.

Қария музейга келганларнинг бир тўда бўлиб зилдек эшик орқали чиқиб кетишганини ўз кўзи билан кўрди ва Дунька улар ортидан эшикни ёпиб, қулфлаб қўйди.

* * *

Қоронғи тушди. Ён атрофдан кечги овозлар тарала бошлади. Қайлардадир, Орешнев орқасида чўпонлар сигирларни ҳайдаб, най чала бошладилар, чакалакзорлар ортидан қўнғироқларнинг ёқимли жаранги эшитиларди. Кечаси узоқдан, қизил армия лагеридаги ўқув машқларидан бир неча бор отишма овози келди.

Иона белидаги камарига осиб қўйган калитларни жаранглатиб, саройга чиқувчи шағал йўлак бўйлаб одимлаб борарди. Қария ҳар доим бир йўсинда, музейга саёҳатчилар келиб кетишгач, эҳтиёткорлик юзасидан саройга қайтиб келиб, ёлғизликда ўзига ўзи гапирганча, бу ердаги ҳар бир нарсани диққат билан кўздан кечириб, назорат қилиб чиқарди. Шундан сўнггина у хотиржам дам олар ва шомгача қоровулхонасига киравериштаги эшикнинг олдида ўтириб, чекиб, кексаларга хос турли-туман нарсалар ҳақида ўй сурарди.

Бунинг учун бугун ҳам жуда қулай, кечки пайт ёруғ ва илиқ бўлди, аммо аксига олиб, Ионанинг кўнгли негадир беҳузур эди. Тўғрироғи, ўша яланғоч асабини таранг қилиб, жиғига тегиб кетди. Иона нималарнидир ғўлдираб, айвонга чиқди, хўмрайганча атрофга назар солди, калитларни шақирлатиб, ичкарига қайтиб кирди. Гилам бўйлаб оҳиста қадам ташлаб, зина орқали тепага кўтарилди.

Рақс залига киравериштда бирдан тўхтаб қолди ва қўрққанидан ранги оқариб кетди.

Саройда аллақандай қадам товушлари эшитилиб турарди. Товуш бильярдхона томондан келаётганди. Бир нафасдан сўнг пальмали дам олиш хонаси томонга ўтиб сўнди. Шу пайт гўё чолнинг юраги бирдан уришдан тўхтаб, назарида худди жони чиқиб кетаёзгандек туюлди. Сўнгра унинг юраги аста-секин яна қадамлари изидан кетма-кет, тез-тез ура бошлади. Кимдир Ионага томон юриб келарди, ҳа, айнан шундай, бунга қариянинг ҳеч қандай шубҳаси қолмади. Мана, оғир қадамлар паркетни ғижирлатиб, у турган хонага яқинлашди.

"Булар ўғрилар! – чолнинг хаёлидан ўтди. – Мана, ўзим сезган эдим-а... фалокат". Ионанинг бутун вужудини титроқ босиб, нафас олиши қийинлашди, қўрқув ичра нима қилишини билмай атрофга аланглаб боқарди. Қаёққа қараб қочса экан, ёки доду фарёд солиб, одамларни чақирсинмикин? Фалокат...

Шунда ноғоҳ катта зал эшигининг олдида турган, кулранг пальтодаги бир одамга кўзи тушиб қолди. У бугунги саёҳатчилар ичидаги тилла кўзойнакли чет элликка ўхшаб кетарди. У ҳам бехосдан Ионани кўриб, қўрққанидан чўчиб, орқасига тисарилди ва шу заҳоти зудлик билан

ўзини ўнглаб олди-да, хавотир ичра беихтиёр пўписа қилган каби Ионага бармоғи билан ишора қилди

– Жаноб, бу нимаси, бу ерда нима қилаяпсиз? – Иона даҳшат ичра унга қараб тўнғиллади. Чолнинг оёқ, қўлларини титроқ босиб турарди. – Бу ерда, бунақаси мумкин эмас. Эй, Худойим, сиз ўзи бу ерда қандай қилиб қолиб кетдингиз?.. – Ионанинг нафаси ичига тушиб, қотиб қолди.

Чет эллик бир муддат Ионанинг кўзларига диққат билан тикилиб турди-да, сўнг оҳиста унинг яқинига келиб, рус тилида деди:

– Иона, тинчлан, ўзингни босиб ол! Бир нафас жим бўлсанг-чи. Сен бунда бир ўзингмисан?

– Ўзимман... – эс-ҳушини йиғиб олишга ҳаракат қилиб жавоб қилди Иона. – Ё, Парвардигорим, сиз нега сўраяпсиз?

Хавотир ичра унга боқиб турган чет эллик, Иона келган тарафдан тепага, вестибюль томонга нигоҳ ташлади. Ионанинг ортида ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, ўнг қўлини орқа чўнтагидан чиқариб, энди баланд овозда чучук талаффуз билан сўзлай бошлади:

– Иона, танимадинг-а? Ажабо... агар сен мени танимас экансан, буниси жуда ачинарли.

Унинг жарангдор овози Ионани нақ жонидан жудо қилаёзди, қария оёғида тик туролмай, тиззаси букилиб, бармоқлари музлаб қолди ва қўлидаги калитларнинг шодаси полга тушиб кетди.

– Ё, Парвардигорим! Антон Иоаннович, ҳазрати олийлари! Ё, ажабо, тушимми, ўнгимми? Ахир бу қандай сир бўлди?

Чолнинг кўзига ёш қуйилиб келди ва кўз ўнгида зал хира тортиб, қаршисидаги одамнинг тилла кўзойнаклари жимирлаб ўйнай бошлади. Кўзойнак ортидан эса унга таниш бўлган, ёниб турувчи ғилай кўзлар боқиб турарди. Ионанинг нафаси бўғзига тиқилиб қолди, хўрсиниб, ҳиқиллаб йиғлар экан, унинг қўлкопи, галстугига кўзёш тўкиб, титраётган боши князнинг дағал соқолига тегиб кетди.

– Иона, тинчлан, Худо ҳаққи, ўзингни бос, – дея ғудурлади унга раҳми келиб ва хавотирдан афтини бужмайтириб, – ахир кимдир эшитиб қолиши мумкин...

– Ё, ҳазратим, ё тавба... – дея, Иона титраб, шивирлар экан, – ҳа, айтганча, қандай қилиб... сиз қандай қилиб бу ерга келиб қолдингиз? Ховотир олманг, бу ерда мендан бошқа ҳеч ким йўқ, бир ўзимман, – деди.

– Жуда соз, қани унда калитни қўлингга ол, у ёққа, кабинетга борамиз!

Князь қайрилиб, залворли қадам ташлаб галерия орқали кабинетга кирди. Жонсарак Иона, эсанкираганча полда ётган калитни олиб, унинг ортидан эргашди. Князь қарияга тикила туриб, бошидан кулранг парли шляпасини ечиб, столнинг устига ташлади ва унга:

– Иона, бу ерга кел, креслога ўтир! – деди. Сўнгра юзини бужмайтирганча ёнидаги бошқа креслонинг суянчиғидан "Креслога ўтириш мумкин эмас" деган ёзувли қоғозни суриб, тушириб юборди ва Ионанинг рўпарасида, унга юзма-юз қараб ўтирди. Майин тери қопламали кресло узра келиб жойлашган оғир гавданинг босимидан айлана стол устида турган чироқ мунгли пирпираб қўйди.

Бўлаётган воқеалардан Ионанинг боши гангиб қолган эди. Худди қоп ичидан чиқиб, телба-тескари ҳар томонга тум-тарақай қочиб кетган қуёнлар каби унинг эс-ҳуши ҳам ҳар ёнга тарқаб кетди.

– Эҳ, сени қара-ю, Иона, мунчалар шалвираб, мункиллаб қолибсан, – ҳаяжон ичра сўзлади князь. – Аммо мен сени тирик кўриб турганимдан жуда бахтиёрман. Негадир энди бошқа кўролмасам керак, деб умидимни узган эдим. Чунки сени бу ерда аллақачон ҳалок қилишган деб ўйлагандим...

Князнинг бундай эътибори, меҳрибонлигидан Ионанинг кўнгли бузилиб, кўз ёшларини оҳиста артиб, ҳиқиллаб йиғлай бошлади.

– Қани, етар, бўлди, бас қил...

– Қандай... қандай қилиб келдингиз, ҳазратим? – бурнини шўлпиллатиб сўради Иона. – Эҳ, мен, алжираб қолган қари чол, нега сизни танимадим-а? Кўзларим кўр бўлиб қолмайдими ахир... Аммо сиз, қандай қилиб қайтиб келдингиз, ҳазрати олийлари? Кўзойнагингиз худди ўзи, айниқса соқолингиз... Сиз қандай қилиб кирдингизки, мен буни сезмай қолдим?

Тўқай-Бек нимчасининг чўнтагидан бир калитни қўлига олиб, Ионага кўрсатди.

– Хиёбон томондан, кичик айвон орқали кирдим, дўстим! Анави ярамас, аблаҳларнинг ҳаммаси жўнаб кетишганидан сўнг мен яна қайтиб келдим. Кўзойнагимни эса (князь уни ечди), кўзойнагимни бу ерда, чегарада тақиб олдим. У оддий ойнадан қилинган.

– Ё, Парвардигорим, княгиня, княгиня зоти олиялари ҳам келганми?

Князнинг юзи бир лаҳзада ўзгарди.

– Княгиня оламдан ўтди, – дея жавоб берди у лабини қимтиб, – Парижда, ўтган йили ўпкаси шамоллаб вафот этди. Шундай қилиб, ўз қадрдон маконини қайтиб кўриш унга насиб қилмади, аммо бир нафас ҳам уни ёдидан чиқармади, доимо қалбида интиқ бир соғинч билан эслаб юрди. Менга эса, мабодо сени қайта кўриш насиб этса, ўпиб қўйишимни қаттиқ тайинлади. У негадир бизнинг қайта учрашувимизга ишонар эди, доим буни Худодан илтижо қилиб сўрарди. Мана кўрдингми, Худо насиб қилди.

Князь ўрнидан туриб, Ионани бағрига босди ва унинг ҳўл ёноқларидан ўпиб қўйди. Иона кўз ёшларини тиёлмай, китоблар турган жавонга, Александр I портретига ҳамда деразанинг бир четида шафақ ичра сўнаётган кунга қараб чўкинди.

– Эй, Худо, эй Худойим, – титраган овозда ғулдуранди у, – Орежневада унинг ҳаққига дуо қиламан.

Шу пайт қаердадир паркет ғичирлагандек туюлди. Князь хавотирланиб у томонга қаради,

– Ҳеч ким йўқми?

– Йўқ, хавотир олманг, ҳазратим, биздан бошқа ҳеч ким йўқ. Кимдир бўлиши мумкин ҳам эмас. Чунки бу ерга мендан бошқа ҳеч ким кела олмайди.

– Унда гапимга қулоқ сол, Иона. Менинг вақтим жуда оз. Қиладиган ишимиз ҳақида гаплашиб олайлик.

Ионани яна гумонли хаёллар қийнай бошлади. Нималар бўлаяпти ўзи? Ахир, мана у, худди ўзи. Тирик! Келди. Унда... Мужиклар, мужиклар-чи!.. Майдон-чи?

– Аслида, жаноби олийлари, – у ялинчоқ оҳангда князга боқди, – энди қандай қиламиз? Қўрғон-чи? Қайтарадиларми ахир?..

Князь Ионанинг бу сўзларига шундай "қаҳ-қаҳ" отиб, шарақлаб кулиб юбордики, сўнг оғзининг бир чети – ўнг томонидан тишининг оқини кўрсатиб деди:

– Қайтарадиларми? Нималар деяпсан, қадрдоним!

Князь чўнтагидан оғир сариқ портсигарини чиқарди. Ундан сигарет олиб чекар экан, овози титраб гапирди:

– Йўқ, азизим Иона, энди менга ҳеч нарсани қайтармайдилар... Нима бўлгани ёдингдан кўтарилган чоғи... Ҳа, майли, ҳозир бунинг аҳамияти йўқ. Сен бир нарсани тушуниб ол, мен бу ерга яширинча, бир пасгинага келдим. Аммо сенинг хавотирланишингга асло ҳожат йўқ, бу ерда нима бўлаётганини ҳеч ким ҳеч қачон билмайди, билолмайди ҳам. Бунинг учун ўзингни қийнама. Мен (князь сўнаётган шафақ бағридаги ўрмонзорга қараб қўйди) аввало, бу ерда нималар бўлаётганини ўз кўзим билан кўриш учун келдим. Менга турли хабарлар етди, Москвадан саройнинг халқ мулки сифатида қўриқланаётганини ёзишди... Ха-а-алқ мулки... (князь ишшайиб қаради, бу гал унинг оппоқ тишлари оғзининг чап томонидан кўриниб турарди). Халқники бўлса, халқники-да, жин урсин. Майли, бунинг аҳамияти йўқ, сарой бутун турган бўлса бас. Балким, шундай бўлгани ҳам маъқулроқдир... Аммо, тушунмайман, энг зарур қоғозлар менда қолиб кетган-ку. Улар эса менга, токи бўйнимга қилич тиралгунча керак бўлади. Самара, Пензага оид номлар тўғрисидаги ҳужжатлар, ҳамда Павел Ивановичга оид қоғозлар. Қани, айт-чи, менинг иш кабинетимни ҳам тум-тарақай қилишганми ёки жойида турибдими? – Князь хавотир ичра парда томонга қайрилиб қаради.

Ионанинг бирдан боши айланиб кетди. Кўз олдида гўё Александр Эртус пайдо бўлди, ўқимишли, худди князники каби кўзойнак тақиб олган. Жиддий ва эътиборли одам. Илм соҳиби Эртус ҳар якшанбада Москвадан жўнаб кетарди. Малла ранг ботинкасини ғичирлатиб, сарой бўйлаб кезаркан, ҳаммага хўжайинлик қилиб, бошқарар, бор нарсани асраб-авайлашга, эҳтиёт қилишга буюрар эди. Иш кабинетида китоб, қўлёзма ва хатларга бўйнигача шўнғиб, соатлаб ўтирар эди. Иона унга қуюқ чой дамлаб, ўша жойга олиб кириб берарди. Эртус дудланган чўчқа гўштли бутерброд еб, перосини қитирлатиб ёзиб ўтирарди. Баъзан Ионадан ҳам унинг бурунги ҳаёти ҳақида сўраб, айтганларини жилмайганча қоғозга туширар эди.

– Кабинетингиз бус-бутун турибди, – ғўлдиради Иона, – фақат, ҳазратим, жаноби олийлари, алам қиладиган томони, у тамғалаб қўйилган, тамғаланган.

– Ким томонидан тамғаланган?

– Қўмитадан, Эртус Александр Абрамович...

– Эртус? – тили чучукланиб, қайта сўради Тўқай-Бек. – Нега айнан Эртус томонидан, бу иш унга қолибдими?

– У қўмитадан, ҳазратим, – айбдорона жавоб берди Иона, – Москвадан. Унга бу жойни назорат қилиш буюрилган. Шу ерда, пастда кутубхона ташкил этилади ва унда эркаклар ўқитилади. Шундай қилиб, у бу ерда кутубхона ташкил қилаяпти.

– Ҳа, ҳали шунақами! Кутубхонами, – князь тишини ғижирлатиб илжайди, – нима бўпти, жуда соз! Уларга менинг китобларим етарли, деб умид қиламан. Афсус, афсус, билмабман-да, билсам эди, Париждан ҳам китоб жўнатар эдим. Аммо бу ердаги китоблар ҳам етиб қолса керак?

– Етади, жаноби олийлари, – деди довдираб, бўғиқ овозда Иона, – ахир ҳар ҳолда китоблар ўзимизда-ку. – Князнинг юзига боқар экан, Ионанинг елкаси музлаб кетди.

Тўқай-Бек креслога келиб ўтирди, ияги остини тирноғининг учи билан қашиб, сўнгра иягини муштига тираб олди ва ажиб бир алпозда, шу ғилай кўринишида ўз портретига ўхшаб қолди. Унинг кўзлари маъюс тортди.

– Етади, дегин? Жуда ажойиб. Билишимча, сен айтаётган ўша Эртусинг, анча билимдон, истеъдодли одамга ўхшайди. Ҳа-а, кутубхона қилади, менинг кабинетимда ўтиради. Аммо... сен биласанми, Иона, мабодо ана шу Эртус кутубхона қилса нима бўлади?

Иона кўзларини катта очиб, сукут ичра унга боқиб турарди.

– Ўша Эртусингни мен ҳув анави дарахтга осиб қўяман, – дея, князь оппоқ қўллари билан дераза ойнасидан ташқарига қараб ишора қилди, – анави дарвозанинг ёнидаги дарахтга. (Иона унинг қўллари чўзилган томонга ҳасрат билан назар ташлади.) Йўқ, йўқ, ҳув анави ўнгдаги панжарага осаман. Ҳа, худди ўшанга! Унинг башарасини бир кун йўлга қараб осиб қўяман, токи йўлдан ўтаётганлар кутубхона ташкил қилувчининг аҳволини кўриб, бир завқланишсин. Эртаси куни эса унинг ўзи ҳам кутубхонасини кўриб, маза қилиб қувониши учун юзини бу томонга қаратиб осаман. Иона, қасам ичиб айтаманки, албатта шундай қиламан, нима бўлганда ҳам, ҳар қандай вазиятда ҳам худди шундай қиламан. Ишончинг комил бўлсин, ўша кун албатта келади ва унга жуда яқин қолди. Хотиржам бўл, Эртусни қўлга туширишим учун алоқаларим етарли...

Иона титроқ ичра беҳол, аранг нафасини ростлаб олди.

– Унинг ёнига-чи, – ғаройиб овозда яна сўзида давом этди Тўқай, – биласанми, кимни жойлаймиз? Ҳалиги яланғочни. Антонов Семён, Семён Антонов, – дея, унинг фамилиясини ёдига тушириш учун кўзларини осмонга тикди. – Тўғрисини айтсам, мен шу ўртоқ Антоновни денгиз тубидан бўлса ҳам топаман, фақат у ўша дамгача ўлиб-нетиб қолмаса ёки уни Қизил майдонда бошқалар осиб қўйишмаса бўлгани. Мабодо осиб улгуришган бўлса ҳам, унинг мурдасини олиб келиб, шу ерга ҳеч бўлмаганда бир-икки кун албатта осиб қўяман. Антонов Семён бир марта Хон саройида меҳмоннавозлик ҳам қилиб улгурди, сарой ҳовлисида кўзойнак тақиб, яланғоч ҳолда сайр қилди ҳам, – дея Тўқай ютинди, унинг татарларга хос мушаклари бўртиб чиқди, – нима бўпти, мен уни яна бир марта, яланғоч ҳолда бу ерга олиб келаман. Аммо у амаллаб қўлларимга тирик ҳолда тушиб қолса бўлгани эди, ў, Иона!.. мен Антонов Семённи аяб ўтирмайман. Унинг мурдаси бунда нафақат иштонсиз, яланғоч, балки териси шилинган ҳолда осилиб туради! Иона! Сен унинг княгиня олий зотлари ҳақида нима деганини эшитганмисан ўзи?

Иона аччиқ хўрсинди, кейин нафас ростлаб, юзини тескари бурди.

– Сен садоқатли хизматкорсан, мен ҳаёт эканман, сенинг ўша яланғоч билан қандай гаплашганингни ҳеч ҳам ёдимдан чиқармайман. Наҳотки, ўша лаҳзада сенинг миянгга нима учун уни шу пайтдаёқ ўлдирмаганим ҳақида фикр келмаган бўлса? Аммо, Иона, сен мени кўп йиллардан бери яхши биласан-ку ахир? – дея Тўқай-Бек пальтосининг чўнтагига қўл солди ва ундаги ялтироқ тишли дастанинг учини чиқарди. Шу дам унинг оғзининг чеккасидан оқиш кўпик чиқиб тургани аниқ кўзга ташланиб турарди, овози эса оҳиста, лекин хириллаб чиқа бошлади. – Мана, кўриб турганингдек, ўлдирмадим! Ўлдирмадим, Иона, ўзимни тиёлдим. Нима учун шундай қилганимни эса, ёлғиз ўзим биламан. Чунки ўша пайтда уни ўлдиришим асло мумкин эмас эди, Иона. Бу ўта ночорлик ва тузатиб

бўлмас хато бўларди, чунки ўша заҳотиёқ мени тутиб олишарди. Аммо ўшандан бери ноилож, ҳеч нарса қилолмадим, шунинг учун ҳам бу ерга келдим. Лекин, хотиржам бўл, Иона, биз ундан ҳам зўрини амалга оширамиз... Ундам ҳам яхшироғини, – князь ўз-ўзича ғўлдираб, сўнг жим бўлиб қолди.

Ионанинг кўнглига ғулғула тушиб, беҳузур бўлиб ўтирарди. Князнинг бу гапларидан сўнг эса унинг аъзойи бадани музлаб қолди. Шу дамда унинг боши қотиб, миясида узуқ-юлуқ алланималардан ташқари ҳеч қандай ўй-хаёл қолмади. Кунботар пайти хонага коронғи туша бошлади. Тўқай кўлини чўнтагига солиб, юзини буриштириб, ўрнидан турди ва соатига қаради.

– Иона, қулоқ сол, вақт бўлди. Шошилишимиз керак. Кечаси мен қайтиб кетаман. Энди ишимизни бажарайлик. Биринчидан, мана бундай қиламиз, – деди князь ва унинг қўлида ҳамён пайдо бўлди, – манавиларни олиб қўй, садоқатли қадрдоним Иона, бу сенга! Бундан ортиқ беролмайман, ҳозир ўзимнинг ҳам аҳволим тангроқ.

– Ҳеч ҳам керак эмас, олмайман, – унинг қўлини силтаб, ўксик оҳангда ғўлдиради Иона.

– Ол! – деди Тўқай қатъий оҳангда ва унинг ўзи қўлидаги оқ қоғозларни Ионанинг матросча курткасининг чўнтагига тиқиб қўйди. Чол йиғламсираб хўрсинди.

– Фақат эҳтиёт бўл, бу ерда алмаштирма, қайдан олибди, деб хиралик қилиб қолишмасин. Хўш, ана энди рухсатинг билан асосий масалага ўтамиз. Менга поезд келгунича, Иона Васильевич, саройда бўлишимга ижозат берасан. Кечаси соат иккида Москвага жўнаб кетаман. Унгача кабинетимда баъзи бир қоғозларимни тартибга келтириб олишим керак.

– Ҳазратим, кабинетингиз муҳрлаб қўйилган, – деди ҳасрат билан Иона.

Тўқай эшикнинг олдига келди ва пардани суриб, бир силтаб сургучланган муҳрни ипи билан юлиб олди. Иона унинг бу ҳаракатидан ҳайратда қотиб қолди.

– Бемаънилик, – деди Тўқай, – асосийси, сен қўрқма! Асло қўрқма, дўстим! Мен шундай бир иш қилайки, сени ишонтириб айтаман, сенинг безовта бўлишингга, ҳатто бирор нарсага жавоб беришингга сира ҳожат қолмайди. Сўзларимга ишонасанми?.. Ундай бўлса, келишдик.

* * *

Ярим тун маҳали. Қоровулхонада ўтирган Ионани уйқу элтди. Ҳужрада дармони қуриб, толиққан Татьяна Михайловна Мумка билан ухлаб ётишарди. Сарой тинч, жимжитлик ичра, оппоқ ой нурида мудроқда эди...

Қора пардалар билан ўралган иш кабинетида, очиқ ёзув столи устида ёниб турган керосин чироқ полда, курси ва қизил мовут устида тўпланиб турган қоғозларни ним яшил тусда ёритиб турарди. Ёндаги икки қават пардалар осилган катта, кенг хонада улкан шамдонларда шамлар ёниб турар, уларнинг нафис заррин учқунлари узра жавоннинг қатлари товланиб, девордаги ялтирбош Александр I гўё жонланиб, майин жилмайиб боқиб турарди.

Иш кабинетида, ёзув столи ёнида эгнида оддий, фуқароча кўйлак, бошига офицерлар бош кийимини кийиб олган бир одам ўтирибди.

Гўё унинг дубулғасининг хира тортган металл юлдузи узра бир бургут ғолибона чарх урарди. У кишининг олдида, қоғоз уюми устида қалин бир дафтар ётибди. Унинг илк саҳифаси бошида майда дастхат билан қуйидаги сўзлар ёзилган:

АЛЕКС. ЭРТУС
ХОН ҚАРОРГОҲИ ТАРИХИ

саҳифанинг тагида:

1922–1923.

Тўқай муштларини ёноқларига тираб, хира тортган нигоҳларини дафтардан узмай, қора рангли сатрларга тикди. Атрофда эса жим житлик ҳукм сурарди. Шунда Тўқай дақиқалар соатларни тўхтовсиз емириб, яқинлашиб келаётганига қулоқ тутди. Князь шу алпозда йигирма дақиқа, ярим соат қимирламай ўтирди.

Бир пайт, кутилмаганда парда ортидан чўзиб увлаган ғамгин фарёд эшитилди. Князь бирдан ҳушёр тортди, курсини ғижирлатиб ўрнидан турди.

– Ў-ў, лаънати ит, – дея тўнғиллади ва ҳашамдор безатилган хонага кириб борди. Шкафнинг хира тортган кўзгусидан гвардиячи оғир кавалер полкининг ялтироқ бош бир офицери князга пешвоз чиқиб кела бошлади. Ойнага яқин келгач, Тўқай унга бирпас тикилиб турди ва ранги оқариб кетди, сўнг аччиқ заҳарханда қилиб:

– Тфу, ҳушингдан айрилиб қолишинг ҳеч гап эмас, – дея ўзига ўзи пичирлаб қўйди.

У бошидан дубулғасини ечиб қўлига олди, чаккасини артиб, кўзгуга боқар экан, бир нафас ўйланиб қолди ва бирданига қўлидаги дубулғани ерга шундай ғазаб билан урдики, зарбдан хона ларзага келди. Шкафнинг ойнаси ҳам мунгли ғижирлаб қўйди. Тўқай шундан сўнг эгилиб, дубулғани оёғи билан бурчакка қараб тепиб юборди ва дам кўзгуга, дам ортга қараб юра бошлади. У ёлғизликда ўта муҳим, хатарли хаёллар исканжасида буткул қариб-қартайиб, шилвираб қолган, ўз-ўзича ғўлдираб, лабини тишлаганча:

– Бундай бўлиши мумкин эмас. Йўқ... йўқ... йўқ... – дея сўзланарди.

Паркет ғичирлаб кетди, шамларнинг олови қиялаб, пирпирай бошлади. Шкаф юзида оқариб қалқиб турган одамлар акси гоҳ пайдо бўлар, гоҳ кўздан йўқоларди. Тўқай теварак бўйлаб кескин бир айланиб, бурилиб олиб, деворнинг олдига келди ва унга разм сола бошлади. Чўзинчоқ фотосуратда тиғиз амфитеатрда баъзилари тик, баъзилари ўтирган ҳолда бошларида бургути бор одамлар абадий музлаб, қотиб қолганди. Суратдагиларнинг оқ қўлқопларининг кенгайган оғзи, узун қиличларнинг оғир сопи кўзга ташланиб турарди. Ҳайбатли гуруҳнинг қоқ марказида кўримсиз, совуқ, соқол-мўйловли, полк врачига ўхшаш бир киши[1] ўтирарди. Аммо бундаги барча, ўтирган ва тик турган кавалерия полки

[1] ... кўримсиз, совуқ, соқол-мўйловли, полк врачига ўхшаш бир киши ўтирарди. – Булгаков ўзининг император Николай II га бўлган танқидий муносабатини яширмаган ва унинг бу қарашлари ёзувчи умрининг охиригача сақланиб қолди.

аскарларининг ҳаммаси темир дубулға остида қотиб қолган кичик жуссали бир одамга қараб туришарди.

Кичкина одам зўриққан ва толиққан оқ гвардиячи полк аскарларига худди улар тўғрисида бронзага ёзилган битикдаги каби босим ўтказгани сезилиб турарди. Ундаги ҳар бир сўз бош ҳарфлар билан ёзилган эди. Тўқай жиккаккина ўша одамдан икки қатор нарида ўтирган ўзининг суратини томоша қилди.

– Бўлиши мумкин эмас, – деди баланд овозда Тўқай, гўё кўплаб ҳамсуҳбатларини гувоҳликка чорлаган каби маҳобатли хонага кўз югуртираркан, – Бу туш. – Яна ўзи ҳақида шивирлаб, пойма-пой гапида давом этди: – Бири, иккисидан бири, ёки буниси ўлган... униси-чи... у... бу... тирик... ёки мен... тушунмадим...

Тўқай сочини силади, ортига қайтиб, шкаф томонга кетаётганида ўз аксига кўзи тушаркан, беихтиёр "Мен кексайиб қолдим", дея хаёлидан ўтказди. Ва яна қуйидаги сўзлар ғўлдираб тилига кўчди:

– Мени тириклайин, тириклигимча қонимни топтаб, бадном қилишди, мурда каби бутун борлиқ ичра босиб, янчиб ташлашди. Балким мен ҳақиқатдан ҳам ўлгандирман? Бу менинг соямдир балки? Аммо мен тирикман-ку, яшаяпман-ку, – дея Тўқай Александр I га савол назари билан қаради, – мен ҳамма нарсани ҳис қилаяпман, сезаман. Оғриқни ҳам аниқ сезаман, аммо ҳаммасидан кўра қаҳру ғазабни кўпроқ ҳис қиламан. – Шу пайт Тўқайнинг назарида қоронғи зал ичра худди яланғоч ўтиб кетгандек туюлди, нафратининг совуқ титроғи унинг аъзойи баданидан ўтиб кетди. – Мен уни отиб ташламаганимга афсус қиламан. Минг афсус, – дея, кўнглидан ўтказиб, нафрати қайнаб, тили қуруқшаб қолди.

У яна ортига қайтиб, сўзсиз, сукунат ичра дераза олдига борди ва яна орқага қайтди. Ҳар дам суратни қўлига олиб, девор томонга буриб, гуруҳни кўздан кечирарди. Чорак соат вақт худди шу тарзда ўтди. Шундан сўнг Тўқай бирдан турган жойида тўхтади, сочини силар экан, қўлини чўнтагига солиб, соатининг вақт ўтаётганини товуш билан билдирувчи тугмачасини босди. Соати чўнтагида ўн икки марта сирли ва оҳиста бонг урди, бир нафас туриб бошқа оҳангда чорак дақиқа ва яна бир фурсат тўхтамдан сўнг уч дақиқа.

– Эй, Парвардигорим, – дея, шошилганча шивирлади Тўқай. У атрофга олазарак боқар экан, аввал стол устидан кўзойнагини олиб кўзига тақиб олди. Аммо кўзойнак энди князни ўзгартирмади. Унинг кўзлари полотнодан боқиб турган Хонникига ўхшаб қийшайди ва унда чорасизликдан етилган, мушкул ўй-хаёлларининг оқарган учқуни пайдо бўлди. Тўқай пальтоси билан шляпасини кийиб олди ва иш кабинетига қайтиб кирди. Кресло устида қолган бир даста муҳрланган пергаментли ва қоғоз ҳужжатларни эҳтиёт қилиб қўлига олди, уларни бир амаллаб буклаб, пальтосининг чўнтагига тиқди. Сўнгра ёзув столи атрофида ўтириб, сўнгги марта қоғоз уюмларига кўз ташлади, лунжини қийшайтириб, қатъиятли ғилай кўзлари билан ишга киришди. Пальтосининг кенг енгини шимариб, ишни аввал Эртуснинг қўлёзмасидан бошлади. Дафтарнинг биринчи саҳифасини яна қайта бошдан ўқир экан, нафрат билан тишининг оқини кўрсатиб, уни қўллари билан йирта бошлади. Ғазабидан қирсиллатиб тирноғини ҳам синдирди.

– Ў, сен... қора ўлат! – дея, князь бўғиқ овозда хириллади ва бармоқларини ишқалаб, эҳтиёткорлик билан ишида давом этди. Яна бир канча варақларни йиртиб, охири дафтарнинг ҳаммасини майдалаб ташлади. Ёзув столи, креслонинг усти қоғоз уюмига тўлиб кетди ва бошқа қоғозларни ҳам боғлами билан жавон ичидан чиқариб ташлади... Сўнг девор юзидан қиролича канизакларининг чоғроқ портретини юлиб олди ва унинг ромини оёғи билан тепиб, майда бўлакларга бўлиб синдирди. Уларни ҳам ёзув столидаги қоғоз уюмининг устига ташлади ва бурчакка, портрет тагига қараб сурди. Чироқни олиб, меҳмонхонага чиқиб кетди, у ердан кўлига катта бир шамдонни тутиб кириб келди ва уч жойда турган қоғоз уюмига секингина ўт қўйди. Бирпасдан сўнг қоғозлар боғлами орасидан ҳалқа-ҳалқа бўлиб тутун ўрлай бошлади. Кутилмаганда бирдан лопиллаган ёруғлик ичра кабинет гўё қувнаб, жонланиб кетди. Орадан беш дақиқалар ўтгач эса, тутун ичра бўғилиб қолди.

Эшик ва пардани ёпиб қўйган Тўқай, навбатдаги хонада ишини бажармоқда эди. Александр I нинг портретини ёндириш учун чирсиллаб олов сизиб кирди ва калбош тутунга қараб маккорона жилмайиб қўйди. Стол устига тикка қилиб пала-партиш уюлган жилдлар мовут узра буруксиб ёнарди. Князь узоқроқда креслода ўтириб, бироз кузатди. Энди унинг кўзларига қутурган қувноқ ўй-хаёллар ва тутун таъсирида ёш қуйилиб кела бошлади. У яна ўз-ўзича пичирлади:

– Ҳеч нарса ортга қайтмайди. Ҳаммаси тугади. Алдов – бир пуллик нарса. Мана шундай қилиб биз ҳаммасини ўзимиз билан олиб кетамиз. Кўрдингми, қадрдон дўстим Эртус.

...Князь оҳиста хонадан хонага ўтар экан, кулранг тутун унинг ортидан эргашди. Рақс зали оловли ўйин ичра ёнмоқда эди. Ичкарида, парда ортида оловнинг сояси гоҳ югургилаб, гоҳ ларзон уриб турарди.

Пушти ранг чодирда князь чироқнинг ёнгичини бўшатиб, керосинни тўшак устига қуйди, бирпасда унинг доғи ёйилиб, керосин полдаги гиламга тома бошлади. Тўқай ёнаётган чироқни олиб доғ устига ирғитди. Дастлаб ҳеч нима юз бермади, олов гўё бир жойга йиғилиб, сўнди, аммо бироздан сўнг тўсатдан ловуллаб, тепага қараб ўрлади. Тўқай аранг қочиб қолди. Ловуллаб ёнаётган олов бир дақиқадан сўнг шоҳи пардани буткул забт этиб, бирданига чодирни ёритиб юборди.

– Мана энди ҳаммаси жойига тушди, – деди Тўқай ва ўзи шошила кетди.

У ҳануз пальма шохлари сўлмаган, кенг, муҳташам дам олиш жойидан ўтиб, бильярдхона орқали коронғи йўлакка кирди, сўнг айлана зина бўйлаб дупурлаб қадам ташлаб, зулматга чўмган пастки қаватга тушди. Дам ўтиб ойнинг кўланкаси ёритиб турган шарқ томондаги айвон эшиги олдида пайдо бўлди ва уни очиб хиёбонга чиқиб олди. Шу пайт қоровулхонадан Ионанинг ҳайқирган фарёдини ҳамда Цезарнинг увлашини эшитмаслик учун елкасини қисиб, бошини ичкарига тортиб олди ва ҳеч қачон ёдидан чиқмайдиган махфий йўл орқали тун зулмати ичра ғойиб бўлди...

ДОРИЛФУНУНЛАРДАН БИРИ

миллий ўзликни англаш ва шеърият

Ҳар қандай миллий адабиёт руҳга, қалбга таъсир қилгувчи ботиний кучу таъсирга эга уйғотувчи сўзлардан, демакки, муҳташам асарлардан бино бўлур. Кўнгил осмонини зулмат булутлари қопласа борлиқнинг табиий ёруғлиги-да дилга татимас, Озод руҳ маҳв этилса, эркин сўз банди, жўшқин туйғулар жимликка маҳкум этилса адабиёт яшолмас, демакки, миллат ҳам, комил миллат сифатида мавжуд бўлолмас. Ҳазрат Алишер Навоий айтмоқчи,

...То зулму ситам жонига бедод ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.

XX аср адабиётида мустабид тузумнинг мавжуд тўсиқ ва таҳдидларини писанд қилмай, ўзига хос йўли ва услуби билан миллий ўзлик саодати борасида қатъий сўзини айтишни бошлаб берган буюк шоирларидан бири доғистонлик авар шоири Расул Ҳамзатов бўлди. Унинг оташин ва ёвқур шеърияти тутқунликка бўйсунмай миллати ва элатидан қатъий назар ҳар бир ижодкор юрагида она Ватанга бўлган муҳаббат, севги-садоқатни улғайтирди, миллий ғурур ва ифтихорларини баланд овоз ила куйлашга даъват этди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли адабиётшунос олим О.Шарафиддинов таъкидлаганидек, "Шеърият оламига 50-йилларнинг бошида кириб келган Расул Ҳамзатов жуда қисқа муддатда шуъласи дунёнинг ҳамма бурчларида кўриниб турадиган биринчи даражали шеърият юлдузига айланди. Унинг шеърияти, эллардан, юртлардан, дарёлару тоғлардан, сарҳадлардан ва энг муҳими, улардан ҳам баландроқ қилиб қурилган темир пардалардан ошиб ўтиб, одамларнинг ташна қалбларига малҳам бўлди, юмуқ кўзларнинг очилишига, мудроқ қалбларнинг уйғонишига сабаб бўлди".

Ўз даврида жаҳон адабиёти, Шарқ адабиёт бўстони, хусусан, Алишер Навоий ижодидан баҳраманд бўлиб бетакрор асарлар яратган шоир, вақтики келиб ўзбек адабиётида миллий ўзликни англаш жараёнлари такомилига, адабиётда эрк саодати тараннум этилган асарлар яратилишига ўзига хос таъсир кўрсатди. Расул Ҳамзатов бадиий сўз воситасида инсониятга бу дунёни қандай яхши кўришни, ардоқлашни, дўсту қадрдон бўлиб яшашни, Ватанни севишни, севганда ҳам уни бутун борлиғи-ла севишни ўргатди. Унинг қалбида бир умр музаффар Доғистон бутун салобати, дарду армонлари, орзу умидлари, муҳаббати билан бўй кўрсатиб турди. У Доғистон тарихи, тоғликлар анъанаси, оддий чўпонларнинг

қувончу ташвишлари, аёлга муҳаббат, соғинч, қўйингки, қайси мавзуда ёзмасин, ҳар бир насрий асари, шеърининг замирида Ватанга бўлган чексиз муҳаббат ва садоқат мужассам эди.

Расул Ҳамзатов ёшлигидан Доғистон халқлари адабиёти, рус ва жаҳон адабиёти дурдоналарини қунт билан ўрганади. Адабиётшунос олимлар Расул Ҳамзатовнинг эътирофлари асосида у авар адабиёти билан бирга Доғистондаги барча миллатлар, қардош халқлар хусусан, Шарқ адабиётидаги шеърий анъаналарни ўзлаштириб, жарангдор шеърият яратганини таъкидлайдилар. "Таржимонлар менга биринчи навбатда Ҳейне, Бёрнс, Саъдий, Навоий, Сервантес, Гёте, Диккенс, Лонгфелло, Уитмен ва бошқа шоир ёзувчиларнинг асарларини ўқиш имкониятини яратиб беришди. Агарда уларнинг асарларини ўқимаганимда, эҳтимол, шоир бўлиб вояга етмасдим". Шоир болалигидан авар адабиёти билан бирга Ҳофиз Шерозий, Саъдий, Фирдавсий, Умар Хайём, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий асарлари, "Лайли ва Мажнун", Юсуф ва Зулайҳо" достонлари, "Тоҳир ва Зуҳра" эртаклари таъсирида улғайганини қайд этиб ўтади. Айниқса, Алишер Навоий номи унинг асарларида бот-бот ҳурмат билан такрорланади. У шеърларидан бирида шундай ёзади:

Қачондир айтганди буюк Навоий
"Ишқ даволар асли дил ярасини".
Доғистонда сен-ла тузолсак эди,
Ишқни асровчилар идорасини.

"...Мен ўзга халқлар тарихига беписанд қарайдиган кимсаларга шубҳа билан қарайман. ...Ўзбекистон қадимий тарихга эга... Наҳотки буни рад қилиб бўлса? Аслида нимаики мавжуд бўлган бўлса – у бор. Кимнингдир тарихи янги, кимникидир кўҳна ва чуқур илдизларга эга бўлиши мумкин. Бир-биримизнинг тарихимизни ўрганайлик. Агар халқлар бир-бирларининг тарихига ҳурмат билан қараб, уни ўрганадиган бўлса – бу жуда яхши-ку!" Р.Ҳамзатовнинг қалбида Алишер Навоий асарлари ва шахсиятига муҳаббат уйғонишида унинг отаси, Доғистоннинг биринчи халқ шоири Ҳамзат Цадасанинг таъсири жуда катта бўлган. Ҳамзат Цадаса 1948 йилда Ўзбекистонга келади, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий юбилейи билан боғлиқ тадбирларда қатнашади.

Ўтган асрнинг 40-50 йилларида Алишер Навоийнинг жуда кўп асарлари турли тилларга таржима қилинади. Айниқса, шоирнинг қуйидаги рубоийси ўз давридаёқ тиллардан тилларга ўтиб машҳур бўлганди:

Ғурбатда гариб шодмон бўлмас эмиш,
Элга анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш,
Олтин қафас ичра гар қизил гул битса,
Булбулга тикондек ошиён бўлмас эмиш.

Айтиш мумкинки, Расул Ҳамзатов ижодида миллий ўзлик тамойиллари ифодаланган ўктам қарашларнинг акс этишида ҳамиша туғилган ошиёнини мадҳ этувчи қуш, булбул образи алоҳида ўрин тутади.Таъбир жоиз

бўлса, бу шоирнинг ўзидир. У ўзининг машҳур "Менинг Доғистоним" асарида шундай ёзади:

"Қушни ушлаб қафасга солишади. Қафасга қамалган қуш кечаю кундуз фақат битта сўзни такрорлайверган: Ватан, Ватан, Ватан, Ватан, Ватан, Ватан... Қушни ушлаб турган киши ўйга толди: "Унинг Ватани қандай экан, қаерда экан? Эҳтимол, жаннат қушлари ва жаннат дарахтлари бор, гуллаб-яшнаган бир ўлкадир. Яхшиси, қушни қўйиб юбориб қайси томонга учишини кузатайин. Менга қушча мўъжизавий мамлакат йўлини кўрсатар". У олтин қафаснинг туйнугини очди, қуш озодликка чиқди. Қуш ўн қадамча учиб, силлиқ тошлар орасида ўсган чангал шохига қўнди. Шу чангал шохлари орасида қушнинг уяси бор экан...".

Ана шу маънода Расул Ҳамзатов шеърияти ҳар бир юракнинг ўз гулзори, ўз булбули бўлиши кераклигини таъкидлади. Зеро, шоир айтгандай ҳар булбулнинг ўз қўшиғи бор, у дунёнинг турли китъалари, мамлакатлари, ўлкаларида сайраши мумкин. У қаерда, қайси замонда бўлмасин, аввало, энг муқаддас туйғу – Ватан ҳақида куйлайди.

Булбул қўшиғини тинглаяпсанми,
Унда янграётган тантана тинмас.
Нима ҳақда куйлар, англаяпсанми?
Аммо номаълумдир ҳеч кимса билмас.

Иймоним комилдир, ишонч-ла айтгум,
Ватан ҳақидадир бу қўшиқ бонглар.
Агар ўзга мавзу бўлганда шаксиз,
Жонига тегарди аллақачонлар.

Расул Ҳамзатов собиқ СССР дунёда энг қудратли давлат сифатида ҳукмрон мафкура томонидан миллионлаб халқларнинг онгу тафаккурига сингдирилаётган, ягона давлат, ягона тил, ягона маданият ғояси кенг тарғиб қилинаётган бир пайтда олтин қафас ичидаги ўзлигини унутишга маҳкум қуш бўлишни истамади. У руҳан бу қафасни бузиб чиқиб, ўз ошёнини куйлашга интилди. Бу улкан моҳиятдаги ўлмас руҳ кейинчалик Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло ижодида шундай жаранглади:

Менга олтин қаср берсалар,
Бор неъматни қилиб муҳайё,
Лекин шунда бир шарт қўйсалар:
"Одамларсиз яшайсан танҳо,
Ўз нафсингни ўйласанг агар
Олтинлардан қўярмиз ҳайкал".
Йўқ! Йўқ! Сендан холи бўлганим,
Бахтсизлигим, тирик ўлганим!

Кўриниб турибди, сўзлар ўзгарса-да, моҳият ўзгармай турибди. Гарчи шоир шеърда ўзининг асл муддаоси, дардини сўзлар илдизига жо қилсада ундан "менга олтин қаср қуриб бериб, бор неъматни муҳайё қилиб, ўзлигингни унутиб, халқингдан тониб, нафсингни қондириб, жим яшасанг, сенга олтиндан ҳайкал қўямиз!" деган маъно чиқиб турибди. Шоир

шеърни эрк саодати ила ёнган юракдаги ўша қушча, булбул ноласи билан якунлайди: "Йўқ! Йўқ! Сендан холи бўлганим, Бахтсизлигим, тирик ўлганим!"

Барча улуғ шоирларда бўлгани каби Ватани ҳақида мангу қўшиқ битиш унинг бутун борлиғи, ҳаётининг мазмуни эди. Шу боис юрак амри билан битган китобига ном қўйишда, миллат номини байроқ қилиб кўтаришда Расул Ҳамзатов рад қилиб бўлмайдиган донишмандона йўл тутади:

"Тоғликлар кўпинча ўғлига бобосининг исмини қўяди. Китобим – менинг фарзандим. Мен эса Доғистоннинг фарзандиман. Демак, китобимнинг номи – "ДОҒИСТОН". Бундан ҳам мос, бундан ҳам чиройли, бундан ҳам аниқ ном бўлиши мумкинми? Элчини машинасидаги байроқчадан танийдилар, китобим – менинг ватаним. Ном ўша байроқча.."

Гўёки Расул Ҳамзатов миллий республикалар халқлари қалбида бир муддат қўрқув, таҳлика, иккиланиш ҳолатида турган фикрлар тўғонини бузиб, улар учун аждодларидан кутлуғ мерос – озод сўзга йўл очгандай эди. У машҳур "Менинг Доғистоним" асарида инсон ўз она тили, миллий қадриятларига энг мустаҳкам ришталар билан боғланганини, бу ришталарсиз унинг нафақат ўзлиги, балки инсоний қиёфаси ҳам йўқолиши мумкинлигини ҳам таъсирчан ва ибратли, шарқона ҳикматли воқеалар, ҳам мантиқ нуқтаи назаридан исботлаб бердики, ҳатто мустабид тузум мафкураси ҳам бу ҳаёт ҳақиқати олдида лол бўлиб қолди.

Расул Ҳамзатов ижодининг моҳияти, унинг ҳаётга бўлган муносабати, яъни эстетик принципи билан белгиланади. Шоир ижодидаги шарқона рубобийлик, гўзал самимият баробаридаги ёрқин образлилик ва ҳикматли таъбирнинг ўзбек адабиётига, хусусан, замонавий ўзбек шеъриятига ижобий таъсири беқиёсдир.

Шоирнинг фавқулодда юксак истеъдод ва бадиий маҳорат билан яратган, 1967 йилда эълон қилинган "Доғистоним" достони ижодининг чўққисидир. (Асарнинг иккинчи китобини 1971 йилда адабиёт мухлисларига тақдим этди.)

Мазкур асар миллий ўзликни англаш, она тилига муҳаббат, аждодларга эҳтиром нуқтаи назаридан ўз даврида фавқулодда юксак таъсирга эга бўлди. У бу асарида халқнинг миллий озодлиги йўлида етишиб чиққан, миллатни бирлаштирувчи сиймоларга катта ҳурмат билан қарайди. Ўша йилларда соҳибқирон Амир Темур шахси ҳақида нафақат ёзиш, ҳатто гапиришнинг ўзи ҳам хатарли эди. У "Менинг Доғистоним" асарида шундай ёзади:

"Қўмиқ овули ёнида Темур аскарлари билан кечган жангдан кейин ҳалок бўлган аскар чўнтагидан китоб топиб олишди. Китоб саҳифаларини варақлашди. Лекин тоғликлар орасида бу китобни ўқий оладиган киши топилмади. Шундан тоғликлар китобни йиртиб шамолга учирмоқчи ёки ёқиб юборишмоқчи бўлишди. Оқила ва жасур Парту-Фотимат олдинга чиқиб деди:

– Уни қуролдай авайлаб асрайлик!

– Бизга нима кераги бор? Барибир ҳеч қайсимиз уни ўқий олмаймиз.

– Биз китобни ўқий олмаганимиз билан, шундай вақт келадики, уни фарзандларимиз, невараларимиз ўқишади. Ахир унда нималар ёзилганини билмаймиз. Балки бу китобда бизнинг келажагимиз ёзилгандир."

Амир Темур саводсиз, фақат босқинчилик билан шуғулланган қаттол бир шахс сифатида талқин қилинаётган бир даврда гарчи ортиқча изоҳларсиз бўлса-да "Менинг Доғистоним"дан ўрин олган парча, ундаги ҳар бир сўзга юкланган маънолар жуда кўп нарсани англатарди.

Шоир асарларига ўз халқининг миллий қаҳрамони Имом Шомил образини олиб киришда ҳам жуда мураккаб, изтиробли йўлларни босиб ўтади. Имом Шомилнинг "Менинг тоғликларим! Яланғоч ва пурвиқор чўққиларни дилдан севинг!" дея бошланувчи васиятларига содиқ қолган шоир унинг тарихий шахслар қаторида тоғликларнинг ғурури, иймони ва виждони, миллатнинг барҳаётлиги тимсоли, ахлоқий қадриятлар, миллий ўзликни сақловчи муҳим тимсоллардан бири даражасига кўтариб, Имом Шомил Доғистон халқи учун бирлаштирувчи куч эканлигини эътироф этади.

Собиқ иттифоқ ҳудудида биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда "Доғистоним" асари таржимасига қўл урилди. Асарнинг дастлабки қисмлари шоир Э.Воҳидов томонидан ўзбек тилига ўгирилиб "Гулистон" журналининг 1968 йил 1-8 – сонларида чоп этилади. Кўриниб турибдики, "Доғистоним" дунё юзини кўрган 1967 йилдаёқ Э.Воҳидов унинг таржимасига қўл урган. Журналнинг 1-сонида таржимоннинг мухтасар сўз боши ҳам бор: "Чўққилари осмон ўпган Кавказ тоғларининг бағрида бир ўлка бор. Уни Доғистон дейдилар. Дўппидеккина бу ўлкада қирққа яқин тилда сўзлашадиган 1 миллион халқ яшайди. Расул ана шу халқнинг шоири, ана шу халқ шуҳратини бутун иттифоққа, балки бутун дунёга таратган шоир. "Доғистоним" шоирнинг биринчи насрий асари. Бунда у ўзи ҳақида, ўз халқи ва ўлкаси, унинг ўтмиши ва бугуни ҳақида, хуллас, замини ва замони ҳақидаги ўйларини ёзади. Халқнинг адабиётини ўрганиш – унинг ўзини ўрганиш деб бежиз айтмайдилар. Икки халқнинг бир-бири билан яқинлиги адабиётларининг яқинлигида намоён бўлади. Ўзбек ва Доғистон халқи ўртасида кўп яқинликлар бор. Ўтмишу бугунимиз, урф одатларимиз, ҳатто тилимизда ўхшашликлар кўп. Шунинг учун Расул Ҳамзатовнинг сатрларини ўзбек китобхони ўз ёзувчисининг асаридек ўқиши мумкин."

Таржимон таъкидлаганидек, собиқ иттифоқ мафкураси "бу асарни ўзбек китобхони ўз ёзувчисининг асаридек ўқиши" дан чўчирди. Бу кул остида жоду таъсирида ётган Қақнусчаларни уйғотиб юбориши мумкин эди. Эҳтимол, бу асарнинг Доғистонда яратилиши собиқ иттифоқ учун у қадар хатарли эмасди, аммо унинг 3000 йилликдан ортиқ миллий давлатчиликка, Султон Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур каби улуғ шахслар, жасур миллий саркардаларга, қадимий бой тарихга эга бўлган, Ибн Сино, Хоразмий, Беруний, Форобий, Бухорий, Нақшбандий, Мотуридий, Фарғоний, Навоий каби буюк аждодлари жаҳон тамаддуни ривожига беқиёс ҳисса қўшган ва собиқ қизил империя томонидан банди этилиб, "саводсиз миллат" сифатида таҳқирланиб келинган миллат қалбидаги ўзликни уйғотиб юбориши, тўғрироғи, куч бериши улар учун ниҳоятда хатарли эди. Расул Ҳамзатовнинг Шомил борасида ҳукмрон мафкура сингдирган қарашларининг буткул ўзгариб кетиши ҳам собиқ иттифоқ учун хавотирли эди.

"Менинг Доғистоним"да шоир виждони олдида ҳисоб беради. Ҳар бир мавзуга ниҳоятда талабчанлик ва ҳақгўйлик билан киришади. У боши-

дан ўтган азобли кунларини, хатоларини ўқувчисидан яширмайди. Ўз хатоларини мардларча тан олади: "Мени ҳозиргача яна бир виждон азоби қийнайди: гарчанд отам "Шомилга ҳеч қачон тил теккизма", деган эсада, мен аҳмоқ 1951 йилда бу улуғ ҳамюртимизни, рус босқинчиларига қарши курашга бошчилик қилган бу жасур инсонни айблаб, шеър ёзувдим, – дейди Расул Ҳамзатов. – Ўз ихтиёрим билан ёзувдим. Сабаби, онгим ўшандаги сиёсат билан шу қадар заҳарланган эдики, Шомилни, биласанми, ким деб талқин қилишарди у пайтлар – турк ва инглиз айғоқчиси. Унинг мақсади Кавказ халқлари ўртасида низо чиқариш бўлган деб, бетиним уқтиришарди… Шомил ҳақидаги ҳақиқатни билганимдан сўнг уни мадҳ этувчи каттакон шеър ёздим. Мени отам, ҳамюртларим, Шомилнинг арвоҳи кечирадими-йўқми – билмайман-у, аммо ўша илк шеърим учун ўзимни кечиролмайман!"

Ўша пайтда Расул Ҳамзатовнинг "Доғистоним" асарини ўқиган ҳар бир ўзбек қалбида гўёки бу дунёдан миллат озодлиги соғинчида армон билан ўтган, сўнгги нафасида ҳам эртанги ёруғ кунларга бўлган ишончи сўнмаган Чўлпон шивирлаб тургандай бўлган:

Тилинган тилларга қон югургуси,
Бўшалган инларга жонлар киргуси.
Тиканли боқчалар чечак кўргуси,
Ҳақ йўли, албатта, бир ўтилгуси!..

Расул Ҳамзатов ижодий жасорати, юксак адабий маҳорати ўз навбатида ўзбек адабиётида миллий ўзликни англаш жараёнлари янада аланга олишига кучли таъсир кўрсатди. Буни биз атоқли ўзбек адиблари, Шукрулло, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Ҳалима Худойбердиева, Анвар Обиджон, Матназар Абдулҳаким, Азим Суюн, Муҳаммад Юсуф, Шавкат Раҳмон, Аъзам Ўктам каби кўплаб ижодкорлар асарлари мисолида кўришимиз мумкин. Бу борада гап кетганда, аввало, улар ижодидаги она тили, она юртга муҳаббат, шу асосда инсон эрки, ҳурлиги, миллий қадриятлари асосида миллатга барҳаётлик ва давомийлик бахш этувчи тарихий ҳақиқатлар, ривоятлар, анъаналар саодати ҳақидаги шеърлар эътиборни тортади.

Назаримизда, Эркин Воҳидовнинг "Ўзбегим" қасидаси яралишида соҳибқирон Амир Темурнинг "Тузуклар"и, Расул Ҳамзатовнинг "Доғистоним", Алихонтўра Соғунийнинг "Туркистон қайғуси" асарининг таъсири беқиёс бўлган.

"Доғистоним"даги ватан тарихи ва тилига муҳаббат, миллий ўзликни англаш ва топиш ниятида йўлга отланган улуғ йўловчининг изтироблари, бедор аламлари, ҳайқириқлари алангага айланиб, уни ўқиган китобхоннинг қалбига ўт туташарди. Юраги миллат дарди билан ёниб турган Эркин Воҳидов таржимасидаги "Доғистоним" асари билан танишган синчков китобхон ўзбек шоирининг қалби гўё асар муаллифи билан сирлашиб, дардлашиб, фарёд ураётганини ҳис қилади. Ўз ўрнида ўқувчи ҳамфикрликда ўйларини тафтиш қилади, уйғоқ виждони, имони миллий саодат қувончи ва изтироблари билан тўлиб тошади. Дардлари достон бўлгудай шиддатли тўлқинлар ҳосил бўлади. Таъбир жоиз бўлса бу тизгинланган отнинг тушовини узишга бўлган чоғланиши эди. Эркин

Воҳидов Расул Ҳамзатов кўнгил оғриқлари асносида ўзбек миллатининг буюк дарди билан ёнади. “Ўзбегим” дея ҳайқиради. Бу илк бор “Ўзбегим” шеърида ўкинч билан миллатга умидвор “Дунёда ҳамма халқ қизиққан – Гавҳардек бебаҳо от эдинг...” дея мурожаат қилган Чўлпон шеъриятидаги исённинг кўнгилга қайтиши эди.

Тарихингдир, минг асрлар,
Ичра пинҳон, ўзбегим.
Сенга тенгдош Помиру
Оқ соч Тиёншон, ўзбегим.

Сўйласин Афросиёбу
Сўйласин Ўрхун хати
Кўҳна тарих шодасида
Битта маржон, ўзбегим.

Таниқли олим, тарих фанлари доктори Ҳамид Зиёев таъбири билан айтганда: “Ўзбегим”нинг тарихий аҳамияти шундаки, у “ёв қочганда” эмас, ёв ҳали қочмасдан, балки қиличини қайраб турганда дунёга келди. У яратилганда собиқ коммунистик партиянинг улуғ миллатчилик ва тоталитар сиёсати ҳукм сурар, миллий ҳис-туйғулар, ўз-ўзини англаш, она юрти билан ғурурланиш ва фахрланиш сингари миллий манфаатлар эса ҳибсда эди.” “Ўзбегим” қасидаси эълон қилинганидан сўнг шоирнинг қувончга қоришган изтиробли кунлари бошланади...

Шу даврда ўзбек адабиёти ҳам янги бир эврилиш жараёнини бошидан кечиради. Бу нафақат ўзлик, балки ўзлик ва озодлик истагидаги тафаккурнинг тўлғоғи эди. Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим” қасидаси қалбларни чақмоқдек уйғотиб юборган бўлса, Абдулла Ориповнинг “Ўзбекистон” қасидаси бу чақмоқнинг тобора кучайиб, ёрқинроқ, қудратлироқ садо бераётганини намоён этади. “Ўзбегим”нинг оташин руҳи уйғотган юраклардаги миллий ватанпарварликни “Ўзбекистон Ватаним маним” деган ўтли нидо янада алангалатди.

Расул Ҳамзатов ижоди учун характерли бўлган хусусият унинг ҳаётий фалсафа билан уйғунлашган исёнкор руҳи ва жозибали бадииятидир. Шоир ижоди учун хос бўлган бу юксак идеал тарих ва ҳаёт ҳақиқатлари силсиласида синовдан ўтган ва шаклланган тамойиллар эди.

Ўтган асрнинг 60-70 йилларида исёнкор шоирлар ижодида тил мавзуси кескин тус олди. Боболардан мерос, киндик қони томган табаррук тупроқ, унинг минг йилликларга бориб тақаладиган тарихи, миллий қадриятлари очиқ талқин этила бошлади. Она тили ҳақидаги шеърлардаги исёнкорлик руҳи, чуқур фалсафий йўналиш мумтоз адабиётимиз билан бир қаторда Расул Ҳамзатов яратган кенг кўламли ижодий меросга, лирикага бориб туташади. Шоир “Менинг Доғистоним” асарида она тили ҳақида шундай дейди: “Азиз она тилим! Сен менинг хазинамсан, бойлигимсан. Қора кунга асраган эҳтиёт мулкимсан. Сен мени ҳар қандай дарддан халос қилувчи шифобахш малҳамсан. Инсонда шоир қалби бўлсаю, ўзи соқов бўлса, бундай инсоннинг дунёга келмагани маъқул. Менинг қалбим қўшиққа тўла, бахтимга овозим ҳам бор. Менинг овозим сенсан, азиз авар тилим! Сен мени гўдакдек қўлимдан етаклаб, кички-

на овулимдан катта дунёга олиб чиқдинг ва мен дунёга ўз она халқим, қадрдон ўлкам ҳақида баралла куйладим. Сен мени улуғ рус тилига яқин қилдинг. Бу тил мени иккинчи қўлимдан етаклаб жаҳон эллари бўйлаб кездирди. Мен бу улуғ тилдан доимо миннатдорман. У менга худди ўша сут берган энагамдай азиз. Лекин ҳеч қачон унутмайманки, менинг ўз она тилим бор. Негаки, ўчоққа ўт ёқиш учун қўшнидан гугурт сўраш мумкин. Лекин юрак ўтини ёндириш учун дўстлардан олов олиб бўлмайди. Шоир "Она тилим" шеърида шундай сатрларни битади:

...Авар сўзин тинглаб кирди менга жон,
Оҳиста тирилдим ва шунда билдим:
Мени тузатолмас ҳеч дори-дармон,
Жонимга масихдир шу она тилим.
Майли, ким қай тилдан завқу шавқ олса,
Менинг ўз тилимга минг жоним фидо.
Эрта она тилим агар йўқолса,
Мен бугун ўлишга бўлурман ризо.

Таниқли адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошевнинг фикрича, "Шоир билади: авар тили жаҳон тили бўла олмайди, у халқаро тил сифатида тан ҳам олинган эмас, кўп сонли миллатнинг тили бўлмаганлиги учунгина буюк деб аталадиган забонлар сирасига кира олмайди. Лекин лирик қаҳрамон учун барибир, авар тили энг суюк, энг буюк тиллигича қолаверади.Чунки у она тилидир.Чунки бу тилда унинг халқи сўзлашади. Чунки шу тилда унга алла айтилган. Шу тилдаги қўшиқларни тинглаб, эртакларни эшитиб, мақоллардан маънолар ўзлаштириб улғайган. Ўзининг энг покиза, мўътабар туйғуларини шу тилда ифодалай олади. Шу тилда баён этади севгини, нафратни. Жаҳондаги барча буюк тиллар жам бўлганда ҳам, шоир учун фикру туйғуларни ифодалашда она тиличалик бўла олмайди.Чунки ўзга тиллар унга бегона. Ватанни танлаб бўлмаганидек, тилни ҳам танлаб бўлмас.Чин она тилининг буюклигини исботлаш учун интилиш асл фарзанднинг бурчи".

Расул Ҳамзатов учун бу улуғ бурч ижодининг олий мақсади мақомига чиққанганлиги учун ҳам унинг асарлари ўзи ёниб куйлаган "оқ турналар" каби тинчлик ва эзгулик, меҳр ва муҳаббат элчиси сифатида эрксевар инсонларни бирлаштирди. Миллатнинг энг асосий рамзларидан бири, қудрат манбаи бўлган муқаддас она тилининг қадр-қимматини эъзозлаш, уни ватан ва она каби улуғлаш ўзбек адабиётнинг бош мавзусига айланишида ватанимизда Ўзбекистон халқ шоирлари Шукрулло, Э.Воҳидов, А.Орипов, Р.Парфи, Ҳ.Худойбердиеваларнинг ҳиссаси беқиёс бўлди. Ёш авлодга она ватан, ота макон, она халқининг буюклигини англатиш учун адабиёт кураш майдонига, қалам эса қуролга айланди.

Нотиқ деди: "Тақдир шул,
Бу жаҳоний ирода.
Тиллар йўқолур буткул,
Бир тил қолур дунёда".
"Эй воиз, пастга тушгин,
Бу гап чиқди қаердан!"
Навоий билан Пушкин

Туриб келди қабрдан.
"Ваъзингни қўй, биродар,
Сен айтганинг бўлмайди".
Барча деди баробар:
"Она тилим ўлмайди".

Гарчи Эркин Воҳидов мустабид тузум тазйиқи остида мазкур шеърга дунёвий ижтимоий руҳ беришга ҳаракат қилган бўлса-да, шеър: "Олам айтар: Ҳеч қачон Она тилим ўлмайди!" қабилида якунланишининг ўзиёқ ўша давр учун чинакам исён эди.

Э.Воҳидов 1959 йилда ёзган "Она тупроқ" шеърида "Ўз муборак тупроғин инсон, Ёт назардан сақлаб ҳар нафас, Уни қучиб фидо этди жон, Қони билан қилди муқаддас" деса, 1964 йилда ёзилган "Шеър ва шахмат" шеърида рамзий маънода,"Шахмат тахтасида, шеър майдонида Ғоялар кураши этади давом" дейди.

Шукруллонинг "Жавоҳирлар сандиғи" асари, Э.Воҳидовнинг "Ўзбегим" қасидаси, "Она тилим ўлмайди", А.Ориповнинг "Она тилимга", Р.Парфининг "Она тилим" шеърларида ўзбек тупроғи, ўзбек халқи ва ўзбек тили улуғланди. Аслида бу ўзликни билишга, қадрлашга, асраб авайлашга даъват эди. Оқибатда миллат дардида куйган шоирларга "миллатчи" деган қора доғ чапланди.

Суҳбатлардан бирида Э.Воҳидов, "Нега рус кишиси "Менинг Россиям", "Менинг рус халқим" деб бемалол айта оладию, мен "Ўзбегим" деб айтсам, миллатчи саналаман? Мен Сергей Есенинни бежиз таржима қилмаганман. Нега энди мен "Ўзбегим" деб айтолмаслигим керак? Нега шундай деган одам миллатчи аталиши керак?" деган эди.

"Ёруғ дунёга келган инсон бор экан, инсон бўлиб туғилган экан, инсон ҳақлари, инсон ҳуқуқи бордир. Инсон ҳуқуқи – шеърият ҳуқуқи. Инсон ва табиат уйғунлиги абадий, табиат тартиботи ўзгармас, аммо инсон табиати ўзгарувчандир. Мувозанат бузилган жойда жаҳолат фикр оламини зулматга чулғайди, қонга булғайди. Муборак уйғунлик йўлида жафо чекканларнинг карвонбошилари шоирлардир, эҳтимол...", деб ёзганди Рауф Парфи.

Абдулла Ориповнинг "Она тилимга" шеъри, унинг қатларига яширинган миллат руҳияти, қалбига таъсир қиладиган, бу жараёнда уйғотадиган тагдор маъноларни ўқир эканмиз, ҳайратланамиз. Ана ўша шеърият ҳуқуқи асносида шоир мустабид тузумга мурожаат қилади: "Мен минг йиллардирки булбул бўлиб ўз тилида ўзлик қўшиғини айтиб келаётган миллат фарзандиман, мен асло айтган сўзингни такрорлайдиган тўти эмасман, менинг ўз она тилим бор, шу тилда шеър айтаман, тилим йўқоладиган бўлса тўтига айланиб қоламан". Шеър моҳиятида ўжар шоирнинг "барибир мени тўти қилолмайсан", деган исёнкор нафаси бор эди:

Минг йилларки булбул каломи,
Ўзгармайди, яхлит ҳамиша.

Лекин шўрлик тўтининг ҳоли,
Ўзгаларга тақлид ҳамиша.

Она тилим ўзинг бор шаксиз,
Булбул куйин шеърга соламан.

Сен йўқолган кунинг шубҳасиз,
Мен ҳам тўти бўлиб қоламан.

Ҳа, тил миллатнинг ўтмиши, бугуни ва келажагидир. Миллий ўзликни англаш ва миллий ғурур ҳам аввало, она тилига муносабатда шакллана-ди. Машҳур Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асарида "Инсондан азизроқ нарса бор – бу унинг ўзлигидир" дейилади.

Гўдак бешикдан она алласи, демак она тили таъсирида улғаяди ва ка-мол топади. Кўнгилни кўтаргувчи ҳам, тўлдиргувчи ҳам Ватан меҳри ва Ватан тилидир. Ўзбекистон халқ шоири Рауф Парфининг 1965 йилда ёзилган "Она тилим" шеърини ўқир эканмиз, Расул Ҳамзатов шеърия-тининг дарддош ва сирдош дўстдай ошино туғёнларини юракдан ҳис қиламиз:

Абут-Турк тарихдан балки биҳикмат
Бироқ сен борсан-ку Турон элинда.
Шоир, Сўз айтмакка сен шошма фақат,
Улуғ Алишернинг қутлуғ тилинда.

Шоир қалбидаги энг муқаддас ҳис туйғулар "Улуғ Алишернинг қутлуғ тилинда" китобхон қалбига ҳам кўчиб ўтади. Унинг "руҳининг қонида", қалбида туғён уйғотади, ёлқин бўлиб ёнади.Тил – шоир учун жон қадар, ҳақиқат қадар азиз ва қадрли:

Ҳеч зот уза билмас узилган жонни,
Ҳақиқатни уза билмас ҳеч қачон.
Элим, она тилим, руҳимнинг қони,
Бир имдод сўрайман сендан, онажон.

Рауф Парфи она тилини "Туркий Дунёнинг ғолиб хаёли"га, демак, ҳеч қачон енгилмас кучга қиёслайди. Аслида тилнинг руҳнинг қонига, "Абут Турк тарихи"га, "ғолиб хаёл"га ўхшатилиши шунчаки чиройли ташбеҳ эмас. Балки, унинг курашларда тобланган мардонаворлигини, исёнкорли-гини таъкидловчи, занжирбандликдан қутулишига ишонган шоирнинг қалб қаридан отилиб чиққан ўтли нидодир:

...Менинг она тилим, мунис, меҳрибон,
Тангрининг, Абаднинг ғолиб хаёли –
Сени ёзажакман, тирилган жаҳон.
Занжирбандман, она тилим Она Сўзингга,
Кундайин сўларман, ойдек тўларман,
Мил каби тортарман Сени кўзимга.

Бу ўзини она тили "кундай сўлишга" маҳкум, орзулари, умидлари "занжирбанд" этилган шу жафокаш элнинг фарзанди деб ҳисоблайдиган ҳар бир кишининг қалб даъвати эканлигини англатади.

Расул Ҳамзатов ёзади: “Олис Туркия заминида жонажон Доғистонимнинг бир сиқим тупроғини ушлаган қўйи хаёлга чўмдим. Шу бир сиқим тупроқда Гуниб, Чиркей, Ахтах, Қўмиқ, Хунзах, Цада, Цунда, Чарада ва бошқа овулларимизни кўргандай бўлдим. Бу менинг тупроғим. У ҳақда кўп ёздим ва бундан кейин ҳам ёзаман. Энди бу заминни эски ҳикояда сўзланганидай чакмон билан бекитиб бўлмайди”.

Миллат маънавиятининг юксалиши умум тамаддуний тараққиёт даражаси билан қанчалик узвий боғлиқ бўлса, тамаддун ривожланиши ҳам шунчалик маънавият равнақига боғлиқдир. Ҳар қандай даврда миллий қадриятларни нафақат асраб қолиш, балки ривожлантириш ва ҳаётга татбиқ этиш билангина маънавий барқарорликка эришиш мумкин. Ҳар бир миллат учун Она тили унинг миллий ўзлигини намоён этгувчи энг бебаҳо қадриятдир. Она тилида сўзлашиш ва унинг улуғворлигини юракдан ҳис қилиш инсоннинг ўз қалбини, ўзлигини, миллий ғурурини мустаҳкамловчи мўъжизавий қудратдир. Уларнинг яралишида ижодкорларнинг маҳорати ва шахсий услуб қирралари билан бир қаторда она тилига эътиқоди, уни асраш йўлидаги курашлари ўз ифодасини топган. Бу шеърлар замирида шоирларнинг эстетик идеали, она тилига муносабат орқали давр ва жамият, замон ва макон, ўтмиш ва келажак ҳақидаги қарашлари, фикрлари мужассам. Бу асарларнинг тилида ҳам, моҳиятида ҳам миллий ўзига хослик ниҳоятда кучли ва бетакрор. Бу шеърлар миллат ёшларининг она тилининг софлиги ва қадр-қиммати учун курашга чорлайди, бунга бурчли эканлигини англатади.

Илдизларидан баҳра олмаган ҳар қандай дарахт ҳалокатга юз тутади. Улуғ аждодларимиз ҳаётини, бой маънавий меросимизни, ҳикмат дурдоналарини ўрганиш орқали биз ўзлигимизни топамиз, ўзлигимиз – кимлигимизни янада чуқурроқ билиб борамиз. Битта эртак йўқолиб кетиш арафасидаги бутун бошли миллатни сақлаб қолиши, битта ҳикмат ёв олдида ожиз қолган миллатни енгилмас кучга айлантиришга қодирдир.

“Ватансиз Сўз йўқдир, дейди машҳур адиб Чингиз Айтматов, – Инсон Оллоҳга ибодати вақтида ҳам сирли бир умид билан унинг овозини тинглашга чоғланаркан, аввало, ўзининг сўзида ўзини эшитади. Сўз бизнинг вужудимиздадир. Биздан йироқлашиб ва яна бизга қайтиб, туғилганимиздан то ўлимимизга қадар миннатсиз хизмат қилади. Сўз борлиқнинг руҳини, коинотнинг чексизлигини билдириб туради. Бу ҳол ҳали ҳозирча билимларимиздан ташқари биз фақат буни Сўзнинг сеҳридан деб хаёл қиламиз. Шу билан бир вақтда Сўз ҳар қачон шахсиятимизнинг айни тамғаланган фото нусхасидир”.

Ҳа, улуғ адиб айтгандай “Ватансиз Сўз йўқдир”, шу билан бирга сўзсиз, ҳақ сўзсиз Ватан ҳам унинг эрки саодати, тинчлигу фаровонлиги, эртаси ҳам йўқдир. Ана шу маънода Сўз инсониятнинг улуғ мақсадларига хизмат қилади. Ҳақ сўзни қадрлаб, шоирлар қадр топади, Ҳақ сўз билан шоирлар миллатини қадр топтиради.

Миллий ифтихор миллий ўзликни англашнинг бир кўринишидир. Миллий онг, миллий ғурур ўз халқининг тарихи, маънавий қадриятларини, она заминнинг имкониятларини ва истиқболини билиш ва қадрлаш, фахрланиш, миллат манфаатларини амалга оширишга ҳаракат қилиш билан боғлиқ фазилатлардир. Миллий ғурур, асл ватанпарварлик миллий онгнинг шундай муҳим томоники, у кишиларни нафақат Ва-

танни севиш, миллий қадриятларни асрашга, балки ўз кучи, қобилияти ва истеъдодини миллий манфаатлар йўлида сарфлашга чақиради. Расул Ҳамзатов: "Битмаган китобим – минмаган отим, қинидан суғурмаган ханжарим", дейди.

"Қадрдоним Цада! – дейди у "Менинг Доғистоним" китобида, – Ҳиндистоннинг серҳашам ибодатхоналари, Мисрнинг юксак эҳромлари, Италиянинг чил устунлари мени кечирсинлар. Американинг осмонўпар бинолари, Парижнинг хиёбонлари, Англиянинг томошабоғлари, Швейцариянинг тоғлари мени кечирсинлар... Цада! Сенинг ўтлоқларингни кезсам сарпойчанг оёқларимни шудринг томчилари ювади. Шаффоф булоқларингдан тўйиб симираман... Ечинаман ва шалола тагига бориб тураман. Шалола тошдан тошга урилиб сачраб, саккиз поғонани босиб, охири менинг елкамга тушади. Парижнинг "Қирол саройи" деб аталган меҳмонхонасидаги душ менинг шалолам қаршисида бир елим ўйинчоқ. Тоғ дарёсидан оқиб тушган сувнинг бир қисми иссиқ тошлар орасида тўхтаб кун бўйи илийди. Лондоннинг "Метрополь" меҳмонхонасидаги кўм-кўк ванна менинг бу ажойиб ванналарим олдида сопол товоққа ўхшайди..."

Расул Ҳамзатовни дунёдаги ҳар бир шоир ўқийди. У ижодкорларга миллат ва Ватанни севишни ўргатадиган муаллимга ўхшайди. Ватанга муҳаббат ҳар бир шоир юрагида бор, лекин бир томчи сув кўл сатҳини жимирлатишга қодирлиги каби, бу шоир фикрлари, шеърлари кўнгил тубидаги энг оташин туйғуларни уйғотишга қодирдир. Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг машҳур "Ўзбекистон" шеърини ўқиган китобхон, Расул Ҳамзатовнинг буюк уйғотувчи шамоли эпкинларини ҳис қилгандай бўлади:

О, отамаконим,
Онажон ўлкам,
Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга.
Сендай меҳрибон йўқ,
Сенингдек кўркам,
Римни алишмасман бедапоянгга.
...Кўрдим сулувларнинг энг фарангларин,
Ё худбинман, ё бир соддакасман мен:
Парижнинг энг гўзал ресторанларин
Битта тандирингга алишмасман мен...

Расул Ҳамзатов Ўзбекистонни катта қалб билан яхши кўрарди. Она юртимиз бошига оғир кунлар тушганида ҳам у ўз ҳамдардлигини билдирган. Уни ўзбек халқи ўз фарзандидай яхши кўришини ҳам биларди. Мен 2018 йил Доғистонда шоирнинг 95 йиллик тўйи муносабати билан бўлиб ўтган тантанали тадбирда сўзга чиқиб айтган сўзларимни яна такрорламоқчиман: "Қадрли доғистонликлар, биламан, Сизлар Расул Ҳамзатовни яхши кўрасизлар, биз ўзбекистонликлар ҳам уни яхши кўрамиз. Аммо шуни айтишни хоҳлардимки, бизнинг муҳаббатимиз сизникидан кучлироқ бўлса кучлики, аммо кам эмас!"

"...Ўзбекистонда жудаям оз бўлганман. Таассуротларим эса бир умрли. Қадимий обидалар! ...Самарқанд! Бухоро! Такрорланмас мусиқа! ...Мен

учун энг яхши жой – дўстларим кўп бўлган ер. Мен учун Ўзбекистон ана шундай азиз замин. Ғафур Ғуломникида меҳмон бўлганман. Ойбек билан яқин эдим, Мирмуҳсину Рамз Бобожон билан турли анжуманларда кўришиб турардик. Улкан тақдирли, иродали ва умуман хислатлари беҳисоб Зулфияхонимни мудом эъзозлайман. Шукрулло қадрдон дўстим. Ўзбекистон шеъру қўшиққа бой диёр, айниқса, мумтоз шеъриятни юксак қадрлашларингга ҳавасим келади".

"Расул шеъриятининг уйғотадиган қайғудошлик ҳисси туфайли одамларнинг ўзлари гўё шоир бўлиб кетадилар, – деб ёзганди атоқли адиб Чингиз Айтматов, – Расул ҳақиқий халқ шоиридир, у бу оламдаги инсонларни ва инсонлардаги оламларни кашф қилади. Ушбу кашфиётлар орқали биз ўз-ўзимизни ва бир-биримизни янада яхшироқ кўра бошлаймиз – унинг шеърияти одамларни бахт, ижтимоий адолат, инсонпарварлик йўлида ягона интилишга ундайди, бирлаштиради".

Расул Ҳамзатовнинг "Менинг Доғистоним" асари, унинг боқий шеърлари менинг наздимда буюк дорилфунунга ўхшайди. У ҳамиша ҳар бир миллатни ўз эрки, нафақат моддий, маънавий қўрғонлари, тили, маданияти, урф-одатлари, бир сўз билан айтганда миллий ўзлигига содиқ қолишини ёқлайди, борлиғини шу улуғ ишга бахшида айлашни шараф деб билади, уни ҳимоя қилади.У ер юзи халқларини табиат қонунларига мос равишда ўз ҳуқуқларини англаган ҳолда бир бўстондаги турфа гуллардай ўзлигини севган, сақлаган ҳолда яшашга даъват қилади. Бу дорилфунун ҳамиша миллий адабиётлар ривожига, шеърият тараққиётига, ижодкор шахси тарбиясига хизмат қилади. Зеро, қуёш ҳар куни уфққа бош қўймасин, унинг юзини ҳар қанча қора булутлар тўсмасин, у ҳар тонгда фалакка, тўғрироғи, юракка қайтаверади. Шоир нафақат ўз миллати, балки ер юзидаги барча халқларга ўша оппоқ тонгни соғиниб яшади. Расул Ҳамзатов XX асрда том маънода Озод Сўз ҳуқуқига эга адабиёт ярата олган буюк шоир сифатида жаҳон адабиётидан, демакки, сайёрамиз халқлари юрагидан муносиб жой олди.

Минҳожиддин МИРЗО

Сайдакбар РИЗАЕВ

тарих фанлари доктори

ТОҒЛАР САЛОБАТИ ОЛИСДАН ҲАМ КЎРИНАДИ

Тарих саҳифаларида очилган ва очилмаган сир-синоатлар, ўзгача шарҳу талқинлар жуда кўп. Аммо, улуғ бир донишманд уқдирганидек, ҳеч нарса, воқеа вақт ўтиши билан, мазмуни қасддан сохталаштирилса ҳам, асл моҳиятини йўқотмайди. Буни халқимизнинг ардоқли фарзанди, давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидовнинг хотираси мисолида яққол кўриш мумкин.

Дастлаб мамлакатнинг собиқ раҳбари шаънига мисли кўрилмаган бўҳтонлар ёғдирилди. Ўлимидан кўп ўтмай табаррук номини бадном қилишга қаратилган сиёсий кампания бошланди. Бир неча йил давомида марказий матбуот Рашидов шахси мисолида ўзбек халқига аёвсиз равишда туҳмат тошларини отди, уни ўша кезлари собиқ иттифоқда чуқур илдиз отган жамики иллатлар, ҳатто жиноий ҳаракатларнинг Ўзбекистондаги бош сардори ва илҳомчиси деб аташгача бориб етишди. Сохта, адолатсиз мақолаларни чоп этиш марказий газеталар учун шон-шараф ишига айланди. Ўзбекистонга чорак аср раҳбарлик қилган, республикани бошқарган, эл-юрт учун имкони даражасида меҳнат қилган кишининг ҳақиқатдан мутлақо йироқ, мудҳиш образи шакллантирилди, хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги ҳукумат қарори бекор қилинди, хоки шаҳар марказидаги қабридан кавлаб олиниб қайта дафн этилди. Кимлардир бу қабиҳ ишлари билан ном чиқаришга улгуришди.

Не бахтки, бундай ғайриахлоқий хатти-ҳаракатларга қарамай мамлакатимизда, халқимиз хотирасида, бу улуғ зот билан ҳамнафас, ҳаммаслак бўлган сафдошлари қалбида Шароф Рашидовга бўлган чуқур эҳтиром сақланиб қолди. Унинг номини бадном қилиш учун ғаразли мақсад билан ёзилган мақолаларга, бўҳтон гапларга, қўйилаётган айбларга имон-эътиқодли кишилар ишонмади. 2017 йилиЎзбекистонда Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланди. Жиззах шаҳри марказида унинг салобатли ҳайкали ўрнатилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тантанали маросимда сўзлаган нутқидаги қуйидаги сўзлар халқимизнинг дилидаги гаплар бўлди: “Кўп миллатли халқимиз бу улуғ инсоннинг азиз номини ёд этиб, унинг ўлмас хотирасига чуқур ҳурмат ва эҳтиром бажо келтирмоқда. Шароф Рашидов ўзининг ноёб ақл-заковати, бой билим ва тажрибаси, меҳнатсеварлиги ва камтарлиги, юксак инсоний фазилатлари билан нафақат Ўзбекистонда, балки узоқ-яқин ўлкаларда ҳам катта обрў-эътибор қозонган эди. Бу улуғ инсон,

собиқ мустабид тузум даврида турли тазйиқ ва синовларга бардош бериб, халқимиз ва миллатимизга садоқат билан, ҳалол ва фидокорона хизмат қилди.Умрининг сўнгги дақиқаларида ҳам далага бориб, заҳматкаш ўзбек деҳқонлари орасида бўлганини барчамиз яхши биламиз".

Мен 1979 йилнинг сентябридан то Шароф Рашидов вафот этган 1983 йилгача партия марказкўмида масъул лавозимда ишладим, у кишини турли мажлис ва йиғинларда кўрдим, одамлар билан муомаласи, ҳузурига келган кишиларга эътибори ва ғамхўрлигига бевосита гувоҳ бўлдим.Бир мен эмас, бошқа ҳамкасбларим ҳам у кишининг ҳақиқий зиёли, босиқ ва вазмин, кенг мушоҳадали, суҳбатдошлари фикрига эътибор берадиган раҳбар, камтарин инсон эканлигига кўп бор амин бўлганмиз. Ишга масъулият билан ёндошишни, бирор муаммони ҳал қилишда масалани атрофлича ўрганишни, шошма-шошарликка йўл қўймасликни, янада муҳими, тўғри ва адолатли ечимларни топишни у кишидан ўрганганмиз. Шу боис, у кишининг обрўсини туширишга, номини булғашга қаратилган ҳаракатларни кўриб, жим тура олмадим. Бундай нопокликни кўриб, кўл қовуштириб туриш мумкин эмасди, бундай қилиш виждон азоби каби оғир эди.

Кўп ўйлаб ўтирмай, қўлимга қалам олдим. Бу шахс ҳақида архив материаллари, нутқ ва маърузалар, расмий ҳужжатлар, ёзишмалар, кўпдан-кўп хотиралар, жонли мисоллар, факт-рақамлар, дунёвий эътирофлар асосида ҳақиқатни борлигича тиклашга аҳд қилдим, "Шароф Рашидов сиймосига чизгилар" деган китоб ёзишга бел боғладим. Ҳиссиётга берилмай, аниқ ҳолатлар, воқеа-ҳодисаларнинг асл тафсилотлари, мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаёти билан бевосита боғлик улкан натижаларга қатъий асосландим. Сатрлар ўз-ўзидан кела бошлади. Вазиятнинг мураккаблиги, кўп "дўст"ларнинг, масалан, у кишининг меҳр-мурувватига кўп бор сазовор бўлган айрим кимсаларнинг буқаламундай ўзгариб қолишига қарамай, мақсад сари қатъият билан интилдим. Ниҳоят, истиқлолимизнинг иккинчи йили бошларида китоб чоп этилди. Бу ижтимоий-сиёсий тадқиқот моҳиятан Шароф Рашидов ҳаёти ва фаолияти хусусидаги биринчи илмий-таҳлилий нашр эди. Унда ёпиқ манбалардан олинган маълумотлар биринчи бор илмий мушоҳада тилига кўчирилиб баён этилганди. Балким, шу услуб ўқувчиларга маъқул бўлгандир: 10 минг нусхада чоп этилган китоб бир-бир ярим йилга етмай дўконларда бир нусха ҳам қолмади. 2017 йили унинг тўлдирилган иккинчи нашри ўқувчилар қўлига етиб борди. Бу нашр ҳам тезда тарқалди. Бу – халқимиз қалбида Рашидов шахсига, унинг етук арбоб ва сиёсатчи сифатидаги фаолиятига, у яшаган, меҳнат ва ижод қилган мураккаб тарихий даврнинг ўзига хос хусусиятларига қизиқиш сўнмаганининг далолати эди. Ўқувчилар муаллиф китобда у Шароф Рашидовнинг шахсига холис ва объектив ёндашганини ҳам тўғри тушунишди.

1991 йили баҳорда тегишли идораларнинг рухсатини олиб, ғоят муҳим сирлар сақланадиган партия архивидаги мутлоқ ёпиқ ҳужжатлар билан танишиш имкониятига эга бўлдим. Ҳужжатлар орасида МҚ бюроси ва пленумларининг стенограммалари, протоколлар, жумладан, "Махсус папка"лар, Шароф Рашидовнинг шахсий ва расмий ёзишмалари, 80-йиллар ўрталарига тааллуқли ҳужжатлар орасида "ҳақиқат асосида мамлакатни поклаш" деган тутуруқсиз шиор остида кадрларни қувғин қилиш,

Рашидов даврида ишлаганларни таъқиб остига олишни бошлаб берган МҚнинг машъум 16 пленуми стенограммаси ҳам бор эди. Уни ўқиш осон эмасди, ҳар бир жумлада халқимиз шаънига айтилган бўҳтон сўзлар, собиқ марказдан келиб, Ўзбекистонда тартиб ўрнатмоқчи бўлган асли нопок, димоғдор "раҳнамо"ларнинг пачава хулосаларини учратиш мумкин эди.

1959 йили ЎзКП МҚнинг биринчи секретарлигига номзод кўрсатиш масаласини кўриб чиққан махсус бюро йиғилишининг папкаси менда алоҳида қизиқиш уйғотди. Йиғилиш стенограммаси "Литературная газета"нинг 1987 йил 10 июнь сонида чоп этилган ва катта шов-шувга сабаб бўлган "И пробил час…" ("Вақт-соати келди...") мақоласидаги барча иддаоларни тўла-тўкис инкор этади. Мақолада ветеранларнинг бирининг фикрига таяниб, гўё Ўзбекистон раҳбарини сайлаш масаласи битта ортиқча овоз, у ҳам бўлса бюро аъзоси Рашидовнинг овози билан унинг фойдасига ҳал бўлгани айтилган. Бу "факт" ўшанда "бомба портлаши" эффектини берганди. Мақолани ўқиган газетхон, агар Рашидов шундай йўл билан мамлакат раҳбарлигига келган бўлса, бундай шахсдан нимани ҳам кутиб бўларди, деган фикрга келиши керак эди. Мақсад шу эди. Лекин газетадаги бу "муҳим" маълумот ғирт ёлғон, ғаразли уйдирма экан!

Бюро йиғилишида ижтимоий характеристикалари бири биридан қолишмайдиган икки кишининг номзоди кўриб чиқилган. Бири Ориф Алимов, иккинчиси Шароф Рашидов. Бу икки мард, чинакам инсон ва раҳбарнинг стенограммага муҳрланган сўзларини ўқиб ларзага тушдим. Ориф Алимович "Мен Рашидовга овоз берган бўлар эдим", дейди. Шароф Рашидович "Мен Алимовга овоз берган бўлар эдим", дейди. Муҳокамадан сўнг бюро аъзолари Рашидов номзодида тўхташга қарор қиладилар.1959 йил 14 март кунги йиғилиш стенограммасидан парча: "*Р.Е. Мельников* (мажлисда раислик қилаётган МҚнинг иккинчи секретари): "Хўш, нима дейсизлар, ўртоқлар, овозга қўямизми, йўқми?" Жойлардан "Йўқ!" деган овозлар. *Р.Е. Мельников:* "Шароф Рашидович ҳақидаги таклиф бир овоздан қабул қилинади".

Шахсий ҳужжатлар, Шароф Рашидовнинг шахсий хатлари, архивдаги бошқа материаллар, шунингдек, кўплаб учрашувлар, Рашидовнинг сафдошлари билан суҳбатлар 80-йилларда иттифоқ оммавий ахборот воситаларида берилган маълумотлар қип-қизил тухмат эканлиги ҳақидаги фикримни тасдиқлади. Айтиш лозимки, оммани ёлғон ва бўҳтонга ишонтиришда "оломон эффекти" деб аталадиган тушунчадан ғоят самарали фойдаланилган. Руҳшунослар оломон таъсири остида эҳтиросга берилиб заҳарланган айрим индивидлар ўзлари истамаган ҳолда маълум бир руҳий ҳолатга тушиб қолишлигини таъкидлайдилар. Бундай пайтда эл-юртда тарқалган ҳар қандай гап-сўз, тўғри бўлса ҳам, нотўғри бўлса ҳам, бундан қатъи назар, жамоатчилик фикрига кучли таъсир кўрсатади, аниқроғи одамларни чалғитади. Рашидов хотирасини ёддан чиқариш учун курашаётганлар айни шунга урғу бергандилар. Рашидовнинг яқин сафдошларидан бири МҚ пленумида "Биз ҳаммамиз унинг таъсири остида сеҳрланиб қолган эдик" деди, бошқаси эса ўзининг омма олдидаги нутқида "шароф-рашидовчилик" деган янги иборани ишлатиб, унинг номи ва иш услубига ўта салбий мазмун, маъно юкламоқчи бўлди.

Ўрганган материалларим, мушоҳадаларим ва таҳлилларим “Рашидов партия билетини чўнтагига солиб, ўзим – хон, кўланкам – майдон”, деб яшаган, фақат ўзини ўйлаган, мукофотларга ўч бўлган”, деган гаплар мутлоқ асоссиз эканлигини кўрсатди. Кўз олдимда юксак инсоний фазилатли камтарин инсон, катта қобилият ва ёркин истеъдод эгаси, чукур билим ва ҳаётий тажрибага эга ўзбек зиёлиси, одамларга меҳр-муҳаббати она сути билан вужудига сингган, фақат яхшилик қилишга интилган ва ўзини эл-юрт ишига фидо этган шахс, сафдошларига кўнгли-дили очиқ, меҳрли, дикқат-эътиборли, узоқни кўрадиган раҳбар сиймоси намоён бўлди.

Рашидов ўзининг раҳбар сифатидаги обрўсини сақлар, атрофидагиларнинг ҳам пок, бенуқсон бўлишига қаттиқ туриб ҳаракат қилар, уларни турли бало-қазолардан ҳимоя қилар эди. Ўзбекистон Давлат хавфсизлиги қўмитаси (ДХҚ) раиси бўлиб ишлаган Э.Нордман ўзининг хотираларида: “Мен Рашидов ҳақидаги турли ёлғон, бўҳтон гапларга ҳеч ҳам ишонмаганман... Мендан “Рашидов мафияга раҳбарлик қилганми, порахўр бўлганми?”, деб тез-тез сўраб туришар эди. Мен комил ишонч билан йўқ дейман! Унинг инсон сифатида тозалигига, поклигига ишонаман”. ДХҚ раиси лавозимидаги амалдор кимнинг кимлигини жуда яхши билар эди.

Рашидов ҳисоботларнинг бўрттирилиши, қўшиб ёзиш, давлатни алдашга бўлган хатти-ҳаракатларга қарши тургани тўғрисида ҳам ҳужжатлар бор. У ёлғончилик, кўзбўямачилик, сохта обрў олишга тоқат қилмаган. Ходимларига республика мажбуриятларини бажариш ҳамма нарсадан юқори эканлигини уқтиргани, бунга ўзи ҳам ҳаракат қилгани бор гап. Иттифоқ фондларига пахта, сабзавот, ҳўлмеваларни биринчи навбатда етказиб беришни талаб қилган: “Бизнинг маҳсулотлар етказиб бериш бўйича мажбуриятларимиз бор, улар бажарилиши лозим, бу давлат интизомининг муҳим қисми, талаби ва уни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ”, дер эди йиғилишларда. Худди шундай, қўшни республикаларга электр қуввати, газ, сув етказиб бериш мажбуриятлари бажарилишига ҳам дикқат-эътибор берарди.

Шараф Рашидов юқори партия лавозимларига тавсия қилинган бир гуруҳ ёш ходимлар билан, жумладан мен билан ҳам суҳбатлашар экан: “Ҳаётда қандай бўлсанглар, ишда ҳам камтарин, инсонларга яқин, меҳрли бўлинглар. Шундайлар ҳам бўладики, биз у кишини катта лавозимга тавсия этамиз, у эса тезда дўстлари ва яқинларини унутиб юборади. Ноинсоф, маккор кишиларни ўзларингга яқинлаштирманг. Улардан олисроқ бўлинг. Бўлмаса обрўингизни тушириб юборасиз”, деган эди.

Шароф Рашидовнинг инсоний қиёфаси ва раҳбар сифатидаги фазилати унинг шахсий ёзишмаларида яққол намоён бўлади. Рашидовнинг хатлари ғоят илиқ, ёқимли, самимий, расмиятчиликдан узоқ бўлган номалардир. Уларда инсонни ўзига тортадиган, ром қиладиган қандайдир куч, қувват бор. Кимнидир у эндигина нашрдан чиққан янги китоби ёки танланган асарлари билан қутлайди, кимнидир таваллуд топган куни, юбилейи билан муборакбод этади. Кимгадир йўл кўрсатади, оталарча ғамхўрлик қилади. Яқин кишисини йўқотганларга ҳамдардлик билдиради. Шароф Рашидовдан келган бундай ҳароратли хатлар машҳур дирижёр Мухтор Ашрафий, бастакор Юнус Ражабий, қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштирган

таниқли ирригатор олим Нажим Ҳамроев, узоқ йиллик сафдоши Бектош Раҳимовлар оиласи архивида сақланмоқда.

Шароф ака, айниқса, шоир ва ёзувчилар, олим ва бастакорлар, скульпторлар, дипломатлар ва космонавтлар, нашриёт ходимлари, ижодий уюшмаларнинг аъзолари ва раҳбарларига кўплаб мактублар ёзган. Ўнлаб кишилар унга ёрдам сўраб мурожаат қилишган. И.Ломидзенинг турмуш ўртоғи ёзувчининг Карлово Варига даволаниш курсини давом эттириш учун йўлланма олишида ёрдам сўрайди. Одессалик пенсионер сурункали пневмония касалига дучор бўлган қизи, медицина институти доцентини даволаш учун 40 грамм мумиё жўнатишни илтимос қилади. Собиқ иттифоқнинг Цейлондаги элчиси қизини ишга жойлашишида унинг ёрдамидан умидвор. Муҳими, мурожаат қилувчиларнинг ҳаммаси Шароф Рашидов банд бўлишига қарамай, албатта ёрдам беришига ишонадилар.

Ижоддош ҳамкасблари – ёзувчилар, маданият ва санъат арбоблари, олимлар билан бўлган ёзишмаларида Шароф Рашидов уларнинг ютуқларидан хурсанд бўлганини маълум қилади. Китобларини чоп этган ноширларга самимий миннатдорлик изҳор қилади. Асарларини чоп этиш ёки уларни ўқишга ҳеч қачон ҳеч кимни мажбур қилмайди. Боз устига, ҳали пишиб етилмаган сценарийлари асосида саҳна асарлари қўйилишига қарши чиқади.

Кўп хатларида истеъдодли ёш ёзувчи ва шоирлар ҳақида устозларча қайғураётгани, уларга нисбатан самимий ғамхўрлиги уфуриб турибди. “Советский писатель” нашриётининг директори Н.В.Лесючевскийга ёзган мактубидан: Қадрли биродарим Николай Васильевич!Тошкентдан самимий салом! Мен сизга Орипов Абдуллани юбораяпман. Яқинда ўзбек тилида унинг “Юртим шамоли” китоби нашр этилди. Мен уни диққат билан ўқиб чиқдим ва ҳайратландим: тўпламга қандай ажойиб шеърлар киритилган. Айтишим жоизки, Абдулла Орипов билан Эркин Воҳидов яқин келажакда ўзбек совет поэзияси, ўзбек совет адабиёти меъзонларини белгилаб берадиган истеъдодлардан бўлиб етишади. Шу сабабли мен Сизга катта бир илтимос билан мурожаат қилмоқдаман. Ўзингиз шахсан Абдулла Ориповни қабул қилсангиз, у билан яқиндан танишиб, суҳбат қурсангиз. 1978 йили унинг шеърларини Москванинг энг яхши таржимонлари ёрдамида рус тилида чоп этиш керак. Унинг шеърлари юксак даражадаги таржимада босилиб чиқиши учун мен уни Сизга ижодий сафарга жўнатмоқдаман. Менга ишонинг, Абдулла Орипов шеърлари кўп жиҳатдан Сизга Расул Ҳамзатов, Эдуард Межелайтис ва бошқа кўплаб истеъдодли шоирлар асарларини сўзсиз эслатади”.

Шароф Рашидов нияти пок, самимий инсонларни яхши кўрар, уларга интилар эди. Ким билан мулоқот қилмасин, унга албатта маъқул бўладиган илиқ сўзлар топарди. У киши билан суҳбат қурган одамлар руҳланиб кетар, ижодкорларда илҳом, янги ижодий ният пайдо бўлар эди. Унинг суҳбатдоши билан самимий муносабати, оддийлиги, одамохунлиги, инсонга, у оддий бригада бошлиғи бўладими, архитекторми, ёзувчидан тортиб академиккача, иттифоқ вазиригача – ҳаммани ҳурмат-эътибори билан ўзига шайдо этарди. Одамлар Рашидов билан пахта даласида, дала шийпонида, янги мактаб очилишида, электростанцияда навбатдаги янги агрегатни ишга туширишда, Тошкентда қурилаётган метрополитен тунелида, Чорбоғ ГЭСи қурилишида бир лаҳзали учрашувлари, қисқа да-

вом этган суҳбатлари ёки қўл бериб самимий кўришганларини бугунга қадар эслашади.

Рашидовнинг одамлар билан муомала маданияти, суҳбатни жозибали олиб бориш маҳорати унинг қадимги ва ҳозирги замон тарихи, замонавий адабиёт хусусидаги билимлари кўпчиликни ҳайратга солади. Академик Н.Тимофеева Шароф Рашидовнинг ёрдамчиси Г.А.Крайновга ёзган хатида шундай деган эди: "СССР Фанлар Академияси делегациясининг барча аъзолари Ўзбекистонга бўлган ташрифдан ниҳоятда катта қониқиш ҳосил қилдилар. Барчамизни (мени эса ҳаммадан ҳам кўпроқ) Шароф Рашидович ҳайратланарли оддийлиги, нозик таъб эиёлилиги ва одамларга бўлган диққат-эътибори, меҳри-муносабати билан ўзига ром қилди".

Ш.Рашидов инсон психологиясини нозик англар ва чуқур тушунар эди. Бу эса сиёсатчи учун муҳим ҳислатдир. У муаммоларни ҳал қилишда нафақат онгга, ақлга, балки ҳиссиётга ҳам таъсир этиш зарурлигини яхши биларди. Инсон қалбига йўл топиш эса саҳрои кабир ёки уммонда тўғри йўл топишдан ҳам қийин. Бунинг учун сенинг ўзинг қайноқ ва меҳрли қалбга эга бўлишинг керак. Рашидов барчанинг, шу жумладан, партиянинг энг юқори мансабдорлари, нуфузли вазирлар билан мулоқотга киришиш, муҳим масалаларни ечишда уларнинг юрагига йўл топишнинг моҳир устаси эди.

Хатларни, сафдошларининг эсдаликлари ва бошқа ҳужжатларни ўрганар эканман, шундай хулосага келдим: Москвада, вазирлик ва бошқа идораларда, иттифоқдош республикаларда Шароф Рашидовнинг истеъдоди ва инсонийлигига, ишчанлиги, зиёлилик даражаси, дўст-биродарларига садоқати, шунингдек, ташкилотчилик қобилиятига юксак баҳо беришган.

Мамлакат ҳаётида пишиб етилган, ечимини кутаётган муҳим муаммоларни жойида ҳал қилиш учун республикага тегишли иттифоқ вазирликлари ва идораларининг раҳбарлари таклиф қилинар эди. Уларга марказ томонидан ажратилган маблағлар қандай ўзлаштирилаётгани ва улар қандай иқтисодий самара бераётгани намойиш этилар эди. Меҳмонларни Шароф Рашидовнинг ўзи шахсан кутиб олиши, жойларга кузатиб бориши уларда яхши таассурот қолдирарди.

1960–1980 йилларда Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг жадал суръатлар билан ривожланишида Шароф Рашидовнинг хизмати катта бўлган. Буни инкор этиш қийин. Республикада аҳолининг ўсиш суръати юқори эканлиги, 1959 йили мамлакатда 8,5 миллион киши яшаган бўлса, 1983 йилга келиб бу рақам 17 миллионга етгани боис, янги иш жойларини яратиш, аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш билан мунтазам равишда шуғулланиш лозим эди. Бунинг учун эса янги ерларни ўзлаштириш, каналлар қазиш, сув омборлари қуриб экин майдонларини етарли даражада сув билан таъминлаш, шаҳарлар, йўллар қуриш, иқтисодиётнинг янги соҳаларини ривожлантириш керак бўларди. Рашидов бу ҳақда чуқур ўйлайди. Соҳалар раҳбарларига янги ишлаб чиқариш корхоналарини қуриш бўйича пухта асосланган таклифлар тайёрлаш топшириғини беради. Бу билан қаноатланмай, ўзи бош ташкилотчи сифатида тиним билмай ишга киришади, янги саноат корхоналарини қуриш, транспорт шахобчаларини ташкил этиш, ерларни ўзлаштириш бўйича истиқболли ташаббус ва ғояларни таклиф этади. Ноёб ташкилотчилик қобилияти, ўта

зийраклиги, одамлар психологиясини чуқур ҳис этиши боис масъул лавозимларга ижодкор ва ташаббускор кадрларни олиб келади, уларни тарбиялайди, қадрига етади.

Республика ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан боғлиқ муҳим масалаларни марказ билан ҳамкорликда ҳал этиш учун Рашидовга катта сабот, матонат ва шахсий жасорат керак бўларди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 1942 йили Шимолий-Ғарбий фронтдаги мудофаа жангларида жароҳат олгунга қадар "Қизил Юлдуз" ордени билан тақдирланган Шароф Рашидов бу фазилатларга тўла эга эди.

Собиқ иттифоқнинг ўша пайтдаги раҳбари Никита Хрушчев Мирзачўлни ўзлаштириш ишларини тўхтатишни талаб қилган пайтда Рашидов уч марта Москвага бориб, катта раҳбарнинг олдига кириб, масаланинг моҳиятини тушунтиради ва ўзлаштириш ишларини давом эттиришга эришади. Қўшни республикалардаги гидроэлектростанциялар қурилишини кутиб турмасдан Марказий Осиёдаги энг йирик, қуввати 3 млн. квт бўлган Сирдарё ГрЭСи бунёд этилишини бошлаб юбориш зарурлигини исботлайди. Брежнев ва Косигинни Мурунтов олтин конини ўзлаштириш зарурлигига ишонтиради. Тошкент метрополитенини қуриш тўғрисидаги ҳукумат қарори қабул қилиниши учун юқори раҳбариятга расман 18 (!) марта мурожаат қилади. Бунақа мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шароф Рашидов марказлаштирилган иттифоқ давлати шароитида республикамизга узоқ йиллар раҳбарлик қилди. Ўзининг инсоний ва сиёсатчига хос ноёб фазилатлари туфайли мамлакатни мумкин қадар ижтимоий-иқтисодий ривожланишига эришди. Ўзбекистонда турли миллат вакилларига мансуб бўлган миллионлаб кишилар ўртасида мустаҳкам дўстлик ва ҳамкорлик муҳити шакллантирилди.

Бугун яшнаётган Мирзачўл, ўзлаштирилган Жиззах ва Қарши чўллари, Қизилқум саҳросида қад кўтарган гўзал Зарафшон ва Навоий шаҳарлари мамлакатимиз фуқаролари ва чет эллик меҳмонларни ҳайратга солади. Даҳшатли зилзиладан кейин қайта қурилган гўзал Тошкент кишиларни лол қолдиради. Халқлар Дўстлиги номидаги катта майдон, шу номдаги маҳобатли сарой, темирчи Шомаҳмудовлар оиласига қўйилган ҳайкал, Марказий Осиёда ягона бўлган метрополитен ва унинг мармардан қурилган ер ости саройлари меҳмонларни лол қолдиради. Буларнинг барчаси мустақил Ўзбекистоннинг олға қараб шахдам қадамлар ташлашига ўзига хос ишонч бахш этгани шубҳасиз.

Ўзбек халқининг содиқ ўғлони, буюк инсон ва моҳир сиёсатчи Шароф Рашидов миллионлар қалбида, уларнинг хотирасида бир умрга қолди. Уни эслар эканмиз, буюк бобомиз Алишер Навоийнинг куйидаги сатрлари беихтиёр ёдимизга келади:

Бу гулшан ичра йўқдир бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур қолса яхшилик била от.

НАВОИЙ ВА ҲАЙЪАТ ИЛМИ

Ки ер жирмудур ҳайъати мустадир,
Курра айлади ани ҳаййи қадир.

Алишер НАВОИЙ,
"Садди Искандарий"дан.

Тунда осмоннинг юлдузлар ғужғон ўйнаган ҳайбатидан, мағрибда юз кўрсатган уч кунлик Ой чиройидан, субҳи саҳардан гўё заррин сочларини тараб, янги келинчакдек саломга чоғланган Қуёш жилвасидан завқланмаган киши топилмаса керак, дунёда. Дилда шавқу шуур уйғотувчи борлиқ олам сиру синоати, мўъжизали ғаройиботларини чуқур тафаккур қилишга ундайди. Худди мана шу идрок ва эҳтирос билан ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг назм мулки махзанида коинот мўъжизалари билан боғлиқ ажиб бир ҳиссиётини, мисраларида зуҳур топган мўъжиз маҳобатни бир тасаввур қилайлик. Шунда бу буюк зот иқтидори нақадар юксак мақомга етганининг исботини топамиз.

Хотиримизга беихтиёр "Ғаройиб ус-сиғар" даги машҳур шоҳбайтлар келади:

Ашрақат мин акси шамсил-каъси анварул-худо
"Ёр аксин майдакўр"деб, жомдин чиқди садо...

Жому май гар буйладур, ул жом учун қилмоқ бўлур,
Юз жаҳонҳар дам нисор, ул май учун минг жон фидо...

Талқини: *Тиниқ май юзасида, Қуёш шуъласининг акси мисли ҳидоят зиёси каби ёлқинланган жомдан: "Ёр суратини майда кўр", деган садо чиқди.*

"Ёр" тимсолининг рамзий-тасаввуфий маъноси – Аллоҳ, "жом" – Яратганнинг сиймоси ва сурати – тажаллиси, зуҳуротини намоён қилгучи, коинотни ўзида акс эттиргучи кўзгу. Навоийнинг таърифича, шоҳ Жамшид ясаттирган тилсимли жомнинг бир номи *"жоми ишратфизой"* – бу қадаҳдаги май ичган билан тугамас, тўлиқ тураверар ва ағдарилганда ҳам тўкилмас экан; иккинчи номи *"жоми гетийнамо"*, яъни олам ғаройиботларини ўзида акс эттирадиган, жаҳонни кўрсатувчи кўзгу. Бу жомдан май ичган киши кўз ўнгида дунёнинг ботиний ҳодисотлари, тасвири намоён бўлар экан. *"Жоми ишратфизой"*да коинотнинг чексиз уммони узра яширинган, "бири исталса – юзлаб, юзи исталса – минглаб"ҳикматидан баҳраманд бўлмоқлик имкониятлари туғиларкан.

"Маҳбуб ул-қулуб"да қайд этилгандек, юқоридаги байтларда: "пок маҳзар *(қалб амри)* воситаси била ошиқи покбоз *(садоқатли ошиқ)* маҳбубнинг *(Аллоҳнинг)* ҳақиқий жамоли *(яъни борлиқнинг сурати, кўриниши)*дан баҳра олмоқлик", яъни олам ва коинот сиру синоатларини тафаккур қилмоқ майлига ишорат бор.

Хаёлпарастлик бўлиб туюлмасин-у, куйидаги байтда "миръоти ғайб" – ғойибни кўрсатувчи кўзгуга *(телескоп)* ишорат йўқмикин, деган тасаввурга борасан, киши:

Маҳзар бўлуб ҳуснунга миръоти ғайб,
Жилва қилиб анда хаёлоти ғайб.

Навоий махзанининг назмий шодасига тизилган ҳар бир садафда коинотнинг ақлни лол қолдирувчи сир-асрорлари мужассам. Пурҳикмат байтларда сайёраларнинг қутби собити (*ўз айланиш доираси*), ҳатто Қуёш бизга энг яқин юлдуз экани ҳақида фикр-мулоҳазалар бор:

Сониеъким чекти чун сунъи қалам,
Офариниш тарҳини қилди рақам.
Айлагач дойир тўқуз афлокни,
Қосир этти фаҳмидин идрокни.
Кўкни тун-кундин муламмаъ айлади,
Меҳру анжумдин мурассаъ айлади...
Не Қуёшким, юз минг Қуёш девонаси,
Ҳусни шамъи даврида парвонаси.

Мазмуни: *Яратгувчи ўзининг қудратли қалами билан олам меъморига айланди. Ўз қутби (ўқи) ва фазо чархида айланувчи тўққиз осмоннинг сир-асрорини идрок этмоққа ҳатто, ақлу шуурни ожиз этди. Осмонни тун билан куннинг алмашинувидан иборат қилди... У шундай Қуёшки, юз минг Қуёш унинг саргардони, унинг ёруғ жамоли атрофида парвона.*

"Фарҳод ва Ширин" даги ушбу байтнинг изоҳига зарурат бўлмаса керак:

Қуёшким, коинот андин олур нур,
Қилур ҳар куни қаро тупроққа мастур.

Навоийда асарларида учрайдиган "ҳайъат илми" ҳозирги тушунчадаги космология – осмон ва коинотдаги жисмлар шакли ва ҳаракати, ер курраси тўғрисидаги илмига тўғри келади. Шоир ижодини осмон илмидан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди.

Ҳайъат илми моҳиятан ва хоссатан шарқ мумтоз адабиётида тасаввуф таълимоти билан боғлиқ ҳолда шарҳланади.

Чунки, қадимги юнон космологияси негизида вужудга келган ҳайъат илмининг ажралмас қисми – олам ва одамнинг яратилиши моҳияти, сурату сийрати таққиқи тасаввуф фалсафасининг ҳам муҳим мавзуларидан бири саналади.

Навоий махзанидаги дурга молик ҳикмат ва ҳайъат илми бир-бири

билан уйғунлигининг маъно-моҳиятини тасаввуф таълимотисиз англаш ниҳоятда мушкул.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов эътироф этганидек: "Қуръони карим, ҳадиси шарифларни билмай, тасаввуф илмидан бехабар – Навоий фалсафасини англаб бўладими?"[1], ахир?!

Тасаввуф – кашфи ҳол, яъни инсон кайфиятини, аниқроғи, ўзлигини англаш илми. Ўзлигини англаган, иқтидорини тўғри йўналтира олган кишигина комиллик мақомига етишади.

Пок, илм зиёси билан мунаввар қалб олам мавжудлиги, хоссаси, сифати, кисқаси, Мутлақ зотнинг моҳиятини равшан тафаккур қилади. Коинот сирларини кашф этиш даражасига эришади.

Шу жиҳатдан "Садди Искандарий" даги мазкур байтни мутолаа қилган киши коинотнинг моҳияти ҳақида албатта мушоҳада қилади:

Ҳайъати махрути ила мустатил,
Аршсутуни бўлуридин далил.

Мазмуни: *Фалакнинг чексизлигию ҳайбати, мукаммаллиги, энг юксакка қадар бўйлаган осмон жисмлари дунё устунига далилдир.*

Тасаввуф таълимотига кўра, руҳ "ақли кулл" – буюк идрок туфайли оламнинг сирлари борлиқ оламнинг табиатини англайди ва у ҳақдаги билимларни ақлан тасарруф этади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, илм-фан жадал тараққиёт топаётган бугунги кунда кашфиёт деб аталаётган айрим ҳодисалар, аслида Навоий ижодиётининг сарғайган саҳифалари қатида, бир неча аср аввал бадиий талқин топганига гувоҳ бўламиз.

Қуйидаги байтда қуёшдан то энг олис юлдузгача, барча сайёралар коинотда ўз маъво ва ўрнига эга эканлигига иқрор бўламиз.

Зуҳал бийик мақом била Меҳри ховари бўлмас,
Девбиҳишт ҳулласини кийган била пари бўлмас.

Мазмуни: *Зуҳал (Сатурн) буюклиги ва юксаклиги билан тонгги Қуёшга тенг бўлмас, у чопқир сайёра жаннатнинг (ер куррасига қиёс) зийнат либосини кийгани билан гўзал бўлолмас.*

"Лисонут-тайр" да юқоридаги фикр ёрқин тасдиғини топган:

Ҳам булар даври даги тўққиз фалак,
Собиту сайёра, ҳам хайли малак.

Навоий асарларида оламнинг яратилишидан мақсад инсон, аниқроғи – комил инсон, яъни Муҳаммад (с.а.в.) ни дунёга келтириш ғоясини илгари сурилади.

"Лисон ут-тайр"да шундай байтларни ўқиймиз:

Тенгри чун Одамни махлуқ айлади,
Ўзни ошиқ, они маъшуқ айлади.

[1] "Имом Бухорий сабоқлари" журнали, 2001 й. 1 сон.

Амр қилдиким малойик сарбасар,
Сажда қилсунким, будур – хайрул башар.
Чун малойикка бу амр этти илоҳ.
Қилдилар Одам жанобин саждагоҳ.

Комил инсон олам ичра мўъжаз олам. Чунки оламдаги ҳар бир мавжудотнинг маълум бир намунаси – инсон руҳи ва вужудида мужассам. Инсонни бир тилсим деб билсак, худо ўзини унинг кўнгли ичра яширган:

Кўнглин онинг махзани ирфон қилиб,
Ул тилсим ичра ўзин пинҳон қилиб.

Кўп ҳолларда ҳиссиёт пардаси соясида қолган мужоҳада – саъй ва ғайрат билан мулоҳаза юритиш жараёнида коинотнинг ғаройиб ҳодисаларига дуч келамиз. Ҳис-туйғулардан нарига ўтолмаган ҳолларда эса борлиқни чуқур идрок эта олмаймиз. Аслида, руҳ ҳам кўз илғамас оламнинг сир-асрори, коинотнинг узвий бир бўлаги. Осмонлар, Ер ва махлуқот, шу жумладан, Инсон сурати ва сийрати ажиб ҳикмат билан яратилган.

"Лисон ут-тайр"да: "Ноёб, юксак коинотнинг асоси: тўрт унсур (*ўт, сув, ҳаво ва тупроқ*), етти кўк *(осмон)*, олти жиҳат (*томонлари – бу ўринда, коинотда геометрик шаклларни ҳосил қилувчи кесмалардан иборатлиги)* борасидага мулоҳаза ҳам буюк идрок шарофатидир.

Тўрт унсур, етти кўк, олти жиҳот –
Нодиру олий асоси коинот.

Навоий ҳар бир достони муқаддимасида ўзининг ҳайъат илмига оид дунёқарашини ифодалайди. Айрим мушоҳада ва мулоҳазаларини Қуръон оятлари, шунингдек, ҳадиси шарифлардан келтирилган иқтибослар билан тасдиқлайди.

"Мажолис ан-нафоис"да шоир Қуръон тиловати ва тафсир илми билан жуда эрта машғул бўлгани, олти ёшида тарихчи Шарафиддин Али Яздий (вафоти – 858/1454 йил) билан бўлган суҳбати чоғида Қуръоннинг "Таборак" ("Мулк") сурасигача ёддан ўқиб бера олишини айтган.

Шунинг учун ҳам шоир тафаккурида коинот ва унинг яратилиши ҳақидаги тасаввурлар исломий муқаддас манбалар асосида шаклланган. Киши онгига бевосита боғлиқ бўлмаган воқелик мушоҳада, тушунча, муҳокамага молик инкиъос жараёни космологиянинг таққиқ мавзуси ҳисобланади. Буюк исътедод ва иқтидор соҳиби ўша давр муҳитидан келиб чиққан ҳолда, олам ва одамнинг яратилиши ҳақида ёши ва қобилиятига мосу хос равишда фикр юритиши кишини ҳайратга солади.

"Садди Искандарий"да деярли ҳар бир байтда табиат ҳодисалари моҳиятига доир янгича маъно-мазмунга шоҳид бўламиз:

Эмас оқ булут чарх жавфида туз,
Ки андин синиб тушмиш бир поре муз.

Мазмуни: *Фалакдаги иссиқ иқлим совуқ ҳаво билан тўқнашганда осмондаги оқ булут таркибидаги бугларидан музлик ҳосил бўлади. Бунинг натижасида ёмғир аралаш муз парчалари (дўл)ёғиши ҳодисаси рўй беради.*

Мудом қишда қор ўрнига ёмғир ёғиши ҳолатини шоир осмон паҳлавони – Қуёшнинг қайноқ нафаси туфайли оқ дев (совуқ иқлим) шашти қайтганига ўхшатади:

Чу гардун рустами хуртиғин олди,
Замоноқ девининг бўйнига солди.

"Ғаройиб ус-сиғар" девонига киритилган ва "малик ул-калом", яъни сўз мулкининг султони Мавлоно Лутфийнинг оташин таҳсинига муяссар бўлган ғазалда осмон илми таҳқиқини кўрамиз.

Оразин ёпғоч кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Буйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғоч Қуёш...

байти билан бошланувчи бу ғазалда айнан олам ва одам ҳам зоҳирий, ҳам ботиний ҳол – макон, замон моҳиятининг тасаввуфий-фалсафий талқинига гувоҳ бўламиз.

Тунги Ой Қуёш нури туфайли Ерда намоён бўлиши жараёни ошиқнинг маъшуқа ҳажридаги изтиробларига қиёсан ифодаланиши киши ақлини шошириб қўяди:

Бу дамо-дам оҳим ифшо айлар ул Ой ишқини,
Субҳнинг бот-бот дами андоққи айлар Меҳрфош.

Мазмуни: *Тун бўйи Ой ишқида дили тийра бўлган Қуёш, ногаҳон тонги, лоларанг зиёси билан ўз сирини ошкор қилди.*

Қиш фаслининг оқ булутларидан фарқли ўлароқ, бутун осмонни қоплаган кўкламги қора булутлар серёмғир бўлишини ушбу байтдан англаш мумкин:

Саросарул булут гавҳараародур,
Ки найсоний булут янлиғ қародур.

Атрофимизни ўраб олган борлиқ олам сиру синоатлари, ихтиролар хоссаси ва асл моҳияти бўлмиш "кошифи ҳол" азиз авлиё, уламолар томонидан бизга маънавий мерос қилиб қолдирилган. Асрлар давомида авайлаб сақланаётган қўлёзма ва тошбосма китобларда яна қанчадан-қанча "кашшофи ҳол" яъни олам ва одам воқелигини очувчи асрорлар яширинган.

Алишер Навоийнинг космология ҳақидаги тасаввурий фикрлари ва мушоҳадалари замондошларимиз учун мураккаб туюлар. Аммо, тан олиш керакки, ҳазратнинг шоҳ байтларида кўпдан-кўп кашфиётларга асос бўлгувчи фикрлар ўз қадр-қимматини заррача йўқотмаган ҳолда, дастурий тамойил сифатида бизгача етиб келган.

"Лисон ут-тайр" дан олинган мана бу икки байтда қизиқ манзара намоён бўлади:

Бир важаб ер қолмади офоқ аро,
Балки бу кирёс нили тоқ аро.

Чун ҳикмат эрур кимиёи вужуд-
Ки андин топар эътибор аҳли жуд.

Бир-бирига уйғун бу байтларда ажиб бир фикр илгари сурилади. Кўк гумбазли осмон тоқида кафтдагидек кўринган ер куррасининг ғаройиблиги шундаки, инсон вужуди ана шу нодир ва ноёб, покланториб турувчи, ғализлик ва булғанчдан холи замин унсурларидан яратилган. Саховат соҳиби томонидан инсон чексиз эътибор топганлиги ўзи бир ҳикматдир.

Навоий достонларида табиатда рўй берадиган фожиали ҳодисалар – тошқинлар, зилзила, ёнғин ва буҳронларнинг муқаррарлиги олам қонуниятига боғлиқлиги талқин этилади.

Шоир осмон жисмларини ёрнинг гўзал тимсолига монанд, моҳирона таърифлайди ва тасвирлайди:

Қуёшни бўлмас, эй гардун ул Ойга айламак ташбиҳ,
Оғзи гар зарра, чўлпон – кўз, янги Ой анга қош.

Биз учун тириклик маъвоси бўлган Ер куррраси, сайёраларнинг самовий тизими маркази – Қуёш. Инсон вужудининг ҳаёт ва тафаккур нуқтаси – қалб. Қалб – оламни бор кўлами билан тафаккур қилишга кўмаклашувчи восита, кўзгу. Қалбда инсоний хислатлар табиат ҳодисалари билан уйғунлик ва яхлитликда ўз аксини топади. Ақлу ҳикмат ва эзгу амаллар қалб кўзгусини янада тиниқлаштиради. Инсонни камолотга етаклайди. Инсон қалби икки қутбий, жиҳат – моддийлик ва ана шу моддийликни ақл-идрок билан тафаккур қилиш иқтидорига муяссар бўлган.

Лек, чунким қуёшинг етти зуҳур,
Қилдинг ики жаҳонни ғақаи нур.

Навоий шеъриятида космология, яъни ҳайъат илмига доир чизгилардан ҳайратга тушар эканмиз, буюк даҳо сиймоси қаршида таъзим қиламиз.

Мулкунгга аршдин келиб бунидо,
"Халлада аллоҳу мулкаҳу абадо".

Яъники, Мамлакатингга аршдан: "Аллоҳ анинг салтанатини абадий қилсин", деган фикрга тақлидан Навоийнинг шеърият бўстони абадий яшасин, ҳамиша дилларга завку шавқ бағишлай берсин, деб айтгимиз келади.

Музаффар МИРЗО

АДАБИЁТДА МОДИФИКАЦИЯ ЖАРАЁНИ

“Модификация” лотинча сўз бўлиб, modus – мезон, кўриниш, образ, кўчма хусусият ва fasio – қилмоқ, амалга оширмоқ, қайта барпо қилиш, янги хусусият касб этиш билан шаклнинг ўзгартирилиши маъносини билдиради. Модификация тушунчасининг асосида файласуф Спинозанинг машҳур субстанция ва модус ҳақидаги умумфалсафий қарашлари ётади. “Фалсафий луғат”да кўрсатилишича: “Модус – ўлчов, мезон, усул, йўл, тарика, тарз” деган маъноларни билдиради. Предметнинг муайян ҳолатидаги хусусиятини ифодалайди. Спинозага кўра, модус субстанциянинг барча ўткинчи (кўчувчи) ҳолатларини ифодаловчи восита ҳисобланади. Унинг борлиги ўзига эмас, субстанция ва унинг хоссасига боғлиқ. Модусда ўзининг пайдо бўлишини ягона, абадий, чегарасиз моддий субстанцияда топадиган нарсаларнинг абадий кўпаювчанлиги ва кўчувчанлик сифати акс этади.

Демак, модус ўзгарувчанлик хусусиятига эга. Бу эса ўз навбатида моддий ва маънавий жараёнлардаги доимий ўзгаришлар натижасида янги моделларнинг пайдо бўлишини таъмин этади. Модификация ҳодисаси ўз-ўзидан адабий-бадиий ва тарихий жараёнларда ҳам акс этади. Бутун ҳолатда мавжуд бўлган жанрлардан, масалан, халқ қаҳрамонлик эпосидан бошқа эпик жанрларнинг шаклланиши, ўзгарган шаклда қайта туғилиши қатор тадқиқотларда қайд этилган.

М.А.Алексееванинг “Б.Пастернакнинг 1910-йиллар ижодида XIX аср поэтик мифологемалар модификацияси” номли тадқиқотида модификация ҳодисаси бадиий анъаналарнинг бир кўриниши сифатида намоён бўлиши айтилади. Олима бу ҳақда: “Анъанага муносабат манфий ва мусбат; англанган ва англанмаган бўлиши мумкин... Шоир хаос билан кураш олиб бориб, оламга уйғунлик (гармония) туҳфа этади. Бу – маданиятлар учун умумий бўлган, бир бутун, турли шаклларига кўра фарқланадиган мифологема”, деган фикрни илгари суради. Б.Пастернак шеъриятидаги қатор мифологемаларнинг бадиий модификациялашув жараёнлари ҳақида сўз юритар экан, олима уларни М.Ю.Лермонтов, Е.А.Баратынский, Ф.И.Тютчевлар шеъриятидаги мифологемалар билан қиёслайди ва модификация жараёни мавжуд адабий анъаналарнинг ўзгача шакл ҳосил қилиши эканини назарий жиҳатдан исботлайди.

М.Алексееванинг қуйидаги хулосаси бадиий модификация ҳақидаги фикрларимизни янада равшанлаштиради: “1910-йиллар ижодида ўзлаштирилган мифологемалар Б.Пастернакнинг динамик услуби билан модификацияга учрайди. Унинг поэтик тизимига чирмашиб XX асрнинг мураккаблашган, диалогиклашган тафаккур тарзини юзага чиқаради”.

Демак, бадиий компонентларнинг модификацияга учраши бевосита муайян бадиий анъаналар билан боғлиқ. Даврнинг адабий эҳтиёжлари,

муаллифнинг ижодий даражаси, бадиий лабораторияси, ғоявий мақсадига кўра модификация турли поэтик компонентлар кесимида намоён бўлиши мумкин. Яъни, бу жараён кенг кўламда юзага чиқиши, бир эмас, бир нечта бадиий компонентлар доирасида юз бериши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Яна бир рус олими А.Боровнинг фикрича, адабий таъсирнинг модификацион кўриниши йирик пландаги улкан полотнолар шаклида эмас, бадиий талқиннинг ички специфик қатламларида рўй беради. Модификациянинг синкретиклашув, синтезлашув ва адабий таъсирнинг бошқа шаклларидан фарқланувчи ички қонуниятлари унинг соф поэтик, психологик, ижодкор лабораториясига хослик жиҳатлари шунда намоён бўлади. Ижодкорнинг ўзига ёндош (масалан, рус) адабиётининг муайян даври, муайян поэтик усуллари, бадиий услубларига нисбатан соф ижодий-индивидуал ёндашуви модификация жараёнининг бошланишига туртки бўлади. "Ижодкорнинг шахсий эркинлиги шундай абсолют таянч нуқтаки, унинг ёрдамида, шак-шубҳасиз, дунёни ўзгартириш мумкин", деб ёзади олима.

Айни пайтда модификацион жараёнларнинг юз бериши учун жамият ҳаётидаги ижтимоий ҳодисалар, сиёсий, иқтисодий, психологик ўзгаришлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Кабардин шоири А.Кешковнинг 1960-йиллардаги ижоди ҳақида фикр юритар экан, А.Борова барча собиқ иттифоқ республикалари учун характерли бўлган "илиқлашув"(оттепель) даврига алоҳида урғу беради. Нисбий эркинлик даврида барча совет ёзувчи-шоирлари, драматурглари икки лагерга бўлингани, бири соцреализмни моҳиятига кўра чуқурлаштириш, иккинчи тоифа шахсий эркинлик ва эркин ижод концепциясини ёқлаб чиққанларини, А.Кешков иккинчи йўлни танлаб тўғри қилганини алоҳида таъкидлайди. Мана шундай тўғри танлов А.Кешков ижодида рус "кумуш аср" шеърияти анъаналари билан кабардин халқи бадиий тафаккурининг ўз индивидуал бадиий дунёсида ижодий модификациялашга олиб келганини ижобий ҳодиса сифатида баҳолайди.

Бундан келиб чиқадики, миллий адабиётларга хос модификация жараёнлари ҳар қандай ижтимоий шароитда динамик тарзда рўй бериши мумкин. Тўлақонли бадиий модификация учун бу ўринда уч омилнинг бир бутун ҳаракатга келиши муҳим: жаҳон ёки торроқ миқёсдаги адабий анъаналар, миллий тил ва адабиёт, хусусан, ижодкорнинг индивидуал ижодий шахсияти, бадиий ғояси.

Ж.А.Бурцеванинг "Жанр шакллари модификацияси" номли тадқиқотида замонавий наср, унинг янгиланишида модификация ҳодисасининг ўрни ва аҳамияти хусусида сўз юритилади. Бунда олима жанрлараро модификацияда муаллифнинг индивидуал ёндашувини асосий мезон қилиб олади. Жанр тартибларининг ўзгариши ва қатъий тартибга солинмаган жанрларнинг майдонга келишида муаллиф индивидуаллигига алоҳида урғу беради. Рус тилида ижод қиладиган ёқут ёзувчилари ижодида халқона ривоятларнинг жанр ўзгартирувчилик ролини таҳлилий кўрсатилади. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, демак, фольклор ҳам замонавий адабиётдаги жанрлар модификациясига омил бўлиши мумкин. Ривоятлар эса эпик тафаккурнинг янгиланиши, асар услуби, образлар модификациясини фаол таъминловчи вазифасини ўтайди.

Г.Бинованинг "Энг янги рус насрида жанр модификацияси" номли тадқиқоти бевосита насрий жанрлар талқинига қаратилгани билан аҳамиятга молик. Адабиётшуноснинг фикрича, энди улкан ижтимоий воқеалар, сиёсий майдондаги курашлар, ахлоқ-одоб қоидалари комплексини ташкил этган маданиятлар ҳукм сурган XIX – XX асрлар анъанавий мезонлари ўзгариши билан, М.Бахтин маълум даражада меъёрларини белгилаган классик романлар даври ўтди. Л.Толстой, Ф.Достоевский романларидаги "сарф этилмаган потенциаллар", келажакка интилиш руҳи бугун йўқ. Бу жараён рус романчилигида Гроссманнинг "Умрлар ва тақдирлар", Солженициннинг "ГУЛАГ архипелаги" асарлари билан тугади. Тадқиқотчининг бу фикрида ҳам жон бор, албатта. Зеро, бу жараён фақат рус адабиётида эмас, инглиз, француз, немис ва лотин америкаси романчилигида ҳам XX аср охири – XXI аср бошларидан эътиборан давом этиб келмоқда. Пауло Коэльонинг ўзбек тилига уч бора таржима қилинган "Ал кимёгар" ёки рус тилида чоп этилган "13 дақиқа", "Олтинчи тоғ", Женни Эрпенбекнинг Ҳ.Қўчқорова томонидан ўчирилган "Макон истаб" романлари шундан далолат бериб турибди.

Г.Бинованинг кузатишича, классик роман жанрининг эсселашуви унинг фалсафа билан гибридлашувига олиб келганлиги рус романчилигига хос модификациянинг бир кўриниши бўлса, унинг иккинчи бир кўриниши "тубан адабиёт" сифатида намоён бўлди. Роман катта адабиёт ёки адабий элитага хизмат қилиш вазифасидан чекиниб, омма маданиятига хизмат қилишга ўтди. Бу борада рус адиби А.Курчаткиннинг қуйидагича хулосаси мавжуд: "Рус жамияти учун катта адабиёт даври тугади. Тубан адабиёт даври бошланди" .

Адабиётшунос Қ.Йўлдошевнинг: "Юксак санъат билан бир марталик истеъмолга мўлжалланган оммавий маданиятнинг ўзаро яқинлашувини, биринчи навбатда, кишига завқ бериб, ҳордиқ чиқаришга хизмат қилиши керак бўлган гедонистик (лаззат берувчи) восита тарзида тушунишнинг ёйилиши билан кишиларда турли даражадаги бадиий дид бўлиши мумкинлиги ва бунинг илдизи шахснинг интеллекти ва туйғулари ҳамда у яшайдиган ижтимоий-маиший шароитга тақалиши ҳақидаги олдинги қарашлар ўз қийматини йўқота боради", деган фикрлари А.Курчаткин фикрларининг мантиқий давомидек туюлади. Ўзбек ва жаҳон адабиётининг кейинги намуналарини ўқиб-ўрганиш натижасида келинган бу хулоса, қанчалик шафқатсиз туюлмасин, бугунги ўзбек насрига ҳам даҳл этишини инкор этиб бўлмайди.

Албатта, бундай асарларда адабиётнинг энг муҳим шарти бўлган бадиият масаласи сўнгги даражага тушиб қолади. Бадиий асар ўз моҳиятидан узоқлашиб, Қ.Йўлдошев айтмоқчи "бир марталик" ўқиладиган, кўнгил очувчи, нафсоний завқ улашувчи манбага айланади. Г.Бинова бундай асарларни қайси мезонлар билан баҳолаш лозим деган долзарб масала қўяди. Қўйилган саволга М.Веллернинг "Ё юксак ва тубан жанрлар ҳақидаги қадим ўлчовларни тан олиш ёки ҳамма нарсани ўша қонуниятлар билан ўлчаш керак", деган фикрлари билан жавоб берар экан, "Демак, "тубан" жанрларни "юксак" жанрлар мезонлари билан ўлчаш мумкин эмас" тарзидаги ўз қарашини баён этади. Бизнингча, бу айнан методологик масалалардан биридир.

Г.Бинова Европа ва рус романчилигида постмодернизмга хос қурама, неомифологик, фалсафий-эротик, тарихий-филологик, субъектив-ми-

фологик, "руҳий утопия", нақл-роман сингари роман шакллари пайдо бўлаётганини кўрсатади. Баъзи романларда кино, клип, глобаллашган дунё ахборотлари монтажи асосидаги постмодернистик шакллар ҳақида фикр юритади. Аммо унинг сўнгги хулосасига кўра, бундай роман шаклларининг пайдо бўлиши бугунги глобаллашган давр ва интеллектуал ўйинлар, ахборотлар, воқеалар бозорига айланган дунё учун характерлидир. Энди романнинг муайян шакл-шамойилини белгилаб, унинг бозорлашиб кетишининг олдини олиб, сунъий йўл билан тўхтатиб қолиш мумкин эмас. Аммо бундай гибрид роман шакллари ҳам адабиётга ва интеллекти юксак ўқувчига фойда бериши мумкин. Фақат бундай асарлар истеъдодли ёзувчилар, сўз усталари томонидан ёзилса кифоя.

Ҳақиқатдан ҳам турли жанр, жанр компонентлари, услублар, образларни синтез қилиш орқали пайдо бўлаётган модификация жараёни замонавий ўзбек адабиёти учун ҳам характерли тус олмоқда. Миллий адабиётимизда анъаналар асосидаги модификациялашув XX аср охирига келиб жадаллашди. Ў.Ҳошимов романларидаги "фолкнерча композиция" ("Тушда кечган умрлар"), Ш.Холмирзаев ижодидаги фалсафий реализм ва шафқатсиз реализмнинг уйғунлашуви ("Динозавр"), О.Мухтор романларидаги фалсафий, илмий, ривоявий-мифологик ва бадиий композиция ва услубларнинг уйғунлашуви ("Афлотун", "Минг бир қиёфа", "Аёллар салтанати ва мамлакати" ва ҳ.к.), Мурод Муҳаммад Дўст романидаги фалсафий полифонизм ("Лолазор"), Тоғай Мурод романларидаги фольклорча-халқона индивидуал-ижтимоий услуб гармоналлиги ("Отамдан қолган далалар", "Бу дунёда ўлиб бўлмайди"), Назар Эшонқул романидаги Г.Маркес неореализми ва Кафка модернизмининг шакл-мазмундаги бирикуви ("Гўрўғли"), Т.Рустамов романидаги "Улисс"га хос хаотик тафаккур тарзи ("Капалаклар ўйини"), Улуғбек Ҳамдам романларида учрайдиган ижтимоий-фалсафий, индивидуал-психологик руҳ, ниҳоят, Исожон Султон романларидаги постмодернистик композиция, сюжет ва образлар гибридлиги ("Боқий дарбадар", "Озод", "Генетик") шундан далолат беради. Ушбу омиллар мустақилликдан кейин дунё юзини кўрган кўплаб лирик, драматик, айниқса, насрий асрларни бадиий модификация муаммоси юзасидан ўрганишни тақозо этади.

Демак, бадиий модификация кенг кўламли эстетик ҳодисалардан ҳисобланади. У биринчи навбатда адабий таъсир ва анъаналарга эстетик муносабатдан келиб чиқади. Давр эстетик эҳтиёжига қараб анъанавий шаклларнинг ўзгариши бадиий модификация билан узвий боғлиқ. Модификация ҳодисасининг яна бир сабаби адабий жараёндаги эстетик мезонларнинг ўзгариши, ижодкорларнинг адабиётга бошқача нуқтаи назар билан қарай бошлашидир. Бунда шакл ўзгаришига учраган ҳар бир бадиий компонент ёки бир бутун адабий жанрнинг ўзи муаллиф ижодий индивидуаллигининг эстетик белгиси сифатида воқе бўлади. Модификация жараёнида бир йўла бир нечта бадиий компонентлар (композиция, сюжет, образ, детал, услуб каби)нинг бир асар доирасида уйғунлашуви ҳодисаси камдан-кам учраса-да, бу эстетик ҳодиса пировард окибатда жанр модификациясига олиб келади.

Нилуфар СУЛТОНОВА,
ҚарДУ тадқиқотчиси

БИР ЙИЛДА ИККИ СОВРИНДОР



Икки йилга яқин жимликдан сўнг адабиёт бўйича Нобель совриндорларининг исмлари маълум бўлди. Мазкур нуфузли мукофот 2018 ва 2019 – йиллар учун польшалик ёзувчи Ольга Токарчук ва австриялик Петер Хандкеларга насиб этди.

2018 йилда Швеция Академияси атрофида бўлиб ўтган баъзи бир можаролар сабабли мазкур нуфузли мукофот билан ҳеч ким тақдирланмаган эди. Ҳайъат аъзолари жаҳон адабий жамоатчилигининг ишончини йўқотмаслик учун шундай қарорга келишган эди. Бинобарин адабиёт бўйича Нобель мукофоти "намунали феъл-атвори" учун бериладиган мукофотга айланиб ўз нуқтаи назаридан кечмоқчи эмас – адабий ақоидлари олдингидек эътироф этилмоқда. Шунингдек, Академия ҳар доимгидек ўзининг сиёсий ва маданий хилма-хиллик гояларига содиқ қолмоқда; мукофот аввалгидек қараш ва маслаклари турлича бўлган муаллифларга берилмоқда. Бошқача айтганда, нуфузли мукофот ўз йўналишини ўзгартирмади ва танаффусдан сўнг Нобель мукофоти адабиёт кенглигидаги раҳнамолик нуқтаи назарида собит қолди.



Ольга Токарчук борлиқ ҳаёт шаклининг сарҳадсиз эврилишларини қомусий таҳлил қилгани учун 2018 йил Адабиёт бўйича Нобель мукофоти совриндори бўлди.

Адиба 1962 йил 29 январда Польшанинг ғарбидаги Сулехув шаҳрида, ота томонидан келиб чиқиши украиналик бўлган ўқитувчилар оиласида таваллуд топди.

У 1985 йилда Варшава университетининг психология факультетида таҳсил олди. Талабалик йилларида кўнгилли равишда руҳий беморларга қараб туриш ишларига бош-қош бўлди. Ўқишни якунлаб, Валбжих шаҳри шифохонасида руҳшунос бўлиб ишлай бошлади.

Ольга Токарчук адабиётда ўз кучини ўсмирлигидаёқ синаб кўрган. Унинг илк ҳикоялари – "Рождество балиқни ўлдиради" ва "Менинг

дўстларим" 1979 йилда "Напрямик" ёшлар жаридасида Наташа Бородина тахаллуси билан чоп қилинган. 1989 йилда муаллифнинг илк шеърий тўплами "Miasta w lustrac" дунё юзини кўрди.

1993 йилда ("Путь людей Книги") "Китоб одамлари йўли" илк романи нашр қилинди. Мазкур асар воқеалари XVII асрда Испания ва Францияда содир бўлади. Унда муаллиф сирли Китобни излаб йўлга чиққан икки инсон муҳаббати ҳақида ҳикоя қилади. Бу роман Польша китоб ноширлари жамияти мукофоти билан тақдирланган ва кўплаб Европа тилларига таржима қилинган. 1995 йилда муаллифнинг иккинчи романи – "Е.Е." чоп қилинди, бу асарда польяк-олмон оиласида таваллуд топган қизнинг икки дунё – фано ва бақо орасидаги йўлни билиш қобилияти ҳақида ҳикоя қилинади.

1996 йилда чоп этилган "Правек ва бошқа даврлар" романи адибага катта муваффақият олиб келди. Асарда Польшадаги бир қишлоқ одамлари ҳақида гап боради, ундаги персонажлар гўёки одамзодга таниш барча қувончу қайғуларни бир жойга тўплаш илми билан ажралиб турадилар. Асар "Политика" журнали ва Косцельских фонди мукофоти билан тақдирланди, шунингдек, мактаб дастурига киритилди ва қатор тилларга таржима қилинди.


1998 йилда "Кундузги уй, тунги уй" романи босмадан чиқди. 2000 йилда бу роман оддий матн шаклида интернетда эълон қилиниб, Польшанинг электрон китоблар бозори эшикларининг очилишига сабаб бўлди.

2004 йилда Токарчук "Сўнгги воқеалар" романини нашр қилдирди. Бу асарда аёлларнинг уч авлоди тақдири ва фожеаси бадиий талқин қилинади. 2007 йилда нашр қилинган "Чопқирлар" романи учун адиба Европанинг кўплаб нуфузли адабиёт мукофотлари қатори Халқаро Букер мукофотига лойиқ топилди.

2009 йилда Токарчук "Марҳумлар устухони узра омоч сур" («Веди свой плуг над костями мертвых») романини нашр қилдирди. Асарда польяк қишлоғида юз берган фожеали, айни чоғда бир неча жумбоқли қотилликлар ҳақида сўз боради.

Польша Ольга Токарчукнинг шарофати билан бешинчи бора адабиёт бўйича Нобель мукофотига эга бўлди. Эндиликда бу борада польяклар дунё мамлакатлари орасида сон жиҳатидан Россия билан тенглашди. Шу кунгача мазкур мукофотни польшалик Генрик Сенкевич, Владислав Реймонт, Чеслав Милош ва Вислава Шимборскаялар олган эди.

Адиба ҳозирда Краково шаҳридаги Ягеллон университетининг адабий-бадиий студиясида носирлик маҳорати бўйича кўплаб машғулотлар ўтказиб келади. "Сиёсий танқид" журналининг таҳрир ҳайъати аъзоси, фалсафий изланишларини Карл Густав Юнг таълимоти анъаналарига содиқ тарзда олиб бормоқда. Вроцлава шаҳрида истиқомат қилади.



Инсоният тараққиётининг ўзига хос хусусиятларини чуқур тадқиқ қилган адабий фаолияти учун Петер Хандке 2019 йилнинг адабиёт бўйича Нобель мукофоти совриндорига айланди. Адиб нафақат наср ва драматик асарлари, балки ўзининг киносценарийлари билан ҳам дунёга танилган. Шунинг учун бўлса керак, адибни "Кино оламидан чиққан нобелчи" сифатида эътироф этишмоқда.

Петер Хандке 1942 йил 6 декабрда Австриянинг жанубидаги Гриффен шаҳрида туғилди. Онаси миллати бўйича словениялик, Петер туғилишидан олдин Берлинга келади ва Адольф Хандке исмли кишига турмушга чиқади (унинг ҳақиқий отаси немис банкири Эрих Шенеман эканлигини Петер вояга етганидан кейин билиб олади).

Урушдан сўнг оиласи шўро армияси эгаллаб олган ҳудудда мутлақо танг аҳволда кун кечиради. 1947 йилда улар яна Гриффен шаҳрига қайтади.

Петер Хандке ўғил болалар католиклик мактабида таҳсил олади ва шу ерда мактаб газетаси учун мақолалар ёза бошлайди. 1961 – 1965 йилларда Граца (Австрия)университетининг юридик факультетида таҳсил олди, шу давр ичида рок-музика ва кинога қизиқди, радио учун турли мавзуларда эссе ва мақолалар ёза бошлади. Шундан сўнг австриялик носир, "Manuskripte" жаридаси ноширн, шоир Альфред Коллерич томонидан асос солинган "Шаҳар хиёбони форуми" авангард адабиёт гуруҳига (Forum Stadtpark) келиб қўшилди. Петер Хандке Франц Кафка ва Генрик Ибсеннинг адабий издоши ҳисобланади.

1965 йилдан бошлаб мазкур журналда Хандкенинг ўз асарлари эълон қилинади. Шунингдек, 1966 йилда илк романи "Қовоқарилар" ("Шершни") босмадан чиқади, Франкфуртда "Халойиқнинг ҳақорати" деб номланган жамиятни баҳс-мунозарага чорловчи сюжетсиз новаторлик пьесаси саҳнага қўйилади. Шундан сўнг Хандке бадиий ижод билан жиддий шуғуллана бошлайди.

Петер Хандкени адабиёт оламида "Эртакдаги бола"; "Биринчи рақамли австрия ёзувчиси", "Ғарбий олмон адабий танқидчилигининг эрка боласи" ва "Янги адабиёт йигити" дея таърифлайдилар.

1966 йилда АҚШнинг Принстон шаҳрида Ғарбда етарли даражада обрўга эга немис тилли ёзувчилар уюшмасининг сайёр мажлиси ўтказилади. Ўшанда озғин бир ўсмир сўз сўраб ўртага чиқади ва янги адабиётни тамомила "яланғоч тавсифбоз"ликда ҳамда "адабий нотавон"ликда айблайди. Хандкенинг бу чиқиши адабий муҳитда жиддий баҳс-мунозара келтириб чиқаради. Бу маъруза бошловчи ёш ижодкорнинг жаҳон матбуотида танилишига сабаб бўлади. Адабиётшунослар эса бу вокеани истеҳзо билан енгилтакликка йўядилар. Чунки ўша пайтлари Петер Ханке адабиёт муҳиблари учун ҳеч ким эмас, танқидчилар наздида адабий юк босадиган бирорта ҳам асари йўқ эди. Илк романи "Қовоқарилар" нашр этилганига атиги бир неча ҳафта бўлганди, холос.

Сўз ўйини, нутқ ва тил – бу Хандке адабий унсурларининг асосий кўринишлари. Унинг персонажлари шу пайтгача истеъмолда бўлган адабий мезонлар чегарасидан чиқиб кетади, ва натижада, зеҳнга таниш бўлмаган мустақил маъно касб этади. Асарларидаги "мен" гоҳ пародиясифат, гоҳ пичинг билан тилга кира бошлайди. "Мен шундай бўлишни хоҳлайманки, ҳали ҳеч ким ундай бўлмаган бўлсин!" – дейди у қаҳрамонлари тилидан. Қаҳрамонлари табиатидаги қайсарлик янги замон одамлари табиатидаги ёзилмаган қоидаларда намоён бўлади: "Мен бошқа зотлар келиб ўтириши керак бўлган жойга келиб ўтирдим. Мен қадам ташлашим кераклиги ҳақида буйруқ берилгани учун бошқа қадам ташламадим. Менга тез юриш ҳақида амр этишганида, секин юра бошладим. Катталар умидсизлигини турли йўсинда яширишни эплай оладилар, боланинг тушкунлиги эса доим юзида акс этади ва бу чорасизликни кўриш жуда оғир. Мен маълум бир вақт ҳайвонлар билан яшашни хоҳлаган бўлардим. Чунки улар ҳаётлари нақадар оғир эканидан зорланмайдилар.

Бугунги кунга келиб Хандкенинг роман, пьеса, ҳикоя ва шеърлардан таркиб топган етмишга яқин асарлари нашр қилинган ва дунёнинг жуда кўплаб тилларига таржима қилинган.

Улардан энг кўп ўқилганлари "Дарвозабоннинг ўн бир метрлик жарима олдидан қўрқуви" (1970), " Узоқ видолашув учун қисқа мактуб" (1971), шунингдек, "Истак йўқ – бахт йўқ" (1972). Ушбу романда адиб узоқ руҳий исканжада ўз жонига қасд қилган 51 ёшлик она ҳақида ҳикоя қилади. Асар воқеалари иккинчи жаҳон уруши даврида яшаган авлод фожеасини қамраб олади.

Хандке драматург сифатида ҳам танилган. Унинг "Пайғамбарлик" ва "Сохталик" пьесалари 1966 йилдан буён саҳнадан тушмай келади. Бундан ташқари, таржимон сифатида Эсхил, Софокл, Еврипид асарларини қадимги юнон тилидан таржима қилган.

1960-йиллар охирига келиб у кино ва телефильмлар учун сценарийлар ёза бошлайди. Унинг айниқса, "Берлин осмони" (1987), "Фаришталар шаҳри" (1998), "Аранхуэсдаги ажойиб кунлар" (2016) киноасарлари соҳа мутахассисларининг эътирофига сазовор бўлган.

Петер Хандке бир неча бор Австрия ва Германия адабий мукофотларини қўлга киритган. Кўп вақт Австрия, Германия, Франция ва АҚШда яшаган. Бугунги кунда Париж яқинидаги Шавил шаҳрида умргузаронлик қилади. 1995 йилда Француз актрисаси Софи Семенга уйланган, уч нафар қизи бор.

Даврон РАЖАБ
тайёрлади

ИЛОҲИЙ ОЛАМ ШУЪЛАСИ



Эль Греко XVI аср Испания ранг тасвирининг энг номдор мусаввирларидан биридир. Рассомнинг ҳақиқий исми Доменико Теотокопули бўлиб, у 1541 йилда Грециянинг жунубида жойлашган Канди (хозирги Ираклион) шаҳарчасида – Крит оролининг пойтахтида туғилган. Рассом туғилган жой ва вақт манбаларда аниқ кўрсатилмаган. 1582 йилда рассомнинг кундаликларида Критда туғилгани, 1606 йилда олтмиш ёшга кирганини ёзиб қолдирган. Бу вақтда у Испанияда яшаган. Испанияда унинг грекча фамилияси узунлиги ва маҳаллий аҳоли орасида айтишга қийинчилик туғдиргани учун рассом ўзининг фамилия ва исмини Доменико Греко, Эль Греко деб ўзгартирган. Лекин чизган асарларига умрининг охиригача грекча, фамилия ва исмининг бош ҳарфларини ёки "Kres" (критлик) дея имзо қўярди. Ҳозирги архив ҳужжатларида Эль Грекоинг исми биринчи марта 1566 йилдан бошлаб учрайди. "Уста Доменико Теотокопули" номи билан византия услубида чизилган иконаларнинг устаси сифатида довруғ қозонгани эътироф этилади. Бу факт рассомнинг оила аъзолари христиан динининг православ мазҳабига амал қилганини кўрсатади. Чунки, икона чизиш католикларда бўлмаган.

Эль Греко илк ижодини иконалар чизишдан бошлаган.

Рассом 1568 йилда Венецияга келади ва тахминларга кўра, 1570 йилгача шу ерда қолади. 1204 йилдан бошлаб, Крит ороли венецияликларнинг сиёсий назорати остида эди. Венеция ўша вақтда маданиятнинг гуллаган марказига айланган, давринг кўплаб рассомлари шу шаҳарда ижод қилардилар. Венецияда рассом Тицианнинг устахонасида шогирд бўлган.

1570 йилда Эль Греко Римга ташриф буюради ва кейинги олти йиллик ижодини шу шаҳарда ўтказади. Бу ерда у Жулио Кловио исмли кимса билан танишади. Кловио ўзининг раҳнамоси, кардинал Алессандро Фарнезега мурожаат қилиб, Эль Грекони ўзи паноҳига олишга кўндиради. Архив ҳужжатларида Кловио Эль Грекони мактаб, уни ажойиб портретлар устаси сифатида тилга олгани ҳақидаги хатлари сақланиб қолган. Шу тариқа дўстининг ёрдами билан Эль Греко кардинал Фарнезенинг саройида яшаб, ижод қилишга рухсат олади.

1572 йилда рассом Римдаги авлиё Лука номидаги Академиянинг аъзолигига қабул қилинади. Лекин орадан кўп вақт ўтмай, яна Венецияга қайтади. Бунинг сабаби ҳозирча номаълум бўлиб қолмоқда.

Кардинал Фарнезенинг ёрдамида Эль Греко кўплаб римлик олимлар ва теологлар билан танишган. Ҳатто улардан бирин-кетин картиналар чизиб бериш учун буюртмалар ҳам олган. Масалан, кардиналнинг кутубхоначиси Фульвио Орсини Эль Греко чизган еттита картинани сотиб олгани ҳақида ҳужжатлар мавжуд.

Лекин Рим шаҳрида рассомга йирик буюртмалар берилмаган. Балки шунинг учун у янги уфқларни кашф қилиш мақсадида Испанияга йўл олади. 1577 йилдан бошлаб рассомнинг исми Толедодаги ҳужжатларда тилга олинган. 1577 йилда у ўзининг йирик картиналаридан бири – черков меҳроби учун яратилган "Биби Марям мотами" ("Успения Богоматери") асарини тугатиб, бошқа ишга – Толедодаги кафедрал собор учун яратган "Исонинг ечинтирилиши" ("Снятие одеежд из Христа") асарини яратади. Бу иш шунчалик шуҳрат қозонадики, рассомга эндиликда йирик коллекционерлар ҳам мурожаат қилиб, ундан шу асаридан қайта-қайта нусха яратиб беришини сўрашади.

Архив ҳужжатларини гувоҳлик беришича, Эль Греко ўқимишли, кенг мулоҳазали киши бўлган. 1585 йилда у маркиз де Вильеннинг шахсий саройида яшаб, ижод қилади. Билиш мумкинки, у пайтда рассомнинг молиявий аҳволи яхши бўлган. Лекин унинг буюртмачилар билан муносабати ҳар вақт ҳам рисоладагидек бўлмаган. Буюртмачилар асосан руҳонийлар бўлиб, буюртма қилинган диний мавзулар Эль Греко томонидан черков тасвирий санъати андозалардан буткул йироқ усулда бажарилганидан шикоят қилишиб, у билан судлашишади. Лекин нима бўлишидан қатъий назар рассомнинг довруғи ошиб, Испания қироли Филипп II саройига ҳам бориб етган. Қирол ўзининг Мадриддан узоқ бўлмаган Эскориал сарой-монастирини безашни унга таклиф қилади.

1580–1582 йилларда Эль Греко Эскориал саройи учун йирик полотно – "Авлиё Маврикийнинг азобланиши" ("Мученичество святого Маврикия") номли асарини яратади. Лекин рассом ҳарчанд истеъдодини кўрсатишга ҳаракат қилмасин, асар қиролга ёқмайди ва бу иш италиялик бошқа рассомга – Ромуло Чинчинаттога топширади. Эль Грекониng замондоши, рухоний Хосе де Сигуэнцанинг таъкидлашича, полотно қиролга диний сюжет асрлар мобайнида шаклланган андозалардан чекиниб, кўпроқ дунёвий характерда ифода этилгани учун ёқмаган. Чунки, ундаги асосий саҳна – авлиё Маврикийнинг ғайри динлар томонидан азобланиши бўлиб, у иккинчи планга ўтиб қолган. Унинг ўрнида эса авлиёни издошлари билан бирга йиғилиб, дин йўлида жонларини фидо қилишга тайёр турганлари тасвирланган. Муваффақиятсизликка учраган Эль Греко Мадриддан яна Толедога, бу сафар бутунлай қайтади.

1597–1607 йилларни рассом ижодининг сермаҳсул йиллари дейиш мумкин. Бу даврда шаҳарда кўплаб черковларни безайди. Лекин рассом ҳаётининг сўнгги йиллари ижодий омадсизликлар билан ўтади.

Эль Греко 1614 йилнинг 7 апрель санасида Толедода вафот этган. Рассомнинг энг сара ишлари қаторига қуйидаги полотноларни киритиш мумкин:

"Кардинал портрети" (1600 йиллар, 194-130 см. Метрополитен музейи, Нью-Йорк). Портретда Фернандо Ниньо Гевара (1541–1609) тасвирланган. Картина чизилган пайтда у Инквизициянинг (черков суди) бошлиғи эди. Лекин айрим ҳужжатларида Эль Грекога картина учун модел тариқасида бошқа одам – 1599 йилдан то вафотигача Толендо шаҳрининг архиепископи лавозимида ишлаган Бернардо де Сандовал-и-Рохас (1546–1618) ўтириб берган, деган маълумотлар ҳам бор. Де Сандовал-и-Рохос тасвирий санъатнинг мухлисларидан бири бўлган. Эль Грекониng архиепископлар сериясидаги қатор ишлари ҳам айнан унинг коллекциясидан жой олган ва Толедо шаҳрининг Кафедрал соборида сақлади. Картина-

да ким тасвирланган бўлишидан қатъий назар, у моҳир рассомнинг иши эканини тушуниш қийин эмас. Рассом бир пайтлар Рафаэл томонидан бошланган, кейин Тициан томонидан анъана сифатида давом эттирилган руҳонийлар образини талқин қилишда давом этади.

"Толедо манзараси" (1610 йиллар, 121-106 см. Метрополитен музей, Нью-Йорк). Рассом ижодидаги манзара жанрида яратилган энг ёрқин асар. Эль Греко ижод қилаётган даврда Европа рангтасвирида манзара мустақил жанр сифатида эндигина шаклланаётган эди. 1597 йиллардан рассом Толедо шаҳри манзараларини ўзининг черковлар меҳроби учун яратган композицияларида турли кўринишларда акс эттирган. Балки шу сабабдан бўлса керак, санъатшунослар ушбу манзарадаги ғалаёнли, нотинч, исёнли ҳолат Исо алайҳиссаломнинг шафқатсиз ўлими билан боғлиқ бошқа йирик суратлардан бири учун ишланган лавҳа бўлса керак, деган тахминларга боришган. Лекин тадқиқотлар натижасида картина алоҳида ишланган манзара эканлиги аён бўлди. Шаҳар манзараси рассом томонидан бирон топографик аниқликка асосланиб ишланмаган. Аксинча, у тўқималарга бой. Асарда сурункали давом этган вабодан қирилиб кетган шаҳар аҳли, ҳолдан тойган кимсасиз шаҳар намоён бўлади.

Эль Грекоинг рангтасвирни, фалсафани, динни бир-бирига омухта қилиб яратган асарларидан бири – "Оргас графининг дафн маросими" ("Погребение графа Оргаса") полотносидир (480-360 см., Сан-Томе черкови, Толедо). Бу асар рассом ижоди чўққига кўтарилган пайтда яратилган. Оргас графи Толедо шаҳридаги Санто-Томе черковига катта миқдорда моддий ёрдам бериб келган. У 1312 йилда вафот этган. Картинада Испания ранг тасвирида илк бор фоний дунё билан боқий дунё бир вақтнинг ўзида томошабин кўз олдида яхлит манзарада намоён бўлади. Афсоналарга кўра, граф ҳаётлигида қилган яхши амаллари учун мукофотланган. Шу сабабли, уни дафн этишга самодан авлиё Августин билан авлиё Стефанлар ерга элчи тариқасида юборилган. Асарнинг ранглар гаммаси ҳам диққатга сазовор. Картинанинг пастида Оргас графининг амалдорлари тасвирланган. Уларнинг кўриниши ҳар хил: бири иккинчисининг ҳолатини такрорламайди. Ҳаммаси ўз даврида урф бўлган юқори табақа вакилларига хос кийимда. Ранглар гаммаси ҳам асарга илоҳийлик бағишлайди. Графнинг дунёвий ҳаётига оид саҳналар реалистик, тиниқ рангларда ишланса, само тасвирида ишлатилган ранглар илоҳийликни ифодалайди.

Дунё санъати тарихи бизнинг нигоҳимизда бутун инсониятнинг ички ва ташқи эврилишларини акс эттираётган муҳташам кўзгу сифатида намоён бўлади. Бу ёрқин кўзгунинг бир парчасида илоҳиёт мавзусининг мумтоз тасвирчиси Эль Греко асарларидаги истеъдод шуъласи ёлқинланиб туради. Эль Греко бутун ижоди давомида ўзидан аввалги ижодий мактабларда тўпланган бой тажрибани, ўзининг қарашлари ва ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб, тасвирий санъат ва илоҳий олам орасида янги қарашларни жорий этолган. Асрлар оша бадиий қиммати ошиб бораётган асарлари бизнинг даврда академик рангтасвирнинг энг юксак намуналари сифатида эътироф этилади.

Равшан ФАТХУЛЛАЕВ
Санъатшунослик фанлари номзоди,
Камолиддин Беҳзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн
институти доценти

ЖАҲОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ҚИСҚАЧА ҚОМУСИ

ГОТИКА УСЛУБИ – (Италянча “gotico” “ноодатий” – герман қабилаларидан готлар номидан келиб чиққан) Ғарбий, марказий ва қисман шарқий Европа мамлакатларида ўрта асрлар санъатида ҳукм сурган бадиий услуб. Бу атама Уйғониш давридан бошлаб қўллана бошлаган. Готика XII асрда шимолий Францияда роман услуби ўрнига юзага келган. Готикада етакчи ўринни меморчилик эгаллайди. XIII асрнинг биринчи ярмида юксак даражада ривожланди. Готика услубидаги тош ибодатхоналар ўзининг мумтоз шаклига эга бўлди. Ибодатхоналар архитектураси бундай меъморчилик, ҳайкалтарошлик ва рангтасвир уйғунлигининг буюк намунаси сифатида алоҳида ўрин тутади. Готика услубидаги биноларда бош қисми учли равоқли ва гумбазлари қовурғали, оғирлиги арқбутанлар орқали ташқи девор ва таянч устунларга боғланган синчли тузилмалар кўзга ташланади. Гумбазлари енгил қаламалар билан тўлдирилиб, устунлар ораси йирик витражлар билан безатилади. Баланд иншоат архитектурасида бино ичи ва ташқариси ҳайкаллар ва нафис нақшлар ўйилган тош билан безатилади. Биби Мариям ибодатхонаси (1163–1257), Шартр (1194–1260), Реймс (1211–1311), Амйен (1220–1288) ибодатхоналари готиканинг юксак намуналаридир. Готиканинг илғор усуллари Уйғониш даври ва барокко меъморчилигига ижобий таъсир кўрсатган. Готик тасвирий санъат асарлари диний ва дунёвий уйғунликни сақлаган ҳолда ривожланиб, меъморий ечимга буйсундирилган. Ибодатхона безатишда ҳайкал ва рельефлар (масалан, Реймс ибодатхонасида 2300 дан ортиқ ҳайкаллар бор), витражлар кенг қўлланилган. Шунингдек, готикада маиший, ҳажвий, меҳнат жараёнлари акс этган лавҳалар ҳам учрайди. Амалий безак санъатида метал буюмлар, эмал, тош ва фил суяги ўймакорлиги юксак даражада ривожланди. Рангтасвирда китоб миниатюраси кенг тараққий этди. Унда тарихий ва маиший лавҳалар ҳаққоний акс эттирилди. XV–XVI асрларда қурилган готик биноларга “неоготика” атамаси ишлатилади. 1980 – йилларда “готика” термини субмаданият – готик субмаданият ва мусиқада – готик рок тарзида қўлланила бошланди. Ўзбекистон ҳудудида XIX аср охири XX аср бошларида меъморчиликда готика услуби белгилари пайдо бўлди.

ГОНОРАР – илм-фан, адабиёт ва санъат соҳаларида асар яратиш билан боғлиқ хизматлар учун тўланадиган ҳақ, мукофот. Атама лотинча “honorarium” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “тақдирлаш”, “шарафлаш” деган маънони англатади. Гонорарнинг пайдо бўлиш тарихига оид қуйидагича маълумотлар мавжуд: қадимги Рим ва Юнонистонда жисмоний меҳнат билан шуғуланувчилар – қуллар, ҳунармандларнинг хизматларига пул тўланган. Ақлий меҳнат кишилари бошқаларнинг меҳнати эвазига яшаган ва иш ҳақига муҳтож бўлмаган мулкдор, озод фуқаролар бўлган. Шу сабабли ақлий меҳнат кишилари, шифокорлар, рассомлар, ўқитувчилар, файласуфлар, нотиқ ва адвокатлар, амалдорларнинг ҳақ олиши уларнинг

нуфузига путур етказадиган ҳолат бўлган. Бундай бепул касб эгаларига хизматлари учун Рим Республикасида ҳокимликлар томонидан ҳудуд аҳолиси, васийлар ҳисобидан буюм шаклидаги совғалар инъом қилинган. Совға шаклидаги мулк ёки буюм шараф белгиси сифатида қабул қилинган. Кейинчалик бундай инъомлар пул шаклини олган. Ҳозирги даврда гонорар тушунчасининг дастлабки маъноси ўзгарган бўлиб, интеллектуал соҳа вакилларининг меҳнати учун тўланадиган пул шаклидаги ҳақни билдиради. Ҳар бир мамлакатда ички қонунлар асосида муаллифлик ҳақи тўлашнинг қатъий белгиланган бир марталик ёки даврий тўлов шакллари белгиланади.

ГОЙЯ ФРАНСИСКО – Франсиско Хосе де Гойя XIX–XX асрлар санъатига ҳамда Францияда импрессионизмнинг ривожланишига улкан ҳисса қўшган буюк испан рассоми. У 1746 йил 30 мартда Сарагоза яқинидаги Фуэндетодос шаҳрида (Испаниянинг Арагон провинцияси) туғилган. 1828 йил 16 апрелда Франциянинг Бордо шаҳрида вафот этган. У 1780 йилда Мадрид Санъат академияси аъзоси, 1786 йилдан сарой рассоми, 1789 йил Чарлз IV нинг суд рассоми, 1799 йилдан қиролнинг бош рассоми сифатида фаолият юритган. У рассомлик бўйича Сарагоса ва Италияда таълим олган. Унинг илк ижодий иши "Соябон" картинаси ҳисобланади. Гойянинг эрксевар санъати ўзининг дадиллиги, жўшқин эҳтироси, ижтимоий аҳамияти билан ажралиб туради. У 1773 йилдан Мадридда яшаган. Ф.Байе устахонасида ишлаган ва қирол шпалер манефактураси учун олтмишдан ортиқ картиналар яратган. 1780 йиллар бошида портретчи сифатида шуҳрат қозонади. Асарларида маҳобат ўрнини аста-секин сирлилик, дилкашлик, енгил киноя эгаллайди. Бу ҳол айниқса, рассомнинг "Маркиза Солан портрети"(1792), "Герсогина Алба портрети"(1795), "Қирол Карл IV оиласи"(1800) асарларида яққол намоён бўлади. Шунингдек, "Сан Антанио де ла Флорида черкови капелласи"(1798), "Мадридда Карнинг уйи"(1820–1823) деворий суратларида диний мавзуларни ҳаётий кўринишда ифодалайди. "Капричос" туркуми (1797–1798), "Уруш офатлар"(1810–1820) туркумидан ўрин олган график асарларида рассомнинг улкан истеъдоди намоён бўлди. У романтик давр тасвирий санъатининг кўзга кўринган вакилларидан бирига айланди. Гойянинг "1808 йил 2 майдан 3 майга ўтар кечаси қўзғалончиларнинг отиб ўлдириши", "Мадриддаги 1808 йил 2 май қўзғалони" каби йирик картиналари ўз даврининг энг муҳим воқеаларини ёркин акс эттирган.. Гойя 1792 йилда оғир касалликка чалиниб, бир умрга кар бўлиб қолади. Бу унинг кейинги ижодига ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Картиналарида жигарранг, кулранг ва қора ранглар ҳукмронлик қилди. У инсон моҳиятини барча камчилик ва иллатлари билан ҳаққоний тасвирлаб беришга интилган. "Сатурн" картинаси Гойянинг энг машҳур асарларидан бири ҳисобланади. Ярим асрдан кўпроқ ижодий фаолияти давомида турли жанрлардаги мингдан ортиқ картиналар яратди. Франсиско Гойя асарларининг катта қисми Мадриддаги Прадо музейида сақланади. Шунингдек, Лондондаги Миллий галерия, Нью-Йоркдаги Метрополитен санъат музейи, Мюнхендаги Эски Пинакотек, Флоринциядаги Уффизи галереяларида рассомнинг асосан, портрет жанридаги асарлари ўрин олган.

Мақсуда АБДУҚАЮМОВА
тайёрлади

РЕЗЮМЕ

●●● В статье Сайдакбара Ризаева "Величие гор заметно издалека" рассказывается о жизни и выдающегося деятельности политического деятеля, известного писателя Ш. Рашидова.

●●● В рассказе выдающегося русского писателя Михаила Булгакова "Ханский огонь" описывается, как обольщение власти усиливает эгоизм, высокомерие и чувство мести в человеке. В таких случаях интересы отечества и нации отодвигается на второй план.

●●● В рубрике "Трибуна редактора" комментируется экономическая картина современного мира, в том числе социально-экономическое положение нашей страны, где реализуются новые политические реформы, осуществляется активное экономическое развитие. Анализируется роль и значение международных финансовых институтов, отчасти международного валютного фонда в данном процессе, а также положительные и негативные стороны сотрудничества со структурами подобного типа.

●●● Классическую немецкую поэзию XVIII века нельзя представить без творчества Фридриха Шиллера. Шиллер является выразителем духа немецкого народа. Его поэзия, насыщенная идеями романтизма, философские взгляды оказали ощутимое влияние на образ мышления Европа той эпохи. В этом можно убедиться, прочитав подборку стихотворений поэта, переведенных народным поэтом Узбекистана Аманом Матчоном.

●●● Расул Гамзатов является одним из ярких звезд поэзии XX века. Он стал любимым сыном не только аварского народа, но и всего тюркоязычного мира. Узбекские читатели с особой любовью и интересом читают его произведения. Почти все стихи и поэмы Р.Гамзатова, считавщего себя другом узбекского народа, переведены известными авторами на узбекский язык.

●●● Известный поэт и переводчик Минхожиддин Мирзо в статье "Один из университетов" анализирует влияние творчества Расула Гамзатова на взгляды узбекской творческой интеллигенции, точки соприкосновения его творчества с национальной поэзией.

RESUME

•●● "They created a vicious, fake image of the figure who had governed Uzbekistan for twenty five years, a decision of the government about eternizing his memory was abrogated, his remains were exhumed from the central cemetery of the city and buried again". You know who it was. Well-known publicist Saidakbar Rizaev in his article named "Mighty Mountains Are Seen From Far Away" wrote about political activities of this historical figure and his contribution to development of society.

•●● Well-known Russian writer Mikhail Bulgakov in his story "Flame of the Khan" wrote about a lust for power which makes a man selfish person, snob and vindictive. The author described characters who turned away from their motherland and nation on the way to power.

•●● On the rubric "A Tribune of Editor-in-chief" an author analyzes an economical situation of modern world, especially, real social conditions of our country in period of economical and political changes and the role and importance of such organizations as international financial organization, international currency fund in this period, positive and negative aspects in co-operation with them.

•●● It is hard to imagine German poetry of XVIII century without works by Fridrikh Shiller. He was a painter of German soul. His poems with strong influence of Romanticism and philosophical views had a big effect in European literary. You can read some of them in translation by Uzbekistan People's Poet Omon Matjon.

•●● Rasul Hamzatov was a shining star of poetry of XX century. He is a son of Avar people, but all Turkic nations, including Uzbek people love him and read again and again his great poems. Most of his works were translated by different translators and published and this tradition is going on today. Popular poet Minhojiddin Mirzo in his article "One of Universities" wrote about influence of Rasul Hamzatov to views of Uzbek intelligence and Uzbek poetry.

Jahon
ADABIYOTI
Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal

Навбатчи муҳаррир: М.МУҲАММАДАМИНОВА
Техник муҳаррир: Ғ.ЎНАРОВ
Мусаҳҳих: Я.ЭМИНОВА
Компьютерда саҳифаловчи: М.АЛИЕВА

ИНДЕКС 828, 829
2007 йилда №0252 рақами билан лицензия олинган.
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №189.
Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.
"Жаҳон адабиёти" журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда ва кайта нашр этишда тахририятнинг ёзма розилиги олиниши шарт.

Тахририят манзили:
100066, Тошкент, Алишер Навоий номидаги Миллий
боғ ҳудудида жойлашган Адиблар хиёбони.
Телефонлар: (0371) 231-23-54, 231-23-56, 231-23-57.
Сайт: www.jahonadabiyoti.uz
E-mail: jahonadabiyoti@list.ru

Босишга рухсат этилди 06.11.2019 й. Бичими 70x108 1/16. Офсет қоғози.
Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.
Адади 1586 нусха. 684 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.
"Жаҳон адабиёти" журнали компьютер марказида
терилиб, "Sharq" НМАКда чоп этилди.

Босмахона манзили:
100000, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

© Жаҳон адабиёти, 2019 й.

ҲАМКОРИМИЗ – “DELTA-QURMAH” МЧЖ


“Delta-Qurmah” масъулияти чекланган жамияти уй ва офис, дўконлар ва савдо марказлари, кафе ва ресторанлар, интерьер ва ландшафт дизайни учун металл конструкцияларнинг кенг ассортиментини таклиф этади: деворлар, дарвозалар, эшикчалар, панжаралар, зина ва балкон учун гулли тўсинлар, гулдонлар, гултуваклар учун безакли вазалар, интерьер предметлари ва бошқа жиҳозлар.

Ушбу маҳсулотларни намуналар бўйича ҳамда индивидуал дизайн асосида тайёрлаш имконияти бор.

DELTA-QURMAH



Кр. 19006 г. м/н.



Эль Греко.
"Туғилиш"

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!
Журналнинг обуначиларга етказилишида муаммо пайдо бўлса, қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:
Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй. Тел.: (0371) 233-60-78, 233-67-98.

Муқовамизда:
Эль Греко.
"Мўйна кийган аёл"